

А. ОМИРОВ, А. КАЮМОВ

# МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ



А.Й. ОМИРОВ, А.Х. ҚАЮМОВ

# МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
Вазирлиги томонидан 5140900- Касб таълими (Технологик  
машиналар ва жиҳозлар) йўналиши бўйича таҳсил  
олаётган олий ўқув юртлари талабаларига ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган

“

34.5  
О 65

Тақризчилар: Фарғона политехника институти «Машинасозлик технологияси» кафедраси мудири, т.ф.д., профессор А. МИРЗАЕВ, т.ф.д., профессор Н. БОЙБОБОЕВ, ТДТУ машинасозлик технологияси кафедраси доценти У. ХОЛИҚБЕРДИЕВ

Машинасозлик технологияси: Олий ўқув юртларининг машинасозлик йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалари учун ўқув қўлланма. Т.; «ЎАЖБНТ» 2003. 380 б.

ISBN 5-640-03175-1

Мазкур ўқув қўлланмада машинасозлик технологиясининг назарий асослари баён қилинган, машиналарни ишлаб чиқариш, механик ишлов беришда хатоликлар ва уларни ҳисоблаш усуллари, технологик тизимларнинг аниқликка ва унумдорликка таъсири, механик ишлов беришда аниқликни таъминлаш, технологик ўлчамларни ҳисоблаш, машинасозлиқда базалар ва базалаш, механик ишлов беришда қўйим қатламлари ва тежамли технологик жараёнларни лойиҳалаш масалалари ёритиб берилган


Машина деталларининг сиртларига ишлов бериш, машиналарнинг турдош деталларига механик ишлов беришнинг комплекс технологиялари, деталларга ишлов беришнинг замонавий усулари, машиналарни йигиши технологиялари тўгрисида маълумотлар берилган.

Ўқув қўлланма 5140900 — Касб таълими (Технологик машиналар ва жиҳозлар йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган.

ББК 34.5.я73

О 270100000 - 65 2003  
M351(04)2003

© «ЎАЖБНТ» Маркази, 2003 й.  
© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2003 й.



«Юқсак малакали мутахассислар

тараққиёт омили»

**И.А. Каримов**

## СҮЗ БОШИ

Инсон дунёга келибдики, эзгуликка ва тараққиётта интилиб келган. У ўз турмуш тарзи, миллати, давлати гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилган, ўз билимини оширган.

Ўзбекистонимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун етук кадрларни тайёрлаш, уларга илм-фаннынг энг илфор ютуқлари орқали билим беришда Президентимиз айтганларидек «... кучли руҳий қувват берадиган миллий маданиятимиз, Шарқ фалсафасининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд бўлиш муҳимдир».

Муҳтарам ўқувчи, мустақилликка эришилгандан буён ўтган қисқа даврдаги ютуқларимизни ривожлантириш сизлардан чуқур билим олишларингизни ва келажакда жаҳон бозорига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан сифатли, рақобатбардош маҳсулот билан чиқишилaringизни талаб қилади.

Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларига янги техники-кани етказиб берадиган машинасозлик мамлакатнинг техник жиҳатдан ривожланишини белгилайди ва янги мустақил республикамизнинг моддий базасини яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун машинасозликни ривожлантиришга ҳар доим ҳам биринчи даражали аҳамият берилган ва берилмоқда. Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ Асакада «ЎзДЭУ Авто» қўшма корхонасининг қурилиши ва бу корхонада енгил автомобилларнинг, Самарқандда «Сам Koch Авто» қўшма корхонасида микроавтобус ва юқ ташувчи автомобилларни ишлаб чиқарила бошланиши ва бошқалар бундан далолат бермоқда.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Юқсак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. Т., «Ўзбекистон», 1995 йил

Юқори унумли, автоматлаштирилган ва юқори аниқликка эга бўлган такомиллашган янги машиналарни фаннинг энг янги ютуқлари асосида узлуксиз равишда яратиш юқори малакали чуқур билимга эга бўлган ва янги техника ва ишлаб чиқариш технологиясини мукаммал биладиган мутахассисларни тайёрлашни талаб қиласди.

Машинасозлик технологиясининг мустақил фан сифатида ривожланиши технологик ва техник фанларнинг мажмуасига кенг кўламда таянади. Ўқувчи конструкцион материаллар технологияси, материалшунослик, метрология, ўзаро алмашинувчанлик ва стандартлаштириш соҳасида яхши тайёргарликка эга бўлиши ҳамда машиналарни лойиҳалаш асослари бўйича курсни тўлиқ билиши керак.

«Машинасозлик технологияси» фанининг асосий foяси деталларни тайёрлашда ва машинани йиғишида технологик жараённи ишлаб чиқишини билишдан иборат. Ушбу ўқув қўлланмада машинасозлик технологиясининг назарий асослари баён қилинган, машиналарни ишлаб чиқариш, механик ишлов беришда хатоликлар ва уларни ҳисоблаш усуллари, технологик тизимларнинг аниқликка ва унумдорликка таъсири, механик ишлов беришда аниқликни таъминлаш, технологик ўлчамларни ҳисоблаш, машинасозликда базалаш ва базалар, механик ишлов беришда қўйим қатламлари ва тежамли технологик жараёнларни лойиҳалаш масалалари ёритиб берилган. Машина деталларининг сиртларига ишлов бериш, тармоқ машиналарининг турдош деталларига механик ишлов беришнинг комплекс технологиялари, деталларга ишлов беришнинг замонавий усуллари ва машиналарни йиғиш технологиялари тўғрисида маълумотлар берилган.

Ўқув қўлланма материаллари муаллифлар томонидан олий ўқув юртларида кўп йиллардан буён ўқиб келинаётган бир қатор маъруза курсларини қамраб олган, уларнинг йифиндиси «Машинасозлик технологияси» ни фан сифатида ташкил қиласди. Булардан муаллиф А.Х. Қаюмовнинг «Тармоқ машинасозлик технологияси» фанидан маърузалар матни республика олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган танловда иштирок этган ва талабаларга фойдаланиш учун тавсия қилинган («Маърифат» газетасининг 2001 йил 13 январ 4-сони ва 2002 йил 5 октябрь 79-сони).

Ушбу ўқув қўлланма ҳар бир курсни тўла баён қилишга даъвогарлик қилмайди, лекин улар тўғрисида керакли тасаввурларни беради ва бу тасаввурларни маҳсус адабиётлар ёрдамида кенгайтириш мумкин бўлади.

Ўқув қўлланманинг I-VIII боблари А.Й. Омиров, IX-XXIX боблари А.Х. Қаюмов томонидан ёзилган.

Ўқув қўлланмадан олий ўқув юртларининг 5140900 — Касб таълими (Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш), 5520600 — Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш ва 5520700 — Технологик машиналар ва жиҳозлар ҳамда касб-хунар колледжларининг 010001 — Металларга ишлов бериш таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар ўқув қўлланмани яратишда ҳомийлик ёрдамини берган «Электр қурилмалари» корхонаси ва «Намангандаш» ҳиссадорлик жамияти жамоасига ҳамда қўлёзмани кўриб чиқиб ўзининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирган Ў. Мўминовга ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

## **КИРИШ**

Техник тараққиёт ривожланган сари такомиллаштирилган, юқори аниқликка эга бўлган машиналарни ишлаб чиқариш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун чукур билим ва қўнікмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни вақт тақозо этмоқда.

Машинасозлик ишлаб чиқаришининг ривожланиб бориши натижасида янги техник фан – «Машинасозлик технологияси» фани пайдо бўлди. «Машинасозлик технологияси» белгиланган муддатда, ишлаб чиқариш дастури асосида аниқланган миқдорда, кам меҳнат сарф қилган ҳолда ва таннархи арzon бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўғрисидаги фандир.

Машинасозлик технологияси фани ўзининг ривожланишида бир нечта босқичлардан ўтган.

Биринчи босқич 1929-1930 йиллардаги даврни ўз ичига олади. Бу даврга келиб жаҳон бўйича машиналарни тайёрлаш соҳасида бир қанча тажрибалар йиғилиб қолган эди. Журналларда, каталог ва рисолаларда деталларга ишлов бериш жараёнларининг ва уларда қўлланиладиган жиҳозлар ва асбоб-ускуналарнинг баёни келтирилган эди. Дастлабки қўллэзмалар ва лойиҳалаш ташкилотларининг меъёрий хужжатлари нашриётларда чоп этилди.

Иккинчи босқич 1930 — 1941 йиллардаги даврни ўз ичига олади. Иккинчи жаҳон урушигача бўлган бу давр мобайнида ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган тажрибаларни йиғиб, улар умумлаштирилган бўлиб, маълум бир тизимга келтириш ва технологик жараённи қуришда умумилмий тамойилларни ишлаб чиқиш ишлари бошланган эди.

1933—1935 йилларда А.П. Соколовский, А.И. Каширин, В.М. Кован, А.Б. Яхин ва бошқаларнинг тизимлаштирилган илмий ишларининг нашр этилиши билан машинасозлик технологияси фан сифатида шаклдана бошлади, деб қараса бўлади.

Бу даврда технологик жараёнларни туркумлаштириш тамойиллари ишлаб чиқилиб, ва амалга тадбиқ этила бошлади. Шу билан бирга заготовкага ишлов беришда базалаш назарияси, ўлчам занжирлари, қўйим қатламларини ҳисоблаш, технологик тизимнинг бикирлигини, унинг хатоликларини аниқлаш усуллари ва бошқа муаммолар ҳал қилина бошлади.

Учинчи босқич 1941—1970 йилларга тўғри келади. Бу давр ичида машинасозлик тез ривожланиб борди. Уруш давридаги ҳарбий техникани серияли ва оммавий шароитда оқим бўйича тайёрлаш, операцияларни дифференциялаш ва концентрациялаш тамойилларини амалий жиҳатдан синааб кўриш, металларга ишлов бериш тезлигиги ошириш, қайта созланадиган технологик мосламаларни ва бошқа бир қатор техникавий янгиликларни қўллаш учун чуқур илмий таҳлил ва назарий ишлар амалга оширилди.

Бу йилларда заготовкага ишлов беришдаги хатоликларни замонавий усулда ҳисоблаш ва аниқлаш (математик статистика ва эҳтимоллар назарияси асосида), технологик тизимнинг бикирлиги ва унинг аниқликка ҳамда унумдорликка тъсири ўрганилди.

Бу давр ичида серияли ишлаб чиқариш шароитида заготовкаларга ишлов беришнинг оқим бўйича ва автоматлаштирилган технологик жараёнини ташкил этишининг муаммолари ҳал қилина бошланди. Проф. С.П. Митрофанов томонидан технологияни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг гурухли усули ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди. Ҳажмий ва тоза ишлов беришда пластик деформациялаш, электрофизик ва электрокимёвий усуллари кенг кўламда қўлланила бошланди.

Тўртинчи босқич 1970 йилдан ҳозирги вақтгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда технологик жараёнларни лойиҳалашда ЭҲМ дан кенг миқёсда фойдаланиш ва ме-

ханик ишлов бериш жараёнларида математик моделлаштириш қўлланила бошланган эди.

Шу давр ичиди сонли дастур билан бошқариладиган (СДБ) дастгоҳларда механик ишлов бериш, программа-лаштириш ва автоматлаштириш, ТЖ АЛТ ни жорий этиш ривожланди (ТЖ АЛТ-технологик жараёнларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими).

ЭҲМ ни, операцияларо транспорт ва назорат воситаларини автоматлаштиришни, робототехникани қўллаш асосида мосланувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқариш тизимларини яратиш бўйича ишлар авж ола бошлади.

Машинасозлик технологияси ривожланаётган саноатнинг талабига биноан ўзгарадиган амалий фандир. Проф. А.П.Соколовский айтганидек, технология тўғрисидаги билим цехда туғилган ва шунинг учун ҳам ундан ўзгармаслиги керак, акс ҳолда технологиянинг иши унумсиз бўлади.

Машинасозлик технологияси амалий фан бўла туриб, шу билан бирга технологик жараёнларни туркумларга ажратиш ва гуруҳли ишлов бериш, технологик тизимнинг бикирлиги, ишлов бериш жараёнининг аниқлиги, заготовкага ишлов беришда ўлчамларнинг ёйилиши, жиҳозларнинг ва технологик мосламаларнинг хатоликлари, ишлов беришда қўйим қатламлари, унумдорликни ва технологик жараёнларнинг самарадорлигини ошириш, конструкторлик ва технологик базаларни базалаш назарияси ва бошқалар тўғрисида салмоқли назарий асосга эга.

Машинасозлик технологияси муҳандислик ва илмий фанларнинг мажмуаси бўлиши билан бирга ушбу фанларнинг ижобий ютуқларига боғлиқ равишда ривожланади. Машинасозлик технологиясининг асосий вазифаси талабга жавоб берадиган сифатли машиналарни тайёрлаш, яни техник муаммоларни синтез қилиш ва ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишdir.

Машинасозлик технологияси фани кесиши назарияси, металл кесиши дастгоҳлари ва асбоб-ускуналари, метрология, андозалаш ва ўзаро алмашинувчанлик, материалшунослик ва термик ишлов бериш фанлари билан жуда яқиндан боғланган ва уларга асосланган.

Машинасозлик фани энг ёш фан бўлишига қарамай, у жуда тез ривожланмоқда. Бунга сабаб янги техника ва са-

ноат ишлаб-чиқаришининг такомиллашиб бораётганлигидир. Шунинг учун ҳам машинасозлик технологияси узлуксиз равишда ривожланиб боради ва унинг мазмунин янгиликлар билан бирга бойитила боради. Мамлакатимизнинг шу соҳадаги етакчи олимлари, жумладан, т.ф.д., профессорлар Ж.Е. Алиқулов, Л.В. Перегудов, Р.Г. Маҳкамов ва А. Мирзаев машинасозликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Машинасозлик технологияси олий ўқув юртларида фан сифатида деталларга механик ишлов бериш, машина ва жиҳозларни йигиш ва уларни таъмирлаш масалаларини кўриб чиқиши билан чегараланади.

Машинасозлик технологияси — асосий касбий фан ҳисобланиб, шу соҳадаги мутахассисларни тайёрлашда конструкторлик, технологик ва механик — йигув ишлаб чиқариш фаолиятида зарур бўлган билим ва қўникмаларни шакллантиришда асос бўлади.

# МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

## І б о б

### МАШИНАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

#### 1.1. Машина ишлаб чиқариш объекти сифатида

**Машина** бирор бир энергияни бошқасига айлантирадиган ёки фойдали иш бажарадиган мақсадли ҳаракат қилувчи механизм ёки механизмлар мажмуасидир. Ўз вазифасига асосан машиналар икки синфга бўлинади: бир турдаги энергияни иккинчи тур фойдали энергияга айлантирадиган **машина двигателлар** ва иш обьектининг шаклини, хоссаларини ва ҳолатини ўзгартирадиган **иичи машиналар**.


**Маҳсулот** — ишлаб-чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариладиган буюмлардир. Маҳсулотлар ўз вазифасига биноан асосий ва ёрдамчи маҳсулотларга бўлинади.

Корхонадан ташқарига сотиладиган маҳсулот асосий маҳсулот ҳисобланади, корхона ўз зарурияти учун ишлатадиган маҳсулотлар эса ёрдамчи маҳсулотлар қаторига киради.

Стандарт бўйича маҳсулотларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

**Детал** — бир жинсли ва бир маркали материалдан йиғиш операцияларисиз тайёрланган маҳсулот. Йиғиш жаёніда иштирок этадиган ҳар бир деталнинг туташадиган ва туташмайдиган сиртлари мавжуд бўлади. Агар деталнинг туташадиган сиртларидан бири бошқа детал сирти билан туташиб, олдинги деталга йўналиш берса, бу сирт асосий база дейилади, лекин кейинги қўшилаётган деталга йўналиш берадиган сирт эса ёрдамчи база дейилади.

**Базавий деталлар** деб йиғма бирликдаги бошқа деталларнинг тегишли равишда нисбий ҳолатини белгиловчи, боғловчи звено вазифасини бажарувчи базавий сиртларга эга бўлган деталларга айтилади.



1.1-расм. Йиғиш элементларининг схемаси

**Йиғма бирлик (узел)** — бу алоҳида йиғилиб ва кейинчалик йиғиши жараёнида яхлит ҳолда иштирок этувчи маҳсулотнинг бир қисмидир.

Маҳсулотни умумий йиғиши жараёнида бевосита иштирок этувчи узелларга биринчи тартибли йиғма бирликлар деб аталади. Биринчи тартибли йиғма бирлик таркибиға кирадиган йиғма бирлик иккинчи тартибли йиғма бирлик дейилади ва ҳ.к. Айрим ҳолларда алоҳида деталлар ҳам бевосита ҳар қандай тартибли йиғма бирликлар таркибиға кириши мумкин (1.1-расм).

Йиғилган маҳсулот нолинчи тартибли йиғма бирлик бўлиб ҳисобланади.

Йиғма комплект деб маҳсулотни ёки унинг таркибий қисмини йиғиши учун иш жойига етказиб бериладиган маҳсулотнинг таркибий қисмлари гуруҳига айтилади.

Машинасозлик корхоналарида алоҳида машиналар ва уларнинг қисмидан ташқари ишлаб чиқариш обьекти ҳисобланган маҳсулотларнинг комплекси ва комплекти бўлиши мумкин.

**Комплекс** — маҳсулотнинг икки ёки ундан ортиқ ихтинослаштирилган қисмлари бўлиб, улар ушбу маҳсулотни тайёрловчи корхонада йиғиши операцияси орқали бир-бири билан бириктирилмайди, бироқ ўзаро боғлиқ бўлган эксплуатацион функцияни бажариш учун мўлжалланган

бўлади. Масалан: автоматик оқим, цех — автомат, СДБ (сонли дастур билан бошқариладиган) дастгоҳларнинг панеллари ва бошқалар.

**Комплект** — икки ёки ундан ортиқ маҳсулотдан иборат бўлиб, улар ишлаб чиқариш корхонасида йиғиш операцияси орқали ўзаро биринтирилмаган буюмлар тўпламидан иборат бўлади ва ёрдамчи хусусиятга эга бўлган умумий эксплуатацион вазифани бажариш учун мўлжалланган бўлади. Масалан: эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар, ўлчаш воситалари тўплами ва шунга ўхшашлар.

**Конструкторлик йиғма бирлик** деб мустақил йиғиш шароити унчалик аҳамиятга эга бўлмаган, фақат функционал иш вазифасини бажариш ҳолатига асосланиб лойиҳаланган йиғма бирликка айтилади. Масалан, газ тақсимлаш механизми, ёнилғи хом ашёси, юрадиган ва двигателнинг мой ҳайдайдиган тизимлари ва ш.к.

**Технологик йиғма бирлик** ёки узел деб маҳсулотнинг бошқа таркибий қисмларидан алоҳида ҳолда йиғилиши мумкин бўлган, лекин ўз вазифасини фақат маҳсулотнинг бошқа таркибий қисмлари билан биргаликда йиғилганда-гина бажариши мумкин бўлган йиғма бирликка айтилади. Масалан, дастгоҳларнинг алоҳида қисмлари (суппорт, стол, тезликлар кутиси, суришлар кутиси, олдинги ва кетинги бабкалар ва ш.к.).

Маҳсулотда ўз хизмат вазифасини бажариб ва мустақил йиғиш тамойилига жавоб берадиган йиғма бирликкниң конструкцияси оптималь ҳисобланади ва у **конструкторлик-технологик** йиғма бирлик деб аталади.

Маҳсулотларни шундай йиғма бирликлар билан лойиҳалаш тамойили агрегатли ёки блокли йиғма бирлик дейилади.

Конструкторлик-технологик йиғма бирликлардан агрегатлар ташкил топади. Буларга насослар, узатиш ёки тезликлар кутилари ва бошқалар киради.

**Агрегат** деб маҳсулотнинг қисмлари алоҳида йиғилганига қарамасдан тўла ўзаро алмашувчанликка эга ва шу билан бирга ўз вазифасини маҳсулотда ёки мустақил равишда бажариш имкониятига эга бўлган йиғма бирликка айтилади. Агрегатлардан йиғилган маҳсулот агрегатли ёки модулли дейилади.

Агрегатли (модулли) тамойил асосида лойиҳаланган ва тайёрланган маҳсулотлар, албатта, юқори даражадаги техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлади. Агрегатли (модулли) маҳсулотлар эксплуатация ва таъмирлаш вақтида қулайликка ҳам эга, йиғиш муддати уларда анча қисқа бўлади.

Машиналарнинг сифатини аниқлайдиган умумий кўрсаткичлар мавжуд. Шулар қаторига машинанинг ишлаш қобилияти ва маҳсулотнинг белгиланган хизмат вазифасининг берилган параметрларини техник меъёрий ҳужжатлар чегарасида сақлаган ҳолда ишлай олиш имкониятлари киради. Шу билан бирга замонавий машинанинг асосий тавсифларидан бири унинг пухталиги ҳисобланади.

**Пухталик** деб маҳсулотнинг вақт давомида ўз иш қобилиятини сақлаш хусусиятига айтилади.

**Бузилиш** деб маҳсулотнинг иш қобилиятини бирдан йўқотишига айтилади.

Маҳсулотнинг бузилишига қадар вақт (соат ҳисобида) маҳсулотнинг ишлаш муддати бўлиб, у тасодифий миқдордир.

Маҳсулотнинг хизмат муддати маҳсулотнинг чегаралangan регламент ҳолатига етиши (четки ейилиш) орқали аниқланади ва уни **ресурс** дейилади.

**Ресурс** маҳсулотнинг рухсат этилган хизмат муддати бўлиб, соат билан аниқланади. Ресурс тасодифий эмас, аксинча, маҳсулотнинг рухсат этилган иш муддати бўлиб, унинг чидамлилигини белгилайди.

Маҳсулотнинг пухталиги умумий хоссага эга бўлиб, бузилмасдан ишлаш ва чидамлилик тушунчаларини ўз ичига олади.

**Чидамлилик** деб маҳсулотнинг ишлаши мумкин бўлган чегарали ҳолатига етишигача ўз иш қобилиятини сақлай олиш хусусиятига айтилади. Бунда маҳсулотни эксплуатация қилиш даврида белгиланган техник хизмат ва таъмирлаш тизими асосида унинг иш қобилияти сақлаб турилади.

Машинанинг сифатини эксплуатация кўрсаткичларидан ташқари таъмирлашда, тайёрлашда ва эксплуатация давридаги тежамлилик, иқтисодий ва технологиявийлик

күрсаткичлар тизими аниқлади. Булардан бири иш ҳажмидир, яъни нормал интенсивликда меҳнат қилиб маҳсулотни тайёрлаш вақтини соат бўйича аниқланишига айтилади.

Маҳсулотнинг барча деталларини тайёрлаш учун дастгоҳларнинг ёки бошқа жиҳозларнинг банд бўлиш давомийлигини дастгоҳларнинг ишлаш вақти аниқлади.

Маҳсулотни таъмираш ёки тайёрлаш жараёнининг бошидан охиригача кетган вақт интервалига **ишлаб чиқариш цикли** деб айтилади.

Замонавий машиналар ёки ускуналарни тайёрлаш ва барча ишлаб чиқариш жараёнини аниқ ташкил қилиш учун ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан тайёрлаш (ИЧТЖТ) талаб қилинади.

## **1.2. Ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан тайёрлаш**

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни шу корхонада тайёрлаш ёки таъмираш учун барча ишлаб чиқариш қуроллари ва одамлар ҳаракатларининг йифиндиси ишлаб чиқариш жараёнига киради. Ишлаб чиқариш жараёнининг таркибига маҳсулотни тайёрлаш ва йифиш, сифатни назорат қилиш, сақлаш ва тайёрлаш давомидаги барча ҳаракатлар, иш жойини ва участканинг таъминлашини ва хизмат вазифасини ташкил этиш, ишлаб чиқаришнинг барча бўлимларини бошқариш ҳамда ишлаб чиқаришни ҳар томонлама техник жиҳатдан тайёрлаш ишлари киради. Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан тайёрламасдан туриб рационал ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш мумкин эмас.

**Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан тайёрлаш.** Бу жараён қуйидагиларни ўзи ичига олади: конструкторлик, технологик ва ишлаб чиқариш жараёнини календар режалаштириш.

Ишлаб чиқаришни **конструкторлик жиҳатдан тайёрлаш** машина конструкциясини ишлаб чиқиш ва маҳсулотнинг умумий йиғма чизмасини, унинг алоҳида деталларининг ва йиғма элементларининг чизмаларини яратиш ва ишлаб чиқаришни керакли конструкторлик хужжатлар билан таъминлашдир.

Ишлаб чиқаришни **технологик жиҳатдан тайёрлаш**, яни маҳсулотни белгиланган муддатда, кўрсатилган сифатда, белгиланган ҳажмда ва белгиланган харажатлар билан ишлаб чиқариш учун корхонани технологик жиҳатдан тайёрлашни таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган жараёнлар йигиндиси тушунилади.

**Календар режса** деб ишлаб чиқариш жараёнини кам сарф билан, керакли ҳажмда ва кўрсатилган муддатда маҳсулот ишлаб чиқаришга айтилади.

Техник жиҳатдан ишлаб чиқаришни масъулиятли ва кўп меҳнат сарфланадиган қисми технологик лойиҳалашdir, унинг иш ҳажми умумий техник тайёргарлик иш ҳажмининг 30-40% ни ташкил қиласди (якка тартибли ишлаб чиқаришда). Серияли ишлаб чиқаришда бу кўрсаткич 40-50% ва оммавий ишлаб чиқаришда 50-60% ни ташкил қиласди; бунинг сабаблари — технологик жараённи лойиҳалашда маҳсулотнинг ҳажмини ошириш билан унинг иш ҳажмининг ҳам ошиши, яни серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда технологик хужжатларнинг атрофлича синчиклаб таҳлил қилиб ёзилиши ва ундан ташқари технологик жиҳозларнинг бирмунча мураккаблашиши таъсир қиласди.

Аксарият ҳолатларда технологик лойиҳалашнинг иш ҳажми машинанинг конструкциясини яратишдаги иш ҳажмiga боғлиқ бўлади.

#### 1. 1-жадвал

#### Машинанинг конструкциясини яратиш ва технологик жараённи лойиҳалашнинг иш ҳажми

Маҳсулот	Машина конструкциясининг иш ҳажми		Технологик жараён ва жиҳозларни лойиҳалашнинг иш ҳажми	
	Соат	Фоиз	Соат	Фоиз
Кўприкли кран	10433	100	43710	420
Экскаватор СЭ-3	51575	100	54481	183
Занжирли трактор	125000	100	620000	496

**Технологик жараён ва унинг тузилиши.** ГОСТ 3.1109-82 га асосан технологик жараён ишлаб чиқариш жараёни нинг қисми бўлиб, бунга меҳнат предметининг ҳолатини, ўлчамларини, шаклини, ички хусусиятларини ўзгартириш киради.

**Технологик жараён (ТЖ)** ГОСТ 14.301-83 га биноан қуйидагиларни ўз ичига олади: ТЖ ни ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш; гурухли ёки туркумли жараёнларни танлаш ёки якка тартибли ТЖ га ўхшашини қидириш; дастлабки заготовкани ва уни тайёрлаш усулларини танлаш; технологик базаларни танлаш; ишлов беришнинг технологик маршрутини тузиш; технологик операцияларни ишлаб чиқиш; операциядаги ўтишларнинг кетма-кетлигини аниқлаш ва ишлаб чиқиш; операцияларнинг технологик жиҳозланиш воситаларини (ТЖВ) танлаш; ТЖВ нинг керакли сонини ва турини аниқлаш; янги ТЖВ га буюртма бериш ва шу билан бирга техник воситаларни синаш ва назорат қилиш; механизациялаш ва автоматлаштириш жараёнлари воситаларининг элементларини ва цех ичидағи транспорт воситаларини танлаш; ишлов беришнинг режимларини ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш; технологик жараённи меъёрлаш; хавфсизлик техникаси талабларини белгилаш; технологик жараённинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш; ТЖ ни расмийлаштириш ва шунга ўхшаш.

Юқорида келтирилган ТЖ нинг умумий таърифини машинасозлик ишлаб чиқариш шароитига нисбатан қаралса, унда ТЖ ишлаб чиқариш жараёни нинг қисми бўлиб, ишлаб чиқариш предметининг ўлчамларини, ташқи кўришишини, шаклини ёки ички хоссаларини кетма — кетлик билан ўзгаришини ва уларни назорат қилишни ўз ичига олади.

**Технологик операция** – ТЖ нинг тугалланган қисми бўлиб, битта иш жойида узлуксиз бажарилади. Технологик операция ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ва режалашнинг асосий бирлиги бўлиб ҳисобланади.

Операция асосида маҳсулот тайёрлашнинг иш ҳажми, вақт меъёри ва уни белгилаш, талаб қилинадиган ишчилар, жиҳозлар, мосламалар ва асбоб-ускуналар сони ва ишлов беришнинг таннархи аниқланади, шу билан бирга

ишлиб чиқаришнинг календар режаси ҳамда сифатни назорат қилиш ва ишни бажариш муддатини ишилаб чиқилади.

**Технологик операциялардан ташқари ёрдамчи операциялар** (транспорт, назорат, тамғалаш, қириндилардан тозалаш ва бошқалар) ўлчамларни, сирт шаклини, сиртнинг кўринишини ва ишлов берилаётган маҳсулотни хусусиятларини ўзгартирмайди, лекин технологик операцияни бажариш учун зарур ҳисобланади.

**Ўрнатиш** технологик операциянинг бир қисми бўлиб, унда ишлов бериладиган заготовкани бир марта маҳкамланган ҳолда ишлов берилади.

**Ўрин (позиция)** — ишлов берилаётган заготовканинг асбоб-ускунага ёки жиҳозга нисбатан ўзгармайдиган ҳолатидир.

**Технологик ўтиш** — технологик операциянинг тугалланган қисми бўлиб, қўлланилаётган асбоб — ускунанинг ва ишлов беришдан ҳосил бўлаётган сиртнинг ўзгармаслиги билан характерланади. Ишлов бериш даврида заготовкага битта технологик ўтишнинг ичидаги дастгоҳнинг иш режимининг автоматик равишда ўзгаришини сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларда ишлов беришда амалга оширилади.

Одатдаги металл кесиш дастгоҳларда технологик ўтишларни дастгоҳларнинг ўзгармас иш режимида бажарилади.

**Ёрдамчи ўтиш** деб ишчиларнинг ва жиҳозларнинг ҳаракатларидан иборат бўлиб, сиртларнинг шакли, ўлчами, ғадир-бутиклилари ўзгармасдан технологик ўтишни бажариш учун зарур ҳисобланган технологик операциянинг тугалланган қисмiga айтилади.

**Ишчи юриш** — технологик ўтишнинг тугалланган қисми бўлиб, бунда заготовкага нисбатан асбоб-ускунанинг бир маротаба силжишидан сиртнинг шакли, ўлчамлари ва сифати ёки заготовканинг хоссаларида ўзгариш юз беради.

**Ёрдамчи юриш** — технологик ўтишнинг тугалланган қисми бўлиб, бунда заготовкага нисбатан асбоб-ускунанинг бир карра юриши натижасида сиртнинг шакли, ўлчамлари ва сифати, заготовканинг хоссалари ўзгармайди.

ди, лекин ёрдамчи юриш ишчи юришни тайёрлаш учун зарур ҳисобланади.

**Ҳаракат (приём)** – ишчининг технологик ўтишни ёки унинг бир қисмини бажаришида қўллайдиган ва ягона мақсадга қаратилган вазифада мужассамлашган ҳаракатларининг тугалланган йиғиндисидир.

### **1.3. Ишлаб чиқариш турларининг технологик тавсифи**

Берилган ишлаб чиқариш шароитида ТЖ ни лойиҳа-лашнинг асосий тамойилларидан бири техник, иқтисодий ва ташкилий масалаларини биргаликда ҳал этишдир. Лойиҳаланаётган ТЖ маҳсулотнинг аниқлигини ва сифатига қўйилган барча талабларни энг кам меҳнат сарф қилинган ҳолда минимал таннархда ҳамда ишлаб чиқариш дастурида белгиланган ҳажмда ва муддатда таъминлаши керак.

Замонавий ишлаб чиқариш **якка тартибли, серияли ва оммавий** ишлаб чиқариш турларига бўлинади.

**Якка тартибли ишлаб чиқаришда** тайёрланаётган маҳсулотнинг кенг номенклатурада, кам ҳажмда (ҳажм деғанда корхонанинг режаланган вақт оралиғида маълум бир миқдордаги, номдаги, ўлчамдаги, ўлчамлар тоифаси бўйича маҳсулотни ишлаб чиқариши тушунилади). Маҳсулотнинг ҳажми оз бўлиб, технологик операцияни бажариш жойига саноқли (бирлар ва ўнлар билан ҳисобланади) заготовка келади. Иш жойида тез-тез такрорланиб турадиган ёки умуман такрорланмайдиган турли хилдаги технологик операциялар бажарилади. Бунда юқори аниқликка эга бўлган жиҳозлар ишлатилади ва улар технологик гуруҳлар, яъни токарлик, фрезерлик, пармалаш, тиш кесиш ва бошқа участкалар асосида цехда жойланади.

Якка тартибли ишлаб чиқаришда талаб қилинган аниқлик **синов юриш ва ўлчаш усули** билан аниқланади; детал ва узелларнинг ўзаро алмашинувчанилиги аксарият ҳолда амалга ошмайди, шунинг учун ўлчамларни жойида келтириш кенг қўлланилади; ишчилар юқори малакали бўлиш шарт, чунки маҳсулотнинг сифати уларнинг малакасига боғлиқ; технологик хужжатлар қисқартирилган ва содда-

лаштирилган бўлади; техник меъёрлар қўлланилмайди; меҳнатни тажрибавий-статистик усулда меъёrlаш қўлланилади.

**Оммавий ишлаб чиқариш** деб маҳсулотни тор номенклатура ва катта ҳажмда узоқ муддат ичидаги узлуксиз тайёрлашга айтилади.

ГОСТ 3.1108-74 га асосан оммавий ишлаб чиқаришда операцияларнинг бирикиш коэффиценти  $K_{o_b}$  бирга тенг, яъни ҳар бир иш жойига биттадан технологик операция доимий равишда бириктирилган бўлиб, унумдорлиги юқори бўлган маҳсус жиҳозлардан фойдаланилади ва ушбу жиҳозлар оқим бўйича (яъни, технологик жараённинг кетма-кетлиги бўйича) жойлашган бўлади. Заготовкаларга юқори унумдорли қўп шпинделли автоматлар ва ярим автоматлар, сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар ва марказларда ишлов берувчи мураккаб дастгоҳларда ишлов берилади. Заготовкаларга механик ишлов бериш учун қўйим кам қолдирилади ва заготовканинг ўлчами детал ўлчамига яқин бўлади.

Талаб этилган ўлчам аниқлиги автоматик равишда созланган дастгоҳларда олинади. Оммавий ишлаб чиқаришда ишчининг ўртача малакаси якка тартибли ишлаб чиқаришдаги ишчининг ўртача малакасидан паст; созланган дастгоҳ ва автоматларда нисбатан қўйи малакали ишчи операторлар ишлайди. Шу билан бир қаторда цехларда малакали созвончи ишчилар, электронли техника ва пневмогидроавтоматика бўйича мутахассислар ҳам ишлайди.

Оммавий ишлаб чиқаришда технологик хужжатлар ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқилади ва техник меъёрлар эса ҳар томонлама ҳисобланиб алоҳида синааб кўрилади.

**Серияли ишлаб чиқаришга** маҳсулот номенклатураси чегараланган, даврий равишда такрорланиб турадиган партияларда ва нисбатан қўп миқдорда маҳсулотни тайёрлаш киради.

Партиядаги маҳсулотнинг сонига ва операцияларнинг бириктириш коэффицентига қараб **майда серияли, ўрта серияли ва йирик серияли** ишлаб чиқаришлар мавжуд.

Бир ой ичидаги бажариладиган барча технологик операциялар сонининг ишчи жойлар сонига нисбати орқали операцияларнинг бириктириш коэффиценти аниқланади.

ГОСТ 3.1108-74 га асосан операцияларнинг биринчи  
риш коэффицентига қараб:

$K_{0.6} \leq 1,0$  оммавий ишлаб чиқариш;

$1 < K_{0.6} \leq 10$  йирик серияли ишлаб чиқариш;

$10 < K_{0.6} \leq 20$  ўрта серияли ишлаб чиқариш;

$20 < K_{0.6} \leq 40$  майда серияли ишлаб чиқаришларга бўли-  
нади.

Серияли ишлаб чиқаришда универсал, маҳсуслашган  
ва қисман маҳсус жиҳозлар ишлатилади. Шу билан бирга  
ишлов берувчи марказлар, универсал-йигма ва қайта тез  
созланадиган технологик жиҳозлар ҳам кенг кўламда қўлла-  
нилади. Замонавий ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб се-  
рияли ишлаб чиқариш ҳисобланади. Чунки ҳозирги вақт-  
да серияли ишлаб чиқариш машинасозликда ишлаб чиқа-  
рилаётган маҳсулотларнинг 75-80 фоизини ташкил қиласди.

Йирик серияли ишлаб чиқаришда сонли дастур билан  
бошқариладиган дастгоҳлар, марказда ишлов берувчи да-  
стоҳлар, транспорт воситалари билан боғланган ва ЭҲМ  
билин бошқариладиган мосланувчан автоматлаштирилган  
тизимлар, тез қайта созланувчи мосламалар ва ускуналар  
кенг қўлланилади. Талаб этилган ўлчам аниқлиги автома-  
тик усулда ёки синов юриш ва ўлчаш усуллари билан оли-  
нади.

Ишчиларнинг ўртача малакаси оммавий ишлаб чиқа-  
ришдаги ишчиларнинг малакасидан юқори, лекин якка  
тартибли ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг малакасига  
нисбатан паст бўлади.

Мураккаб ва масъулиятли заготовка учун технологик  
хужжатлар ва техник меъёрлар чуқурроқ ишлаб чиқила-  
ди, лекин оддий заготовкалар учун хужжатлар сони камая-  
ди ва техник меъёrlаш тажрибавий статистика асосида  
олиб борилади.

### *Синов саволлари*

1. Машинасозлик технологияси қандай масалаларни ўз ичига ола-  
ди?
2. Технологик жараённинг тузилиши нималарни ўз ичига олади?
3. Технологик операция деганда нимани тушунасиз?
4. Ишлаб чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?

5. Ишлаб чиқаришнинг турлари қандай аниқланади?
6. Ишлаб чиқариш турларига қараб дастгоҳлар қандай танланади?
7. Ишлаб чиқариш турлари технологик жараёнга қандай таъсир кўрсатади?
8. Ёрдамчи ўтишнинг ёрдамчи суришдан фарқи нимадан иборат?
9. Ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан тайёрлаш деганда нимани тушунасиз?
10. Ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳатдан тайёрлашнинг вазифалари нималардан иборат?

## II бөб

# МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ ХАТОЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

## 2.1. Машинасозликда аниқлик ва унга эришиш усуллари

Машинасозлик ва асбобсозликнинг аксарият маҳсулотларининг аниқлиги улар сифатининг асосий тавсифидир. Деталларни тайёрлаш ва узелларни йиғишида аниқликни ошириш машина ва механизмларнинг ишлаш муддатини ва ишончлилигини оширади. Яқин ўтмишда машинасозликда миллиметрнинг бир неча юздан бир бўлак қисмига тенг допускка эга бўлган деталлар аниқлиги юқори деб ҳисобланган бўлса, ҳозирги вақтда айрим аниқ маҳсулотлар деталларининг аниқлиги бир неча микрометрда ва ҳаттоқи микрометрнинг ўндан бир улуши бўйича талаб қилинади. Золдирли подшипниклар деталларининг аниқлиги оширилиб, тирқишилар 20 мкм дан 10 мкм га камайтирилса, унинг ишлаш муддати 740 соатдан 1200 соатга ошади.

Дастлабки заготовканинг аниқлиги оширилса, механик ишлов беришнинг иш ҳажми камаяди, деталларга маханик ишлов бериш учун қолдирилган қўйимларнинг ўлчами кичкина бўлади ва ўз навбатида қириндininг камайиши ҳисобига металл ҳам тежалади.

Детал аниқлигининг оширилиши йиғиш вақтида ўлчамларни келтириш ишларини бартараф қиласи, детал ва узелларнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлайди.

*Деталнинг аниқлиги* деб деталнинг ўлчамлари, геометрик шакли, ишлов берилган сиртларининг ўзаро жойлашиши ва уларнинг ғадир-будирлик даражаси бўйича деталнинг ишчи чизмасидаги талабларига мос келишига айтилади.

Деталларнинг белгиланган аниқлигига бир-биридан фарқ қиласиган қуйидаги икки усуллардан бири билан эришиш мумкин: синов юриш ва ўлчаш усули ҳамда ўлчамларни созланган дастгоҳларда автоматик равишда олиш усули.

**Синов юриш ва ўлчаш усули.** Бу усулнинг мазмуни шундан иборатки, ишлов берилётган сиртга кесувчи асбоб келтирилиб, заготовканинг маълум бир қисмидан қиринди кесиб олинади, кейин дастгоҳ тўхтатилади ва ҳосил бўлган ўлчам ўлчанади. Бу билан чизмадаги ўлчамдан четга чиқиш катталиги аниқланади ва асбонинг ҳолатига зарур ўзгартиришлар киритилади. Заготовкага ишлов беришда бундай ёндашиш унга керакли ўлчам таъминлангунча давом эттирилади ва шундан кейингина заготовканинг бутун узунлиги бўйича ишлов берилади. Кейинги заготовкаларга ишлов беришда юқорида баён қилинган барча ҳаракатлар такрорланади. Айрим ҳолларда синов юриш ва ўлчаш усулида белги қўйиб чиқиш қўлланилади. Бу ҳолда дастлабки заготовканинг сиртлари маҳсус асбоблар (чиғицлар, штангенрейсмус ва бошқалар) орқали ингичка чизиқлар билан бўлажак деталнинг контури белгиланади. Белги қўйиб чиқилган контурлар бўйича ишлов беришда талаб этилган сирт шакллари олинади.

Бу усулнинг ўзига хос қуйидаги ижобий томонлари мавжуд: аниқлиги юқори бўлмаган жиҳозларда юқори аниқликда ишлов беришга эришиш; малакали ишчи томонидан заготовканинг хатоликлари аниқланиб, ишлов бериш жараёнида бартараф этилиши; кичик ўлчамли заготовкалар партиясига ишлов беришда кесувчи асбонинг ейилиши натижасида ҳосил бўладиган хатоликнинг ўлчам аниқлигига таъсирини йўқотиш; ноаниқ заготовкага ишлов беришда қўйимни тўғри тақсимлаб нуқсон пайдо бўлишининг олдини олиш имкониятининг мавжудлиги, ишчининг мураккаб, қимматбаҳо, кондуктор туркумидаги, айланувчи, бўлувчи ва бошқа турдаги мосламаларни тайёрлашидан озод этиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ютуқлари билан бирга синов юриш ва ўлчаш усулининг ўзига хос қуйидаги камчиликлари мавжуд: хомакига ишлов бериш аниқлиги кесиб олинайётган қириндininнг қалинлигига боғлиқлик; ишчининг айби билан яроқсиз маҳсулот ҳосил бўлиши; синов юришлар ва ўлчашлар учун вақтнинг қўп сарфланиши унумдорликнинг тушиб кетишига сабаб бўлиши; ишлов беришнинг унумдорлиги кам бўлганлиги ва юқори малакали ишчининг жалб этилиши муносабати билан детал тан-


нархининг ошиб кетиши. Синов юриш ва ўлчаш усулиниг юқорида кўрсатилган камчиликлар бўлганлиги туфайли маҳсулотни якка тартибли ёки кичик серияли ишлаб чиқаришда, таъмираш ва асбоб ишлаб чиқарадиган цехларда қўлланилади. Кўпинча бу усулдан оғир машинасозликда фойдаланилади.

**Созланган дастгоҳларда ўлчамни автоматик равишда олиш усули.** Бу усул синов юриш ва ўлчаш усулига хос бўлган камчиликлардан озоддир. Ўлчамларни автоматик равишда олиш усули учун дастгоҳлар заготовкага ишлов беришда дастлаб талаб этилган ўлчам аниқлигига қараб созланади ва бунда ишчининг малакаси ва эътиборлилиги аҳамият касб этмайди.

Заготовка 2 нинг *a* ва *b* ўлчамларини (2.1-расм) фрезалаш усули билан олишда фрезалаш дастгоҳининг столини шундай баландликда ўрнатиш керакки, исканжа қўзғалмас лаби 1 нинг таянч сирти фрезанинг айланиш ўқидан  $K = D_{\phi p}/2 + a$  га тенг масофада туриши керак. Бунинг натижасида фреза 3 нинг ён сирти (столнинг кўндаланг ҳаракати бўйича) исканжа қўзғалмас лабининг вертикал сиртидан *b* масофага узоқлашади. Дастгоҳни дастлабки бундай созлаш синов юриш ва ўлчаш усули ёрдамида амалга оширилади, шундан кейин партиядаги барча хомакига қўшимча созлаш ишларисиз ишлов берилаверади.

Ишлов бериш жараёнида *K* ва *b* ўлчамларининг ўзгармаслигини эътиборга олсак, ишлов берилаётган заготовканинг *a* ва *b* ўлчамларининг аниқлиги ҳам созланган дастгоҳда ишлов берилган барча заготовкалар учун бир хил бўлади.

Демак, созланган дастгоҳда ўлчамларни автоматик равишда олиш усули билан деталларга ишлов беришда та-



2.1-расм. Заготовкаларга ишлов беришда ўлчамларни автоматик равишда олиш усули

лаб этилган ўлчам аниқлигини олиш вазифасини ишчи-оператордан олиб дастгоҳни созловчига; маҳсус мослама ва асбоб тайёрловчи малакали ишчиғига; технологик база ва заготовканинг ўлчамларини, уни ўрнатиш ва маҳкамлаш усулларини ва керакли мосла-

манинг конструкциясини белгиловчи технологга юкланди.

Ўлчамларни автоматик равишда олиш усулининг қўйидаги ижобий томонлари мавжуд: ишлов беришнинг аниқлигини ошириш ва яроқсиз маҳсулотнинг камайиши; ишлов бериш аниқлиги ишчининг малакаси ва диққат-эътиборига боғлиқ эмаслиги; синов юриш ва ўлчаш учун ҳамда олдиндан белги қўйиб чиқиш учун сарф бўладиган вақтларни бартараф этиш ҳисобига унумдорликнинг ошиши; малакали ишчилардан самарали фойдаланиш; созланган дастгоҳларда ишлашни шогирдлар ва юқори малакага эга бўлмаган ишчи-операторлар ҳам бажариши мумкинлиги ва келажакда ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг ривожланиши билан асосий ишларни автоматлаштирилган дастгоҳлар — автоматларга ва саноат роботларига юклаш мумкинлиги; юқори малакали ишчилар дастгоҳларни созлаб бир пайтнинг ўзида уларнинг 10 — 12 тасига хизмат қилиши; юқори меҳнатнинг унумдорлиги, яроқсиз маҳсулотларнинг камайиши, юқори малакали ишчи кучига талабнинг пасайиши, ишлаб чиқариш сарфининг камайиши ишлаб чиқаришнинг тежамлилигининг ошишига олиб келади.

Ўлчамларни автоматик равишда олиш усулининг афзаллиги ушбу усулнинг замонавий серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда кенг тарқалганлигидан далолат бермоқда.

## 2.2. Ишлов беришнинг мунтазам хатоликлари

Мунтазам хатоликлар деб партиядаги барча заготовкалар учун ўзгармайдиган ёки ҳар қайси ишлов берилаётган заготовкадан кейинги заготовкага ўтишда бирон-бир қонун асосида ўзгарадиган хатоликларга айтилади.

Биринчи ҳолатдаги хатоликларни ўзгармас мунтазам хатолик (қисқача мунтазам хатолик) ва иккинчи ҳолатдаги хатоликлар ўзгарувчан мунтазам (ёки функционал) хатоликлар деб қабул қилинган.

Мунтазам ва ўзгарувчан мунтазам хатоликларнинг келиб чиқиш сабаблари қўйидагилардан иборат: дастгоҳларнинг, мосламаларнинг ва асбобларнинг ноаниқлиги, улар-

нинг ейилиши ва деформацияланиши; ишлов берилаётган заготовканинг деформацияланиши; мойловчи-совитувчи суюқликлар (МСС) ва технологик тизимларда рўй берадиган иссиқлик ҳодисаларининг мавжудлиги ҳамда заготовкага ишлов бериш назарий схемасининг хатолиги.

**Дастгоҳларнинг ноаниқлиги, ейилиши ва деформацияланишидан ҳосил бўладиган хатоликлар.** Тайёрланаётган ва йиғилаётган дастгоҳларнинг хатоликлари ГОСТ меъёrlа-ри билан чегараланади. Бу меъёrlар дастгоҳларнинг юкланмаган ҳолатдаги допуски ва дастгоҳларнинг геометрик аниқликларини текшириш усуллари орқали белгиланади.

Ўрта ўлчамли умумий мақсадга мўлжалланган дастгоҳларнинг айрим геометрик аниқлиги қуйида келтирилган:

Токарлик ва фрезерлик дастгоҳлари шпинделларининг радиал уриши (шпинделнинг охирги қисмида) 0,01 – 0,015 мм;

Шпинделнинг конуссимон тешигининг уриши:  
токарлик ва фрезерлик дастгоҳлари қисқи-  
чининг 300 мм узунлигига 0,02 мм;  
вертикал-пармалаш дастгоҳлари қисқичининг  
100–300 мм узунлигига 0,03–0,05 мм;

Торец (ўқ) бўйича шпинделларнинг  
уриши 0,01–0,02мм;

Токарлик ва бўйлама-рандалаш дастгоҳлари йўналти-  
рувчиларининг тӯғри чизиқлилиги ва параллеллиги:

1000 мм узунликда 0,02 мм;  
узунлиги бўйича 0,05–0,08 мм;

Токарлик дастгоҳлари шпинделлари ўқларининг карет-  
калар ҳаракатлари йўналиши бўйича параллелиги:  
вертикал сиртнинг 300 мм узунлигига 0,02-0,03 мм;  
горизонтал сиртда қисқичининг 300 мм  
узунлигига 0,01-0,015 мм.

Келтирилган тахминий маълумотлар нормал (Н) аниқ-  
ликка эга бўлган дастгоҳларгагина тегишли. Бу дастгоҳлар  
ўрта ўлчамли заготовкаларга IT7-IT9 квалитет аниқлиги-  
да ишлов беради. Юқори аниқликка эга бўлган гурӯҳдаги  
дастгоҳларнинг геометрик хатоликлари жуда ҳам кам,  
бироқ уларни тайёрлаш иш ҳажми эса жуда ҳам юқори  
бўлади. Қуйида нормал аниқликдаги дастгоҳларнинг аниқ-  
лик тавсифига ва тайёрлаш иш ҳажмига нисбатан юқори

аниқлиқдаги дастгоҳларнинг аниқлик тавсифлари ва тай-  
ёрлаш иш ҳажми фоиз ҳисобида келтирилган:

	Хато- лик	Иш ҳажми
Нормал аниқлиқдаги дастгоҳлар (Н гурұх).....	100	100
Юқори аниқлиқдаги дастгоҳлар (П гурұх).....	60	140
Юқори аниқликтек аға дастгоҳлар (В гурұх).....	40	200
Ниҳоятда юқори аниқликтек аға дастгоҳлар (А гурұх).....	25	280
Жуда юқори аниқликтек аға дастгоҳлар (С гурұх).....	16	450

Дастгоҳлар геометрик аниқлигининг хатолиги ишлов берилаёттан заготовкага тұла ёки қысман систематик хатолик сифатида үтади. Бундай систематик хатоликларнинг қийматини аввалдан таҳлил қилиш ва ҳисоблаш орқали аниқлаш мүмкін. Масалан, токарлық дастгоҳи шпинделлининг ўқи горизонтал текисликда ҳаракатланадиган суппортнинг йўналишига параллел бўлмаса, дастгоҳнинг патронига маҳкамланиб ишлов берилаёттан заготовканинг цилиндросимон сирти конуссимон сиртга айланади. Заготовканинг радиуси  $r$  нинг чизиқли четга чиқиши заготовканинг узунлиги бўйича йўналтирувчига нисбатан параллелликдан четга чиқиши  $a$  га, яъни максимал радиус  $r_{\max} = r + a$  га тенг бўлади.

Токарлық ва думалоқ жилвирлаш дастгоҳлари шпинделларининг подшипниклари ва шпинделларининг таянч бўйниларининг овалсимонлиги ишлов берилаёттан заготовканинг кўндаланг кесими бўйича шаклини ўзгартиради, яъни юқорида айтиб ўтилган деталларнинг овалсимон шакли заготовкага ҳам үтади.

Токарлық ва думалоқ жилвирлаш дастгоҳларининг олдинги марказининг уриши ишлов берилаёттан сирт ўқининг офишига олиб келади, лекин заготовканинг кўнда-

ланг кесими бўйича думалоқлик сақланиб қолади. Олдинги марказ уришининг сабаблари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: шпинделнинг конуссимон тешиги ўқининг уриши; олдинги марказ ўқининг унинг дум қисми ўқига нисбатан уриши; шпинделнинг конуссимон тешигига олдинги марказни ўрнатишдаги хатолик.

Вертикал пармалаш дастгоҳи шпинделининг конуссимон тешиги ўқининг шпиндел айланиш ўқига нисбатан уриши пармаланаётган тешик диаметрининг катталашишига олиб келади.

Дастгоҳларнинг ейилиши ишлов берилаётган заготовканинг мунтазам хатолигининг ошишига олиб келади. Дастгоҳлар сиртларининг нотекис ейилиши ўз навбатида дастгоҳнинг айрим узелларининг ўзаро жойлашишини ўзгартиради ва натижада ишлов берилаётган заготовкада қўшимча хатоликлар пайдо бўлади.

Дастгоҳлар аниқликларининг пасайишининг асосий сабабларидан бири йўналтирувчиларининг ейилишидир. Якка тартибли ва серияли ишлаб чиқаришда ишлов берилаётган заготовканинг ўртача диаметри 100 мм ва уларнинг узунлиги 150-200 мм бўлганда носимметрик учбурчакли йўналтирувчининг ишчига яқин томонидаги қирраси бир йил давомида токарлик дастгоҳнинг икки сменали ишлаши натижасида ейилишининг ўртача қиймати қуйидагига teng бўлади:

Тоза ишлов беришда 0,04-0,05 мм

Пўлатга (80%) ва чўянга (20%) қисман тоза ва қисман дағал ишлов беришда 0,06-0,08 мм

Пўлатга (90%) ва чўянга (10%) дағал ишлов беришда 0,10-0,12 мм

Йўналтирувчининг узунлиги бўйича ейилиши ҳам бир хил бўлмайди. Текширилган дастгоҳлар йўналтирувчиларининг энг кўп ейиладиган қисми шпиндел торецидан 400 мм узоқликда жойлашганлиги аниқланган. Олдинги ва кетинги йўналтирувчиларнинг нотекис ейилиши супортнинг оғишига олиб келади ва горизонтал текислик бўйича кескичнинг учи сурилиб ишлов берилаётган сиртнинг радиусини бевосита катталаширади.

Дастгоҳларнинг нотўри монтаж қилиниши ва уларнинг оғирлиги таъсири натижасида фундаментнинг чўки-

ши ҳисобига (станина ва столларнинг қийшайиши, йўналтирувчиларнинг эгилиши) дастгоҳларнинг деформацияланиши заготовкага ишлов беришдаги қўшимча систематик хатоликларни туғдиради.


**Кесувчи асбобларнинг ноаниқ тайёрланганлиги ва ейилиши туфайли келиб чиқадиган хатоликлар.** Кесувчи асбобларнинг ноаниқлиги (айниқса, развертка, зенкер, сидиргич, пазни фрезалайдиган бармоқли фреза ва шаклдор асбоблар) кўп ҳолларда бевосита ишлов берилаётган заготовкага ўтади. Махсус асбобсозлик корхоналарида ёки асбобсозлик цехларида тайёрланган кесувчи асбобларнинг аниқлиги юқори даражада бўлганлиги сабабли тайёрлананётган деталларнинг аниқлигига кам таъсир этади. Лекин кесувчи асбобнинг ейилишига боғлиқ хатоликлар ишлов бериш аниқлигига катта таъсир қиласади. Деталларнинг ўлчамларини автоматик равишда олиш усули билан механик ишлов беришда кесувчи асбобларнинг ейилиши ўзгарувчан систематик хатоликларга олиб келади.

Заготовкага тоза ишлов беришда кескичнинг орқа сирти ейилади, натижада кескич чўққиси заготовканинг айланниш марказидан радиал ейилиш ўлчамига teng масофага узоқлашади ва йўниш радиуси катталашади (ёки тешик учун йўниб кенгайтириш радиуси камаяди).

Сирпанишдаги ишқаланишда ейилишнинг умумий қонунларига асосан асбоб ишлашининг бошланғич даврида (бошланғич ейилиш даври деб аталади) жуда жадал ейилади (2.2-расм, I қисм).

Ейилишнинг бошланғич даврида кесувчи асбоб тифининг айрим нотекисликлари майдаланади ва кесувчи қирраларидаги чархлашдан қолган чизиқлар текисланади.

Бошланғич ейилиш  $E_b$  ва унинг давомийлиги (яъни, асбобнинг ишқаланишга мослашиш давомийлиги) кесувчи асбоб ва заготовканинг материалига, чархлаш сифатига ва кесиш режимларига боғлиқ.



2.2-расм. Кесувчи асбобнинг ейилиши  $E$  нинг кесиш ўйли узунлигига боғлиқлиги

Одатда, бошлангич ейилишнинг давомийлиги, яъни кесиш йўлининг узунлиги  $L_b = 500\text{-}2000$  м чегарада бўла-ди (биринчи сон корхонада янги ишлаб чиқарилган яхши сифатли асбобга, иккинчиси эса — фақат чархланган ас-бобга тўғри келади).

Иккинчи ейилиш даври (2.2-расм, II қисм) асбоб-нинг нормал ейилиши билан тавсифланади ва кесиш йўлига тўғри пропорцияда бўлади. Бу даврдаги ейилиш-нинг тезлиги нисбий (солиштирма) ейилиш  $E_0$  (мкм/км) билан ўлчанади ва уни қуйидаги формула билан аниқланади:

$$E_0 = E / L$$

бу ерда  $E$  — кесувчи асбобнинг кесиш жараёнида  $L$  узун-ликда босиб ўтган йўлида ўлчамли ейилиши, микрометр ҳисобида;  $L$  — нормал ейилиш зонасидаги кесиш йўли, километр ҳисобида.

Кесувчи асбобнинг учинчи ейилиш даври (2.2-расм, III қисм) шиддатли, яъни жадаллашган, аварияли ейи-лишига тўғри келади ва асбобнинг кесувчи қирралари-нинг майдаланиши ва синиши нисбатан катта миқдорда бўлиб, нормал эксплуатацияга йўл қўймайди.

Ейилишнинг II қисмида рўй берадиган, нормал ейи-лиш шароитига хос бўлган, ишлов бериш аниқлигига таъ-сир қилувчи кесувчи асбоб ейилишининг қиймати қуйи-даги формула билан аниқланади:

$$E = E_0 L / 1000, \quad (2.1)$$

бу ерда  $E$  — кесувчи асбобнинг ўлчамли ейилиши, мкм;  $L$  — кесиш йўлининг узунлиги, м.

Йўнишда кесиш йўлининг узунлиги қуйидаги форму-ла билан аниқланади:

$$L = \pi D L / (1000 S) \quad (2.2)$$

бу ерда  $D$  — ишлов берилаётган заготовканинг диаметри;  $L$  — кесувчи асбоб босиб ўтган йўл (ишлов бериш узунли-ги), мм;  $S$  — суриш, мм/айл.

Асбобнинг бошланғич тез ейилишини ҳисобга олиш учун ҳисобланган кесиш йўлининг узунлиги  $L$  га қўшимча  $L_k$  қийматини қўшиш керак:

$$E = E_0(L + L_k)/1000, \quad (2.3)$$

ўртача  $L_k = 1000$  м.

Кесувчи асбобнинг нисбий (солиштирма) ейилиши  $E_0$  — асосан кесувчи асбобнинг материалига, кесиш режимига, ишлов бериладиган заготовканинг материалига ва технологик тизимнинг (дастгоҳ-мослама-заготовка-асбоб) бикирлигига боғлиқ.

Технологик тизимнинг бикирлигини ошириш ҳисобига тебранишнинг пасайиши туфайли кесувчи асбоб ейилишининг камайтириш мумкин бўлади.

Иссиқбардош материалларни ички йўниб кенгайтиришда кескичларнинг нисбий ейилиши ташқи йўнишда кескичларнинг нисбий ейилишига нисбатан 1,5 — 6 мартача кўп бўлади. Бу нарса тешикка ишлов бериш шароитининг ташқи ишлов беришдаги кесиш шароитларига нисбатан анча мураккаблигидан далолат беради. Суриш қийматининг оширилиши нисбий ейилишни ҳам ортishiga олиб келади.

Кесиш чуқурлиги қийматининг ўзгариши асбобнинг нисбий ейилишига сезиларли даражада таъсир қилмайди.

Кескичнинг орқа бурчагининг қиймати унинг нисбий ейилишига сезиларли даражада таъсир қилади. 35ХМ пўлатни 2,3 м/с (140 м/мин) тезликда Т15К6 маркали қаттиқ қотишмадан тайёрланган кескич ёрдамида йўнишда кескичнинг орқа бурчагини  $8^{\circ}$  дан  $15^{\circ}$  гача оширилса, кескичнинг нисбий ейилиши ҳам 13 дан 17 мкм/км га, яъни 30 фоиз ортади. Буни кескичнинг кесувчи қирраси мустаҳкамлигининг камайиши ва иссиқликни узатиш шароитининг ёмонлашиши билан тушунтириш мумкин.

2.1-жадвалда келтирилган тоза йўниш ва йўниб кенгайтиришда кескичнинг нисбий ейилиш қийматлари кесувчи асбобнинг ўлчамли ейилишига тегишли бўлган ишлов бериш хатоликларини ҳисоблашда асос бўла олади.

Кесиш чуқурлигини  $t=0,1+0,3$  мм бўйича йўниб, гадир-бутирлиги  $R_z \cdot 10$  мкм сирт ҳосил қилишда кескичнинг нисбий ейилиши  $E_0$  ва кесиш режимлари

Ишлов берилаётган материал ва унинг тузилиши	Асбоб нинг материали ва маркаси	Кесиш режимлари		Кесувчи асбобнинг кесиш йўли метрлар билан ифодланганда, гадир-бутирилик бўйича тургунлиги	Нисбий ейилиш $E_0$ , мкм/км
		Кесиш тезлиги V, м/мин	Суриш S, мм/айл		
Сифатли углеродли конструкцион пўлат	T30 K4 Эльбор	100-180-550-600	0,04-0,08-0,04-0,06	12500 25000	6,5 3,0
Легирланган конструкцион пўлат	T30K 4 Эльбор	120-180-450-500	0,04-0,080-0,04-0,06	20000	4,7
Коррозиябардош, иссиқбардош ва оловбардош легирланган пўлат	T30 K4 Эльбор	80-120 200-220	{ 0,02-0,04	11000 15500	6,5 3,0
Куйма пўлат	T30K0 4 Эльбор	100-160 200-230	{ 0,04-0,06	7000 12500	8,5 7,0
Яхшиланган конструкцион пўлат (28-31,5 HRCЭ)	T30K 4 Эльбор	120-180 350-400	0,04-0,08 0,04-0,06	8000 15000	8,5 4,5
Тобланган конструкцион пўлат (41,5-46,5 HRCЭ)	T30K 4 Эльбор	70-150 300-350	0,02-0,05 0,02-0,04	7000 21000	10,0 5,0
Кулранг чўян СЧ 15 ва СЧ 18 П+Ф+Г ўртача	ВК ЗМ ЦМ-332 Эльбор	100-160 220-300 300-350	0,04-0,08 0,03-0,06 0,04-0,06	21000 22000 30000	6,0 3,5 2,5
Пластинкали кулранг чўян СЧ 21 ва СЧ 28 П+Ф+Г	ВК ЗМ ЦМ-332 Эльбор	120-160 300-350 500-550	0,04-0,08 0,03-0,06 0,04-0,06	23000 22000 40000	6,5 4,3 3,0

Болғаланган чүян КЧ30-6 ва КЧ37-12 Ф+Г думалоқ	ВК3М ЦМ-332 Эльбор	80-140 200-250 300-350	0,03-0,06 0,03-0,05 0,03-0,06	19000 18000 22000	6,0 3,5 3,0
Болғаланган чүян КЧ45-6 ва КЧ63-2П+Ф+Г думалоқ	ВК3М ЦМ-332 Эльбор	120-160 200-250 500-550	0,03-0,06 0,03-0,05 0,03-0,06	17000 15000 24000	8,0 5,5 4,0
Модификация-лаштирилган чүяnlар СМ	ВК 3М ЦМ-332 Эльбор	120-160 300-350 300-350	0,04-0,08 0,03-0,06 0,04-0,06	18000 19000 20000	5,0 3,5 3,0
Жуда мустаҳкам чүяnlар	ВК3М ЦМ-332 Эльбор	120-160 300-350 500-550	0,04-0,08 0,03-0,06 0,04-0,06	21000 24000 35000	7,0 4,5 3,5

Изоҳ: П – перлит, Ф – феррит, Г – графит;

**2.1-мисол.** Конструкцион пўлатдан тайёрланган Ж 200 x 3000 мм ўлчамдаги вал қуийдаги кесиш режими бўйича йўнилади:  $V=100$  м/мин,  $t=0,5$  мм;  $S=0,5$  мм/айл; кескич Т30К4. Кескичнинг ейилиши оқибатида ишлов берилган валнинг конуссимонлигини аниқланг.

2.1- жадвал бўйича  $E_0=6,5$  мкм/км.

**Ечиш:** Кесиш йўлининг узунлиги (2.2) формула бўйича аниқланади:

$$L = \frac{\pi \cdot 200 \cdot 7000}{1000 \cdot 0,05} = 37680 \text{ м.}$$

Кескичнинг ейилиши (2.3) формулага биноан аниқланади:

$$E = 0,0065 \frac{37680 + 1000}{1000} = 0,251 \text{ мм.}$$

Конус (валнинг иккала четки диаметрларининг айирмаси):

$$K = 2E = 2 \cdot 0,251 = 0,502 \text{ мм.}$$

Конуссимонликни камайтириш учун эльбордан тайёрланган кескич құлланилади. 2.1-жадвалдан эльбор учун  $E_0=3,0$  мкм/км. У ҳолда ейилиш

$$E = 0,003 \frac{37680 + 1000}{1000} = 0,116 \text{ мм},$$

бунда конус  $K=2E=0,232$  мм бўлади.

Валнинг конуссимонлигини яна ҳам камайтириш мумкин. Бунинг учун йўниш жараёнида суришни S\*3,0 мм га ошириб, В.М.Колесов кескичи құлланилади, у ҳолда Т30К4 маркали қаттиқ қотишмадан тайёрланган пластинкали кескичнинг кесиш узунлиги анчага камайди, яъни:

$$L = \frac{\pi \cdot 200 \cdot 3000}{1000 \cdot 3,0} = 628 \text{ м}$$

У ҳолда ейилиш

$$E = 0,0065 \frac{628 + 1000}{1000} = 0,01 \text{ мм},$$

конус  $K=2E=0,021$  мм бўлади.

Юқорида келтирилган ҳисоблар ишлов берилаётган заготовканинг ўлчам ва шакл хатоликларини кесувчи асбобнинг материалини ва конструкциясини ҳамда кесиш режимларини рационал танлаш йўли билан кескин камайтириш мумкинлигини кўрсатди.

**Заготовкани қисиш кучининг ишлов бериш хатолигига таъсири.** Заготовкани мосламаларда қисиш (маҳкамлаш) кучи ҳам кесиш кучи сингари заготовкаларни эластик деформациялаб, ишлов берилган заготовканинг шакл хатоликларини туғдиради. Заготовканинг ўлчамлари ва қисиш кучлари ўзгармайдиган ҳолатда ишлов беришда улар келтириб чиқарадиган деталларнинг шакл хатоликлари систематик бўлади ва уларни ўзига тегишли формулалар орқали ҳисоблаш мумкин.

Втулкани патронда қисилганда (2.3-расм, а, б), у эластик деформацияланади, чунончи кулачоклар таъсир этган  $A$  нуқталарда втулканинг радиуслари кичрайди,  $B$  нуқталарда эса радиуслар катталашади.

Втулканинг ишлов берилётган тешиги геометрик шаклининг хатолиги энг катта ва энг кичик радиуслар айирмасига тенг бўлади (2.3-расм, в).


Втулка тешигининг шакл хатолиги  $V$  втулкани уч кулачокли патронда маҳкамланганда, анча катта бўлади.

Масалан,  $80 \times 70 \times 20$  мм ўлчамли втулка учун бураш дастасидаги қисиш кучининг катталиги  $Q=147\text{Н}$  ( $Q=15\text{кгк}$ ) бўлса, тешикнинг шакл хатолиги  $0,08$  мм гача етади.

Ишлов берилётган заготовкани кулачокли патронга қисиб ўрнатилганда, заготовканинг эластик деформацияланиши натижасида содир бўлган шакл хатолиги патрондаги кулачоклар сонига боғлиқ. Проф. В.С.Корсаковнинг ҳисоблашича, кулачоклар сонининг ортиб бориши билан втулканинг геометрик шакл хатоликлари камая боради. Агар икки кулачокли патронда юпқа деворли втулкани қисиб, унга ишлов берилгандан кейин ҳосил бўлган геометрик шакл хатолигини  $100\%$  десак, уч кулачокли патронда ишлов беришда  $21\%$ , тўрт кулачоклида  $8\%$ , олти кулачоклида  $2\%$  хатолик бўлади.

**Иссиқлик таъсири натижасида технологик тизимнинг эластик деформацияланишидан келиб чиқадиган хатоликлар.** Дастроҳнинг тўхтовсиз ишлаши натижасида технологик тизимнинг барча элементлари аста-секин қизий бошлайди ва ишлов беришнинг ўзгарувчан систематик хатоликларини туғдира бошлайди.

**Дастгоҳларнинг иссиқдан деформацияланиши.** Дастроҳларнинг ва уларнинг алоҳида қисмларининг (шпиндель бабкалари, столлар, станица ва бошқалар) қизишининг асосий сабаблари дастгоҳларнинг ҳаракатланувчи механизмларидаги (подшипниклар, тишли узатмалар), мавжуд гидроюритма ва электр қурилмаларида ўрнатилган



2.3-расм. Юпқа деворли втулка тешигининг шакл хатолиги ёсил былиш схемаси: а-втулкани уч кулачокли патронда қисиш натижасида унинг эластик деформацияланиши, б-йўнилгандан кейинги тешикнинг шакли, в-втулкани қисишдан бышатилгандан кейинги тешикнинг шакли



2.4-расм. Токарлик дастгоҳининг марказларида ишлов беришда олдинги бабканинг қизиши натижасида ўқининг горизонтал йўналиш бўйича силжиши


электр моторлардаги ишқалан ишлар и ҳамда совитувчи суюқликнинг кесиш зонасидан иссиқликни ўзи билан бирга олиб кетишидир.

Шпиндель бабкаларининг қизиши ишлов

беришнинг аниқлигига катта таъсир кўрсатади.

Дастгоҳнинг ишлаши натижасида шпиндель бабкалари аста-секин қизий бошлайди ва бу қизиш вертикаль ва горизонталь йўналишлар бўйлаб тарқала бошлайди. Бунда қизиш температураси бабкалар корпусларининг турли нуқталарида  $10^{\circ}\text{C}$  дан  $50^{\circ}\text{C}$  гача бўлади. Энг катта температура шпинделнинг ва тез айланадиган валларнинг подшипник

лари олдида бўлиб, уларнинг ўзлари ўрнатилган корпус деталининг ўртача температурасидан 30-40 фоиз юқори температурада бўлади. 2.4-расмда токарлик дастгоҳининг марказларида ишлов беришда олдинги бабкаси ўқининг горизонталь йўналиш бўйлаб силжиши кўрсатилган.



2.5-расм. Кескичининг танаффус билан ишлашида қизишдан унинг деформацияланишига таъсiri:

1-кескичининг совуши; 2-кескичининг узлуксиз ишлаш давомида қизиши; 3- танаффус билан кесиш шароитида ишлаши;  $\Delta l_{маши}$ -машина вақтида кескичининг чизилиши;  $\Delta l_{тани}$ -танаффус вақтида совиши натижасида кескичнинг узунлигининг камайиши

бўйича силжиш қиймати марказларда ишлов беришдаги горизонталь йўналиш бўйича силжиш қийматига нисбатан катта бўлади ва у 17 мкм гача етади. Шпиндельнинг айланиш тезлиги и ошиши билан унинг горизонталь йўналиш бўйича силжиши ҳам  $\sqrt{n}$  га пропорционал равишда ортади.

Шпиндель ўқининг силжиши туфайли олдинги бабканинг қизишиш даври 3-5 соатни ташкил этади (кейин эса қизишиш температураси ва ўқининг ҳолати барқарорлашади).

Дастгоҳ тўхтатилиши билан совий бошлайди ва шпиндель ўқи ўз ҳолатига қайтади.

Дастгоҳнинг иссиқдан деформацияланиши туфайли ҳосил бўладиган хатоликларни бартараф этиш учун дастгоҳда ишлов беришни бошламасдан аввал 2-3 соат давомида бўш ҳолатда юргизиб қўйилади. Кейин заготовкага ишлов бериш жараёнида дастгоҳнинг узоқ вақт тўхтаб қолишига йўл қўйилмайди.

**Асбобнинг иссиқдан деформацияланиши.** Кесиш зонасидан ажраб чиқаётган иссиқликнинг бир қисми кесувчи асбобга ўтиб уни қиздиради ва ўлчамларининг ўзаришига олиб келади. Токарлик ишлов беришда технологик тизимнинг иссиқдан деформацияланишига боғлиқ хатоликларнинг катта қисми кескичнинг узайиши ҳисобига тўғри келади. Легирланган пўлатни  $\sigma_b = 1080$  МПа (110 кгс/мм<sup>2</sup>) T15K6 маркали қаттиқ қотишмали пластинка билан жиҳозланган, ўстирмаси 40 мм га teng бўлган, 20x30 мм ли кесимга эга бўлган кескич билан йўнишда кескичнинг қизишидан узайиши кескичнинг 20-24 мин давомида узлуксиз ишлашидан кейин тўхтайди, яъни иссиқлик мувозанати бошланади (2.5-расм).

Юмшоқ пўлатга ишлов бериш жараёнида дастгоҳнинг 12 минут давомида тўхтовсиз ишлашидан кейин 2.5-расмда кўрсатилган қонунуниятнинг умумий тавсифини сақлаган ҳолда иссиқлик мувозанати ўрнатилади.

Кесиш тезлиги, кесиш чуқурлиги ва суришнинг ошиши натижасида қизиш жараёни жадаллашади ва ўз навбатида кескичнинг узайиши ҳам жадаллашади. Кескич узунлигининг ортишига асосан унинг ўстирмаси катта таъсир кўрсатади. Масалан, кескич ўстирмасининг узунлигини 40 мм дан 20 мм га қисқартирилганда кескичнинг узайиши

қиймати 28 мкм дан 18 мкм га камаяди. Кескичнинг узайиши тахминан унинг кўндаланг кесимининг сиртига тескари пропорционалдир.

Кескичнинг қизиши ва узайиши ишлов берилаётган материалнинг қаттиқлигига тўғри пропорционал. Советилмайдиган одатдаги шароитда ишлов бериш жараёнида кескичнинг узайиши 30-50 мкм гача етиши мумкин. Кескич ишлов бериш жараёнида узлуксиз советиб турилса, унинг узайиши 3-3,5 марта гача камаяди.

Иссиқлик мувозанати ҳолатига етганда кескичнинг тахминий узайишини  $\Delta l_p$  (мкм) қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$\Delta l_p = C \frac{l_p}{F} s_b (ts)^{0.75} \sqrt{V}, \quad (2.4)$$

$C$  — коэффициент ( $V^*100 = 200$  м/мин,  $t \leq 1,0$  мм,  $S \leq 0,2$  мм да  $C=4,5$ );

$l_p$  — кескичнинг чиқиши (ўстирмасининг узунлиги), мм;

$F$  — кескич кўндаланг кесимининг сирти,  $\text{мм}^2$ .

Иссиқлик мувозанатланадиган даврга қадар ишлов бериш жараёнида кескичнинг узайиб бориши туфайли заготовканинг ўлчамлари ёки сиртининг шакллари узлуксиз равишда ўзгариб боради.

Кесиш жараёнининг машина вақтининг танаффус пайтида кескич совий бошлайди ва унинг узунлиги қисқара боради, лекин кесиш жараёни бошланиши билан кескичнинг узунлиги ортиши яна давом этади.

Профессор А.П. Соколовскийнинг тадқиқотлари асосида қурилган 2.5-расмда чизиқлар шуни кўрсатадики, машина вақтида заготовкага танаффус билан ишлов беришда кескичнинг иссиқдан деформацияланиши ва ўз навбатида ишлов беришнинг температурага боғлиқ хатоликлари сезиларли даражада камаяди.

Кескичнинг машина вақтида танаффус билан бир маҳомда ишлашида унинг умумий узайишининг  $\Delta l_p$  тахминий қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta l_p = \Delta l_p \frac{T_{маш}}{T_{маш} + T_{ман}}, \quad (2.5)$$

*T<sub>тан</sub>* — машина вақти танаффусининг давомийлиги.

Маълум бир ритм билан ишлов беришда хомакининг иссиқдан деформацияланиши ўзгармайди.

Танаффус билан фрезалаш, тиш кесиш ва бошқа мөханик ишлов бериш операциялари совитиш орқали амалга оширилганда, кескичнинг қизиши ишлов бериш аниқлигига кам таъсир кўрсатади.

**Ишлов бериш назарий схемасининг хатоликлари.** Айрим шаклдор деталларнинг мураккаб профилларига ишлов беришда ишлов беришнинг кинематик схемасининг ўзи ва кесувчи асбобнинг конструкциясини соддалаштириш учун қилинган ўзгаришлар систематик хатоликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Масалан, фидирак тишини червякли фреза ёрдамида кесиш операциясининг назарий схемаси (кесилаётган тишли фидиракнинг червякли фрезанинг ўқи бўйича кесимининг тўғри чизиги бўйича думалashi) фрезанинг кесувчи тифини ҳосил қиласидан ариқчанинг қиялиги туфайли аввалданоқ бузилади, бу эса тишининг эволвентали профилининг мунтазам хатоликларини туғдиради.

Худди шунга ўхшаб тишининг эволвентасини ўйгич билан рандалаш жараёнида ўйгичнинг профилини ҳосил қилиш учун унинг олдинги бурчагини чархлашда йўл қўйилган хатолик мунтазам хатоликни содир қиласиди.

Модулли фреза билан тиш кесишда тиш профилининг систематик хатоликлари кесилаётган тишларнинг сони лойиҳаланган фреза учун ҳисобланган тишларнинг сонига тўғри келмаганлиги натижасида содир бўлади.

### **2.3. Ишлов беришнинг тасодифий хатоликлари**

Заготовкалар партиясига керакли ўлчам олиш учун созланган дастгоҳларда ишлов бериш жараёнида заготовканнинг ўлчамлари маълум бир чегарада узлуксиз ўзгариб туради, бу ўлчамлар бир-биридан ва созланган ўлчамдан тасодифий хатоликнинг микдорига teng қийматда фарқ қиласиди.

Тасодифий хатолик деб кўрилаётган бир партиядаги ҳар хил заготовканинг ўлчамлари бир-биридан ҳеч қандай қонуниятга тўғри келмайдиган хатоликлар бўйича фарқ қилишига айтилади.

Тасодифий хатоликларнинг ҳосил бўлиши натижасида бир хил шароитда ишлов берилган заготовканинг ўлчамлари ёйилган (тарқалган) бўлади. Ўлчамларнинг тарқалишини тасодифий характердаги кўплаб сабабларнинг йиғиндиси келтириб чиқаради. Бу сабаблар аввалдан аниқланишга бўйсунмайди, бир пайтда ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзининг таъсирини кўрсата олишлари мумкин. Бундай сабаблар тўпламига: ишлов берилётган заготовка қаттиқлигининг ва кесиб олинаётган қўйим қатлами қалинлигининг ўзгариб туриши; заготовкани базалаш ва маҳкамлаш хатолиги туфайли мосламада заготовканинг бошланғич ҳолатининг ўзгариши ёки мосламанинг ноаниқлиги туфайли ҳосил бўладиган хатоликлар; таянч ва лимба бўйича суппорт ҳолатини белгилашдаги хатолик; ишлов беришда температура режимининг ўзгариши ва ўзгарувчан кесиш кучининг таъсири остида технологик тизим элементларининг эластик қайтиши ва бошқалар киради.

Заготовкалар ўлчамлари ёйилганлигининг тақсимланиш қонунларини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун математик статистика усуллари қўлланилади.

**Ўлчамларнинг ёйилиш (тақсимланиш) қонунлари.** Созланган дастгоҳда заготовкалар партиясига ишлов беришда тасодифий хатоликларнинг содир бўлиши натижасида ҳар бир деталнинг ҳақиқий ўлчами тасодифий қиймат бўлиб ҳисобланади ва у маълум бир ўлчам оралиғидаги ҳар қандай қийматни қабул қилиши мумкин.

Ўзгармас шароитда ишлов берилган заготовканинг ҳақиқий ўлчамлари қийматининг тўпламида ушбу ўлчамларнинг такрорланиш частотасини ёки такрорланишни кўрсатилган ҳолда тўпламни ўсиб бориши тартибида жойлашиши заготовка **ўлчамларининг тақсимланиши** деб аталади. Такрорланиш деганда, битта ўлчамдаги заготовкалар сонининг партиядаги умумий заготовкалар сонига нисбати тушунилади.

Заготовкалар ўлчамларининг тақсимланишини жадваллар ва графиклар кўринишида тасвирлаш мумкин. Амалда заготовкалар ўлчамларининг ҳақиқий қийматлари интервалларга ёки разрядларга тақсимланади. Бундай ҳолда тақрорланиш ҳақиқий ўлчами бўйича ушбу ўлчам интервалига тўғри келган заготовкалар сони  $m$  нинг партиядаги ўлчами ўлчанган умумий заготовкалар сони  $n$  га нисбатидан иборат бўлади.

Масалан, ҳақиқий ўлчами 20,00 мм дан 20,35 мм оралигида жойлашган 100 дона заготовкани ўлчаганда ушбу заготовкалар ҳақиқий ўлчамларининг тақсимланиши 2.2-жадвалда келтирилган кўринишда бўлиши аниқланди.


## 2.2-жадвал

### Заготовкалар ўлчамларининг тақсимланиши

Интервал, мм	Тақрорланиш, $m$	Нисбий тақрорланиш, $m/n$
20,00 – 20,05	2	0,02
20,05 – 20,10	11	0,11
20,10 – 20,15	19	0,19
20,15 – 20,20	28	0,28
20,20 – 20,25	22	0,22
20,25 – 20,30	15	0,15
20,30 – 20,35	3	0,03
Жами:	$n = \sum m = 100$	$Sm/n = 1$

Бундай заготовкаларнинг ўлчанган ўлчамларининг тақсимланишини график кўринишда ҳам тасвирлаш мумкин (2.6-расм).

Абсцисса ўқи бўйлаб 2.2-жадвалга асосан ўлчамларнинг интервали, ордината ўқи бўйлаб эса унга мос тақрорланиш  $m$  ёки нисбий тақрорланиш  $m/n$  қўйилади. Куриш натижасида поғонали чизиқ (1) ҳосил бўлади, уни тақсимланиш гистограммаси дейилади. Агар ҳар қайси ин-



2.6-расм. Заготовкаларнинг аниқланган ўлчамларининг тақсимланиши

нинг ўлчамлари турли математик қонунларга бўйсунади. Машинасозлик технологиясида қўйидаги қонунлар катта амалий аҳамиятга эга: нормал тақсимланиш (Гаусс қонуни), тенг ёнли учбурчак (Симпсон қонуни), эксцентрикитет (Релей қонуни), тенг эҳтимолли тақсимлаш функцияси қонунлари.

Нормал тақсимланиш қонуни (Гаусс қонуни). Профессорлар А.Б.Яхин, А.А.Зиков ва бошқаларнинг кўплаб тадқиқотлари шуни кўрсатадики, созланган дастгоҳларда ишлов берилган хомакиларнинг ҳақиқий ўлчамларининг тақсимланиши жуда кўп ҳолларда нормал тақсимланиш қонунига бўйсунади (Гаусс қонуни). Буни эҳтимоллар назариясининг бизга маълум бўлган ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлмаган кўп сонли тасодифий қўшилувчи катталикларининг (жуда ҳам оз ва ҳар бири қийматининг умумий йиғиндисига тахминан бир хилда таъсир қилиши, бунда ҳал қилувчи омил иштирок этмайди) тақсимланиши Гаусснинг нормал тақсимланиш қонунига тўғри келиши орқали тушунилади.

Ишлов беришнинг натижавий хатолиги, одатда, дастгоҳлар, мосламалар, асбоб ва заготовкаларга боғлиқ бўлган кўп сонли тасодифий хатоликларнинг бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатиши билан шаклланади, бу хатоликлар ўзаро боғлиқ бўлмаган тасодифий қийматлардир ва ҳар қайсисининг натижавий хатоликка таъсири бир хил даражада бўлади, шунинг учун натижавий хато-

тервалнинг ўртасидаги нуқталарни кетма-кет бирлаштирилса, эгри чизиқ ҳосил бўлади ва бу эгри чизиқни тақсимланишнинг эмпирик эгри чизиғи ёки тақсимланиш полигони (2) дейилади. Тақсимланиш гистограммасини куриш учун ўлчангандай ўлчамларни камидан олтида интервалга бўлиб чиқилади ва ўлчанадиган заготовкалар сони 50 тадан кам бўлмаслиги керак.

Агар заготовкаларга ишлов бериш шароити турлича бўлса, улар-

ликнинг тақсимланиши, демак, ишлов берилаётган заготовканинг ҳақиқий ўлчамлари нормал тақсимланиш қонуни асосида бўлади.

Эгри чизиқнинг нормал тақсимланиш формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$y = \frac{1}{s\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(L_i - L_{yp})^2}{2\sigma^2}}, \quad (2.6)$$

бу ерда  $\sigma$  — ўртача квадратик четга чиқиш. У қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\sigma = \sqrt{\sum (L_i - L_{yp})^2 \frac{m_i}{n}} = \sqrt{\frac{1}{n} \sum (L_i - L_{yp})^2 m_i}, \quad (2.7)$$

бу ерда  $L_i$  — жорий ҳақиқий ўлчам;  $L_{yp}$  — ушбу партиядаги заготовкалар ҳақиқий ўлчамларининг ўртача арифметик қиймати.

$L_{yp}$  нинг қийматини қуйидаги ифодадан аниқлаш мумкин:


$$L_{yp} = \sum L_i \frac{m_i}{n} = \frac{1}{n} \sum L_i m_i, \quad (2.8)$$

бу ерда  $m_i$  — частота (берилган интервалдаги ўлчамларга тўғри келадиган заготовкалар сони);  $n$  — партиядаги заготовкалар сони.

Нормал тақсимланишнинг дифференциал қонунини характерлайдиган эгри чизиқ 2.7-расмда кўрсатилган.

Берилган партиядаги заготовкаларнинг ҳақиқий ўлчамларининг ўрта арифметик қиймати  $L_{yp}$  ўлчамларни гурухлаш марказининг ҳолатини ифодайди.

Нормал тақсимланиш эгри чизиги ордината ўқига нисбатан симметрик жойлашган;  $X$



2.7-расм. Ўлчамларнинг нормал тақсимланишининг эгри чизиги (Гаусс қонуни)

ва  $-X$  қийматларга ордината у нинг бир хил қийматлари түғри келади.

Агар  $L = L_{\text{yp}}$  бўлса, эгри чизик

$$y_{\max} = \frac{1}{s\sqrt{2\pi}} \approx \frac{0,4}{\sigma}, \quad (2.9)$$


максимумга эга бўлади.

Эгри чизиқнинг чўққисидан  $\pm\sigma$  масофада иккита эгилиш нуқтаси мавжуд ( $A$  ва  $B$  нуқталар). Эгилиш нуқталари нинг ординатаси:

$$y_A = y_B = \frac{1}{s\sqrt{2\pi e}} = \frac{y_{\max}}{\sqrt{e}} \approx 0,6y_{\max} \approx \frac{0,24}{\sigma} \quad (2.10)$$

Маълумки, эгри чизик абсцисса ўқига асимптотик яқинлашади.

Эгри чизиқнинг чўққисидан  $\pm 3\sigma$  масофада унинг шохлари абсцисса ўқига жуда ҳам яқинлашиб, 99,73 % майдонни эгаллайди. Амалий ҳисобда нормал эгри чизиқнинг тақсимланиш чўққисидан  $\pm 3\sigma$  масофада унинг шохлари абсцисса ўқи билан кесишиб, 100 % майдонни ўз ичига олади деб ҳисобланади. Шунда содир бўлган 0,27 % хатоликнинг аҳамиятини амалда деярли йўқ деб ҳисоблаш мумкин.



2.8-расм. Ўлчамларнинг нормал тақсимланиш эгри чизиги шаклига ўртача квадратик четга чиқишнинг таъсири

$\sigma$  нинг қиймати ортиши билан ординатанинг қиймати  $y_{\max}$  камаяди, ёилиш майдони эса  $w = 6\sigma$  ортади, бунинг натижасида эгри чизик ётиқроқ ва паст бўлади. Бу ўлчамларнинг кенг тарқалганлигини ва аниқлигининг пасайишини кўрсатади.

Нормал тақсимланиш эгри чизигининг шаклига  $\sigma$  нинг таъсир қилиши 2.8-расмда кўрсатилган.

Заготовкалар ўлчамларининг ҳақиқий ёйилиш майдонини:

$$\omega = 6\sigma \quad (2.11)$$

Амалда мунтазам ва тасодифий характерга жа бўлган турли сабаблар таъсирида тақсимланиш эгри чизигининг чўққиси ёйилиш майдонининг ўртасига нисбатан у ёки бу томонга сурлиши ва эгри чизиқнинг шакли ўзгариши мумкин. Бунинг натижасида нормал тақсимланишнинг эгри чизиги носимметрик бўлиши мумкин. Бунда номинал ўлчам  $A_i$  га нисбатан гурӯҳлаш маркази ҳолатини белгиловчи, ўлчамларни гурӯҳловчи марказ координатасининг  $E_m A_i$  четга чиқиш қийматининг математик кутилиши бўлиб ҳисобланади. У четга чиқишлиарнинг ўлчанган ўрта арифметик қийматига teng бўлади, бундай ҳолда ёйилиш майдонининг ўртача координатасига  $E_c \omega_{A_i}$  teng бўлмайди, яъни

$$E_m A_i \neq E_c \omega_{A_i} \quad (2.12)$$


Гурӯҳлаш марказининг силжиши нисбий асимметриянинг коэффициенти  $\alpha$  нинг қиймати билан тавсифланади ва у қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\alpha = \frac{E_m A_i - E_c \omega_{A_i}}{\omega/2}$$

ёки

$$\alpha = \frac{E_m A_i - E_c \omega_{A_i}}{T/2}, \quad (2.13)$$

бу ерда  $E_m A_i$  — допуск қўйиш майдони  $T$  марказининг координатаси.



2.9-расм. Ўлчамларнинг ёйилиш майдонининг ўртасига  $w$  нисбатан тақсимланиш эгри чизиги чўққисининг силжиши

Ёйилиш майдони ўртасига (ёки допуск майдонига) нисбатан  $E_m A$ , координатасининг четга чиқишининг математик кутилишининг (гурӯҳлаш маркази) қийматини ёйилиш майдонининг ярмига тенг бўлган улушларда  $a$  коэффициент аниқлади.

$a$  қиймати 0 ва  $\pm 0,5$  оралиғида бўлади ва у тажриба йўли билан ёки жадваллар орқали аниқланади. Ишлов бериш шароити номаълум бўлган лойиҳалаш ҳолатида тақсимланиш эгри чизигини симметрик деб ҳисоблаб,  $a = 0$  қабул қилинади.

Нуқсонли детал ҳосил бўлишининг олдини олиш учун (2.11) формуладан фойдаланишда қуйидаги нисбатни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

$$\sigma = P S , \quad (2.14)$$

бу ерда  $S$  — ўртача квадратик четга чиқиш, уни партиядаги заготовкаларнинг ўлчамлари асосида (2.7) формула бўйича аниқланади;

$P$  — партиядаги кам сонли заготовкаларни ўлчаш натижасида ўртача квадратик қийматни аниқлаш хатолигини ҳисобга олувчи коэффициент (2.3-жадвал).

### 2.3-жадвал

Ўртача квадратик четга чиқиш  $\sigma$  нинг умумий йигиндисига нисбатан фоиз ҳисобида  $S$  ни аниқлашда максимал хатолик  $\Delta S$  ва партиядаги заготовкаларнинг турли п сондагиларининг ўлчамлари ўлчангандек ҳолатда  $S$  га нисбатан  $\rho$  нинг қийматини тузатиш коэффициенти  $P$  нинг қийматлари

N, дона	$\Delta S, \%$	$\rho$	N, дона	$\Delta S, \%$	$\rho$
25	42,4	1,4	200	15,0	1,15
50	30,0	1,3	300	12,2	1,12
75	25,0	1,25	400	10,6	1,11
100	21,2	1,2	500	10,0	1,10


IT8, IT9, ва IT10 квалитет ва ундан қўполроқ квалитет бўйича аниқликда заготовкаларга механик ишлов беришнинг аксарият ҳолларида олинган ўлчамлар нормал тақсимланиш қонуни(Гаусс қонуни)га мос келади.

Янада аниқроқ ишлов беришда ўлчамларнинг тақсимланиши бошқа қонуниятларга бўйсунади.

**Тенг ёнли учбурчак қонуни (Симпсон қонуни).** Заготовкага IT7, IT8 ва айрим ҳолларда IT6 квалитетлар бўйича ишлов беришда ўлчамларнинг тақсимланиши кўп ҳолларда Симпсон қонунига мос тушади ва унинг график кўриниши тенг ёнли учбурчак шаклида бўлади (2.10-расм, а).

Ўлчамларнинг ёйилиш майдони эса қуида келтирилган формула билан ифодаланади:

$$\omega = 2\sqrt{6} \cdot s \approx 4,9\sigma , \quad (2.15)$$



2.10-расм. Ишлов беришда заготовкалар ўлчамларининг Симпсон қонуни (а) ва тенг эҳтимолли қонуни (б,в) бўйича тақсимланиши

**Тенг эҳтимоллик қонуни.** Агар ўлчамларнинг ёйилиши фақат ўзгарувчан мунтазам хатоликларга боғлиқ бўлса (масалан, кесувчи асбобнинг ейилиши), унда ишлов берилаётган партиядаги заготовкалар ҳақиқий ўлчамларининг тақсимланиши тенг эҳтимоллик қонунига бўйсунади.

Масалан, кесувчи асбобнинг барқарорлашган ейилишида унинг ўлчамларининг вақт давомида камайиши тўғри чизиқли қонунга бўйсунади ва ишлов берилаётган заготовканинг диаметри ўзига тегишли равишда ортиб боради (валга ишлов беришда) ёки камая боради (тешикка ишлов беришда).

Ишлов берилаётган заготовкалар ўлчамларининг  $T_2 - T_1$  вақт оралиғида  $2l = b - a$  катталикка ўзгариши ҳам тўғри чизиқли қонуният асосида юз бериши табиийdir (2.10-расм, б). Заготовкалар ўлчамларининг тақсимланиши  $a$  ва  $b$  оралиғида тенг эҳтимоллик қонуни бўйича  $2L$

асосга ва баландлиги (ординатаси)  $1/2L$  га тенг бўлган тўғри тўрт бурчак шаклида ифодаланади (2.10-расм, в).

Тўртбурчак майдонининг бирга тенг бўлиши заготовкалар ўлчамларининг  $a$  ва  $b$  оралиғида 100 фоизда бўлиш эҳтимолини билдиради.

Ўлчамларнинг ўртача арифметик қиймати:

$$L_{\text{yp}} = (a + b)/2$$

Ўртача квадратик қиймати:


$$\delta = \frac{b - a}{2\sqrt{3}} = \frac{l}{\sqrt{3}} \approx 0,577l.$$

Хақиқий тақсимланиш майдони:

$$\omega = 2\delta\sqrt{3} \approx 4,46\delta. \quad (2.16)$$

Заготовкаларга синов юриш ва ўлчаш усули билан ишлов берилганда, заготовкаларнинг юқори аниқликдаги (IT5-IT6 ва ундан юқори квалитетларга)

ўлчамларининг тақсимланишига тенг эҳтимоллик қонуни мос тушади.



2.11-расм. Заготовкаларнинг бир нечта партиясиага дастгоҳни қайта созлаш билан ишлов беришда 6мунит таъсири натижасида тасодифий хатоликларнинг йигинди эгри чизиги шаклининг ўзгариши.

Энг юқори аниқликдаги ўлчамларни олиш мураккаб бўлганлиги сабабли допускнинг тор чегарасига, яъни унинг ўрта, энг катта ёки энг кичик қийматига заготовкалар ўлчамларининг тушиб эҳтимоллиги бир хил бўлади.

**Эксцентриситет қонуни (Релей қону-**

**ни).** Тубдан ижобий аҳамиятга эга бўлган эксцентриситет, уриш, ҳар хил девор қалинлиги, нопараллеллик, но-перпендикулярлик, оваллик, конуссимонлик ва бошқа шунга ўхшаш абсолют қийматлари билан характерлана-диган (яъни, ишоралари инобатга олинмайди) қиймат-ларнинг тақсимланиши эксцентриситет тақсимланиш қонунига бўйсунади.

Тасодифий катталик  $R$  икки ўлчамли Гаусс тақсимотида радиус-вектор бўлиб ҳисобланса, яъни у иккита  $x$  ва  $y$  тасодифий катталиктининг геометрик йифиндисидан иборат бўлса, бундай тақсимланиш Релей қонуни бўйича шаклланади:

$$R = \sqrt{x^2 + y^2}. \quad (2.17)$$

**Тақсимланиш қонунларининг композицияси ва хатоликларни қўшиш.** Заготовкаларга ишлов беришда улар ўлчамларининг аниқлигига тез-тез ва бир вақтнинг ўзида турли омиллар таъсир қилиб, ҳар хил қонунларга бўйсунувчи тасодифий, мунтазам ва мунтазам ўзгарувчан хатоликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатларда ишлов берилаётган заготовкаларнинг ўлчамлари бир нечта тақсимланиш қонунлари композициясининг йифиндисига тенг бўлади.

Агар заготовқанинг ўлчамларига бир вақтнинг ўзида ўлчамларининг тақсимланиш Гаусс қонунига биноан тасодифий сабаблар билан бир қаторда мунтазам хатоликлар —  $\Delta_{\text{сист}}$  ҳам таъсир қилса, унда Гаусс эгри чизиги ўша катталика, яъни  $\Delta_{\text{ист}}$  хатолик катталигига (2.11-расм, а) ўз шаклини йўқотмасдан (2.11-расм, б) силжийди. Бундай ҳолатда заготовкалар ўлчамларининг ёйилиш майдонининг йифиндиси қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$\omega = 6\sigma + \Delta_{\text{мунт}} \quad (2.18)$$

Масалан, партиядаги заготовкалар разверткаланаётганда диаметрлари ўлчамларининг ёйилиши  $6\sigma$  ёйилиш майдонли нормал тақсимланиш қонунига бўйсунади. Развёрткини алмаштирилса ҳам тақсимланиш қонуни ўзгармайди (чунки барча ишлов бериш шароитлари ўзгармайди), лекин ёйилиш эгри чизигининг чўққиси эски ва янги разверткалар диаметрларининг айирмаси катталигига силжийди ( $\Delta_{\text{мунт}} = \Delta n$ ).

Иккала развёртка ёрдамида ишлов берилган заготовкалар партиясидаги ўлчамларнинг йифинди ёйилиш майдони (2.18) тенгламага асосан развёрткалар диаметрларининг фарқига тенг қиймат бўйича кенгаяди.

Ишлов беришнинг умумий хатолигини ҳисоблашда систематик хатоликлар уларнинг ишораларини ҳисобга олган ҳолда алгебраик қўшилади. Бунинг натижасида хатоликларнинг йифиндиси катталашмасдан, балки камайиб ҳам қолиши мумкин, чунки ҳар хил ишорали хатоликлар бир-бирини компенсациялайди. Масалан, кескичнинг қизиши билан унинг узайиши йўнилаётган вал диаметрининг камайишига олиб келади, лекин кескичнинг ейилиши натижасида (вал диаметрининг катталashiшига олиб келадиган омил) валнинг диаметри катталashiши мумкин. Бу иккала мунтазам хатоликлар ўзаро бир-бирини компенсациялаб, мунтазам хатоликлар йифиндисини кам ўзгартириши ва валнинг диаметри деярли ўзгармаслиги ҳам мумкин.

Мунтазам хатоликлар билан тасодифий хатоликлар (2.18) формула бўйича арифметик қўшилади.

Амалда тақсимланишнинг айрим ташкил этувчилари-нинг Гаусс қонунига бўйсунмаслигини эътиборга олиш учун (аниқликни кафолатлаш) тасодифий хатоликларнинг йифиндиси қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\omega = 1,2 \sqrt{\omega_1^2 + \omega_2^2 + \dots + \omega_n^2}, \quad (2.19)$$

бу ерда  $\omega_1, \omega_2, \dots, \omega_n$  — тасодифий хатоликларнинг ёйилиш майдонлари

#### **2.4. Заготовкалар ўлчамларининг умумий ёйилишининг ташкил этувчилари**


**Ўлчамларнинг ишлов бериш турларига боғлиқ бўлган ёйилиши.** Маълум бир жиҳозда амалга ошириладиган ишлов беришнинг ҳар бир тури ёйилиш майдони  $w_m$  билан характерланадиган ўлчамларнинг ёйилиши ўзига хос бўлган қийматига эга. Бироқ ушбу ишлов бериш турининг ўзида ҳам  $\omega_m$  нинг қиймати дастгоҳларнинг конструкция-

сига, уларнинг ўлчамига ва унинг ҳолатига (яъни унинг аниқлигига ва бикирлигига) қараб ўзгаради. Дастроҳлар конструкцияларининг такомиллашиши ва янги ўлчамли туркумларининг пайдо бўлиши ишлов беришнинг ушбу туридаги ўлчамларнинг ёйилиши тўғрисидаги тасаввурларни қайта кўриб чиқишини тақозо этади.


Ишлов бериш турига боғлиқ бўлган ўлчамларнинг ёйилиши доимий бўлмайди ва партиядаги заготовкаларга ишлов бериш жараёнида кесувчи асбобнинг ёйилишига боғлиқ равишда ўзгаради. Партиядаги заготовкаларга ишлов бериш жараёнининг бошида ва охирида ўлчамларнинг ёйилиш майдони  $\omega_m^{\text{буш}}$  ва  $\omega_m^{\text{ок}}$  партия ўртасида ёйилиш майдонига  $\omega_m^{\text{о}}$  нисбатан катта бўлади (2.12-расм).

**Ўрнатиш хатолигига боғлиқ бўлган ўлчамларнинг ёйилиши.** Автоматик равишида ўлчам олиш усули билан ишлов бериш учун заготовкани дастроҳга ўрнатишда ўлчамнинг эришиладиган аниқлиги заготовканинг ўлчов базасининг кесувчи асбобга нисбатан ҳолатига боғлиқ. Заготовка ўлчов базаси ҳолатининг ўзгариши ўлчамлар ёйилишини  $\omega_1$  келтириб чиқарадиган ўрнатиш хатолигининг  $\Delta_v$  пайдо бўлишига сабаб бўлади.  $\omega_1$  қиймати базалаш  $\Delta_b = \omega_b$ , маҳкамлаш  $\Delta_{\max} = \omega_{\max}$  ва мослама хатоликлари йиғиндицидан иборат бўлади.

**Базалаш хатолиги.** Заготовкани мосламага ўрнатишнинг айрим ҳолларида ўлчов базалари (*A* текислик) билан технологик (*B* текислик) базаларнинг (2.13-расм, а) мостушмаганлиги муносабати билан ёки заготовканинг та-




2.12-расм Кесувчи асбобнинг ёйилиши (а) ва ишлов берилган заготовкалар ўлчамларининг оний ёйилиш майдонининг ўзгариши (б)



2.13-расм Базалаш хатолиги  $\omega_b = \omega_a$  нинг келиб чиқиши

янч сиртлари ва мосламаларини ўрнатиш элементлари ўзига хос шаклларида (2.13-расм, б) боғлиқ бўлган базалаш хатоликларини келтириб чиқаради (2.13-расм).

**Маҳкамлаш хатолиги.** Заготовкани мосламада маҳкамлашнинг кўп ҳолларида заготовканинг силжиши содир



2.14-расм. Фрезалашда (а) ва токарлик ишлов беришда (б) маҳкамлаш хатолиги  $\omega_{\max} = S_{\max}$

бўлади (мосламадан сиқиб чиқариш). Натижада заготовканинг базавий сирти билан мосламанинг ўрнатиш сиртлари орасида тирқиши  $S$  пайдо бўлади (2.14-расм). Заготовкани мосламада маҳкамлаш натижасида силжишининг ўзгариши а ўлчамни, кўпинча тажриба ўтказиш йўли билан аниқланадиган

ёйилиш майдони  $\omega_z$  бўйича ёйиб юборади. Маҳкамлаш хатолиги  $\Delta_{\max} = \omega_{\max}$  мосламанинг қисиши қурилмасининг конструкцияси ва ҳолатига ҳамда қисиши кучининг йўналишига боғлиқ. Заготовкани мосламадан сиқиб чиқариш билан боғлиқ бўлган маҳкамлашнинг энг кичик хатолигига қисиши кучининг йўналиши технологик ўрнатиш базасига нисбатан перпендикуляр бўлган ҳолатда эришиш мумкин.

**Мосламанинг хатолиги.** Заготовкани мосламага ўрнатилганда ва маҳкамланганда, унинг асбобга нисбатан хотўри ҳолатда жойлашиб қолишига мосламани тайёрлаш ва йифиш жараёнида ҳосил бўлган хатоликларнинг мавжудлиги (масалан, мосламанинг ўрнатувчи элементларининг ва бўлувчи қурилмаларининг хатоликлари), мосламанинг ейилиши ва уни дастгоҳга ўрнатишдаги хатоликлар сабаб бўлади.

Турли мосламаларда юқорида келтирилган хатоликлар тасодифий қийматлар сифатида йифилиб мосламанинг умумий хатолигини ташкил этади ва унинг қиймати 0,005—0,02 мм оралиғида бўлиши мумкин.

Ўрнатишнинг умумий хатолиги  $\Delta_y$  юқорида санаб ўтилган барча хатоликларни ташкил этувчиларидан йифилади ва тасодифий хатоликларни қўшиш қоидасига асосан қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta y = \omega y = 1.2 \sqrt{\omega_1^2 + \omega_{\max}^2 + \omega_{\text{нос}}^2}. \quad (2.20)$$

**Үлчамларнинг созлаш хатолигига боғлиқ бўлган ёйилиши.** Дастгоҳни созлаш хатолиги  $\Delta_c = \omega_c$  тасодифий катталик сифатида кесувчи асбобнинг ҳолатини ростлаш  $\omega_{\text{раст}}$  ва дастгоҳнинг алоҳида узелларининг асбобга нисбатан ўрнатилиш хатоликлари натижасида ҳамда дастгоҳни созлаш учун фойдаланиладиган заготовкалар намуналарини ўлчашдаги хатоликлар  $\omega_{\text{улч}}$  натижасида ўзгаради. Дастгоҳда кесувчи асбобнинг жойлашиш ҳолатининг хатоликлари ростловчи воситаларнинг (лимбалар, индикаторлар, миниметрлар, таянчлар ва бошқалар) аниқлигига боғлиқ. Умуман олганда, созлаш хатолигининг йиғиндики қуидаги ифода билан аниқланади:

$$\Delta_A = \omega_A = 1.2 \sqrt{\omega_{\text{раст}}^2 + \omega_{\text{улч}}^2} \quad (2.21)$$

Заготовкалар ўлчамларининг умумий (йиғинди) ёйилиши ва ишлов беришнинг умумий хатолиги. Созланган дастгоҳда автоматик равишда ўлчам олиш усули билан ишлов берилган партиядаги заготовкалар ўлчамларининг умумий ёйилганлигининг йиғинди майдони қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\omega = 1.2 \sqrt{\omega_m^2 + \omega_y^2 + \omega_c^2}, \quad (2.22)$$

ёки ёйилган ҳолатдаги қўриниши:

$$\omega = 1.2 \sqrt{\omega_u^2 + \omega_b^2 + \omega_r^2 + \omega_{\text{нос}}^2 + \omega_{\text{раст}}^2 + \omega_{\text{вн}}^2} \quad (2.22, a)$$

Бу формулага кирувчи катталикларнинг сон қиймати аниқ шароитда бажарилаётган операция учун ёйилиш майдонларининг ҳақиқий қийматлари ёки маълумотнома, адабиётлар ва статистик маълумотлар асосида олинган тахминий қийматлари бўйича аниқланади. Статистик маълумотларга асосан ишлов бериш турининг ёйилиш майдони  $\omega_m$  нинг катталиги: ўрта револьверли дастгоҳлар

учун 0,016 – 0,039 мм; токарлик дастгоҳлари учун – 0,013–0,036 мм; думалоқ жилвирлаш дастгоҳлари учун – 0,004–0,017 мм га тенг бўлади.

Маҳкамлашга боғлиқ бўлган ёйилиши  $\omega_{\text{майдони}}$  ўртacha:

исканжা (тиски) учун	— 0,05–0,2 мм;
прихватларда	— 0,01–0,2 мм;
патронда	— 0,04 – 0,1 мм;
қисадиган гилзада	— 0,02–0,1 мм.
мосламанинг хатолиги	$\omega_{\text{мос}} = 0,005–0,2 \text{ мм}$
Ростлаш хатолиги $\omega_{\text{роc}}$ га боғлиқ ёйилиш:	
лимбалар ёки индикаторлар ёрдамида созлашда	— 0,01–0,06 мм
бикир тиргак ёрдамида ростлаш	— 0,04 – 0,1 мм
индикаторли тиргак ёрдамида ростлаш	— 0,005 – 0,015 мм
эталон деталлар ёрдамида ростлаш	— 0,10 – 0,13 мм
Ўлчаш хатолиги $\omega_{\text{удч}}$ :	
штангенциркул ёрдамида ўлчашда	— 0,045 – 0,05 мм;
микрометр ёрдамида ўлчашда	— 0,006–0,014 мм

Базалаш  $\omega_b$  ва силжиш  $\omega_{\text{сил}}$  хатоликларининг катталиклари таянч сиртларнинг шакли ва қўйилган ўлчамга ҳамда берилган ҳолат учун σ нинг қийматига қараб аниқ ҳисоб-китоб қилиш орқали аниқланади.

Ишлов беришнинг умумий хатолиги  $\Delta_{\text{ишл}}$  тасодифий характерга эга бўлган сабаблар туфайли ҳамда ишлов беришнинг систематик ва ўзгарувчан систематик хатоликлари сабабли заготовкалар ўлчамларининг ёйилиш майдонларини ўз ичига олади, яъни

$$\Delta_{\text{наг}} = 1,2 \sqrt{\omega_u^2 + \omega_y^2 + \omega_c^2} + \Delta_{\text{мун}} \quad (2.23)$$

Агар ишлов беришнинг хатолиги заготовканинг допуск майдонидан ортиқ бўлса ва уни камайтириш учун биринчи навбатда олдиндан ҳисоблаш имкониятига эга бўлган ва умумий хатоликка катта таъсир этувчи мунтазам ва ўзгарувчан мунтазам хатоликларга эътибор бериш керак. Формула таркибидаги ҳар қайси элементларни чукур ўрганиб ва улардан ҳосил бўлаётган хатоликларни камайтириш йўлларини излаш керак.


**Ўлчамларнинг тақсимланиш қонунларини амалда қўллаш** учун ишлов бериш аниқлигини таҳлил қилиш. Юқорида келтирилган ўлчамларни тақсимлаш қонунларидан машинасозлик технологиясида технологик жараёнларни ишончли лойиҳалаш учун ва нуқсонсиз ишлов беришни таъминлаш; ишлов беришда эҳтимоли бор бўлган яроқсиз буюмлар сонини ҳисоблаш; ишлов берилган заготовкаларга яна қўшимча ишлов бериш талаб этиладиганиларининг сонини аниқлаш; аниқлиги паст бўлган унумдорлиги дастгоҳлардан юқори фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ҳисоблаш; жиҳознинг, асбобнинг, мойлашсовутиш суюқлигининг ва шу кабиларнинг турли ҳолатида заготовкаларга ишлов бериш аниқлигини солиштириш учун қўлланиллади.

**Заготовкаларга нуқсонсиз ишлов беришнинг ишончлилигини белгилаш.** Ишлов беришда талаб этилган аниқликни ишончли таъминлаш учун берилган операциянинг аниқлик захираси  $\psi$  қўйидагича аниқланади:

$$\psi = T/\omega, \quad (2.24)$$

бу ерда  $T$ —заготовка ишлов бериш допуски;  $\omega$ —заготовка ўлчамларининг ҳақиқий ёйилиш майдони.

Агар аниқлик захираси  $\psi > 1,0$  бўлса, заготовкага ишлов беришда яроқсиз деталлар, умуман, ҳосил бўлмайди (ёйилиш эгри чизиги чўққисининг



2 15-расм. Ўлчамларнинг турли тақсимланиш қонунлари учун хомакиларга нуқсонсиз ишлов бериш шарти

допуск майдони ўртасига түфри келишини таъминловчи дастгоҳни түфри созлаш шарти билан).

Агар  $\Psi < 1,0$  бўлса, заготовкага ишлов беришда нуқсонли детал ҳосил бўлиш эҳтимоли жуда катта. Агар  $\Psi = 1,2$  бўлса, ишлов бериш жараёни ишончли ҳисобланади. Ўлчамларнинг барча тақсимланиш қонунларига асосан нуқсонсиз ишлов бериш

$$\omega < T, \quad (2.25)$$

яъни, ўлчамларнинг ҳақиқий ёйилиш майдони белгиланган допускдан кичикдир. Нормал тақсимланиш қонуни учун бу ифода қуйидагича тус олади:

$$6\sigma < T, \quad (2.26)$$

Агар ёйилиш майдонининг силжишини келтириб чиқарадиган систематик хатолик  $\Delta_{\text{сист}}$  мавжуд бўлса (2.11-расм) заготовкага нуқсонсиз ишлов бериш шарти:

$$6\sigma + \Delta_{\text{сист}} < T \quad (2.27)$$

Бу ифодада қўпинча  $\Delta_{\text{сист}} = \Delta_c$  ( $\Delta_c$  — дастгоҳни созлаш хатолиги) қабул қилинади, чунки қолган мунтазам хатоликлар кўп ҳолларда дастгоҳни созлаш орқали компенсацияланади.

**Нуқсонли заготовкалар ҳосил бўлиши эҳтимолини ҳисоблаш.** Берилган операцияда заготовкалар ўлчамларнинг ёйилиш майдони допуск майдонидан катта бўлса ( $\omega > T$ ), нуқсонсиз ишлов бериш шарти (2.25) бажарилмайди ва деталларда нуқсон содир бўлиши мумкин.

Партиядаги барча заготовкаларга ишлов берилганда, яроқсиз деталлар ҳосил бўлишининг фоиз бўйича эҳтимоли қуйидагича аниқланади.

Агар ўлчамларнинг ёйилиши Гаусснинг нормал тақсимланиш қонунига мос келса, партиядаги ишлов берилаётган барча заготовкалар ўлчамларнинг ёйилиш майдон чегараси 0,27% хатолик билан қабул қилинади ва ҳақиқий ўлчамлари қуйидаги чегарада бўлади

$$6\sigma = L_{\max}^{\text{так}} - L_{\min}^{\text{так}}$$

2.16-расмдан кўриниб турибдики, абсцисса ўқи ва нормал тақсимланиш эгри чизиги билан чегараланган майдон партиядаги заготовкаларнинг 100 фоизда бўлишини белгилайди ва бир бирликка тенг бўлади. Майдоннинг штрихланган қисми ўз ўлчамлари бўйича қўйиш чегарасидан ташқаридаги заготовкалар миқдорини (фоиз ҳисобида ёки бир бирликнинг улушида) ўзида намоён қиласи.

Яроқли заготовкаларнинг сонини аниқлаш учун  $T = L_{\max}^{\text{don}} - L_{\min}^{\text{don}}$  допускка тенг бўлган узунликдаги эгри чизик ва абсцисса ўқи билан чегараланган чизик бўйича ҳосил бўлган майдонни аниқлаш зарур.


Агар допуск майдонига нисбатан ёйилиш майдони симметрик жойлашган бўлса (2.16-расм, а), Гаусс эгри чизиги ва абсцисса ўқи  $X_0$  билан чегаралангандан ярим майдонни аниқловчи интегралнинг иккиланган қиймати аниқланади:

$$\phi(x) = \frac{1}{\delta \sqrt{2\pi}} \int_0^{x_0} e^{-\frac{(L_l - L_{\text{yp}})^2}{2\delta^2}} dl \quad (2.28)$$

Бу ифодани меъёrlанган кўринишда Лапласнинг бизга маълум бўлган функцияси шаклида ёзиш мумкин:

$$\phi(t) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_0^t e^{-\frac{r^2}{2}} dt \quad (2.29)$$

$t$  нинг катталигига қараб бу функцияning қиймати 1-иловада келтирилган [3].



2.16-расм. Допуск майдонига нисбатан ёйилиш майдонининг симметрик (а) ва носимметрик (б) жойлашишида яроқсиз деталлар ҳосил бўлишининг эҳтимоли

(2.26) формуладаги  $t$  меъёрлаштирилган тақсимланиш параметридан ёки таваккал (ҳимоя) коэффицентидан иборат ва у қуидаги тенглама орқали аниқланади

$$t = \frac{(L_i - L_{yp})}{\sigma} = \frac{x_o}{\sigma} \quad (2.30)$$

$t$  нинг қиймати ошиши билан допуск майдони  $T$  ичидаги ўлчамлари жойлашган заготовкаларнинг сони ҳам ошади ва ишлов беришда кутилаётган яроқсиз буюмлар фоизи камаяди.

Лаплас функциясининг ечими  $X_o$  ва  $\sigma$  ларнинг аниқ қийматига боғлиқ эмас, аксинча, уларнинг нисбатига боғлиқ.

Демак, яроқли заготовкалар сонини аниқлаш учун  $t$  нинг қийматини юқорида келтирилган формула (2.30) ёрдамида аниқлаб иловадаги жадвалдан олинган маълумотлар орқали (фоиз ёки заготовкалар сони бўйича) топамиз.

**2.2-мисол.** Револьверли дастгоҳда латундан тайёрланган 300 дона валиклар партиясига ишлов берилмоқда. Ишлов бериш учун допуск  $T = 0,10$  мм. Кескичнинг материали олмос, партиядаги заготовкаларга ишлов беришда кескичининг ейилиш миқдори кам бўлганлиги учун ейилишни ҳисобга олмасак ҳам бўлади.

Агар дастгоҳни созлашда ўлчамларнинг тақсимланиш эгри чизиги рухсат этилган майдонга нисбатан (2.16-расм, а) симметрик жойланиши таъминланса, яроқли ва яроқсиз заготовкалар сонини аниқланг.

Заготовкаларнинг 75 донасининг ўлчамлари ўлчаганда (2.14) формула орқали ва 2.3-жадвалдан  $\sigma=0,025$  мм ни топамиз.

**Ечими:** 1. Ўлчамларнинг тақсимланиши Гаусс қонунига бўйсунади (ишлов бериш созланган дастгоҳларда, систематик хатоликлар йўқ деб қабул қиласиз).

2. Ҳақиқий тақсимланиш майдони  $\omega=6\sigma=6\cdot0,025=0,15$  мм. Демак,  $\omega>T$ , берилган  $T = 0,10$  мм. Ишлов беришда яроқсиз заготовкалар содир бўлиши аниқ, чунки ёйилиш майдони рухсат этилган майдондан катта.

3. Ҳисобга биноан:

$$x_0 = \frac{T}{2} = \frac{0,1}{2} = 0,05 \text{ мм} \text{ ва } t = \frac{x_0}{\sigma} = \frac{0,05}{0,025} = 2,0$$

Демак,  $\phi(t) = 0,4772$  (1-илова [3]), яъни партиянинг ярмига нисбатан 47,72% яроқли заготовкаларга тўғри келади. Партиядаги барча заготовкаларга нисбатан яроқли заготовкалар 95,44% ни ташкил қилади ёки 286 дона яроқли, яроқсизлари эса 4,56 % ёки 14 донани ташкил қилаади.

**2.3- мисол.** Бошлангич маълумотлар олдинги мисолдагининг ўзи. Агар созлаш хатолиги  $\Delta_c$  ўлчамларнинг тақсимланиш эгри чизифи чўққисининг ҳолатини рухсат этилган майдоннинг ўртасидан ўнгга 0,02 мм силжитса (2.16-расм, б), заготовкаларнинг яроқли, яроқсиз, ўлчами кичик ва жуда катта ўлчамлиларининг сони ҳамда умумий нуқсонли заготовкалар сони аниқлансин.

**Ечими:** 1. А майдонида  $X_A$  ва  $t_A$  (2.16-расм, б) қийматларини ҳисоблаймиз:

$$\chi_A = \frac{T}{2} + \Delta_c = 0,05 + 0,02 = 0,07,$$

$$t_A = \frac{\chi_A}{\delta} = \frac{0,07}{0,025} = 2,8.$$

1-илова [3] га асосан, яъни 49,74% яроқли ва 0,26% ёки 1 та заготовка яроқсиз, у ҳам бўлса, унинг диаметри ўлчамининг жуда кичикилиги.

2. В майдонида  $X_B$  ва  $t_B$  ни қийматларини аниқлаймиз:

$$X_B = T/2 - \Delta_h = 0,05 - 0,02 = 0,03;$$

$$t_{B_K} X_B / \sigma = 0,03 / 0,025 = 1,2.$$

1-илова [3]  $\Phi(t)=0,3849$ , яъни 38,49% заготовкалар яроқли ва 11,5% ёки 34,5 дона заготовканинг диаметри жуда катта бўлганлиги ва унинг ўлчами допуск майдонидан ташқарида жойлашганлиги учун яроқсиз деб ҳисобланади.

### 3. Яроқли заготовкаларнинг умумий сони:

$49,74 + 38,49 = 88,23\%$  ёки 265 дона.

Нуқсонли заготовкаларнинг умумий сони: 11,77% ёки 35 дона

Ҳисоблардан күриниб турибдики, агар заготовканинг яроқсизлари носимметрик жойлашса, умумий нуқсонли заготовкалар сони симметрик жойлашишига нисбатан кўп бўлар экан, лекин қўшимча ишлов бериш йўли билан олинган яроқсиз заготовкалар сонини бир мунча камайтириш мумкин. Масалан, диаметри катта бўлган валикларни жилвирлаш йўли билан уларнинг диаметрини камайтириб яроқли валик олиш имконияти бор.

**Құшимча ишлов берилиши зарур бўлган заготовкалар сонини аниқлаш.** Айрим ҳолатларда корхоналарда керакли аниқликдаги дастгоҳ бўлмаса ёки юқори унумдорликка эга, лекин аниқлиги паст бўлган (револьверли дастгоҳга нисбатан) автоматда берилган топшириқни тез бажариш зарур бўлса (унда хомакига ишлов беришда  $\omega < T$  шарт бажарилмайди ва яроқсиз заготовкалар пайдо бўлиш эҳтимоли ортади), дастгоҳни созлашда ўлчамларнинг тақсимланиш эгри чизигининг чўққисини допуск майдонининг ўртасига нисбатан шундай ҳисоб қилиб, тақсимланишни керакки, шу операцияда олинаётган барча яроқсиз заготовкаларни қўшимча ишлов бериш йўли билан тўғрилаш имконияти бўлсин.

2.17-(а) расмда барча валларнинг ўлчамлари допуск майдони чегарасидан четга чиққан ва уларнинг ўлчамлари чизмадагига нисбатан катта, шунинг учун қўшимча жилвирлаш операциясидан сўнг уларни яроқли ҳолатга келтириш мумкин. Шунга ўхшаб тешикларнинг ўлчамлари ҳам допуск майдони чегарасидан четга чиққан бўлиб (диаметри номинал ўлчамдан кичик) ва дастгоҳни созлашда тешиклар учун ўлчамларнинг тақсимланиш эгри чизигини *t* катталикка допуск майдонининг ўртасига нисбатан чапга силжитиш даркор (2.17-расм, б).

Тұғрилаш имконияти бўлмаган яроқсиз деталларни мутлақо келиб чиқмаслиги учун ўлчамларнинг тақсимла-ниш эгри чизигининг чўққисини силжиш ўлчами  $m$  ни

созлаш хатолиги  $\Delta_c$  катталигига оширилади, лекин шу билан бир қаторда қүшимча ишлов бериладиган заготовкалар сони сезиларли дара жада күпаяди. Қүшимча ишлов бериладиган заготовкалар сони (2.17-расмдаги штрихланган майдон) олдингиларга ( $X_b$  — валлар учун ва  $X_a$  — тешиклар учун) ўхшаб аниқланади.

$$X_a = X_b = T - 3\sigma - \Delta_c \quad (2.31)$$

$X_a (X_b)$  қиймати ва (2.28) формулага асосан  $t_a$  ( $t_b$ ) тоғилади ва 1- иловадаги [3] жадвал орқали  $\Phi(t_a)$  ёки  $\Phi(t_b)$  хисобланади.

Қайта ишлов бериладиган заготовкалар сони  $Q_{\text{куш}}$  (фоиз хисобида) қуйидаги формула орқали аниқланади

$$Q_{\text{куш}} = [0,5 - \Phi(t)] \cdot 100$$

**2.4-мисол.** Қүшимча ишлов бериладиган заготовкалар сонини аниқланг. Берилган  $T = 0,1 \text{ мм}$ ;  $\sigma = 0,025 \text{ мм}$ ;  $\Delta_c = 0,02 \text{ мм}$ .


**Ечиш:** юқоридаги 2.28 формулага асосан

$$X_b = 0,1 - 3 \cdot 0,025 - 0,02 = 0,005; t_b = 0,005 / 0,025 = 2$$

Демак,  $\Phi(2) = 0,793$  (1-иловада берилган [3]) ишлов бериладиган заготовкалар сони

$$Q_k = (0,5 - 0,793) \cdot 100 = 42,07\% \text{ ёки } 127 \text{ дона}$$

**Аниқлилиги паст, унумдорлиги юқори бўлган дастгоҳларни қўллашнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш.** Ишлаб чиқарувчиларнинг юқори унумдорли дастгоҳларни қўллаш йўли билан ишлов беришнинг самарадорлигини оширишга интилиши кўп ҳолларда дастгоҳлар-



2.17-расм. Тўғрилаш мумкин бўлган яроқсиз валларга (а) ва тешикларга (б) ишлов бериш учун дастгоҳларни созлаш

нинг аниқлиги етарли даражада эмаслиги ва ишлов бериш турига боғлиқ ҳолда ўлчамларнинг оний ёйилиши катта қийматига эга бўлиши туфайли чекланади.

Масалан, агар думалоқ жилвирлаш дастгоҳида  $D^*$  10-18 мм диаметрли заготовкага ишлов беришда ўлчамларнинг оний ёйилиш майдони  $\omega_m = 0,09$  мм бўлса, токарлик дастгоҳларида ишлов беришда  $\omega_m = 0,015$  мм гача, револьверли дастгоҳларда  $\omega_m = 0,025$  мм гача ортади.

Автомат ва ярим автоматларда ишлов беришда  $\omega_m$  нинг қиймати токарлик дастгоҳларига нисбатан бир неча маротаба катта бўлади.

Аввал таъкидланганидек, агар  $6\sigma > T$  бўлса, яроқсиз заготовкалар ҳосил бўлиши муқаррар бўлади. Шунинг учун технологлар кўп ҳолатларда юқори унумдорлик дастгоҳларидан фойдаланишдан воз кечишади. Лекин биз юқорида кўриб ўтган мисолимизда  $T = 0,010$  мм қўишли валикка  $\sigma = 0,025$  мм ва  $6\sigma = 0,15$  мм бўлган ҳолатда ишлов беришда, яъни ўлчамларнинг ёйилиш майдони допуск майдонидан 1,5 марта ортиқ бўлган ҳолатда ҳам аниқлик коэффициенти

$$\psi = \frac{T}{6\sigma} = \frac{0,1}{0,15} = 0,67 < 1,0 \quad (2.32)$$

бўлиб, яроқсиз заготовкалар миқдори 4,56 фоизни ташкил этади холос.

Демак, айрим ҳолатларда юқори аниқликдаги заготовкаларга ишлов бериш учун юқори унумдорли дастгоҳлардан уларнинг аниқлиги етарли даражада бўлмаса ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқори унумдорликка эга бўлган жиҳозларда заготовкаларга ишлов беришни бир неча яроқсиз заготовкалар ҳосил бўлишини олдиндан билган ҳолда қўллаш учун қуилагилар аниқланади: кутиладиган яроқсиз заготовкалар сонини ёки қўшимча ишлов берилиши керак бўладиган заготовкалар сонини; яроқсиз заготовкалардан қўриладиган зарарни (яроқсиз деталларга қўшимча ишлов бериш ва унумсиз металл сарфи).

Шу билан бирга юқори унумдорли жиҳозларда ишлов беришда заготовка таннархининг камайиши ва ўз навба-

тида иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Юқори аниқликдаги деталларни аниқлиги паст, лекин юқори унумдорликка эга бўлган дастгоҳлардан фойдаланиб, ишлов беришда яроқсиз деталлардан кўриладиган зарар ва заготовкага қўшимча ишлов беришдаги сарфларни солиштириш аниқлиги паст, лекин юқори унумдорликка эга бўлган дастгоҳларда ишлов беришга ўтказишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқлаб беради.

Ишлов берилаётган заготовкалар ўлчамларининг ёйилишини таҳлил қилишда математик тақсимланиш қонунларини қўлаш тасодифий хатоликларни келиб чиқиш сабабларини ўрганишга ва уларнинг аниқликка таъсирини камайтиришга ёки бартараф этишга имкон яратади.

### *Сипов саволлари*

1. Машинасозликда аниқликни қандай усууллар билан олиш мумкин?
2. Систематик ва тасодифий хатоликлар деганда нимани тушунасиз?
3. Систематик хатоликинг таркибига нималар киради?
4. Машинасозлик технологиясида фойдаланадиган тасодифий хатоликларнинг асосий тақсимланиш қонунларини айтиб беринг
5. Систематик ва тасодифий хатоликлар қандай қўшилади?
6. Машинасозлик технологиясида Гаусс әгри чизиги нимани кўрсатади?
7. Ўрнатиш хатоликларининг таркибини айтиб беринг?
8. Базалаш ва маҳкамлаш хатоликларининг схемаларини келтиринг.
9. Ўлчамларнинг тақсимланиш қонунларини амалда қўллаш. Заготовкаларнинг эҳтимолли яроқсизларининг сонини ҳисоблаш. Мисол келтиринг.
10. Кам аниқликдаги юқори унумдорлик дастгоҳларни ишлаб чиқаришга қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги нимадан иборат?

### III боб

## ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМНИНГ ИШЛОВ БЕРИШ АНИҚЛИГИГА ВА УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ


Дастгоҳ — мослама — заготовка — асбобдан иборат бўлган технологик тизимнинг ўзи эластик тизим бўлиб, ишлов бериш жараёнида деформацияланиши натижасида ишлов бериладиган заготовкалар ўлчамлари ва геометрик шаклларининг систематик ва тасодифий хатоликларини келтириб чиқаради.

Шу билан бирга ушбу технологик тизим ёпиқ динамик тизим бўлиб ишлов берилаётган сиртнинг шакл хатоликларини (тўлқинсимонлик ва доирасимонликдан четга чиқиш) ҳосил қиласди.

### 3.1. Ишлов бериш хатолигининг ҳосил бўлишига технологик тизимнинг бикорлиги ва берилувчанлигининг таъсири

Токарлик дастгоҳининг марказларида силлиқ валга ишлов беришнинг (3.1-расм) бошлангич моментида, яъни кескич валнинг ўнг томонида бўлганда, кесиш кучи  $P_y$  заготовка орқали кетинги марказга, пинолга ва дастгоҳнинг кетинги бабкасига таъсир кўрсатиб, ушбу элементларнинг (кетинги марказнинг ва пинолнинг эгилиши, кетинги бабка корпусининг эластик қайтиши  $Y_{\text{оп.б.}}$ ) «ишчидан» қарама-қарши йўналишда эластик деформацияланишини ҳосил қиласди. Бу эса кескичнинг чўққисидан заготовканнинг айланиш ўқигача бўлган масофани  $Y_{\text{оп.б.}}$  катталика узоқлашишига ва ўз навбатида ишлов берилган заготовка радиусининг катталашшишига олиб қелади.

Шу билан бирга  $P_y$  куч таъсири остида кескич ва суппорт «ишчига» қараб эластик  $Y_{\text{асб}}$  қайтади ва бу эса ўз навбатида кескичнинг чўққисидан заготовканнинг айланиш ўқигача бўлган масофани узайтириб деталнинг радиусини катталаштиради. Шун-



3.1-расм. Технологик тизимнинг эластик қайтиши

дай қилиб, бошланғич моментда ишлов берилған сиртнинг ҳақиқий диаметри созлаш вақтида ўрнатылған диаметрдан  $\Delta = 2(Y_{\text{оп.б}} + Y_{\text{асб}})$  ўлчамга катта бўлади. Ишлов бериш давомида кескичнинг кетинги бабкадан олдинги бабка томонга юриши натижасида кетинги бабканинг эластик қайтиши камайиб, олдинги бабканинг  $Y_{\text{ол.б}}$  ва ишлов берилаётган заготовканинг  $Y_{\text{хом}}$  эластик қайтиши ошиб боради, улар ҳам ишлов берилаётган заготовканинг ҳақиқий диаметрини катталаштиради.

Ишлов берилаётган заготовканинг ҳақиқий диаметри А-А кесимда қўйидагига teng:

$$D_{\text{фак}}^{A-A} = D_{\text{соз}}^{A-A} + 2(Y_{\text{оп.б}}^{A-A} + Y_{\text{ол.б}}^{A-A} + Y_{\text{асб}}^{A-A} + Y_{\text{заг}}^{A-A}). \quad (3.1)$$

Дастгоҳ элементларининг эластик деформацияланиши (ассоб ва суппортдан ташқари) ишлов бериш давомида заготовка узунлиги бўйича ўзгариб боради ва натижада заготовканинг узунлиги бўйича шакли ҳам ўзгарувчан бўлади. Вал учун ўлчамларнинг хатолиги ва заготовканинг шакли технологик тизимнинг эластик деформацияланишининг иккиласан қийматига teng. Эластик қайтиш  $Y$  шу қайтиш йўналишида таъсир қилувчи кучлар ва технологик тизимнинг бикирлиги билан аниқланади.

*Технологик тизимнинг бикирлиги i деб, ушбу тизимнинг деформацияловчи кучларнинг таъсирига қаршилик кўрсатма олиш қобилиятига айтилади.*

Агар дастгоҳлар элементларининг бикирлиги жуда катта бўлиб ва ишлов берилаётган заготовканинг бикирлиги кичик бўлса (узун ва диаметри кичик бўлган валга катта дастгоҳда ишлов бериш), унда  $Y_{\text{ол.б}}$  ва  $Y_{\text{оп.б}}$  қайтишлар кичик,  $\dot{y}_{\text{мг}}$  — катта бўлади. Бунинг натижасида заготовканинг шакли бочкасимон бўлади. Аксинча, эгилувчанлиги кам бўлган йўғон ва катта хзаготовкага бикирлиги кам бўлган дастгоҳда ишлов берилса ( $Y_{\text{ол.б}}$  ва  $Y_{\text{оп.б}}$  катта), заготовканинг шакли корсетсимон (заготовканинг ўрта диаметри кичик) бўлади.

Технологик тизимнинг эластик қайтиши билан бөглиқ бўлган ишлов беришнинг хатоликларини ҳисоблашада ушбу тизимнинг бикирлиги сон қийматда ифодаланиши керак.

*Технологик тизимнинг бикирлиги*  $j$ ,  $\text{кН}/\text{м}$  ( $\text{кгс}/\text{мм}$ ) деб, кесиши кучининг нормал ташкил этувчиси  $P_y$   $\text{кН}$  ( $\text{кгс}$ ) нинг кесувчи асбобнинг кесувчи тигининг ишлов берилгаётган заготовканинг сиртига нисбатан силжишилари йифиндисининг  $y$  ( $\text{мм}$ ) нисбатига айтиласди:

$$J = \frac{P_y}{y} \quad (3.2)$$

Бизга маълумки,  $y = y_{\text{даст}} + y_{\text{нос}} + y_{\text{заг}} + y_{\text{асб}}$ .

Тизимнинг бикирлигини қуийдаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$J = \frac{\Delta P_y}{\Delta y},$$

бу ерда  $\Delta R_y$  — нормал кучнинг ошиши;  $\Delta y$  — силжишларнинг йифиндиси.

Айрим ҳолларда бикирликни ҳисоблашда **мойиллик** деган тушунчадан фойдаланиш қулайлироқ бўлиши ҳам мумкин. Мойиллик қиймат жиҳатдан бикирликнинг тескарисидир.

*Технологик тизимнинг берилувчанлиги*  $w$  деб, ушбу тизимнинг ташқи кучлар таъсири остида эластик шакл ўзгартира олиш қобилиятига айтиласди.

Мойиллик  $\omega$   $\text{м}/\text{Н}$  ( $\text{мкм}/\text{кгс}$ ) қиймат жиҳатдан кескичининг тифини заготовканнинг сиртига нисбатан перпендикуляр силжиши у ни таъсир этувчи куч  $P_y$  га бўлиш билан аниқланади:

$$\omega = \frac{y}{P_y}, \quad (3.3)$$

шу билан бирга:

$$\omega = \frac{l}{j}. \quad (3.4)$$

Тизимнинг умумий мойиллиги:

$$\omega = \omega_1 + \omega_2 + \dots + \omega_n \quad (3.5)$$

Тизимнинг умумий бикирлиги:

$$\frac{1}{J_{\text{ум}}} = \frac{1}{j_1} + \frac{1}{j_2} + \dots + \frac{1}{j_n} \quad (3.6)$$

Кескич ишлов берилаётган заготовканинг ўртасига тўғри келган ҳолатда заготовкага марказларда ишлов беришда дастгоҳнинг бикирлигини қуидаги аниқлаш мумкин:

$$\frac{1}{j_{\text{дасм}}} = \frac{1}{J_{\text{евн}}} + \frac{1}{4} \left( \frac{1}{J_{\text{от}}} + \frac{1}{J_{\text{оп}}} \right). \quad (3.7)$$

Силлиқ вални марказларга ўрнатиб ишлов беришда унинг энг катта әгилиши қуидаги формула билан аниқланади (иккита таянчда эркин ётган балканинг әгилиши):

$$y_{\text{заг}} = \frac{P_v l^2}{(48EJ)}, \quad (3.8)$$

ва кескич таъсир этаётган олдинги бабкадан  $X$  масофадаги жойнинг эгилганлиги:

$$C_{\text{зат}} = \frac{P_v X(1-x)^2}{3EJ}, \quad (3.9)$$

бу ерда  $L$  — заготовканинг узунлиги;  $E$  — эластиклик модули;  $J$  — заготовка кесимининг инерция моменти (айланада вал учун  $J=0,05 \text{ Д}^4$ )

Кескич валнинг ўртасида жойлашганда валнинг бикирлиги :

$$J_{\text{заг}} = \frac{48EJ}{Xl^2} \quad (3.10)$$

ва кескич дастгоҳнинг олдинги бабкасидан  $X$  масофада бўлса

$$j_{\text{заг}} = 3EL / \left[ X^2(l-x)^2 \right] \quad (3.11)$$

Патронда консолли ўрнатилган силлиқ вал учун

$$C_{заг} = P_y l^3 / (3EJ) \quad (3.12)$$

ва

$$J_{заг} = \frac{3EJ}{l^3} \quad (3.13)$$

Дастгоҳларнинг бикирлигини текшириш учун кейинги йилларда ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижасида турли туркумдаги дастгоҳлар ва уларнинг айрим узеллари учун бикирлик ва майилликнинг ҳақиқий қийматлари аниқланган ва ушбу маълумотлар асосида барча керакли ҳисобларни юқори аниқликда бажариш мумкин.

Тизимнинг бикирлигини ва берилувчанлигини ишлов берилаётган заготовкалар ўлчамларининг аниқлигига ва шаклига таъсирини 3.2-расмда келтирилган ишлов бериш схемасини таҳлил қилиш натижасида аниқлаш мумкин.

Дастгоҳни созлашда қандайдир  $r_{наз}$  радиусда заготовканинг йўниш учун кескич ўрнатилади. Лекин дастгоҳ узелларининг

$Y_{даст}$  ва заготовканинг  $Y_{заг}$  эластик силжишлари натижасида заготовканинг айланиш ўқи  $\theta_1$  ўз ҳолатидан  $\theta_3$  ҳолатга силжийди. Бунинг натижасида эса кескич қиррасининг чўққиси заготовканинг айланиш ўқигача бўлган ҳақиқий масофадан узоқлашади. Шу пайтнинг ўзида кескичининг эгилиши ва эластик силжиши натижасида унинг чўққисидан заготовка айланиш марказигача бўлган масофа қўшимча равишда яна  $Y_{соз}$  катталигига узоқлашади (3.2-расм, б).


Технологик тизимнинг эластик қайтиши заготовканинг ҳақиқий йўниш диаметрининг катталashiшига олиб келади

$$r_{факт} = (r_{наз} + y_{дасм} + y_{хов} + y_{асб}) \quad (3.14)$$

ва шу билан бирга ҳақиқий кесиш чуқурлиги камаяди,

$$t_{факт} = t_{наз} - (y_{дасм} + y_{хов} + y_{асб}) \quad (3.15)$$

Ишлов берилаётган заготовка диаметрининг умумий ортиши технологик тизимнинг эластик қайтишининг иккиласигана тенг, яъни



3.2-расм. Ишлов берилаётган заготовканинг ўлчамларига эластик силжишнинг таъсири:

а – дастгоҳ ва заготовканинг эластик қўзғалиши натижасида заготовка ўқининг силжиши;

б – кескичнинг эгилиши ва силжиши натижасида заготовканинг марказидан кескич чўққисининг силжиши

$$\Delta \Delta = 2(r_{\text{ҳақ}} - r_{\text{наэ}}) = 2(y_{\text{даст}} + y_{\text{заг}} + y_{\text{асб}}) = 2y = 2 \frac{P}{j} \cdot 3.16) \quad (3.16)$$

Кесиш назариясидан маълумки

$$P_y = C_y S_{yp} t_{xp} HB_n, \quad (3.17)$$


унда

$$\Delta \Delta = 2C_y S^{yp} t^{xp} HB^n \left( \frac{1}{j_{\text{даст}}} + \frac{1}{j_{\text{заг}}} + \frac{1}{j_{\text{асб}}} \right), \quad (3.18)$$

Заготовкага ишлов бериш жараёнида ишлов берилаётган буюм ўлчамининг ортиши фақат асбобнинг ейилиши натижасидагина эмас, балки кесувчи асбобнинг ўтмаслашиши ва шу билан бирга кесиш кучининг  $P_y$  ортиши ҳам сабаб бўлади.

Текширишлар шуни кўрсатадики, кесувчи асбобнинг орқа сиртида ейилиш майдонининг ҳосил бўлиши  $E_u$  муносабати билан  $P_y$  кесиш кучи ейилиш майдонининг  $E_u$  кенглигига пропорционал равищда  $\Delta R_y$  катталикка (3.3-расм) ортади.

Кескичнинг орқа сиртидаги ейилиш майдонининг кенглиги 0,7-0,8 мм га катталашиши натижасида ташкил этувчи куч  $P_y$  деярли икки маротаба ортади.



3.3-расм. 2Х13 маркали пўлатни йўнишда  $P_y$  нинг кескичнинг орқа сиртининг ейилиш майдонининг кенглигига  $E_e$  боғлиқлиги

$$\Delta P_y = K_e E_e \quad (3.19)$$

бу ерда  $K_e$  — пропорционаллик коэффиценти (3.1-жадвал).

Шу билан бирга кесувчи асбоб геометриясининг ўзаришини инобатга олиш учун:

3.1-жадвал

### Пропорционаллик коэффицентининг қийматлари

S мм/ аил	$K_e$ қийматлари, агар $\phi=45^\circ$ , $\gamma=10^\circ$ , $\alpha=8^\circ$									
	пўлатга ишлов бериш, 170 НВ						алюминий қотишмаларга ишлов бериш			
	кесиши чуқурлиги t, мм									
	0,2	0,5	1,0	1,5	2,0	0,2	0,5	1,0	1,5	2,0
0,06	2,0	4,5	9,0	14,0	18,0	1,2	1,5	1,7	2,0	2,0
0,09	2,5	5,0	12,0	15,0	24,0	1,7	2,0	2,2	3,0	3,5
0,12	3,0	7,0	15,0	23,0	30,0	2,1	3,0	3,5	5,0	6,0
0,2	4,0	10,0	22,0	32,0	45,0	3,0	4,0	5,0	8,0	9,0
0,3	6,0	15,0	30,0	44,0	59,0	4,0	4,5	7,0	8,5	10,0
0,38	7,0	18,0	36,0	53,0	75,0	4,5	5,0	9,0	11,0	12,5

$$\Delta R_y = K_e K_\phi K_y K_r E_e \quad (3.20)$$

бу ерда  $K_\phi, K_y, K_r$  — тузатиш коэффицентлари.

$\Delta R_y$  ўсиши билан эластик қайтиш у ҳам ошибб, ишлов бериши хатолиги кўпаяди.

Тузатиш коэффицентларининг кесувчи асбобнинг геометриясига боғлиқлиги 3.2-жадвалда келтирилган.

## Тузатиш коэффицентларининг қиймати

Параметр ва коэффицент	Сон қиймати				
	45 1,0	60 0,72	70 0,49	80 0,26	90 0,15
Пландағи бош бурчак, $\varphi^0 K_\varphi$	5 1,2	10 1,0	15 0,85	20 0,7	25 0,56
Олдинги бурчак, $\gamma^0 K_\gamma$	0,5 0,95	0,75 0,98	1,0 1,0	1,25 1,03	1,5 1,08
Кескіч чўққисининг думалоқланиш радиуси $r$ , мм $K_r$					

Кесувчи асбобнинг ўтмаслашиши ва унинг орқа сиртида ейилиш майдонининг кенгайиши кесиш йўлиниңгиз узунлигига пропорционал бўлади, шу билан бирга кесиш кучи  $P_y$  ва эластик қайтиш узаготовкадан заготовкага бир хил катталикка ортиб, ишлов беришнинг қўшимча ўзгарувчан систематик хатолигини содир қиласади.

Ишлов берилаётган материал қаттиқлигининг ўзгариши кесиш кучининг нормал ташкил этувчиси  $P_y$  ни ўзгартиради, пўлатга ишлов беришда  $P_y$  материалнинг Бринель бўйича қаттиқлигига квадратик равишда боғланган. Шуни таъкидлаш муҳимки, ишлов берилаётган материал қаттиқлигининг ортиши билан кесиш кучининг нормал ташкил этувчиси  $\Delta R_y$  нинг кўпайиши, асосан кесиш кучининг номинал қийматига ва ўз навбатида кесиш режимларига боғлиқ.

Масалан, йўниш жараёнида ишлов берилаётган материалнинг қаттиқлиги 30 НВ га ошиши кесиш кучининг нормал ташкил этувчиси  $\Delta R_y$  нинг қўшимча ошишига ва суришнинг  $S(\text{мм}/\text{айл})$  таъсири қўйидагича:

$S$	$\Delta R_y$
0,06	19,6
0,12	68,5
0,20	88,0

Демак, ҳар хил катталиқдаги заготовкага ишлов берішда кесиш күчининг ўзгаришини камайтириш (шу билан бирга технологик тизимнинг эластик қайтиш ўзгарувчанлигини камайтириш) ва ўз навбатида ишлов беріш хатолигини пасайтириш учун асбобларнинг тоза ишлов беріш жараёндаги кесиб олаётган қиринди қатламининг минимал бўлишини таъминлаш керак.

Ишлов берилаётган материал қаттиқлигининг ушбу материалнинг турли нуқталарида ҳар хил бўлиши амалда ишлов беріш аниқлигига жуда катта таъсир қиласи. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, материал қаттиқлиги унинг турли нуқталарида ушбу материал қаттиқлигининг ўртача қийматидан 30- 40% фарқ қиласи. Масалан, 2Х13 маркали пўлатдан совуқ ҳолатда тортилган чивиқнинг қаттиқлиги унинг кўндаланг кесими ва узунлиги бўйича 5-20 НВ қаттиқликка ўзгаради. Битта партиядаги чивиқ материали қаттиқлигининг ўзгариши, ҳатто 94 НВ гача боради (умумий қаттиқлик 116 НВ дан 210 НВ гача ўзгаради, яъни 80 фоизга ўзгаради).

Бир хилда эритиб, босим остида қуйилган алюминий қотишмасининг қаттиқлиги 42 НВ дан 67 НВ гача (59%) ўзгаради, ҳар хил эритиб олинган қотишмада эса қаттиқлик 42 НВ дан 77 НВ гача (83%) ўзгаради. АЛ2 қотишмасининг ҳатто битта қуймасидаги қаттиқлиги 67 НВ дан 77 НВ гача (15%) ўзгаради. Айрим заготовкаларнинг ҳар хил қаттиқлиги технологик тизимнинг мойиллиги туфайли ишлов берилаётган заготовкалар ўлчамларининг ёйилишига олиб келади, битта заготовка чегарасида қаттиқликнинг ўзгариши эса детал шаклининг геометрик хатоликларини содир қиласи.

Созланган дастгоҳларда заготовкаларга ишлов берішда бошланғич заготовканинг шакл хатолиги кесиш чуқурлигини  $t$  ва ўсиш  $\Delta D$  ни ўзgartиради (3.18-формула).

Дастлабки заготовканинг геометрик шакл хатоликлари (3.4-расм) ишлов берилган заготовканинг бир хилдаги шакл хатоликларини содир этади. Дастлабки заготовканнинг хатолиги  $\Delta_{\text{дост заг}}$  ишлов берилаётган сиртнинг айрим участкаларида кесиш чуқурлиги  $\Delta t$  нинг ошишига сабаб бўлади ва кесиш күчининг нормал ташкил этувчисининг ортишига  $\Delta R_y$  ва технологик тизимнинг қўшимча эластик

қайтиши  $\Delta y = \Delta R_y / j$  ўз навбатида диаметрнинг ортишига олиб келади. Ишлов берилган заготовканинг шакл хатолиги

$$\Delta_{\text{иш таъ}} = D_{\text{иш заг}}^{\max} - D_{\text{иш заг}}^{\min} = 2\Delta y.$$

Демак, дастлабки заготовканинг хатолиги ишлов берилган заготовкага бир хилдаги шаклда, лекин камайган миқдорда нусха бўлиб ўтади (дастлабки заготовканинг оваллилиги ишлов берилган деталнинг оваллилигини келтириб чиқаради, конусли — конусликни, уриш — уришни ва ҳоказо).

Асбобнинг ўтишлар сонининг ортиши билан ишлов беришнинг хатолиги сезиларли даражада камаяди ва шу билан бирга ишлов беришнинг аниқлиги ортади.

Дастлабки заготовканинг  $\Delta_{\text{даст заг}}$  ва ишлов берилган хомакининг  $\Delta_{\text{иш заг}}$  бир хилдаги хатоликларининг ўзаро нисбатини аниқлаш  $\varepsilon$  деб қабул қилинган

$$\varepsilon = \frac{\Delta_{\text{даст заг}}}{\Delta_{\text{иш заг}}} \quad (3.21)$$

### Аниқлашга ( $\varepsilon$ ) тескари катталик

$$K_y = \Delta_{\text{иш заг}} / \Delta_{\text{даст заг}} = \frac{1}{\varepsilon}, \quad (3.22)$$


хатоликларни камайтириш коэффициенти дейилади.

Механик ишлов беришнинг унумдорлиги бевосита технологик тизимнинг бикирлигига боғлиқдир. Тизимнинг асосий бикирлик формуласи:

$$y = \frac{1}{j} P_Y = \frac{1}{j} C p_Y t^{\psi} S^{\psi} \quad (3.23)$$

ёки

$$y = \omega P_Y = \omega C p_Y t^{\psi} S^{\psi} \quad (3.24)$$




3.4-чизма. Дастлабки заготовка шакл хатоликларининг ишлов берилган деталларнинг шакл хатоликларига таъсири

Технологик тизимнинг эластик қайтиши сон жиҳатдан дастгоҳнинг созлашда белгиланган ўлчамдан ишлов берилаётган заготовканинг ўлчамининг қўшимча равишида ортишига teng, яъни ушбу ўлчамнинг хатолигига teng (валга ишлов беришда  $\Delta D = 2y$ ), кўпайтма  $r^p S^p$  ишлов беришнинг унумдорлигини характерлайди. Демак, бундай технологик тизимнинг бикирлиги ишлов бериш аниқлиги билан унинг унумдорлиги ўртасидаги алоқани белгилайди деган хуоса келиб чиқади.

(3.23) ва (3.24) формулаларда мойиллик  $\omega=1/j$  ишлов беришнинг унумдорлиги ва хатоликлари ўртасидаги пропорционаллик коэффициенти сифатида қатнашади. Формулалардан кўриниб турибдики, ишлов беришнинг аниқлигини оширишнинг асосий йўлларидан бири технологик тизимнинг мойиллигини камайтириш ёки унинг бикирлигини оширишdir.

Масалан, 3.5-расмда келтирилган графикдан кўриниб турибдики, бир хил заготовкаларга икки хил бикирликка эга бўлган технологик тизимда ишлов берилса, уларнинг эластик қайтишлари ҳам ҳар хил бўлади, яъни бир хил кесиш кучи  $P_y$  учун ишлов бериш хатоликлари турлича бўлади. Шундай қилиб, кучнинг ташкил этувчиси  $P_y$  нинг бир хил қийматида бикирлиги паст тизимдан (2-эгри чизик) бикирлиги юқори тизимга (1-эгри чизик) ўтилса, ишлов беришда оз хатоликка эришилади.

Технологик тизимнинг бикирлигини қўйидаги усуллар билан ошириш мумкин:



3.5-расм Технологик тизим бикирлигининг эластик силжиш тебраниши  $\Delta y_1$  ва  $\Delta y_2$  га таъсири.

1. Бикирликка эга конструкцияни яратиш ва технологик тизим элементларининг ўлчамларини ўзгартириш (катталаштириш).

Дастгоҳнинг бикирлиги асосан унинг конструкциясига, турларига, ўлчамига (ўлчамларнинг катталиги) ва ҳолатига боғлиқ.

Катта, янги ва оғир дастгоҳларнинг бикирлиги

юқори бўлиб, ишлов беришнинг аниқлигини таъминлайди.

Технологик тизимнинг бикирлиги мослама ва асбобнинг конструкциясига ва ҳолатига боғлиқ. У қуидагилардан иборат: қисадиган кулачоклар сонини ортириш; қисқич ва кескич тутқичнинг кўндаланг кесимининг сиртини ошириш ҳамда кескичнинг ўстирмасини камайтириш; қисиши қурилмаларининг технологик базалар билан тегиб туриш зичлигини ошириш; технологик жиҳозларни ўз вақтида профилактик таъмирлаш; бирикмаларнинг тирқишиларини камайтириш ва ишлов берилаётган заготовканинг қисиши бикирлигини ошириш учун базавий сиртларни ва заготовканинг қисиши сиртларининг ўлчамларини ошириш, технологик тизимда қўшимча таянч ва люнетлар қўллаш.

2. Технологик тизимнинг умумий звенолар сонини камайтириш: дастгоҳ ва мосламаларда бир нечта майда деталлар ўрнига битта мураккаб ва массив детал қўллаш; шпинделли бабкани станица билан бирга қўйма ҳолатда олиш ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириш.

3. Деталларга механик ишлов бериш сифатини ошириш (айниқса уланадиган сиртларнинг). Маълумки, деталларнинг тегиб турадиган сиртлари уларни йигиш жараёнида бутун сирти бўйича контактда бўлмайди, аксинча алоҳида чўққилари билан (сиртларнинг ғадир-будирлигига ва тўлқинсимонлигига боғлиқ) туташади. Туташмаларнинг бикирлигини ошириш учун ишлов берилган сирт ғадир-будирлигини камайтирадиган ва микро қаттиқлигини оширадиган пластик деформациялаш (роликни ва золдирни думалатиш) усули билан ишлов беришни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Йиғишнинг сифатини ошириш.

5. Дастроҳларни эксплуатация режимини тўғри олиб бориш.

6. Жиҳозларни эксплуатация қилиш жараёнида систематик назорат қилиш ва технологик тизимнинг барча элементларини бикирликка даврий равишда текшириш.

Технологик тизимнинг бикирлигига таъсир қилувчи жуда ҳам кўплаб омиллар мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтгача уларни аниқлаш усули эмпирик характерга эга бўлган,

фаннынг замонавий ривожланиш даражасида ҳисоблаш йўли билан аниқлаш имконияти.

Одатда, дастгоҳни ёки алоҳида узелни статик кучлар билан юклаб, уларнинг бикирлигини маҳсус динамометрлар орқали аниқланади: дастгоҳнинг узелларини эластик қайтиши индикаторли қурилма ёрдамида ўлчанади. Синаш вақтида юкламалар нолдан максимумгача оширилади ва  $Y=f(R)$  функциянинг координата тизимида қурилади. Кейин юкламани камайтириб юксизлантириш эгри чизиги қурилади.

Дастгоҳлар бикирлигининг яна ҳам аниқрок қийматини топиш учун ишлаб чиқариш усули қўлланилади. Синалаётган дастгоҳда поғонали заготовкани ёки токарлик ишлов беришда уриш мавжуд бўлган заготовкага ишлов берилади. Ишлов берилаётган заготовканинг сиртида чиқиқ ҳосил қилиниб, уни ҳисоблашда хатолик  $\Delta_{\text{дасм}}$  деб қабул қилинади.


Заготовкага бир марта ўтишда ишлов беришда сиртда чиқиқ ҳосил бўлади, яъни дастлабки заготовка хатолигининг камайтирилган нусхасидан иборат бўлган ишлов берилган сиртнинг хатолиги  $\Delta_{\text{иш заz}}$  пайдо бўлади.

Аниқлаш катталиги  $\varepsilon = \Delta_{\text{дасм заz}} / \Delta_{\text{иш заz}}$  ни ҳисоблаб, дастгоҳнинг бикирлиги аниқланади.


### 3.2. Кўп асбобли ва кўп шпинделли ишлов бериш хатоликлари

Замонавий машинасозликни тақомиллаштиришнинг асосий йўналиши кўп асбобли ва кўп шпинделли ишлов беришда ишлаб чиқариш унумдорлигини ва тежамкорлигини сезиларли равишда ошириш учун технологик операцияларни концентрациялаштиришдир. Ўрнатишлар сонининг озайиши ва шунга боғлиқ бўлган ўрнатиш хатоликларининг камайишига олиб келади, бироқ бу ҳолда эластик силжишлар ва технологик тизим динамикасининг таъсиrlари натижасида ҳосил бўладиган ўзига хос маҳсус хатоликлар туфайли ишлов берилаётган сиртлар ўлчамларининг ва сирт шаклининг аниқлиги камаяди.

Масалан, погонали валга кўп кескичли, яъни бир вақтда бошлаб ва бир вақтда тамомлаб, ишлов беришда (3.6-расм, а) ҳар қайси кескичининг нормал кесиш кучлари  $P_y$  нинг тенг ташкил этувчиси  $R_y$  таъсири на-тижасида дастгоҳнинг олдинга ва кетинги бабкаларининг элас-тик қайтишлари ( $Y_{al\beta}$  ва  $Y_{op\beta}$ ) ишлов бериладиган заготовка-ниг силжишини ва унинг ўқини  $a$  бурчакка оғдиради (3.6-расм, б), бу эса ўз навбатида ҳар қайси ишлов бериладиган бўйин диаметрини хатоликка ва шаклиниг ўзгаришига олиб кела-ди (3.6-расм, в).



3.6-расм. Кўп кескичли ишлов беришда шакл ва ўлчам хатоликларининг пайдо бўлиши



3.7.-Расм. 45 маркали пўлатдан тайёрланган заготовкада йўнилган тешикларнинг аниқлигига кўп кескичли ишлов беришнинг таъсири  
 а – уч погонали тешикни йўниб кенгайтириш учун кўп кескичли борштанга,  $v=180$  м/мин;  $S=0,06$  мм/айл;  $t=0,1$  мм.  
 б – доирасимонликдан четга чиқиши; в – фадир-буудирлик;  
 I – 3-кескич ишлаганда; II – бир вақтнинг ўзида 3- ва 2- кескичлар ишлаганда; III – бир вақтнинг ўзида 3- ва 1-кескичлар ишлаганда; IV – бир вақтнинг ўзида 3-, 2- ва 1- кескичлар ишлаганда.

Поғонали тешикка олмосли йўниб кенгайтирувчи даст-гоҳларда кўп кескичли ишлов беришда бир вақтда ишла-ётган кескичларнинг титраши ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиб умумий хатоликни ва ғадир-будирликни ошира-ди. Хатоликлар катталикларининг ўзгариши бир вақтда иш-лаётган кескичларнинг сонига ва ўзаро жойлашишига боғ-лиқлиги 3.7-расмда кўрсатилган.

### ***Сипов саволлари***

1. Технологик тизимнинг бикирлиги ва берилувчанилиги деганда нималарни тушунасиз?
2. Заготовканинг шакл хатоликлари ишлов берилган деталнинг хатолигига қандай таъсир қиласи?
3. Технологик тизим элементларининг бикирликлари қандай аниқланади?
4. Технологик тизим бикирлигининг аниқликка таъсири қандай?
5. Ишлов беришининг унумдорлигини нима характерлайди?
6. Кескич орқа сиртининг сийилиши ўлчам хатолигига қандай таъсир қиласи?
7. Ишлов берилаетган заготовканинг ўлчамларига эластик силжиш қандай таъсир қиласи?
8. Технологик тизим бикирлигининг унумдорликка таъсирини қан-даи изоҳлаш мумкин?
9. Технологик тизимнинг бикирлигини ошириш йўллари.
10. Куп асбобли ва кўп шпинделли ишлов беришининг аниқликка таъсири

## ТЕХНОЛОГИК ЎЛЧАМЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

Технологик жараёнларни лойиҳалашда операция допускини ва ўлчамларини ҳамда заготовкага ишлов беришнинг қўйимларини ҳисоблаш масаласи келиб чиқади.


Технологик, конструкторлик ва ўлчаш базаларини бирбирига мослаш имконияти бўлмаса ва базаларни ўзгартириш зарур бўлмаса технолог “технологик” операция ўлчамини белгилашга мажбур ва берилган допусклар қайта ҳисобланади, бунда, одатда, допусклар ортади. Барча ушбу масалалар тегишли технологик ўлчам занжирларини ҳисоблаш асосида ечилади.

### 4.1. Ўлчам занжирларининг турлари ва уларни ҳисоблаш усуллари

**Ўлчам занжирлари ва звенолари.** Ўлчам занжиси деб, алоҳида деталларнинг ёки йифма бирликларнинг бир нечта деталлари сиртларининг ва ўқларининг ўзаро жойлашишини аниқловчи, берк контур бўйича жойлашган ўлчамларнинг йифиндисига айтилади (4.1-расм, а).

**Конструкторлик ўлчам занжирлари** маҳсулотдаги деталларнинг сиртлари ёки сиртлари нинг ўқлари орасидаги масофани ёки нисбий бурилишни аниқлайди (4.1-расм, б-г).

**Технологик ўлчам занжирлари** ишлов бериш ёки йифиш операциясини бажаришда, дастгоҳни созлашда ёки операциялараро ўлчамлар ёки қўйимларни ҳисоблашда буюннинг сиртлари орасидаги масофани аниқлайди (4.1-расм, д).



4.1-расм. Ўлчам занжирларининг турлари.

Үлчам занжирининг таркибига кирувчи үлчамлар **звено** деб аталади. Агар масалани қўйишда үлчам занжирининг звеноси дастреб иштирок этса, **бошланғич звено** деб ёки у масаланинг ечилиши натижасида олинса, **беркитувчи звено** деб аталади. Қолган звенолар **ташкил этувчи звенолар** деб аталади.

Үлчам занжирининг бошланғич звеноси ташкил этувчи звенолар үлчамларининг аниқлигига таъсир кўрсатади. Бошланғич звенога нисбатан ташкил этувчи звеноларнинг допуски ва чекли четга чиқишилари аниқланади.

Пазнинг үлчами  $A_2$  ни ва шпонка үлчами  $A_1$  ни (4.1-расм, б) ва валнинг диаметри  $A_1$  ни ва тешик  $A_2$  ни (4.1-расм, в) аниқлашда бошланғич (беркитувчи) звено деб ҳисобланган, конструктив жиҳатдан зарур бўлган тирқишиларнинг  $A_0$  катталигини таъминлаш заруриятидан келиб чиқилади.


Одатда, беркитувчи (бошланғич) звенонинг үлчами деталнинг чизмасида кўрсатилмайди. Йиғиш үлчам занжирларида тўғри ёки бурчак үлчамлари беркитувчи звено бўлиши мумкин ва уларни техник шартларда кўрсатиб ўтилади.

Үлчам занжирининг ташкил этувчи звеноси ўсиб бориши билан беркитувчи звено ҳам ўсиб борса, бундай ташкил этувчи звено **ўсиб борувчи звено** деб аталади ва  $\bar{A}$  белти билан белгиланади. Ташкил этувчи звенонинг ўсиб бориши билан беркитувчи звено камайиб борса, бундай ташкил этувчи звенони **камаювчи звено** деб аталади ва  $\bar{A}$  билан белгиланади.

Үлчамларнинг жойлашишига қараб үлчам занжирлари қуидагиларга бўлинади:

чизиқли үлчам занжирлари, бурчакли үлчам занжирлари, ясси үлчам занжирлари, фазовий үлчам занжирлари (фазовий бўлмаган текисликларда звенолар жойлашган). 4.2-расмда ясси үлчам занжирлари келтирилган.

**Үлчам занжирларининг схемасини тузиш.** Қўйилган масалага қараб, үлчам занжи-



4.2-расм. Ясси үлчам занжирини чизиқли үлчам занжирига келтириш.

рининг беркитувчи (бошланғич) звеноси аниқланади.

Одатда, икки сирт (уларнинг ўқи) орасидаги масофа ёки уларнинг нисбий бурилиши беркитувчи звено бўла олади. Ўлчам занжирларининг схемасини тузишда беркитувчи звено билан чегарадош бўлган сиртларнинг биридан бошланади ва беркитувчи звенонинг иккинчи чегарадош бўлган сиртигача давом этади. Технологик ўлчам занжирларида беркитувчи звено қилиб одатда, заготовкага ишлов бериш учун қолдирилган қўйим қатлами олинади.

**Ўлчам занжирларини ҳисоблаш.** Ўлчам занжирларини ҳисоблашнинг мақсади қуйидаги иккита масалалардан бирини ечишдир.

**1. Тўғри (лойиҳавий) масала.** Берилган беркитувчи звенонинг параметрлари бўйича ташкил этувчи звеноларнинг параметрларини аниқлаш, яъни беркитувчи звенонинг берилган чегаравий четга чиқиши ва допуски бўйича ташкил этувчи звеноларининг ўлчамларини, допускини ва чегаравий четга чиқишиларини ҳисоблаш.



**2. Тескари (текширувчи) масала.** Ташкил этувчи звеноларнинг берилган параметрлари бўйича беркитувчи звенонинг параметри аниқланади.

Амалда ташкил этувчи звеноларнинг берилган номинал ўлчамлари ва уларнинг чекли четга чиқишилари, допуски ва ўлчамларининг ёйилиш майдони тавсифлари бўйича беркитувчи звенонинг номинал ўлчами, унинг допуски (ёйилиш майдони) ва чекли четга чиқиши ҳисобланади.

Қўйилган масалага ва ишлаб чиқариш шароитига қараб технологик ўлчам занжирларини қуйидаги усулларга асосан ҳисобланади: максимум ва минимумга; эҳтимоллик; гуруҳли ўзаро алмашинувчанлик (селектив йиғиша); йиғма ўлчамларни ҳисобга олган ҳолда ростлаш; йиғиш жараёнида алоҳида деталларнинг ўлчамларини келтириб ўрнатиш.

## 4.2. Тўла ўзаро алмашинувчанлик усули

Тўла ўзаро алмашинувчанлик усули ўлчам занжирининг беркитувчи звеносининг талаб этилган аниқлигини



4.3-расм. Ўлчам занжирларини тузиш.

ташкил этувчи звеноларни танла-  
маган, термаган ва уларнинг қий-  
матини ўзгартирмаган ҳолда ки-  
ритиш йўли билан таъминлайди.

Тўла ўзаро алмашинувчанлик  
тамойили бўйича ишлашда звеноларнинг фақат чекли четга чиқиши-  
ларини ва энг нокулай бирикиши-  
ни ҳисобга олган ҳолда ўлчам зан-  
жирларини максимум ва  
минимумга ҳисоблаш амалга оши-  
рилади. Ўлчам занжирини макси-  
мум ва минимумга ҳисоблаш учун  
ўлчам занжири тузилади (4.3-  
расм, б).

#### **Беркитувчи звенонинг ёйилиш майдонини (допускини) ҳисоблаш.**

Тескари (текширувчи) масалани ечишда ўлчам занжири-  
нинг  $A_0$  беркитувчи звеносининг номинал ўлчамларини  
ташкил қилувчи  $A_i$  звеноларнинг номинал ўлчами билан  
боғлиқлигини ифодаловчи тенгламадан фойдаланилади:

$$A_0 = (A_2 + A_3) - (A_1 - A_4),$$

ёки ҳар қандай сондаги звеноли чизиқли ўлчам занжири  
учун умумий кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$A_0 = (A_1 + A_2 + \dots + A_n) - (A_{n+1} + A_{n+2} + \dots + A_{m-1});$$

бу ерда  $m$  — умумий звенолар сони (беркитувчи звено ҳам  
киради);  $n$  — ўсувчи звенолар сони.

Бошқача кўринишда:

$$A_0 = \sum_{i=1}^n \vec{A}_i - \sum_{n+1}^{m-1} \overleftarrow{A}_i \quad (4.1)$$

бу ерда  $A_0$  — ташкил этувчи звенонинг ўсувчи ўлчами;  
 $A_i$  — ташкил этувчи звенонинг камаювчи ўлчами.

Чизиқли ўлчам занжирларининг беркитувчи звеноси-  
нинг энг катта чекли четга чиқиш ўлчами:

$$A_0^{\max} = \left( A_1^{\max} + A_2^{\max} + \cdots + A_n^{\max} \right) - \left( A_{n+1}^{\min} + A_{n+2}^{\min} + \cdots + A_{m+1}^{\min} \right)$$

ва берkituvchi зvenonining энг кичик чекли четга чиқиш ўлчами

$$A_0^{\min} = \left( A_1^{\min} + A_2^{\min} + \cdots + A_n^{\min} \right) - \left( A_{n+1}^{\max} + A_{n+2}^{\max} + \cdots + A_{m-1}^{\max} \right)$$

Берkituvchi зvenonining энг катта ва энг кичик чекли ўлчамлари орасидаги фарқ унинг допуски  $TA_0$  катталиги-ни аниқлайди ва қуидагича ифодаланади

$$\begin{aligned} TA_0 &= A_0^{\max} - A_0^{\min} = \left( A_1^{\max} - A_1^{\min} \right) + \left( A_2^{\max} - A_2^{\min} \right) + \cdots \\ &+ \left( A_n^{\max} - A_n^{\min} \right) + \left( A_{n+1}^{\max} - A_{n+1}^{\min} \right) + \left( A_{n+2}^{\max} - A_{n+2}^{\min} \right) + \cdots + \left( A_{m-1}^{\max} + A_{m-1}^{\min} \right) \end{aligned}$$

Қавс ичидағи ифодаларнинг ўзига тегишли допуски билан алмаштирасқ, берkituvchi зvenonining допуски

$$TA_0 = TA_1 + TA_2 + \cdots + TA_{m-1}$$

ёки

$$TA_0 = \sum_{i=1}^{m-1} TA_i \quad (4.2)$$


келиб чиқади.

Берkituvchi зvenonining энг катта ва энг кичик ўлчамларидан унинг номинал ўлчами айирмасини аниқлаб, чизиқли ўлчам занжири берkituvchi зvenosinining юқори  $ESA_0$  ва қуи  $EIA_0$  чекли четга чиқышлари топилади, яғни

$$ESA_0 = \sum_{i=1}^n \overrightarrow{ESA}_i - \sum_{n+1}^{m-1} \overrightarrow{EJA}_i ; \quad (4.3)$$

$$EJA_0 = \sum_{i=1}^n \overrightarrow{EJA}_i - \sum_{n+1}^{m-1} \overrightarrow{ESA}_i \quad (4.4)$$

Берkituvchi зvenonining  $ESA_0$  ва  $EJA_0$  чекли четга чиқышларини допуск майдони ўртаси координатасининг қиймати  $E_c A_0$  билан ҳам аниқлаш мүмкін.  $i$  — зvenonining допуск майдони ўртасининг координатаси  $E_c A_i$  деб, шу



4 4-расм. Допуск майдони  $TA_i$  ўртасининг координатаси  $E_c A_i$

звенонинг ўлчам допуски майдони ўртасининг унинг номинал қийматигача бўлган масофага айтилади (4.4-расм), яъни

$$E_c A_i = \frac{ESA_i + EJA_i}{2} \quad (4.5)$$

Чекли четга чиқишилар

$$ESA_i = E_c A_i + \frac{TA_i}{2} \quad (4.6)$$

$$EJA_i = E_c A_i - \frac{TA_i}{2} \quad (4.7)$$

Шунга ўхшаш:

$$ESA_0 = E_c A_0 + \frac{TA_0}{2} \quad (4.8)$$

$$EJA_0 = E_c A_0 - \frac{TA_0}{2} \quad (4.9)$$

$$E_c A_0 = E_c \omega_0 = \sum_{i=1}^n E_c \overset{\rightarrow}{A}_i - \sum_{n+1}^{m-1} E_c \overset{\leftarrow}{A}_i, \quad (4.10)$$

**4.1-мисол.** 4.3-расмда кўрсатилган детал учун беркинувчи звенонинг параметрлари максимум ва минимумга хисоблаш усули ёрдамида қуидагилар аниқлансин: беркинувчи звено  $A_0$  нинг номинал ўлчами, унинг допуски  $TA_0$ , чекли четга чиқишилари  $ESA_0$  ва  $EJA_0$  ва допуск майдони ўртасининг координатаси  $E_c A_0$ ; ташкил этувчи звеноларнинг қуидаги қийматлари берилган:

$$A_1 = 35^{+0,16} \text{ мм}; A_2 = 60_{-0,30} \text{ мм}; A_3 = 20^{+0,15} \text{ мм}; A_4 = 40^{+0,16} \text{ мм};$$

**Ечими.** Беркинувчи звенонинг номинал қийматини (4.1) формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$A_0 = (60 + 20) - (35 + 40) = 5 \text{ мм}$$

Беркитувчи звенонинг допуски:

$$TA_0 = 0,16 + 0,3 + 0,13 + 0,16 = 0,75 \text{ мм}$$

Масаланинг берилиши бўйича ташкил этувчи звено-ларнинг чекли четга чиқишилари қўйидагида:

$$\begin{array}{ll} ES35 = +0,16 \text{ мм}; & EJ35 = 0 ; \\ ES60 = 0 ; & EJ60 = -0,30 \text{ мм}; \\ ES20 = +0,13 \text{ мм}; & EJ20 = 0 ; \\ ES40 = +0,16 \text{ мм}; & EJ40 = 0 . \end{array}$$

(4.3) ва (4.4) формулалардан қўйидагиларни топамиз:

$$\begin{aligned} ESA_o &= (ES60 + ES20) - (EJ35 + EJ40) = \\ &= (0+0,13) - (0+0) = +0,13 \text{ мм}; \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} EJA_o &= (EJ60 + EJ20) - (ES35 + ES40) = \\ &= (-0,30+0) - (0,16+0,16) = -0,62 \text{ мм}; \end{aligned}$$


Демак, беркитувчи звенонинг ўлчами:

$$A_o = 5^{+0,13}_{-0,62}$$

Беркитувчи звенонинг допуск майдони ўртасининг координатаси (4.8) формулага асосан:

$$\begin{aligned} E_c A_o &= ESA_o - \frac{TA_o}{2} = \\ &= 0,13 - \frac{0,75}{2} = -0,245 \text{ мм} \end{aligned}$$

**Ташкил этувчи звенолар ўлчамлари-нинг допускини беркитувчи звенонинг допуск катталиги (ёйилиш майдони) бўйича ҳисоблаш (тўғри масала).** Ушбу масала технологик ўлчам занжирлари-ни ҳисоблашда, кўпинча, синов ҳисоблаш усулидан фойдаланиб ечилади. Бун-



да ўлчам занжирининг барча ташкил этувчи звеноларининг ишлов берилаётган сиртларига кўзда тутилган ишлов бериш турларини қўллашда иқтисодий жиҳатдан эриша олиниши мумкин бўлган, маълум бир аниқлик квалитетига тегишли допускини белгиланади. Шундан кейин беркитувчи звено ўлчамининг қутилаётган ёйилиш майдонининг катталиги  $\omega_0$  ва унинг ёйилиш майдони ўртасининг координатасини  $E_c \omega_0$  (4.2) ва (4.10) формулалардан аниқланади. Бу ерда  $TA_0 = \omega_0$  деб қабул қилинади.

Аниқланган  $\omega_0$  ва  $E_c \omega_0$  қийматларни лойиҳаланаётган маҳсулотнинг беркитувчи звеносининг талаб этилган допуски ва унинг допуск майдони ўртасининг координатаси билан солиширилади. Агар  $\omega_0$  ва  $E_c \omega_0$  беркитувчи звенонинг талаб этилган қийматларидан катта бўлса, у ҳолда ташкил этувчи звенолардан бирининг ёки бир нечтасининг допускини кўпайтиришга тўғри келади ва шундан кейин текширувчи ҳисоблаш амалга оширилади. Изланётган допускни уриниб кўриш ва кетма-кетлик билан яқинлаштириш усули билан белгиланади.

Ушбу усул билан ўлчам занжирларини ҳисоблашни тезлаштириш мақсадида иқтисодий жиҳатдан эриша олиниши мумкин бўлган допусклар ва чекли четга чиқишлиар, ростловчи звенодан ташқари барча ташкил этувчи звенолар учун белгиланади. Ростловчи звенонинг допуски қуйидагича аниқланади:

$$TA_p = TA_o - \sum_{i=1}^{m-2} TA_i \quad (4.11)$$

Ростловчи звено қилиб унга аниқ ишлов бериш ва униифодалаш осон бўлиши шарти билан танланади. Унинг ўлчами ҳам нисбатан катта бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади, чунки катта звенонинг допуски ҳам ўлчамга пропорционал бўлади ва уни ростлаш осон.

Ўлчам занжирларини ҳисоблашда ташкил этувчи звеноларнинг иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ допускини белгилашни осонлаштириш учун ўртача допуск  $T_{yp}$  аниқланади:

$$T_{yp} = TA_0 / (m - 1) \quad (4.12)$$

Ишлаб чиқариш имкониятига қараб, ташкил қилувчи звеноларнинг ўлчамларининг ўртача допускини  $T_{\text{yp}}$  у ёки бу ёққа ўзгартериш киритиб түғриланади.

Белгиланган допускларни ва чекли четга чиқишларни (4.2) ва (4.10) формулалар ёрдамида якуний текширилади.

**4.2-мисол.** 4.5-расмда кўрсатилган тишли узатма корпусининг ажратилган қисм деталларини чизиқли ўлчамларининг  $A_0$  тирқиши 1,0 дан 1,75 гача чегарада таъминлаш учун зарур бўлган допускларни ва чекли четга чиқишларни аниқланг.

Чизиқли ўлчамлар:

$$A_1=140 \text{ мм}; A_2=5 \text{ мм}; A_3=101 \text{ мм}; A_4=50 \text{ мм}; A_5=5 \text{ мм}.$$

**Ечими:** Ўлчам занжирининг (4.5-расм, б) беркитувчи звеносининг ўлчами  $A_0 = 1^{+0,75}$  мм,  $TA_0 = 0,75$  мм,  $EJA_0 = 0$ ,  $ESA_0 = +0,75$  мм,  $E_c A_0 = +0,375$  мм параметрли тирқиш ҳисобланади.

Ўртача допускнинг катталиги (4.12) формулага асосан:

$$T_{\text{cp}} = 0,75 / (6-1) = 0,15 \text{ мм.}$$

Ушбу ўртача допускнинг катталиги кўрилаётган механизм деталининг ўлчамларига, тахминан IT11 квалитет бўйича аниқлик допускига тўғри келади ва уларни ишлаб чиқаришни таъминлаш технологик жиҳатдан деярли қийинчилик туғдирмайди. Шунинг учун ўлчов занжирининг барча звенолари ўлчамларига  $h11$  ва  $H11$  допускини танланади, яъни  $A_1 = 140_{-0,25}$  мм,  $A_2 = 5_{-0,075}$  мм,  $A_3 = 101^{+0,22}$  мм,  $A_4 = 50^{+0,16}$  мм,  $A_5 = 5_{-0,075}$  мм.

(4.2) формула орқали текширилганда,  $\omega_0$  нинг қийматлари белгиланган тирқиши  $A_0 = 0,75$  мм дан катта эканлиги маълум бўлди, яъни  $\omega_0 = 0,25 + 0,075 + 0,22 + 0,16 + 0,075 = 0,78$  мм. Демак,  $\omega_0$  ни  $A_0$  дан кичик ёки тенгглаштириш учун IT11 квалитетдан аниқроқ ишлов берилиши зарур бўлган ўлчам занжирларининг звенолари ичидан ростлаш звеносини танлаш керак. Ростлаш ўлчами учун  $A_1 = 140$  мм бўлган звено танланади. Чунки бу ўлчамни бошқариш ва уни ўлчаш унча қийинчилик туғдирмайди, допускнинг

қиймати бошқа ўлчамлар допускидан катта ва уни камайтириш осонроқ.

Ростлаш звеносининг ( $A_i$ ) допуски (4.11) формула орқали топилади:

$$TA_i = 0,75 - (0,075 + 0,22 + 0,16 + 0,075) = 0,22 \text{ мм.}$$

$TA_i$  допуск майдони ўртасининг координатаси:

$$E_C \vec{A}_i = (0,11 + 0,08) - (-0,0375 - 0,0375) - 0,375 = -0,11 \text{ мм}$$

$A_i$  — ростлаш звенонинг чекли четга чиқишилари:

$$ESA_i = -0,11 + 0,22/2 = 0; EJA_i = -0,11 - 0,22/2 = -0,22 \text{ мм.}$$

Ростлаш звенонинг ўлчами  $A_i = 140_{-0,22} \text{ мм.}$

Текшириш: (4.1) формулага асосан:

$$A_0^{\max} = (A_3^{\max} + A_4^{\max}) - (A_1^{\min} + A_2^{\min} + A_5^{\min}) = \\ = (101,22 + 50,16) - (139,78 + 4,925 + 4,925) = 1,75 \text{ мм};$$

$$A_0^{\min} = (A_3^{\min} + A_4^{\min}) - (A_1^{\max} + A_2^{\max} + A_5^{\max}) = \\ = 101 + 50) - (140 + 5 + 5) = 1,0 \text{ мм.}$$

Демак, ҳисоблаш тўғри бажарилган.

Детал ва йиғма бирликларнинг тўла ўзаро алмашинувчанигини таъминловчи максимум ва минимумга ҳисоблаш усулининг асосий афзалликлари қуидагилардан иборат:

а) соддалиги, маҳсулотни йиғишда юқори унумдорлилиги ва тежамкорлилиги;

б) юқори малакали ишчиларни талаб этмаслик;

в) деталларни ва йиғма бирликларни ишлаб чиқариш корхоналарини маҳсуслаштириш ва кооперациялаш имкониятининг мавжудлиги;

г) машиналарни таъмирлаш учун сарфланадиган вақтни камайтириш ва ейилган деталларнинг ўрнига янгилини бевосита созламасдан ва ростламасдан алмаштириш орқали таъмирлаш жараёнини соддалаштириш.

Максимум ва минимумга ҳисоблаш усулининг энг катта камчилиги ташкил этувчи звеноларнинг сонига пропорционал равишда уларнинг допуск майдонларининг ҳам

кичиқлашишидир. Ўлчам занжири звеноларининг сони кўпайиши билан уларнинг ўлчам допусклари майдони жуда ҳам камайиб, кўп ҳолларда иқтисодий жиҳатдан қўйилган талабни бажариш имконияти бўлмайди.

Ҳақиқатдан ҳам йиғиша ёки механик ишлов беришда барча кўпаювчи ўлчамларнинг юқориги четга чиқишлиари билан камаювчи ўлчамларнинг қуий четга чиқишлиарини (ёки бунинг аксини) келтириб тайёрлаш эҳтимоллиги амалда камдир. Н.А. Борадачевнинг ҳисоблашича, ташкил этувчи звеноларнинг ўлчамларини тенг эҳтимоллик назариясига асосан олинади десак, унда звеноли занжирнинг максимум ва минимумга ўлчамлари бир-бирига тўғри келиши учун, агар корхона ҳар куни 1 млн. комплект ишлаб чиқарганда ҳам 10000—15000 йил керак бўлар экан.


Максимум ва минимумга ҳисоблаш усули қисқа ўлчамили занжирлар, яъни икки-учта ташкил этувчи звеноли ўлчам занжирлари учун қўлланилади.

Технологик ўлчам занжирлари технологик базаларни алмаштириладиган ҳолатларда ўлчам ва допускларни ҳисоблашга боғлиқ бўлган ишлов бериш қўйимларини ва шу кабиларни ҳисоблашда ташкил этувчи звеноларнинг икки-учта сони билан кифояланади холос ва уларни, одатда, максимум ва минимумга ҳисобланади.

### 4.3. Тўлиқсиз ўзаро алмашинувчалик усули

Ташкил этувчи звенолар сони учтадан ортиқ бўлган ҳолда ўлчам занжирларини ҳисоблашда тўлиқсиз ўзаро алмашинувчалик усули асосида эҳтимоллик назариясидан фойдаланиш мақсадгага мувофиқдир.

**Эҳтимоллик усули билан беркитувчи звенонинг ёйилиш майдонини (допускни) ҳисоблаш (тескари масала).** Эҳтимоллик назариясига асосан тасодифий хатоликларни қўшиш квадратик усулда бажарилади ва шу билан бирга тасодифий хатоликларнинг йиғиндиси ҳам ўзи тасодифий катталил бўлиб, аниқ тақсимланиш қонуни бўйича ўзгарили. Ўлчам занжиррида ташкил этувчи звенолар сони қанча кўп бўлса, беркитувчи звено ўлчамининг тақсимланиши



4.6-расм. Амалий ҳисоблашларда ўлчамларнинг ёйилиш майдони  $\omega$  чегараси

нормал тақсимланиш қонунига шунчалик даражада яқин бўлади.

Беркитувчи звено ўлчами-нинг ёйилиш майдони  $w_0$  ёки унинг допуски  $TA_0$  қуидагича аниқланади:

$$\omega_0 = TA_0 = t \cdot \sqrt{\sum_{i=1}^{m-1} TA_i}, \quad (4.13)$$

бу ерда  $t$  — таваккаллик (ҳимоялаш) коэффициенти, беркитувчи звенонинг ўлчам допуски чегарасидан четга чиқиш эҳтимоллигини характерлайди (тақсимланишнинг меъёrlанган параметри).

(4.13) формулада ташкил этувчи звеноларнинг ўлчамларининг ёйилиш майдони  $\omega$ , уларни тайёрлаш допуски  $TA$ , га тенг.

Амалий ҳисоблашда ёйилиш майдони  $\omega$  чегараланади деб қабул қилинади ва бу чегара ўрта квадратик катталик  $\sigma$  га боғлиқ ҳолда  $\pm t\sigma$  га тенг қилиб олинади (4.6-расм).

$$\omega = (L_{vp} + t\sigma) - (L_{vp} - t\sigma) = 2t\sigma,$$

бу ерда  $L_{vp}$  — тасодифий ўлчамларнинг ўрта арифметик қиймати;

$t = (L_i - L_{vp})/\sigma$  — тақсимланишнинг меъёrlанган параметри ёки таваккаллик коэффициенти.


Ҳисоблаш вактида  $L$  нинг қиймати допуск майдони  $T$  чегарасидан чиқиш эҳтимоллиги  $P$  (таваккаллик) га қараб  $t$  нинг қиймати қабул қилинади.

Ўлчамларнинг допуск чегарасидан чиқиш эҳтимоллиги 0,27 фоизни ташкил қилиб, беркитувчи звенонинг ўлчамлари нормал тақсимланиш қонунига тўғри келса,  $t = 3$  деб қабул қилинади. Амалий жиҳатдан бундай ҳолда 1000 дона деталга ишлов берилса, 3 донаси яроқсиз бўлиши мумкин.

Ўлчам занжирларини ҳисоблашда (4.13) формула ўрнига қуидаги ифода ишлатилади

$$\omega_0 = 1,2 \sqrt{\sum_{i=1}^{m-1} T A_i^2} \quad (4.14)$$

Одатда, беркитувчи звено ўлчамларининг ёйилиш эгри чизиги Гаусс қонунига бўйсунувчи симметрик шаклга эга бўлади (4.7-расм).



4.7-расм Гаусс симметрик эгри чизиги ёйилиш майдони ўртасининг координатаси  $E_c \omega_0$  ва тўпланиш марказининг координатаси  $E_m A_0$

**Ташкил этувчи звенолар**  
ўлчамлари  $A_i$  симметрик равища жойлашган бўлса, беркитувчи звенонинг ёйилиш майдони ўртасининг координатаси  $E_c \omega_0$  ва допуск майдони ўртасининг координатаси  $E_c A_0$  (4.10) формула орқали аниқланади, сўнг беркитувчи звенонинг чекли четга чиқишининг қийматларини (5.8) ва (5.9) формулаларга асосан қийилагича ҳисобланади:

$$E_c A_0 = E_m A_0 + \omega_0 / 2 \quad (4.15)$$

$$E_c A_0 = E_m A_0 - \omega_0 / 2 \quad (4.16)$$

**4.3-мисол.** 4.3-расмдаги ташкил этувчи звенолар ўлчамларининг тақсимланиш қонуни номаълум бўлган ҳолда эҳтимолликни ҳисоблаш усули билан 4.1-мисолни ечинг.

**Ечими:**  $A_0 = 5$  мм. Беркитувчи звенонинг ёйилиши майдони (4.14) формула бўйича аниқланади:

$$\omega_0 = 1,2 \sqrt{0,1^2 + 0,30^2 + 0,13^2 + 0,16^2} = 0,477 \text{ мм.}$$

Беркитувчи звено ўлчамларининг ёйилиш майдони ўртасининг координатаси допуск майдони ўртасининг координатасига мос тушган, яъни

$$E_c \omega_0 = E_c A_0 = -0,245 \text{ мм.}$$

(4.6) ва (4.7) формулаларга асосан чекли четга чиқишлилар

$$E_c A_0 = E_c \omega_0 - \omega_0 / 2 = -0,245 + 0,477 / 2 = -0,007 \text{ мм;}$$

$$EJA_0 = E_m A_0 - \omega_0^2 / 2 = -0,245 - 0,477 / 2 = -0,484 \text{ мм};$$

Беркитувчи звенонинг ўлчами  $A = 5^{+0,007} - 0,484 \text{ мм}$ ;

Юқоридаги 4.1- ва 4.3- мисолларнинг ечимини солиши-тириш шуни кўрсатадики, эҳтимоллик усули билан ҳисобланган беркитувчи звено ўлчамларининг ёйилиш майдо-ни допуски минимум ва максимумга ҳисоблаш усулида-гига нисбатан  $0,75/0,477 = 1,57$  марта кам бўлар экан. Шунга мос равишда беркитувчи звено ўлчамларининг чекли чет-га чиқишилари ҳам ўзгаради.

**Ташкил этувчи звеноларнинг допускларини ҳисоблаш.**

Ўлчам занжирларининг ташкил этувчи звенолари ўлчам-ларининг допускларини эҳтимоллик усулида ҳисоблаш уларни минимум ва максимумга ҳисоблаш усулидаги каби аниқланади. Уларнинг бир-биридан фарқи, асосан ариф-метик қўшиш ўрнига геометрик қўшиш қўлланилади.

Ҳисоблаш ташкил этувчи звеноларнинг ўртача допус-кини аниқлашдан бошланади. Бу ҳолда максимум ва ми-нимумга ҳисоблаш усулида қўлланадиган (4.12) формула ўрнига қўйидаги формуладан фойдаланилади

$$T_{vp} = \frac{T A_0}{(1,2\sqrt{m} - 1)} \quad (4.17)$$

Агар ҳисоблаш натижасига қўра ташкил этувчи звено-лар ўлчамларининг ўртача аниқлиги IT11 ёки IT12 квали-тетга тўғри келса, тўлиқсиз ўзаро алмашинувчанлик усу-ли ушбу ўлчам занжирини ҳисоблаш учун қабул қилина-ди ва ҳисоблаш натижасида аниқланган квалитет ростловчи звенодан ташқари барча ташкил этувчи звенолар ўлчам-ларининг допускларини белгилаш учун асос бўла олади.

Агар ҳисоблаш натижасида ташкил этувчи звенолар ўлчамларининг ўртача аниқлиги IT7-IT9 квалитетларга тўғри келса, тўлиқсиз ўзаро алмашинувчанлик усули бўйи-ча беркитувчи звенонинг талаб даражасидаги аниқлигига эришиш имконияти бўлмайди ва ростлаш ёки созлаш усу-ларини қўллаш зарурияти туғилади.

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, ростловчи звенони тайёрлаш ва ўлчашда технологик жиҳатдан қийинчилик туғдирмайдиган, энг катта номинал ўлчамга эга бўлган звенони танлаш тавсия этилади.

Ростловчи звено ўлчамининг допуски қуйидагича аниқланади:

$$TA_p = \sqrt{TA_1^2 + \sum_{i=2}^{m-2} TA_i^2} \quad (4.18)$$

**4.5-мисол.** Юқорида келтирилган 4.2-мисол шартлари учун чизиқли ўлчамларнинг допуски ва чекли четга чиқишиларини эҳтимоллик усули билан аниқланг.

**Ечими.** Ташкил этувчи звенолар ўлчамларининг ўртача допускини аниқлаймиз:

$$T_{yp} = \frac{0,75}{1,2\sqrt{6-1}} = 0,28 \text{ ММ}$$

Допускнинг ушбу қиймати мисолда берилган деталларнинг ўртача ўлчамлари учун аниқликнинг тахминан IT12 квалитетга тўғри келади. Шу сабабли ҳисобланаётган ўлчам занжирининг ташкил этувчи звеноларининг барча ўлчамларига IT12 квалитет допуски, яъни h12 ва H12 тайинланади.

$$\begin{array}{lll} A_1 = 0_{-0,40} \text{ ММ}; & A_3 = 101^{+0,35} \text{ ММ}; & A_5 = 5_{-0,12} \text{ ММ}; \\ A_2 = 5_{-0,12} \text{ ММ}; & A_4 = 50^{+0,25} \text{ ММ}. \end{array}$$

Беркитувчи звено ўлчамларининг ёйилиш майдони  $\omega_0$  (4.16) формулага асосан

$$\omega_0 = 1,2\sqrt{0,40^2 + 0,12^2 + 0,35^2 + 0,25^2 + 0,12^2} = 0,734 \text{ мм}$$

Яъни, беркитувчи (бошланғич) звено ўлчамининг тайинланган допускidan ( $TA_0 = 0,75$ ) кичик.

Шу сабабли ростловчи звено ўлчамининг допускини камайтиришга зарурият туғилмайди. 4.2- ва 4.4- мисолларнинг натижаларини солиштириш шуни кўрсатадики, эҳтимоллик усули билан ҳисоблаш заготовкаларга ишлов бериш допускини максимум ва минимумга ҳисоблаш усулларига нисбатан 1,6-1,8 марта катталаштириш мумкин экан.

## ***Сипов саволлари***

1. Технологик ўлчамларни нима учун ҳисобланади?
2. Ўлчам занжирларининг турлари ва уларнинг таркиби.
3. Ўлчам занжирларини ҳисоблашда тўла ўзаро алмашинувчаник усули деганда нима тушунасиз?
4. Қайси ҳолларда тўла ўзаро алмашинувчаник усули қўл келади?
5. Тўгри (лойиҳавий) ва тескари (текширувчи) масалалар.
6. Ўлчам занжирларини ҳисоблашда тўлиқсиз ўзаро алмашинувчаник усули нималардан иборат?
7. Берkituvchi звенонинг ейнилиш майдони қандай ҳисобланади?
8. Берkituvchi звенонинг талаб даражасидаги аниқлигига эришиш имконияти бўлмаса, қандай усуллардан фоидаланилади?
9. Эҳтимоллик усули билан берkituvchi звенонинг ейнилиш майдони қандай аниқланади?
10. Ташкил этувчи звенолар ўлчамларининг допуски берkituvchi звено допуск катталиги бўйича қандай ҳисобланади?

# МАШИНАСОЗЛИКДА БАЗАЛАШ ВА БАЗАЛАР

## 5.1. Базалар ва таянч нүкталар

**Позицион боғланиш ва базалаш.** Ҳар қандай машина ўз вазифасини бажариши учун унинг узел ва деталларини маълум аниқликда ўзаро жойлашишини таъминлаш лозим.

Дастгоҳларда деталларга ишлов беришда заготовкалар ҳам ишлов берувчи асбоблар ҳаракат троекториясини шу дастгоҳнинг механизм ва узелларига нисбатан тўғри ориентирланиши керак (йўналтирувчи суппортлар, фрезалаш ва кесиш каллаклари, тиргаклар, нусхалаш қурилмалари ва бошқалар). Ишлов берилган заготовкаларнинг шакли ва ўлчамлари бўйича хатоликлари кескичнинг кесувчи қирраларининг ва заготовканинг берилган шакл ҳосил қилувчи ҳаракат траекториясидан четга чиқишлирига нисбатан аниқланади.

Машиналарни йиғишида детал ва йиғма бирликларни ҳамда дастгоҳларда деталларни тайёрлашда заготовкаларнинг ўзаро ориентирланиши масаласи *базалаш* орқали хал қилинади.

Умуман, базалаш деб заготовкага ёки буюмга танланган координата системасига нисбатан керакли ҳолатни беришга айтилади. Заготовкаларга дастгоҳларда механик ишлов беришда базалаш сифатида заготовкага ишлов берувчи асбобнинг ҳаракат траекториясини аниқловчи дасттоҳ элеменларига нисбатан керакли ҳолатни бериш қабул қилинади.

Заготовкаларни мосламаларга ўрнатишида қўйидаги иккита масалани ечишга тўғри келади: заготовкаларни базалаш йўли билан ориентирлаш ва маҳкамлаш йўли билан уларнинг қўзғалмаслигини таъминлаш.

Маълумки, жисмни фазода қўзғалмаслигини тўла таъминлаш учун уни 6 та қўзғалувчанлик даражасидан маҳрум қилиш керак: 1) учта координата ўқи бўйлаб илгариланма силжишидан: 2) кўрсатилган учта ўқлар бўйича айланишдан.

Жисмни эркинлик даражасидан маҳрум қилиш боғланишлар орқали амалга оширилади.

**Боғланишлар** деганда, позицион (геометрик) ёки кинематик характердаги чекланишлар тушунилиб, улар қўриб чиқилаётган жисмнинг (заготовка ёки детал) нуқталари ҳаракатига қараб қўйилади.

Чекланишлар характеристига кўра силжишни чеклайдиган позицион (геометрик) боғланишлар ва тезликни чеклайдиган кинематик боғланишлар фарқ қилинади. Машинасозлик технологиясида, асосан, вақтга боғлиқ бўлмаган ва **стационар позицион боғланишлар** деб аталадиган боғланишлар билан иш қўрилади.

Умуман, икки томонлама қўйилган олтита позицион боғланишлар жисмнинг OXYZ координата системасига нисбатан берилган ориентирини ва жисмни берилган ҳолатдаги қўзғалмаслигини таъминлайди.

**Олти нуқта қоидаси.** Заготовкани мосламада тўла базалаш учун унда тайёрламанинг базавий сиртларига нисбатан маълум тартибда жойлашган олтита таянч нуқтасини яратиш зарур ва етарлидир.

**Базалар ҳақида тушунчалар.** База билан ўзаро контактда бўладиган идеал таянч нуқталарининг сонига ва маҳрум қилинадиган қўзғалувчанлик даражасига кўра призматик заготовка ва деталларда учта таянч нуқтаси билан контактда бўлган ўрнатиш базаси – A, иккита таянч нуқтаси билан контактда бўлган йўналтирувчи база – B ва битта таянч нуқтаси билан контактда бўлган таянч базаси – С фарқ қилинади (5.1-расм).

Узун цилиндрик жисмни ( $l > d$ ) фазода ориентирлаш учун унинг A цилиндрик сиртини z координатаси билан XOY текислигини иккита икки томонлама боғланишлар билан ва x координатасини YOZ (5.2-расм) текислиги билан иккита боғланишлар орқали бириктириш керак ва бу ҳолатда жисм тўртта эркинлик даражасидан маҳрум бўлади ( $OX$  ва  $OZ$  ўқи бўйлаб силжиш ҳамда  $OX$  ва  $OZ$  ўқлари бўйлаб айланиш имконияти).

Жисмни OY ўқи бўйлаб силжиш имкониятини тўхтатиш учун унинг C тореци сиртини икки томонлама боғланиш – у координатаси билан XOZ текислигини бириктириш керак.

Жисмни олтинчи эркинлик даражасидан маҳрум қилиш учун (ўз ўқи атрофида айланиш имконияти) шпонка ариқчаси сиртида *B* жойлашган таянч нуқта кўринишидаги олтинчи икки томонлама боғланиш кўзда тутилган бўлиши лозим.


Заготовка ва деталларнинг аниқлигини ва база сифатида танланган сиртларнинг ишончлилигини ошириш учун ўрнатувчи база сифатида бир тўғри чизикда ётмаган, лекин ўзаро узокроқ учта таянч нуқтага ўрнатиш имконияти бўлган энг катта сирт танланади, йўналтирувчи база сифатида эса энг узун сирт танланади.

Жисмни *OY*-ю ишлов билан ҳаракатини чеклаш учун унинг ён сирт (*C*) томонини *XOZ* текисликнинг у кординатаси билан икки томонлама алоқа ҳосил қилиш керак. Охирги 6 – эркинлик даражасидан маҳрум қилиш, яъни ўз ўқи атрофида айланиб кетишини чегаралаш учун уни шпонка ариқчаси орқали 6 – таянч нуқтани ҳосил қилиш керак. Бу ҳолда *A* сирт йўналтирувчи база, ён сирт томон *C* таянч база ва шпонка ариқчаси *B* иккинчи таянч база деб аталади (5.2- расм).


Базалаш учун керакли базалар сони ва уларнинг технологик хужжатларда белгиланиши.

Юқорида кўриб чиқилган барча мисолларда заготовкани мосламада ёки детални машинанинг йиғма элементида тўла ориентирлаш учун жисмни барча эркинлик даражасидай маҳрум қилиш базаларни олтита таянч нуқталар билан контактга киритиш воситасида бир нечта комплект (кўпчилик ҳолатларда учта) базалардан фойдаланилади.

Дастгоҳларда заготовкаларга ишлов беришда, уларни мосламаларга ўрнатишда кўпчилик ҳолатларда мосламанинг олтита таянч нуқтаси билан контактда бўладиган учта база



5.1-расм. Призма шаклидаги заготовкани мосламада базалаш




5.2-расм. Фазода узун цилиндрсизмон жисмни йўналтириш

комплектидан фойдаланиб, заготовкани тўла ориентирлашга эҳтиёж сезилмайди. Масалан, призматик заготовканинг текислигига ишлов беришда керакли *A* ўлчамни олиш учун (5.3-расм) горизонтал координата ўқи бўйлаб заготовкани ориентирлаш аҳамиятга эга эмас, шунинг учун заготовканинг ён сиртлари база сифатида ўз аҳамиятини йўқотади. Мазкур ҳолатда заготовкани керакли ҳолатда ориентирлаш фақат битта *A* – ўрнатиш базаси билан амалга оширилади, унинг ён сиртлари эса фақат маҳкамлаш учун фойдаланилади ва заготовкани базалашда қатнашмайди.

Табиики, заготовкада иккита (масалан *A* ва *B*, 5.3-расм) ўлчамни олиш учун уни нафақат *A* ўрнатиш базаси ёрдамида ориентирлаш, балки йўналтирувчи *B* база ёрдамида ориентирлаш эҳтиёжи туфилади.

5.3-расм (в) да кўрсатилган ҳолатда учта *a*, *b*, *c* ўлчамларни бажаришни таъминлаш талаб қилинса, заготовкани ориентирлаш учун барча учта базалар комплектидан, яъни *A*, *B* ва *C* сиртлардан фойдаланиш керак бўлади.

Шундай қилиб, қўйилган технологик топшириққа кўра заготовкага ишлов беришда уни мосламада ёки дастгоҳда базалашнинг ўзида учта, тўртта, бешта ёки олтига таянч нуқталарини мужассам қилган битта, иккита ёки учта базадан фойдаланиш мумкин.



5.3-расм. Заготовкаларга ишлов беришда битта (а, г), иккита (б, д, е) ва учта (в) базалардан фойдаланиш

Базалашнинг назарий схемалари қабул қилинган координата системасида заготовкаларнинг позицион боғланishi таасирлайдиган идеал таянч ва шартли нуқталарнинг жойлашиш схемаларидан иборат бўлади. Бунда технологик база сифатида қабул қилинган заготовка сиртининг контур чизиқ-

ларидаги заготовкаларни қўзғалувчанлик даражасидан маҳрум қилувчи идеал контакт нуқталарнинг шартли белгилари қўйилади.

Заготовканинг ёпиқ (берк) базаларида (ўқ чизиқлари, симметрия текисликлари) қабул қилинган координата системасида позицион боғланишларни тасвиirlайдиган шартли нуқталар белгилари аналогик тарзда белгиланади.

Конструктор мосламани лойиҳалашда технолог томонидан белгиланган базалашнинг назарий схемасига мос келадиган ва заготовкани базалаш учун керакли таянчларни белгилаши ва жойлаштириши лозим бўлади.

Ишчи технологик ҳужжатларни (операцион карталар) расмийлаштиришда технолог ишини соддалаштириш ва қисқартириш учун базалашнинг назарий схемалари ўрнига операцион эскизларда таянч, қисқич ва ўрнатиш қурилмаларининг шартли белгиларини қўйиш тавсия қилинади (5.1-жадвал).

Операцион эскизларда керакли ҳолларда базавий сиртларни белгилаш учун С—белгисини қўллашга рухсат этилади.

Битта базалаш сиртида жойлашган бир нечта бир хил номли таянч ёки таянч нуқталарини ён томондан кўриниши тасвиirlанганда, эскизни соддалаштириш мақсадида битта символни кўрсатиб, унинг ўнг томонида таянчлар сони кўрсатилади:  $V_2$ ;  $V_3$ ;  $V_4$ ;  $V_5$  ёки  $\nabla^2$ ;  $\nabla^3$ ;  $\nabla^4$ ;  $\nabla^5$ .

Эскизларда таянчларнинг юқоридан кўринишини тасвиirlашда уларнинг қабул қилинган жойлашишнига қараб алоҳида-алоҳида кўрсатилади.

## **Конструкторлик, ўлчаш ва технологик базалар**

**Конструкторлик базаси** – детал ёки йигма бирикманинг маҳсулотдаги ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган базадир.






Конструкторлик иши амалиётида конструкторлик базаси деб, деталнинг сирти, чизифи ёки нуқтасига айтилади ва унга нисбатан чизмада бошқа детал ёки йигма бирикманинг ҳолати аниқланади. Бундан ташқари берилган деталнинг бошқа сиртлари ва геометрик элементлари ҳам аниқланади.

5. I-жадвал

Таянч, қисқич ва ўрантувчи қурилмаларнинг шартли белгиланиши ва уларнинг заготовка эркинлик даражалари сонидан маҳрум қила олиши

Номланиш	Шартли белгилар			Эркин-лик даражасидан маҳрум этиш сони	
	Ён кўриниш	Юқоридан кўриниш			
		юқоридан	пастдан		
Кўзғалмас таянч				1	
Кўзғалувчан таянч				1	
Сузувчи таянч				1	
Созловчи таянч				—	
Сферасимон қабариқ ишчи юзали созланувчи таянч		—	—	—	
Кўзғалувчан призмали ишчи юзали таянч				2	
Кўзғалувчан (қисқич) призмали ишчи юзали таянч		—	—	1 <sup>1</sup>	
Кўзғалмас (силлиқ) марказ		—	—	2 ёки 3 <sup>2</sup>	
Айланувчи марказ		—	—	2 ёки 3 <sup>2</sup>	
Сузувчи марказ		—	—	2	
Тарамли (майда тишли)марказ		—	—	2 ёки 3 <sup>2</sup>	
Юзаси майда тишли айланувчи марказ		—	—	2 ёки 3 <sup>2</sup>	

5. I-жадвалнинг давоми

Икки-уч ва тўрт кулачокли механик қисувчи патронлар		—	—	43
Цангили оправкалар ва патронлар		—	—	43
Гидропластикали (қисқич) патронлар ва оправкалар		—	—	43
Пневматикиали (қисқич) патрон		—	—	43
Гидравликали (қисқич) патрон		—	—	43
Магнитли ва электромагнитли патрон		—	—	4 <sup>3</sup>
Электропатрон (қисқич)		—	—	4 <sup>3</sup>
Етаклаш тортқиси бор патрон		—	—	—
Кўзгалмас люнет		—	—	—
Кўзгалувчан люнет		—	—	—
Силик цилиндрли оправка		—	—	5 <sup>4</sup>
Шарикли (роликли) цилиндрли патрон		—	—	5 <sup>4</sup>
Резьбали (а) ва шлицили (б) цилиндрли оправка		—	—	5 <sup>4</sup>
Роликли конусли оправка		—	—	5 <sup>4</sup>

Якка (механик) қисқич Қўш блокировкали (механик) қисқич				-
Цилиндрли пневматик ишчи юзаси тарамли қисқич		-	-	-

Конструкторлик базалари **асосий** ва **ёрдамчи** базаларга бўлинади. Асосий конструкторлик базаси деб, шу деталга ёки йиғма бирикмага тегишли бўлган ва унинг маҳсулотдаги ҳолатини аниқлайдиган базага айтилади. Шу деталга ёки йиғма бирикмага тегишли бўлган ва унга бириктирилдиган маҳсулотнинг ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган базаларга ёрдамчи базалар дейилади (ГОСТ 21495-76).

**Ўлчаш базаси** деб, заготовкага ишлов беришда ёки уни ўлчашда шундай сирт, чизиқ ёки нуқтага айтиладики, бунда бажариладиган ўлчамлар ана шу сирт, чизиқ ёки нуқталарга нисбатан ҳисобланади. Бундан ташқари маҳсулот элементлари ва деталлар сиртларининг ўзаро жойлашишини (паралеллик, перпендикулярлик, ўқдошлик ва бошқаларни) аниқлашда ана шу сирт, чизиқ ва нуқталардан фойдаланилади.

**Технологик база** деганда, заготовка ёки маҳсулотни тайёрлаш жараёнида унинг ҳолатини аниқлаш учун фойдаланиладиган база тушунилади (ГОСТ 21495-76).

*Йигиш жараёнидаги технологик база* деб, маҳсулот ёки йиғма бирикманинг деталлари ориентирланадиган сирт, чизиқ ёки нуқтага айтилади.

Дастгоҳларда заготовкаларга *ишлов беришда фойдаланиладиган технологик база* деб, заготовкани бир марта ўрнатишида унинг сиртлари ориентирланадиган сирт, чизиқ ёки нуқтага айтилади.

**Контакт базалари** деб дастгоҳ ёки мосламанинг ўрнатиш сиртларига мос келадиган ва бевосита тегиб турадиган технологик базаларга айтилади.

Ўлчамларни автоматик тарзда ҳосил қилиш тамойили бўйича заготовкага ишлов берилганда, керакли аниқликни дастгоҳнинг контакт технологик базалари воситасида ёки мосламанинг тегиб турадиган таянч сиртлари ёрдамида нисбатан енгил созлаш билан таъминлаш мумкин.

**Текшириш технологик базалари.** Серияли ва якка тартибли ишлаб чиқариш шароитларида заготовкаларга ишлов беришда ҳамда аниқ бирикмаларни ва машиналарни йифиша текшириш базалари кенг қўлланилади.

**Текшириш базаси** деб, шундай сирт, чизиқ ёки нуқталарга айтиладики, бунда дастгоҳда ишлов беришда заготовкани ёки кесувчи асбобни ҳамда йифма бирикма ёки унинг деталлари ҳолати ана шу сирт, чизиқ ёки нуқталарга қараб тўғриланади.

Бу усул оғир машинасозликнинг майда серияли ва якка ишлаб чиқаришларида кенг қўлланилади. Бундай ишлаб чиқариш шароитларида мураккаб мосламалар тайёрлаш ва контакт базалари бўйича аниқ ишлов бериш норентабел ҳисобланади. Дастгоҳда заготовкани тўғрилаш учун сарфланадиган вақт сарфи заготовкани тайёрлаш учун сарфланадиган умумий вақтнинг жуда оз қисмини ташкил қиласди.

Майда серияли ишлаб чиқаришда текшириш сиртлари сифатида кўпгина деталнинг ишлов бериладиган сиртларидан фойдаланилади. Масалан, қуйиш усулида олинган экскентрикли заготовкада тешикни йўниб кенгайтиришда қўйим нотекислиги таъсирини камайтириш ва йўнишдаги хатоликларни камайтириш учун токар дастлаб заготовкани тўрт кулачокли планшайбага ўрнатади ва ишлов берилмаган тешик бўйича унинг айланиш ўқи билан марказлашишини тўғрилашга ҳаракат қиласди. Бундай ҳолда ишлов бериладиган тешикнинг сирти заготовкани ўрнатишида технологик текшириш базаси бўлиб хизмат қиласди. Ясси деталнинг бир томонини аналогик тарзда фрезалашда ва уни таянч базасига ўрнатишида жуда кўп металл қатламини кесиб олишга тўғри келади.


Ишлов бериладиган сиртларни текшириш базаси сифатида қўлланилганда, ишлов беришдаги қўйим ва шунга мос тарзда операцияни бажариш учун кеталинган вақт ҳам анча қисқаради.

Текшириш базаларининг бошқа турлари сифатида заготовкалардаги турли хил режалаш чизиқлари ва керноларни кўрсатиш мумкин. Деталларга ишлов беришда кесувчи асбоблар ана шу базаларга нисбатан ориентирланади.

**Созлаш базалари.** Дастьгоҳни заготовканинг маълум бир сиртларига нисбатан созлаш учун бу сиртлар дастьгоҳ тиргакларига нисбатан заготовкани алмаштиришда ўзгармас ҳолатни эгаллаши ва ишлов берувчи асбобнинг охирги ҳолатига нисбатан ўзгармас бўлиши керак (5.4-расм).

Заготовка *M* сирти билан дастьгоҳ қисиши қурилмасининг мос келадиган тиргагига таянади ва бу сирт *A* торецини *h* ўлчам бўйича ишлов бериш учун таянч технологик база бўлиб хизмат қиласди, лекин бошқа *B*, *C*, *D*, *E* торец сиртларини *b*, *c*, *d*, *a* ўлчамлар бўйича ишлов бериш учун бундай база бўлиб хизмат қilmайди. Дастьгоҳни созлашда *B*, *C*, *D* ва *E* сиртларнинг ҳолати *M* сиртининг ҳолати бўйича эмас, балки *A* сиртининг ҳолати бўйича созланади. Бундай ҳолда *A* сирт кўриб чиқилаётган *B*, *C*, *D* ва *E* сиртлар (бир марта ўрнатишда) технологик созлаш базалари бўлиб хизмат қиласди.

**Созлаш базаси** деб, заготовканинг шундай сиртларига айтиладики, бундай сиртлар бевосита ўлчамлар билан боғланган бўлиб, бир марта ўрнатишда ҳосил қилинади ва уларга нисбатан ориентирланади.



5.4-расм. Заготовкага револьверли дастьгоҳда ишлов беришда А созлаш базасидан фойдаланиш

Созловчи база кўп ҳолларда заготовканинг таянч базаси билан ўлчамили боғланган бўлади. Заготовканинг аниқ сиртларига нисбатан дастьгоҳларни созлаганда, бу сиртлар дастьгоҳларда заготовкаларни алмаштирганда ҳам ишлов бераётган асбобнинг охирги ҳолатини аниқловчи дастьгоҳларнинг таянч нуқталарига нисбатан ўз ҳолатини ўзгартирумайди. Бундай сиртларга заготовкаларнинг таянч сиртлари киради ва таянч технологик база сифатида катта серияли ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.


**Сунъий технологик базалар.** Агар заготовкаларнинг конфигурацияси уларни дастгоҳ ёки мосламаларга қулай, маҳкам, ишончли ориентирлаш учун технологик база танлаш имкониятини бермаса, у ҳолда сунъий технологик базалар яратишга ҳаракат қилинади. Сунъий технологик базалар категориясига базалаш аниқлигини ошириш мақсадида деталнинг ишчи чизмасида кўрсатилгандан ҳам аникроқ дастлабки ишлов берилган технологик базалар ҳам киради.

Сунъий технологик базаларга тайёрланган валлар учун керак бўлмайдиган марказий тешикларни характерли мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Агар марказий тешиклар эксплуатация шароитларига мос келмаса, у ҳолда улар ишлов берилгандан кейин қирқиб ташланади. Марказий тешиклардан эксплуатация даврида фойдаланилса ва конструктив жиҳатдан керакли деб ҳисобланса, у ҳолда бу тешиклар сунъий технологик базалар деб қаралади.

## 5.2. Технологик базаларни танлаш

Механик ишлов бериш (йигиш) учун технологик жараённи лойиҳалашда мураккаб ва принципиал бўлимлардан бири бу технологик базаларни танлашдир. Технологик базаларни тўғри танлаш қуидагиларга таъсир кўрсатади: ўлчамларни олишда конструктор белгилаган уларнинг ҳақиқий аниқлигига; ишлов берилаётган сиртларнинг ўзаро жойлашишига; мосламаларнинг конструкцияси ва уларнинг мураккаблигига; кесиш ва ўлчов асбобларининг конструкциялари ва уларнинг мураккаблигига; ишлаб чиқаришнинг унумдорлигига ва ҳоказо. Шунинг учун технологик базаларни танлаш, технологик операциянинг кетма-кетлиги ва сиртларга ишлов бериш турлари технологик жараённи лойиҳалаш даврида энг аввал кўрилади. Шу билан бирга технологик базани тайёрлашда дағал ишлов бериш (яъни биринчи технологик операция) учун технологик база танланади.

**Дастлабки ишлов беришда базаларни танлаш.** Заготовкани биринчи ўрнатишда фойдаланиладиган база **дастлабки технологик база** деб аталади.



5.5-расм. Подшипник корпусига ишлов беришда дастлабки (дағал) база

Дастлабки технологик база (технологик жараённинг қолган операциялари ҳам) контакт ёки текшириш базаси бўлиши мумкин, лекин уларнинг вазифаси турличадир.

Дастлабки технологик база сифатида шундай сиртни танлаш керакки, унга нисбатан кейинги операцияларда технологик база сифатида ишлатиладиган сиртлар биринчи операцияда ишлов бериладиган бўлиши лозим (яъни, дастлабки база тоза базаларга ишлов беришдаги базадир).

Деталнинг ишлов берилган сиртларининг ишлов берилмаган сиртларига нисбатан ўзаро тўғри жойлашишини таъминлаш учун дастлабки технологик база сифатида ишлов берилмайдиган сиртларни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

5.5-расмда подшипник корпуси тасвирланган бўлиб, унда дастлабки технологик база сифатида *A* сирт хизмат қиласи ва унга ишлов берилмайди. Дастлабки база бўйича детал ўрнатилгандан, *B* текислик *a* ўлчам бўйича фрезаланди ва *A* ва *B* текисликларнинг паралеллиги таъминланади.

Подшипник корпусига кейинги ишлов беришда (*C* текислик *b* ўлчам бўйича фрезалаш, тешик очиш ва бошқалар) технологик база сифатида *B* текислигидан фойдаланилади.

Шатун каллаги торецларини фрезалашда дастлабки технологик базалар сифатида шатун стерженининг ён текисликларидан фойдаланилади. Бу текисликлар бўйича базалаш ўзи марказланадиган қисқичларда бажарилади ва бу билан шатун каллаги торецларидан қўйимларни бир текисда олиб ташлаш таъминланади. Шатун каллакларини йўниб кенгайтиришда марказлаштириш учун призма га маҳкамланадиган ташқи контур сиртлари дастлабки база сифатида қўлланилади.

Дастлабки базалар ёрдамида ишлов берилган шатун сиртлари, яъни каллак тореци ва тешиги кейинги ишлов беришларда технологик базалар сифатида фойдаланилади.

Двигателдаги бош шатунга ишлов беришда кичик каллакдаги тешик 106 операциядан иборат бўлган механик ишлов бериш технологик жараёнининг 65 та операциясида технологик база бўлиб хизмат қиласди.

Агар ишлов бериладиган сиртлардан минимал қўйим олиб ташланадиган бўлса, у ҳолда шу сирт биринчи ишлов бериш операциясида дастлабки база сифатида фойдаланиши мумкин. Масалан, дастгоҳ станицасининг йўналтирувчисидан қўйим қатламини минимал катталикда олиб ташлаш учун биринчи операцияда дастлабки база сифатида йўналтирувчи сиртлар қўлланилиши керак.


Дастлабки база ёрдамида бажариладиган биринчи операцияда хал қилинадиган муҳим вазифалардан бири қўйма ва поковкалардан тайёрланадиган мураккаб конфигурацияли масъулиятли деталларда қўйимларни бир текисликда тақсимланишини таъминлашдан иборатdir.

**Базаларнинг ўриндошлик тамоили.** Заготовкаларга аниқ ишлов бериш учун технологик базалар тайинлашда бир вақтнинг ўзида деталнинг конструкторлик ва ўлчаш базаси ҳамда маҳсулотни йиғиш пайтидаги базаси сифатида қўлланиладиган сиртларни қабул қилиш лозим.

Технологик, конструкторлик ва ўлчаш базаларининг ўриндошлилигини таъминлашда заготоввага иш чизмасида конструктор томонидан кўзда тутилган ўлчамлар ва допуск майдонлари доирасида ишлов берилади.

Агар технологик база конструкторлик базаси билан ёки ўлчаш базаси билан мос тушмаса, у ҳолда технолог иш чизмасида конструкторлик ва ўлчаш базаларига нисбатан қўйилган ўлчамларни ишлов бериш учун қулай бўлган технологик базаларга нисбатан қўйилган технологик ўлчамлар билан алмаштирилади.

Юқоридагиларни қўйидаги мисол ёрдамида яққол тушунтириш мумкин: пазни (арикчани) 10Н14 ўлчам – чуқурлик бўйича ишлов бериш учун мослама конструкциясини соддалаштириш мақсадида заготовкани пастки *B* сиртига ўрнатиш керак. Пазнинг туби *C* юқори текислик *A* билан  $10^{+0.36}$  ўлчам бўйича боғланган ва бу сирт паз учун конструкторлик ва ўлчаш базаси бўлиб хизмат қиласди. Бундай ҳолатда технологик база – *B* сирт конструкторлик ва



5.6-расм. Конструкторлик база билан мос тушмаган таянч технологик *B* базага нисбатан ариқчани фрезалаш.

ўлчаш базаси билан мос ва бундан ташқари ўлчамлари ҳамда ўзаро жойлашиши бўйича боғланмаган.

Созланган дастгоҳда ишлов бериш пайтида фреза ўқидан стол текислигигача бўлган масофа ўзгармас бўлгани учун ( $R=const$ ) чизмада кўрсатилмаган с ўлчам ҳам доимий бўлади. Паз чуқурлигининг ўлчамини  $a = 10^{+0.36}$  мм аввалги операцияда олинган  $\vartheta = 50_{-0.02}$  мм ўлчамнинг хатолиги оқибатида келиб чиқадиган тебранишлар туфайли бажариш қийин. Бундай ҳолда пазлар фрезалаш операцияни эскизида технологик ўлчам *e* ни кўрсатиш лозим, чунки унинг аниқлиги аввалги операциясига боғлиқ эмас. Конструкторлик ўлчамини  $a = 10^{+0.36}$  мм эскизда кўрсатилмагани мақсадга мувофиқдир. с технологик ўлчам катталигини ва янги технологик ўлчам допускини ўлчам занжиридан фойдаланиб аниқлаш мумкин (5.6-расм). Расмдан кўриниб турибдики,  $c = b - a = 50 - 10 = 40$  мм. с ўлчамнинг допуски ҳам занжирда аниқланади ва бу ўлчам занжиррида бошланғич ўлчам бўлиб,  $a = 10^{+0.36}$  мм конструкторлик ўлчами хизмат қиласи ва бу ўлчам занжирини ташкил қилувчи *e* ва с ўлчамлар учун конструктор томонидан белгиланган допусклар бажарилиши таъминланса, юқоридаги *a* ўлчам автоматик тарзда олинади.

(4.3) формулага биноан:  $T_a = T + T_c$ , бундан  $T_c = T_a - T$ .  
Тегиши қийматларни күйиб  $T_c = 0,36 : 0,62$  эканлигиги-  
ни аниқтаймиз.

Допускнинг қиймати доимо мусбат катталик бўлган-  
лиги учун юқоридаги тенгламани камайтирувчи звеноси-  
ни катталаштирмасдан ёки айриувчи звенони камайти-  
рмасдан ечиш лозим.  $a$  ўлчам допуски конструктор томо-  
нидан белгиланганлиги учун уни катталаштириш мумкин  
эмас. Қўйилган масалани ечишда ягона усул айриувчи  
звенони камайтириш, яъни  $b$  ўлчам допускини қисқарти-  
ришдан иборатдир.  $T_c$  допускни шундай камайтириш ке-  
ракки, бунда  $b$  ўлчам ва с технологик ўлчам учун белги-  
ланган допускларни технологик жиҳатдан бажариш мум-  
кин бўлсин. Технологик нуқтаи назардан в ва с ўлчамларни  
бажариш мураккаблиги бир хилдир (иккала ўлчам ҳам  
битта ўлчам интервалида жойлашган бўлиб, улар гори-  
зонтал фрезалаш дастгоҳида олинади).  $b$  ўлчам допускини  
 $T_c = 0,18$  мм гача, яъни бошлангич ўлчам а нинг ярим  
допуски катталигига тенг қийматгача камайтирилади. Бу  
ҳолда с технологик ўлчам учун в ўлчам допускига яқин  
допускини сақлаган ҳолда яқин стандарт допуск бўйича  
белгиланади, яъни

$$c = 50 - 0,16 = 50 \text{ h}11.$$

Технологик ўлчамнинг ҳисобий допуски:

$$T_c = 0,36 - 0,16 = 0,20 \text{ мм.}$$


Технологик ўлчамнинг четга чиқишлари 5.6-расмдаги  
ўлчам занжири бўйича аниқланади, яъни  $a = b - c$ :

$$\begin{aligned} a^{\max} &= b^{\max} - c^{\min}; c^{\min} = b^{\max} - a^{\max} = \\ &= 50 - (10 + 0,36) = 40 - 0,36 \text{ мм}; \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} a^{\min} &= b^{\min} - c^{\max}; c^{\max} = b^{\min} - a^{\min} = \\ &= 50 - 0,16 - 10 = 40 - 0,16 \text{ мм}. \end{aligned}$$

$c$  ўлчамнинг ҳисобий катталиги

$$c = 40_{-0,36}^{-0,16} \text{ мм.}$$



Расм 5.7. Конструкторлик база билан мос тушган технологик *A* базага тушган пазни фрезалаш.

с ўлчамнинг стандарт кўрсастилган ўлчамга яқин бўлган охирги қиймати

$$c = 40_{-0,36}^{-0,16} \text{ мм.}$$

с ўлчамнинг стандартда кўрсастилган ўлчамга яқин бўлган охирги қиймати

$$c = 40_{-0,36}^{-0,17} \text{ мм ва бу } 40\text{B}11 \text{ ўлчамга мос келади.}$$

Технологик ўлчам с нинг белгиланган четга чиқишила-ри ҳисобий ўлчамлар чегарасида ётибди.

Максимум ва минимумга текшириш ҳисобини ( $a^{\max} = 50 - (40^{-0,33}) = 10^{+0,33}$ ;  $a_{\min} = 50^{-0,16} - (40^{-0,17}) = 10^{+0,01}$ ) кўриб чиқадиган бўлсак, бошланғич конструкторлик ўлчами а нинг четга чиқишилари чекли ўлчамлар чегарасида эканлигини кўрамиз.

Ўтказилган ҳисоблашларга асосан заготовканинг операцион эскизларида чизма ўлчамлари бўлган  $10\text{H}14$  ва  $50\text{H}14$  ўрнига янги  $\vartheta = 50\text{H}11$  ва  $c = 40\text{v}11$  қўйилиши кепрак. Шундай қилиб, технологик ва конструкторлик базалари бир-бирига тушмаганда конструктор белгиланган допускларга қараганда анча кичикроқ допускларни қўллашга тўғри келади. Кўриб чиқилган масалада чизмада кўрсатилган  $h14$  допусклари ўрнига  $h11$  ва  $v11$  допусклари қабул қилинади.

Ишлов беришдаги керакли аниқликни ошириш унумдорликнинг камайишига ва маҳсулот таннархининг ортишига олиб келади. Бундай ҳолда конструкторлик базасига *A*га нисбатан пазни фрезалашга имкон берадиган маҳсус мосламани қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шундай мосламанинг кўриниши 5.7-расмда тасвирланган. Технологик таянч базаси — *A* текислик бир вақтнинг ўзида конструкторлик базаси ҳисобланади ва унга нисбатан  $a = 10^{+0,36}$  мм конструкторлик ўлчами бажарилади. *B* ўлчамнинг ўзгариши конструкторлик ўлчамини олишда ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун бу ҳолда допускларни ўзгартиришга эҳтиёж йўқ.

5.7-расмда *A* текисликда бир вақтнинг ўзида фрезалар комплекти билан пазни фрезалаш кўрсатилган. Аввалги


мисолга ўхшаш, бу ҳолда ҳам *A* текислика технологик база бўйича ишлов берилади (созлаш базаси) ва конструкторлик ва ўлчаш базалари бир-бирига мос тушади. Конструкторлик ўлчами  $a=10^{+0.36}$  мм допускларни ўзгартирган ҳолда бажарилади. *A* текислика в ўлчам бўйича ишлов беришда *B* текислик таянч технологик база бўлиб хизмат қиласи ва бу ўлчам  $T_e = 0,62$  мм допуск бўйича ўзгаришсиз бажарилади.

5.6- ва 5.7-расмларда кўриб чиқилган призматик заготовканинг тўғри бурчакли пазларига ишлов беришда технолог технологик жараёнларни ишлаб чиқишида технологик базаларнинг турли хилларидан фойдаланиши мумкин.

Технологик жараёнларнинг мумкин бўлган барча варианtlари ўзининг ютуқ ва камчиликларига эга. Масалан, заготовкаларга таянч технологик базалар бўйича ишлов берилганда ва бунда конструкторлик ва ўлчаш базалари ўриндош бўлмаса (5.6-расм), у ҳолда ўлчамларни қайта ҳисоблаш ва допускларни қисқартиришга олиб келади. Бу эса ўз навбатида унумдорликнинг пасайишига ва ишлов беришнинг қимматлашувига олиб келади, лекин заготовкани тайёрлаш учун маҳсус мослама ва асбоблар талаб қилинмайди. Конструкторлик ва ўлчаш базаси билан ўриндош бўлган таянч технологик база бўйича ишлов берилганда (5.7-расм), конструкторлик ўлчамларини бевосита қайта ҳисоблашларсиз ва допускларни қисқартирган ҳолда ишлов бериш мумкин бўлади. Бу ҳолда ишлов бериш унумдорлиги камаймайди, лекин маҳсус мослама яратишга тўғри келади. Маҳсус мосламани ишлатиш ҳар доим ҳам қулай бўлавермайди. Агар ишлов беришда конструкторлик ва ўлчам базалари билан ўриндаги бўлган созлаш базалари бўйича олиб борилса, у ҳолда допускларни қайта кўриб чиқишига тўғри келмайди, лекин операцияни бажариш учун кесувчи асбоблар тўплами талаб этилади.

Технологик жараённинг энг мақбул варианти конкрет ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда техник-иқтисодий ҳисоблашлар асосида танланади. Базаларни тайинлашда иккинчи муҳим принцип бу базаларнинг доимийлик тамойилидир.

**Базаларнинг доимийлик тамойили.** Базаларнинг доимийлик тамойили шундан иборатки, бунда технологик жа-



5.8-расм. Пармалаш ва йўниб кенгайтиришда базаларнинг доимийлик тамойилини қўллаш.

Ишлов беришни битта технологик база бўйича олиб боришига ҳаракат қилиш технологик базаларни ҳар қандай алмаштириш сиртларнинг ўзаро жойлашиш хатолигининг ортишига ва шу технологик базаларнинг жойлашишига қўшимча равиша хатоликларнинг пайдо бўлиши билан тушунирилади.

Масалан, агар 5.8-расм, а да тасвиirlанган заготовкага ишлов беришда тўртта кичик тешик симметрия ўқининг марказий тешик ўқи билан йўл қўйиладиган хатолик  $\Delta = \pm 0,1$  мм билан ўриндошлигини таъминлаш талаб этилса ва турли хил  $A$  ва  $B$  базалардан фойдаланилган ҳолда марказий тешикни йўниб кенгайтириш токарлик дастгоҳида, тўртта кичик тешикни эса кондукторда тешилса, у ҳолда ўқларнинг ҳақиқий силжиши фойдаланилган базаларнинг ўзаро жойлашиш хатолигига тенг бўлади, яъни 100 мм ли ўлчам допуски катталигига тенг бўлади. Буни технологик ўлчам занжири ҳисобидан ҳам кўриш мумкин (5.8-расм):

$$\begin{aligned}\Delta^{\max} &= 100_{\max} - 50_{\min} - 30 - 20_{\min} = \\ &= 100 - (50 - 0,05) - 30 - (20 - 0,05) = +0,1 \text{мм}\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}\Delta^{\min} &= 100_{\min} - 50_{\max} - 30 - 20_{\max} = \\ &= 100 - 0,46 - (50 + 0,05) - 30 - (20 + 0,05) = -0,56 \text{мм}\end{aligned}$$

Кичик тешикларни тешиш кондукторда бажарилганини учун уларнинг ўртасидаги ўлчам аниқ (60 мм ўлчам) бажарилади, шунинг учун 30 мм ли ўлчам шартли равиша доимий деб қабул қилинган.

раённи ишлаб чиқиш пайтида доимо битта ва ўша технологик базани қўллашга ҳаракат қилиш ва унча керакли бўлмаган ҳолларда технологик базаларни алмаштирумасликка ҳаракат қилиш керак (дастлабки базани алмаштириш бунга кирмайди).

Базаларни ўзгартирмаган ҳолда бажарилган (*A* текисликка нисбатан) иккала операцияни кўриб чиқилганда, қисқа ва таркибида 100 мм ли ўлчам бўлмаган технологик ўлчам занжири бўйича аниқланган ўқлар силжишининг ўзгариши камайишини кўриш мумкин, яъни:

$$\Delta^{\max} = 50_{\max} - 30 - 20_{\min} = \\ = 50 + 0,05 - 30 - (20 - 0,05) = +0,1 \text{ мм.}$$

$$\Delta^{\min} = 50_{\min} - 30 - 20_{\max} = \\ = 50 - 0,05 - 30 - (20 + 0,05) = -0,1 \text{ мм.}$$

Бунда чизмада ўқларнинг ўриндошлигига қўйилган  $\pm 0,1$  мм катталиқдаги хатолик бажарилади.

Заготовкаларга турли операцияларда ишлов бериш пайтида технологик базани ўзгартирмаслик ишлов бериладиган сиртларнинг ўзаро жойлашиш хатолигини камайтиради, лекин амалиётда баъзи ҳолларда бу талабни бажариш мосламалар конструкциясининг мураккаблашишига ва уларнинг қимматлашувига олиб келади. Бундай ҳолларда технологик ишлов бериладиган сиртларнинг жойлашиш хатолигининг ортишини ҳисоблаб чиқиб, нисбатан қулай бўлган технологик базаларга алмаштирилади.

### *Синов саволлар*

1. Машинасозликда базалаш ва базалар деганда нималарни тушунасиз?
2. Деталга механик ишлов бериш учун керак бўлган базалар сони ва уларнинг технологик ҳужжатларда белгиланишини айтиб беринг.
3. Конструкторлик, ўлчаш ва технологик базалар деганда нималарни тушунасиз?
4. Созлаш, текшириш, ердамчи ва сунъий базаларни тушунтириб беринг. .
5. Технологик базаларни қандай танланади?. Заготовкага ишлов бериш учун дастлабки (дағал) базани қандай танланади? .
6. Базаларнинг ўриндошлик ва доимийлик тамоийларининг деталга ишлов беришда аниқликка таъсирини кўрсатиб беринг.
7. Технологик база конструкторлик базаси билан ёки ўлчаш базаси билан мос тушмаса технолог қандай йўл танлайди?
8. Дастлабки технологик база қандай танланади?


## VI б о б

# МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШДА ҚҮЙИМЛАР

## 6.1. Ишлов бериш учун қолдирилган қўйимларнинг таснифланиши

Бошланғич заготовканинг чизмаси тайёр деталнинг чизмасидан шу билан фарқланадики, заготовканинг барча ишлов берилувчи сиртларига қўйим қатламлари қолдирилади ва бу қўйимлар заготовканинг ўлчамларини, бальзи ҳолларда шаклини ҳам ўзгартириб юбориши мумкин.

*Механик ишлов беришда умумий қўйим* деб, тайёр детал олиш учун механик ишлов бериш жараёнида заготовка сиртидан олиб ташланадиган дастлабки материал қатламига айтилади. Ишлов беришда қўйим ўлчамларини тўғри танлаш учун техник иқтисодий масалаларни ечиш керак. Қўйим қатламига заготовкани олиш технологияси ҳам таъсир кўрсатади.



6.1.-расм. Валга йўниш ва жилвирлаш орқали ишлов беришда қўйимларнинг ва допускларнинг жойлашиш схемаси

Номинал диаметрлар: валнинг дастлабки заготовкаси —  $D_{даст\hom}$ ; вални йўнишдан кейин;  $D_{tok}$ , жилвирлашдан кейин  $D_{шп}$ ; номинал қўйимлар: ишлов бериш учун қолдирилган умумий қўйим;  $Z_{um\hom}^{\min}$  —, йўниш учун;  $Z_{tok\hom}^{\max}$  — ва жилвирлаш учун;  $Z_{shp\hom}^{\max}$  — операцион қўйимлар

Жуда ҳам катта қўйимларни белгилаш материалнинг исроф бўлишига, механик ишлов беришда иш ҳажмининг ортишига, кесувчи асбоб ва электр энергия сарфининг ошиб кетишига олиб келади.

Агар қўйим қатлами етарли миқдорда белгиланмаса материалнинг нуқсонли қатламини кесиб олиб ташлашга ва ишлов беришувчи сиртларнинг етарли аниқлигига ва ғадир-будирлигига эришиб бўлмайди, шу билан бирга заготовка аниқлигига бўлган талабнинг ортишига ва бунинг эвазига унинг таннархи ошиб кетишига олиб келади.

**Операцион қўйим** деб битта технологик операцияни бажаришда заготовка сиртидан кесиб олинадиган материал қатламига айтилади. Операцион қўйим оралиқ қўйимлар, яъни шу операцияга кирган ҳар бир алоҳида ўтишлар учун қолдирилган қўйимларнинг йифиндисига тенг.

Валга икки хил операция (йўниш ва жилвирлаш) билан ишлов беришдаги қўйим ва допускнинг жойлашиш схемаси 6.1-расмда келтирилган. Схемадан кўриниб турибдики, заготовка ва деталнинг (жилвирлашдан кейинги) номинал ўлчамларининг фарқи орқали ишлов беришнинг умумий номинал қўйими аниқланади, яъни:

$$Z_{\text{ном}} = D_{\text{дас хом}} - D_{\text{дет}} \quad \text{ёки} \quad Z = \sum_{i=1}^n Z_{\text{ном}}, \quad (6.1)$$

бу ерда  $Z_{\text{ном}}$  — ҳар бир операциянинг номинал қўйими;  $n$  — деталга ишлов беришдаги операциялар сони.

Схемадан кўриниб турганидек, қўйидаги қўйимлар фарқланади: операциянинг минимал қўйими  $Z_i^{\min}$  — заготовкага ушбу операцияда ишлов берилгунга қадар унинг энг кичик чекли ўлчам билан ушбу операцияда ишлов берилгандан кейинги энг катта чекли ўлчами орасидаги фарқ.

Операциянинг максимал қўйими  $Z_i^{\max}$  — заготовкага ушбу операцияда ишлов берилгунга қадар унинг энг катта чекли ўлчами билан ушбу операцияда ишлов берилгандан кейинги энг кичик чекли ўлчами орасидаги фарқ;

$$Z_i^{\min} \equiv Z_i^{\max} - TA_{i-1} + TA_i, \quad (6.2)$$

бу ерда:  $TA_{i-1}$  ва  $TA_i$  олдинги ва кейинги операция ёки ўтишлар учун допусклар.

Кўйим допускини қўйимнинг максимал ва минимал қийматлари орасидаги фарқ орқали аниқланади.

Операциянинг номинал қўйими  $Z_i^{\text{ном}}$  деталнинг ушбу операцияда ишлов берилишидан олдинги ва кейинги номинал ўлчамлари фарқига тенг:

$$Z_{\text{ном}} = Z_i^{\min} + TA_{i-1} \quad (6.3)$$


Механик ишлов бериш учун қўйимни тахминий ҳисоблашда қўйидаги нисбатни қабул қиласа бўлади:

$$Z_{\text{ном}} = (2 \div 4) T A_{i-1} \quad (6.4)$$

Турли хил хатоликларга боғлиқ бўлган, алоҳида элементлардан ташкил топган энг кичик операцион қўйим қўйидагида аниқланади:

$$Z_i^{\min} = Z_i + \sqrt{Z_2^2 + Z_3^2}, \quad (6.5)$$

бу ерда:  $Z_i$  — олдинги операцияда ишлов беришдан қолган сирт ғадир-будирлиги  $Rz_{i-1}$  ва углеродсизлантириш, коррозияланиш, эзилиш, ёрилиш (дарз кетиш) ва шунга ўхшаш сабаблар туфайли ҳосил бўлган ва уларни олиб ташлаш учун керак бўлган нуқсонли металл қатлами  $h_{i-1}$  (6.2-расм, а).



6.2-расм. Операцион қўйим элементларининг таркиби

Айланма жисмлар учун

$$Z_i = 2(Rz_{i-1} + h_{i-1}) \quad (6.6)$$

ва бир томонлама ишлов беришда

$$Z_i = (Rz_{i-1} + h_{i-1}), \quad (6.7)$$

бу ерда  $Z_2$  — заготовканинг базавий сиртларига нисбатан ишлов берилаётган сиртларининг шакл хатоликларини ва фазовий четга чиқишлигини (ишлов берилаётган сиртларининг ва тешикларининг марказий ўқларининг параллелликдан, тешикларининг марказий ўқларига нисбатан ён сиртларининг перпендикулярликдан четга чиқиши ва ҳоказо) камайтириш (компенсациялаш) мақсадида олиб ташлаш учун қолдирилган металл қатлами.  $Z_3$  — заготовкани ўрнатиш хатолик фарқини камайтириш (компенсациялаш) учун олиб ташланадиган металл қатлами (6.2-расм).

Текис сиртларга ишлов беришда энг кичик қўйим қатлами:

$$Z_i^{\min} = Z_i + Z_2 + Z_3 \quad (6.8)$$

$Rz_{i-1}, h_{i-1}, Z_2$  ва  $Z_3$  ларнинг қийматлари маълумотномада келтирилган бўлади. Юқоридаги формулаларни таҳлил қилиш шуни қўрсатадаки, қўйимлар олдинги ва кейинги операцияларни бажаришда ҳосил бўладиган барча хатоликларнинг компенсатори бўлиб хизмат қиласа экан.

Қўйимларни аналитик ҳисоблаш усулидан асосан оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришни лойиҳалашда фойдаланилади. Серияли ва якка тартибли ишлаб чиқаришда ўртача аниқликдаги, одатдаги деталларнинг умумий ва операция учун қўйимларининг қийматларини меъёрий жадваллардан олинади. Жадваллардан фойдаланишинг афзалиги технологик жараённи лойиҳалаштиришни жадаллаштиради.

## 6.2. Механик ишлов бериш учун қўйимларни ҳисоблаш

Ишлов бериш учун қўйимларни ҳисоблаш формулалар бўйича аниқланадиган минимал қўйим  $Z_i^{\min}$  ни ҳисоблашдан бошланади. Бунда минимал қўйимни ҳисоблайдиган формуланинг кўриниши операциянинг мазмунига қараб ўзгариши мумкин. Масалан, тешикка ишлов беришда (сидириш, йўниб кенгайтириш, хонинглаш, меъёрга — ўлчамга етказиш ва ҳоказо) формуладаги ташкил қилувчи  $Z_i = 0$  га тенг. Шунинг учун

$$Z^{\min} = Z_1 + Z_2; \quad (6.9)$$

У ҳолда (4.2) формулага мос равишда ёзиш мумкин

$$TA_0 = Z^{\max} - Z^{\min} = \sum_{i=1}^{m-1} TA_i$$

бундан

$$Z^{\max} = Z^{\min} + \sum_{i=1}^{m-1} TA_i \quad (6.10)$$

Агар ўлчамлар сони тўртта ёки ундан ортиқ бўлса, энг катта қўйим (4.14) формулага асосан қуийдаги формуладан аниқланади:

$$Z_{\max} = Z_{\min} + 1,2 \sqrt{\sum_{i=1}^{m-1} TA_i^2} \quad (6.11)$$

Қўйимларни ҳисоблашда ташкил қилувчи звеноларнинг ўлчамлари бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$Z_0^{\min} = \sum_{i=1}^n A_i^{\min} - \sum_{n=1}^{m-1} A_i^{\max}, \quad (6.12)$$

$$Z_0^{\max} = \sum_{i=1}^n A_i^{\max} - \sum_{n=1}^{m-1} A_i^{\min}. \quad (6.13)$$

Бу формулалар (4.1) формуладан келиб чиқади ва қўйим ўлчам занжирининг беркитувчи звеноси сифатида қабул қилинади.

**6.1-мисол.**  $\varnothing 45h8$ ,  $L=100$  мм,  $R_z = 3,2$  мкм бўлган валга йўниш ва жилвирлаш кетма-кетлиги бўйича ишлов бериш учун операцияларнинг қўйим қатлами ва валнинг ўлчамлари аниқлансан. Заготовка — иссиқ ҳолатда про-катланган пўлат чивиқ.

Маълумотномаларда келтирилган қийматлардан фойдаланиб, қуйида келтирилган босқичлар бўйича ҳисоблаймиз.

Бошланғич заготовка — одатдаги  $ES = 0,4$  мм;  $EI = 0,7$  мм,  $R_z = 150$  мкм,  $T = 250$  мкм аниқликда иссиқ ҳолатда прокатланган чивиқ.  $T$  — заготовканинг диаметрига рухсат этилган допуск. Фазовий хатолик  $Z_2$ . Солиштирма эгрилик  $\nabla_3 = 0,12$  мкм; заготовканинг умумий эгрилиги (марказларга ўрнатиб ишлов беришда).

$$\rho_3 = Z_2 = \nabla_3 \cdot 0,5L; \quad Z_2 = \frac{0,12 \cdot 0,5 \cdot 100}{1000} = 0,006 \text{ мкм}$$

Фазовий хатоликлар  $Z_3$ . Заготовкани марказлашда содир бўлган хатолик, яъни ўқнинг силжиш катталиги

$$\rho_3 = z_3 = 0,25 \sqrt{T^2 + 1} \quad Z_3 = 0,25 \sqrt{1.1^2 + 1} = 0,36 \text{ мм}$$

Фазовий хатоликларнинг йифиндиси

$$\sqrt{Z_2^2 + Z_3^2} = \sqrt{0.006^2 + 0.36^2} \approx 0.36 \text{ мм}$$

Йўниш операциясидан кейин  $h_{11}$  квалитет бўйича аниқлик учун;  $T = 0,16$ ;  $R_z = 20$  мкм; валнинг тепиши  $Z_3 = 0,1$ мм. Маълумотномада келтирилган барча маълумотларни 6.1-жадвалдан олинади.

6. I-жадвал

#### Ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар

Операциялар	Чекли четга чиқишлар мкм	Фадир-будир-лик, $RZi$ , мкм	Нуқсон-ли қатлам, $hi$ мкм	$Z_2$	$Z_3$
Прокат (дастлабки заготовка)	+0,4; -0,7	150	250	0,006	0,36
Йўниш	0; -0,16	20	30	-	0,1
Жилвирлаш	0; -0,039	3,2	5,0	-	-

Кўйимларни ва операцион ўлчамларни ҳисоблаш ишлов берилган сиртдан бошлаб дастлабки заготовка йўналиши бўйича амалга оширилади.

#### Жилвирлаш:

минимал қўйим:

$$Z_1^{\min} = 2(R_{Z_{1-1}} - h_{1-1}) + \sqrt{Z_2^2 + Z_3^2}$$

$$Z_{\text{ул}}^{\min} = 2(0.02 + 0.03) + \sqrt{0 + 0.01^2} = 0.2 \text{мм} ,$$

номинал қўйим:

$$Z_{\text{ул}}^{\text{ном}} = 0,2 + 0,16 = 0,36 \text{мм} .$$

Максимал қўйим қуйидагича аниқланади:

$$Z_{\text{ул}}^{\max} = 0,2 + 0,039 + 0,16 = 0,399 \text{мм}$$

**Йўниш.** Йўниш учун номинал операцион ўлчам (6.1) формула бўйича аниқланади:

$$D_{\text{ток}} = D^{\text{ши}} + Z_{\text{ном}}^{\text{ши}} = 45 + 0,36 = 45,36 \text{мм}.$$

**Якуний**

$$D_{\text{ток}} = 45,36_{-0,16} \text{мм}.$$

**Йўниш учун минимал қўйим:**

$$Z_{\text{ток}}^{\text{мин}} = 2(0.15 + 0.25) + \sqrt{0.006^2 + 0.36} = 1,16 \text{мм}.$$

**Йўниш учун номинал (назарий) қўйим:**

$$Z_{\text{ном}}^{\text{ток}} = Z_{\text{ток}}^{\text{мин}} + E_1^{\text{max хом}} = 1,16 + 0,7 = 1,86 \text{мм}.$$

**Заготовканинг назарий диаметри:**

$$n_{\text{дасхом}} = n_{\text{ток}} + Z_{\text{ном}}^{\text{ток}} = 45,36 + 1,86 = 47,22 \text{мм}$$

иссиқ ҳолатда прокатлаш усулида олинган чивиқнинг диаметрини  $n_{\text{дасхом}} = 48^{+0,4}_{-0,7} \text{мм}$  деб қабул қиласиз.

**Йўниш учун қўйимнинг ҳақиқий ўлчами:**

$$Z_{\text{ном}}^{\text{ток}} = 48 - 45,36 = 2,64 \text{мм}$$

### ***Синов саволлари***

1. Механик ишлов бериш учун қолдириладиган қўйимлар қатламининг аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Энг кичик ва энг катта қўйим қатламлари қандай аниқланади?
3. Механик ишлов беришда қўйимларни ҳисоблаш усуллари ва кетма-кетлигини айтиб беринг


# VII боб

## ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИ ВА ТЕЖАМЛИЛИГИ

### 7.1. Ишлов беришнинг унумдорлиги ва таннархи


Заготовкага ишлов беришнинг унумдорлиги ва таннархи кўп жиҳатдан тайёрланаётган деталларнинг аниқлиги ва сирт ғадир-будирлигига боғлиқ. 7.1-расмда келтирилган графиклардан кўриниб турибдики, ишлов беришда тайёрланадиган деталларнинг ўлчам допускларини ва сирт ғадир-будирлигини кичик танлаш иш ҳажмининг ва ишлов бериш таннархининг ортишига олиб келади. Буни қуидаги изоҳлаш мумкин: қўшимча ўтишларнинг пайдо бўлиши ва кесиш режимиининг пасайиши туфайли асосий вақт кўпаяди; ёрдамчи вақт ортади; мураккаб ва юқори аниқликдаги, демак, қимматбаҳо дастгоҳлар қўлланилади; кесувчи асбоб учун сарфланадиган харажатлар кўпаяди ва қатор ҳолларда ишлов беришнинг қимматга тушадиган усуслари қўлланилади (7.1-расм).

Диаграммадан (7.2-расм) кўриниб турибдики, токарлик-револьверли дастгоҳда диаметри 10—18 мм ли пўлат-



7.1-расм Заготовкаларнинг ишлов бериш иш ҳажми ва таннархининг сирт аниқлиги ва ғадир-будурлигига боғлиқлиги:


- а— $\varnothing 60 \times 200$  мм ли тобланган пўлатдан тайёрланган вал,  
б— $\varnothing 60 \times 300$  мм ли хом пўлатдан тайёрланган вал



7.2-расм. Ишлов бериш иш ҳажмининг талаб қилинган аниқликка боғлиқлиги:  
 а-умумий сарфланган вақт-  $T_{ум}$ ;  
 б-сарфланган вақтнинг алоҳида элементлари,  
 $T_{маши}$ -машинали (асосий) вақт,  $T_{кескинч}$ -кескинч  
 ўрнатиш учун сарфланган вақт,  $T_{ўлчаш}$ -ўлчаш учун  
 сарфланган вақт

дан тайёрланган валларга ишлов беришнинг аниқлигини 11- квалитетдан IT7 квалитетга оширилса, ишлов беришга, керакли ўлчам олиш учун кескични ўрнатишга ва заготовкани ўлчаш учун сарфланадиган умумий вақт уч марта ошибб кетади. Бунда, айниқса, заготовкани назорат қилиш учун сарфланадиган вақт ҳам жуда ортади. Масалан, ишлов бериш аниқлигини ўнинчи квалитетдан еттинчи квалитет даражасига оширасак, машина вақти ва кескични ўрнатиш вақти икки марта ошса, заготовканинг ўлчамини назорат қилиш учун сарфланган вақт етти марта ошади. Бундан ташқари заготовкаларга аниқ ишлов бериш жараёнида яроқсиз маҳсулот ҳосил бўлади ва ҳосил бўлган ушбу яроқсиз маҳсулот учун сарфланган харажат IT8 квалитет аниқлигига эришишда ишлов бериш умумий нархининг 2 фоизини ва IT7 квалитет аниқлигига эришишда 17 фоизини ташкил қиласди. Агар аниқликни IT6 квалитетгача оширасак, унда пайдо бўлган яроқсиз маҳсулотлар учун сарфланган харажатлар заготовкаларга ишлов бериш учун сарфланган умумий харажатларнинг 32 фоизини ташкил қиласди. Чизмада берилган аниқлик ва талаб этилган сирт ғадир-будирликларини турли хилдаги дастгоҳлар, асбоблар ва мосламалар ёрдамида олиш мумкин. Масалан, IT9 квалитет аниқликдаги ва  $Rz = 6,3$  мкм ғадир-будирликка эга бўлган тешикни пўлат заготовкаларда тезкесар ва қаттиқ қотишмалардан тайёрланган кескич ёрдамида оддий йўниб кенгайтириш, развёрткалаш, сидириш, тешиш, олмосли йўниб кенгайтириш, жилвираш, хонинглаш, ролик ва шариклар билан думалатиб эзиш усуслари ёрдамида олиш мумкин. Бу усусларнинг ичидан ҳам ҳар қандай маълум шароит учун бирдан бир мақсадга мувофиқ вариантини танлаш учун объектив мезон бўлиб, унинг унумдорлиги ва тежамлилиги ҳисобланади. Танланган усуслда заготовкага ишлов беришда у ёки бу жиҳозларни ва қуролларни қўллашни таҳлил қилиб, тежамлилигини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир (7.2-расм).

Механик ишлов беришнинг тежамлилиги нафақат талаб қилинган аниқликка, қўлланилаётган кесиши усулига ва дастгоҳга боғлиқ, шу билан бирга қўлланилаётган кесиши режимлари ҳам унга катта таъсир кўрсатади (7.3-расм).



7.3-расм. Кесиш тезлигига ишлов бериш иш ҳажмининг ва таннархининг боғлиқлiği

7.3-расмдан күриниб турибиди-  
ки, кесиш тезлигининг ортиб бо-  
риши билан иш ҳажми ва таннарх  
аввал камаяпты ва сүнгра эса маъ-  
лум бир минимал  $V_c^*$  ва  $C_{min}^*$  қий-  
матидан кейин күтарилаяпты (ке-  
сувчи асбобнинг ейилиши ва уни  
алмаштиришга кетган вақт сарфи  
туфайли).

Ҳар қайси ҳолатда ҳам кесиш тезлиги таннарх ва унумдорлик (иш ҳажми) бўйича оптималь тезликлар чегарасидан чиқиб кетмас-  
лиги керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, минимал вақт сарфи  $T_{min}$  ва минимал таннарх  $C_{min}$  га тўғри келувчи оптималь кесиш тезликлари бир-бирига мос тушмайди. Ҳамма вақт ҳам таннарх бўйича оптималь кесиш тезлиги унумдорлик бўйича оптималь кесиш тезлигидан кичик бўлади. Кесувчи асбоб қанчалик арzon бўлса ва ишлов беришнинг таннархидаги унинг улуши камроқ бўлса, ишлов беришнинг таннархи бўйича оптималь кесиш тезлиги шунчалик юқори бўлади ва унумдорлик бўйича оптималь кесиш тезлигига шунчалик яқин бўлади.

Унумдорлик ва таннарх мезонлари бўйича технологик варианtlарнинг самарадорлиги солиширилганда, айrim ҳолларда ҳар хил хulosаларга келиш мумкин. Масалан, 16K62 маркали токарлик дастгоҳида Р18 маркали тезкесар пўлатдан тайёрланган кесувчи асбоб ёрдамида пўлат заготовка сирти  $Rz=6,3$  мкм ғадир-будирликка эга бўлган, ўлчам аниқлиги 7-квалитет бўйича, диаметри  $\varnothing 30\times40$  мм бўлган тешик йўниш ва серияли ишлаб чиқаришда шу тешикни сидириш йўли билан очишни солиширилганда (харажатларни шартли бирликлар билан белгилаймиз) қуйидаги натижалар олинган:

Технологик таннарх, ш.б.:	(шартли бирлик)
Сидиришда	0,11
Йўниб кенгайтиришда	0,11

Иш ҳажми (донабай  
калькуляцияли вақт), мин.

Сидиришда	1,06
Йўниб кенгайтиришда	3,63

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, технологик жараёнлар самарадорлигини солиштиришда фақат ишлов бериш таннархи билан чегараланмасдан, балки ишлов бериш иш ҳажми билан ҳам солиштириш керак экан. Технологик жараёнларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда иккита мезон бўйича, яъни, донабай калькуляция вақт орқали ифодаланадиган унумдорлик (ёки иш ҳажми) ва сўм билан ифодаланадиган технологик таннарх бўйича ҳисобланади. Кўп ҳолларда технологик жараёнларнинг иқтисодий самарадорлиги йиллик ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига ҳам боғлиқdir. Маълумки, юқори унумдорликка эга бўлган, лекин қимматбаҳо кўп шпинделли автомат ва ярим автоматларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сони етарли миқдорда бўлгандагина жорий қилиш ўзини оқлади. Бошқа тарафдан турли хилдаги дастгоҳлардан фойдаланишнинг умумий харажати ва шу харажатларнинг таркиби турличадир. Оддий ва арzon токарлик ва револьверли дастгоҳларда ишлов бериш таннархининг 80-90% қисми маошдан иборат бўлади. Ишлов беришни юқори унумдорликка эга бўлган автоматларга ўтказилиши билан таннархнинг маош учун ажратилган қисми 55% гача камаяди ва олти шпинделли автоматларда унинг (маошнинг) улуши 20% гача камаяди. Улардан фойдаланиш учун кетган харажатлар юқори унумдорлик ҳисобига компенсацияланади.

Ишлов беришнинг турлари ва кесиш режимлари, ишлатилаётган дастгоҳлар ва технологик жиҳозларнинг заготовкага ишлов беришда иқтисодий жиҳатдан таъсири ҳамда технологик жараёнлар тежамлилигининг заготовкалар ҳажмига боғлиқлиги технологик жараёнларнинг самарасини тежамлилик нуқтаи назаридан баҳо беришни долзарб муаммо эканлигига олиб келади. Янги техникани ва технологияни яратишни ва ишлаб чиқаришга қўллашнинг иқтисодий жиҳатдан самара беришини тўғри ва ўз вақтида аниқлаш машинасозликнинг техник жиҳатдан жадаллашишини ва ўсиш тезлигини белгилайди.

## 7.2. Техник меъёрлаш асослари

Техник меъёрлаш деб ишлаб чиқариш ресурсларини техник жиҳатдан асосланган сарфлаш меъёри тушунилади. Ишлаб чиқариш ресурсларига қуидагилар киради: энергия, хомашё, материаллар, асбоблар, иш вақти ва ҳоказо.

Технологик жараёнларни лойиҳалашда иш вақтини техник жиҳатдан меъёрлаш асосий масала бўлиб ҳисобланади.

**Меҳнатни меъёрлаш масалалари ва усуслари.** Меҳнатни меъёрлашнинг асосий масалаларидан бири бажариладиган ишнинг ўлчовини аниқлаш ва шунга мос равишда ҳақ тўлашдир. Меҳнатни меъёрлаш техник меъёрлаш ва тажрибавий-статистик меъёрлаш усуслари билан амалга оширилади.


Иш вақтининг резервларини аниқлаш ва бажариладиган ишнинг зарур ўлчовини белгилаш бўйича усул ва усубларнинг йигиндиси меҳнатни техник меъёрлаш дейилади. Техник меъёрлаш вазифасига иш вақтининг резервларини аниқлаш ва корхонада меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш, ишнинг тўғри ўлчовини белгилаш (яъни, вақт меъёрини аниқлаш) ва охир- оқибат меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш киради.

Меҳнатни техник меъёрлашда (яъни, вақт меъёрини аналитик усулда аниқлашда) технологик операция машинали, машинали-дастаки ва дастаки, ўтишлар, приём, юришлар ва ҳаракатлар каби элементларга тақсимланади. Бунда ҳар бир элемент алоҳида ва биргаликда таҳлил қилинади. Вақт меъёрини ҳисоблашдан аввал меъёрланадиган операциянинг таркиби уни яхшилаш мақсадида операциянинг таркибидан унинг муваффақиятли бажарилишига таъсир қилмайдиган ортиқча усул ва ҳаракатларни чиқариб ташлаш, ишчининг қўли, оёғи ва танасининг барча ҳаракатларининг йўлини қисқартириш, ишнинг толиқтирадиган усусларини енгилроқ усуслар билан алмаштириш, ишчининг материалларни, асбобни, заготовкани олиб келиши ва асбобни чархлаши каби қўшимча ишлардан озод қилиш, кўп ўринли мосламаларни қўллаш, замонавий кесиш режимларини қўллаш, ёрдамчи вақтни қисқарти-

риш бўйича илгор технологиялардан фойдаланиш йўллари таҳлил қилинади. Вақтнинг техник меъери ни белгилаш меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат унумдорлиги билан чегараланиб қолмайди. Техник меъёrlаш жиҳозларнинг зарур бўлган сонини ва уларнинг юкланишини, цех ва участканинг ишлаб чиқариш қувватини аниқлаш учун, ишнинг ва иш ҳақининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблашда ҳамда оператив режалаштиришда асос бўлиб хизмат қиласиди.

Техник жиҳатдан асосланган меъёrlарни шу соҳада ишләётган барча ишчилар билиши ва амалда қўллай билиши керак. Техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишининг ривожланиши билан ўсиб бораётган меҳнат унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда вақт меъёrlарини камайиш томонига ўзгартириб борилади.

Меъёrlашнинг тажрибавий-статистик усули якка тартибли ва кичик серияли ишлаб чиқаришда қўлланилади. Ўхшаш операцияларнинг иш ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотлар, меъёrlовчи ва усталарапнинг шахсий иш тажрибаси тажрибавий-статистик меъёrlаш усулига асос бўла олади. Бу усулда аввал бажарилган шунга ўхшаш операциянинг вақт меъёри ва ҳақиқий бажарилган иш ҳажми солиштириш йўли билан ушбу операция учун вақт меъёри белгиланади. Демак, ўтмишдаги технологик операция учун сарф бўлган вақт



7.4-расм. Кесувчи асбобининг юриш йўли:  
а-йўнишда;  
б,в-фрезалашда;  
г-пармалашда;  
д-развёрткалашда

бўйича ўша даврдаги технология ва ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўлган камчиликларни ҳисобга олмасдан янги лойиҳаланаётган ёки ишлашга топширилган технологик операциялар учун сарфланадиган вақт меъёрини белгилашда кўчирилади ва уларни қонунлаштирилади, бу эса ишлаб чиқаришнинг резервларини очиш ва унумдорликни оширишга имкон бермайди. Шунинг учун машинасозлик ишлаб чиқаришида асосий ва кейинга қолдириб бўлмайдиган масалалардан бири вақтни тажрибавий-статистик меъёрлаш усулидан аналитик меъёрлаш усулига ўтиш ҳисобланади.

Якка тартибли ва кичик серияли ишлаб чиқаришда технологик операцияларни элементларга тақсимлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бундай ҳолларда вақт меъёри технологик ўтишларда келтирилган меъёрлар бўйича аниқланади ёки намунавий технологик жараёнлар учун аналитик усулда тузилган намунавий меъёрлар қўлланилади, келтирилган меъёрлар ва намунавий меъёрлар аналитик усулда тузилган бўлиб, одатда, техник меъёрлаш қаторига киради.

**Иш вақти сарфининг таснифи.** Иш кунида сарфланадиган иш вақти меъёрланадиган ва меъёрланмайдиган вақтларга бўлинади (тушлик учун ажратилган танаффусдан ташқари). Иш вақтининг меъёрланадиган сарфига ишни бажариш учун сарфланадиган вақт киради. Иш вақтининг меъёрланмайдиган сарфи эса иш вақтини фойдасиз йўқотилган (устани, созвочини чақириб келиш, хужжатларни, асбобларни, транспорт воситаларини, материалларни ва бошқаларни олиб келиш учун ва шунга ўхшаш тасодифий ва унумсиз ишларни бажариш туфайли ишчининг вақтни бефойда йўқотиши), меъёрлашда иштирок этмайдиган қисми киради.

**Тайёрлаш-якунлаш вақти  $T_{m-n}$**  — ишчини ва ишлаб чиқариш воситаларини технологик операцияни бажариш учун тайёрлаш ва уларни технологик операция бажариб бўлингандан сўнг дастлабки ҳолатига келтириш учун сарфланган вақт меъёри.

Тайёрлаш-якунлаш вақт меъёри қуйидаги ишларни бажариш учун сарфланадиган вақтларни ўз ичига олади: а) материалларни, асбобларни, мосламаларни, технологик

хужжатларни ва ишга наряд олиш; б) бажариладиган иш билан, технологик хужжатлар, чизмалар билан танишиш ва кўрсатмалар олиш; в) асбобни, мосламани ўрнатиш, дастгоҳни тегишли иш режимига созлаш; г) асбобни ва мосламани дастгоҳдан бўшатиб олиш; д) тайёр маҳсулотни, қолдиқ материалларни, мосламаларни, асбобларни, технологик ҳужжатларни ва нарядни топшириш.

Тайёрлаш-якунлаш вақти берилган ишчи наряд бўйича партиядаги барча ишлов бериладиган заготовкаларга бир марта сарф қилинади ва ушбу партиядаги деталларнинг сонига боғлиқ бўлмайди. Тайёрлаш-якунлаш вақтининг қийматини меъёrlашда дастгоҳларнинг турлари ва ўлчамларини, мосламаларни, ишлов берилаётган заготовканинг конструкцияси ва массасини ҳисобга олган меъёrlар бўйича аниқланади.

**Оператив вақт меъёри**  $T_{оп}$  — технологик операцияни бажариш учун сарфланган асосий вақт меъёри  $T_a$  ва ёрдамчи вақт меъёри  $T_e$  нинг йифиндиси билан аниқланади, яъни

$$T_{оп} = T_a + T_e . \quad (7.1)$$

Технологик операцияни бажаришдаги оператив вақт сарфи ҳар бир маҳсулотдан ёки уларнинг аниқ бир сонларидан кейин такрорланади.

Асосий вақт меъёри  $T_a$  — бажарилаётган ушбу технологик операцияда ёки ўтишда меҳнат буюмининг сифат ва (ёки) сон жиҳатдан ўзгартириш мақсадига бевосита етиш учун сарфланадиган вақт меъёри.

Асосий (технологик) вақт ичida заготовканинг ўлчамлари ва шакллари, ташқи кўриниши ва сирт ғадир-будурлиги, сирт қатламиининг ҳолати ёки йиғма бирликнинг алоҳида қисмларининг ўзаро жойлашишлари ва уларнинг маҳкамланиши ва шунга ўхшаш ўзгаришлар содир бўлиши билан ифодаланади.

Асосий вақт машинали, машинали-дастаки, дастаки ва аппаратли бўлиши мумкин.

Токарлик ва пармалаш, резба кесиш, зенкерлаш, йўниб кенгайтириш ва фрезалаш учун асосий вақт 7.4-расмга асосан қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$T_{\text{o}} = T_{\text{m}} = \frac{Li}{S_{\text{min}}} = \frac{Li}{ns} = \frac{LZ}{nst} , \quad (7.2)$$

$$L = l_1 + l_2,$$

бу ерда  $T_{\text{m}}$  — машинали вақт, мин;  $L$  — асбоб йўлининг узунлиги, мм;  $l$  — ишлов берилаётган сиртнинг узунлиги, мм;  $l_1$  — асбобнинг кириб бориш йўли, мм;  $l_2$  — асбобнинг чиқиб кетиш йўли, мм;  $i$  — юриш (ўтиш) сони;  $S_{\text{mm}}$  — суриш, мм/мин;  $n$  — шпинделнинг ёки фрезанинг айланишлар сони, айл/мин;  $S$  — шпиндель ёки фрезанинг бир марта айланишига тўғри келадиган суриш, мм/айл;  $t$  — кесиш чуқурлиги, мм;  $Z$  — қўйим, мм.

**Ёрдамчи вақт меъёри**  $T_e$  — технологик операциянинг ёки ўтишнинг асосий мақсади бўлган асосий ишни бажариш учун имконият яратишни амалга ошириш учун ва ҳар бир маҳсулот ёки ушбу маҳсулотларнинг маълум бир миқдоридан кейин такрорланадиган вақт меъёрини ўзида намоён қиласи (маҳсулотни ўрнатиш ва олиш, дастгоҳни ишга солиш ва тўхтатиш, асбобни заготовкага яқинлаштириш ва орқага олиш, суппорт ёки столни силжитиши, маҳсулотни ўлчаш, асбобни алмаштириш).

Ёрдамчи вақт кўпинча дастаки бажарилади, лекин у механизациялашган (маҳсулотни кран ёрдамида ўрнатиш ва олиш) ва машинали (автоматлаштирилган ва одатдагидай суппорт ёки дастгоҳ столининг кетинга салт юриши) ҳолда бажарилиши ҳам мумкин.

Ёрдамчи вақт уни ташкил этувчи элементларининг техник меъёрлаш жадвалларида келтирилган меъёrlар йиғиндиси бўйича аниқланади. Унинг таркибиага заготовкани ўрнатиш ва бўшатишга кетган вақт; ўтишга боғлиқ вақтлар; дастгоҳ қисмларини (суппортни, кареткани) силжитиши учун сарфланган вақт; дастгоҳнинг ишлаш режимиши ўзгартириш ва асбобни алмаштириш учун сарфланган вақт ва назорат қилиш мақсадида ўлчаш учун сарфланган вақтлар киради.

**Иш жойига хизмат кўрсатиш вақти**  $T_{\text{и ж хиз}}$  — донабай вақтнинг бир қисми бўлиб, ижрочининг технологик жиҳозларни ишчи ҳолатида сақлаши ва иш жойига хизмат қилишига сарфланадиган вақти.

Оммавий ишлаб чиқаришда иш жойига хизмат күрсатиши вақти техник ва ташкилий хизмат күрсатини вақтлағыра бўлинади.

**Техник хизмат күрсатиши вақти**  $T_{\text{тех}}$  — иш жойига (жижозларга) ушбу маълум бир ишни бажариш даврида хизмат күрсатиш учун сарфланган вақт (ейилган асбобларни алмаштириш ва уни созлаш, қиринидиларни олиб ташлаш ва технологик операцияни бажариш давомида дастгоҳни созлаб туриш ва ҳоказолар). У асосий вақтга нисбатан фоиз ҳисобида олинади.

**Ташкилий хизмат күрсатиши вақти**  $T_{\text{ташкил}}$  — иш сменаси давомида иш жойига хизмат күрсатиши учун (смена бошида асбобларни ишлатиш учун жойлантириш ва охирида йифиштириб қўйиш, дастгоҳни кўздан кечириш, уни ишлатиб қўриш, мойлаш ва тозалаш каби ишлар) сарфланадиган вақт. Ташкилий хизмат күрсатиши вақти оператив вақтга нисбатан фоиз ҳисобида олинади.

**Шахсий эҳтиёжлар сарфланган вақт**  $T_{\text{шахсий}}$  — донабай вақтнинг қисми бўлиб, ишчининг шахсий эҳтиёжлари ва (толиқтирадиган ишларда) қўшимча дам олиш учун сарфланадиган вақт. Одатда, бу вақт бир иш сменаси вақтининг икки фоизидан ошмайди ва оператив вақтга нисбатан фоиз ҳисобида олинади.

**Вақт меъерининг тузилиши.** Вақт меъёри — тегишли малакага эга бўлган бир ёки бир неча ижрочилар томонидан маълум бир ишлаб чиқариш шароитида, маълум бир иш ҳажмини бажариш учун регламентланган вақт. Машинасозликда вақт меъёри, одатда, технологик операция учун белгиланади.

**Техник жиҳатдан асосланган вақт меъёри**  $T_{\text{д-к}}$  ишлов бериладиган партиядаги маҳсулотларни гайёрланш-тугаллаш вақт меъёри  $T_{\text{д-к}}$  ва донабай вақт меъёри  $T_1$  йигиндишига тенг, яъни

$$T_{\text{д-к}} = T_1 + T_{\text{д-к}} / n, \quad (7.3)$$

бу ерда  $T_{\text{д-к}}$  — донабай-калькуляцияли вақт меъёри;  $T_{\text{д-к}}$  — ишлов бериладиган партиядаги заготовкалар учун тайёрлаш-тугаллаш вақт меъёри;  $n$  — ишлов бериладиган партиядаги заготовкалар сони.

Донабай вақт меъёри — меъёрлаш бирлигига тенг бўлган ҳажмдаги ишни бажариш учун вақт меъёри.

Донабай вақт меъёри  $T_d$  қуйидаги формула орқали аниқланади

$$T_d = T_a + T_e + T_{\text{и ж хиз}} + T_{\text{шах эҳт}} = T_{\text{оп}} + T_{\text{и ж хиз}} + T_{\text{шах эҳт}} \quad (7.4)$$

Оммавий ишлаб чиқариш шароитида (айрим иш жойларида иш сменасининг камдан-кам ҳолларда алмашиниши ва донабай-калькуляцияли вақтнинг таркибида тайёрлаш-тугаллаш вақтининг миқдори оз бўлиши туфайли) тайёрлаш-тугаллаш вақти вақт меъёри таркибиға киритilmайди ва вақт меъёри сифатида қуйидаги формула ёрдамида аниқланадиган донабай вақт меъёрининг қиймати қабул қилинади:

$$T_d = T_a + T_e + T_{\text{тех}} + T_{\text{таш хиз}} + T_{\text{шах эҳт}} \quad (7.5)$$

Якка тартибли ва серияли ишлаб чиқаришларда вақт меъёри (7.3) формула ёрдамида аниқланади. Якка тартибли ва серияли ишлаб чиқаришларда иш жойига хизмат кўрсатиш вақти ташкилий ва техник хизмат кўрсатиш вақтларига бўлинмаганлиги туфайли дам олиш ва шахсий эҳтиёjlар учун сарфланадиган вақтлар каби оператив вақтга нисбатан фоиз ҳисобида қабул қилиниши сабабли донабай вақтни ҳисоблаш соддалашади ва қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$T_d = (T_a + T_e)(1 + K/100) \quad (7.6)$$

Бу ерда  $K$  — оператив вақтга нисбатан иш жойига хизмат кўрсатиш (техник ва ташкилий) ва ишчининг дам олиши ва шахсий эҳтиёjlари учун сарфланадиган вақтларнинг фоизи.

Заготовкалар партиясига ишлов бериш вақт меъёри қуйидаги формула ёрдамида аниқланади

$$T_{\text{нап}} = T_{\text{т-г}} + T_d/n, \quad (7.7)$$

бу ерда  $n$  — партиядаги заготовкалар сони.

## ***Синов саволлари***

1. Унумдорлик ва таннарх деганда нималарни тушунасиз?
2. Технологик жараёнлар вариантынинг самарадорлигини солишириш қандай амалга оширилади?
3. Технологик операциянинг самарадорлигини солиширишга мисол келтириңг.
4. Техник меъерлаш нима?
5. Меҳнатни меъерлашнинг аҳамияти нималарда намоен бўлади?
6. Тажрибий-статистик меъёрашнинг камчиликлари нималардан иборат?
7. Иш вақти таркибини ифодалаб беринг
8. Бирор бир деталга механик ишлов бериш жараёни учун оператив иш вақтини аниқлаб беринг.

## VIII б о б

# ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ВАРИАНТЛАРИНИНГ ТЕЖАМЛИЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ


Технологик жараёнлар варианктарининг тежамлилигини ўзаро солиштириш, кўп ҳолларда, заготовкага ҳар бир вариант бўйича ишлов беришнинг таннархларини ўзаро солиштириш йўли билан амалга оширилади.

### 8.1. Бухгалтер усуллари

Партиядаги заготовкаларга ишлов беришнинг таннархини қуийдаги формула бўйича аниқланадиган усул кенг тарқалган

$$C = An + B, \quad (8.1)$$

бу ерда  $C$  — бир партия заготовкалар таннархи;  $n$  — партиядаги ишлов берилган заготовкалар сони;  $A$  — жорий сарф-харажатлар, яъни, ҳар бир алоҳида заготовкага ишлов бериш учун сарфланган харажатлар;  $B$  — бир вақтли сарф-харажатлар яъни, партиядаги барча заготовкалар учун бир марта сарфланадиган харажатлар.




бу ерда  $C$  — бир партия заготовкалар таннархи;  $n$  — партиядаги ишлов берилган заготовкалар сонининг ортиши билан таннарх  $C$  нинг ўзгариши

8 1-расм Ишлов бериладиган заготовкалар сонининг ортиши билан таннарх  $C$  нинг ўзгариши

У ҳолда битта заготовкага ишлов берини таннархи қуийдаги формула ёрдамида аниқланади

$$C_{\text{ном}} = A + \frac{B}{n} \quad (8.2)$$



8 2-расм. Кўшимча жиҳозни қуллаш натижасида таннарх  $C$  нинг ўзгариши

(8.2) формула бўйича ва 8.1-расмдаги эгри чизиққа асосан заготовкалар сонининг ортиб бориши билан уларнинг ишлов бериш таннархи гипербола эгри чизиги бўйича камайиб боради, лекин таннархнинг камайиши ишлов бериладиган заготовкалар миқдори ор-

тишининг маълум бир чегарасигача рўй беради. Партиядаги заготовкалар сонини унинг маълум бир  $n_1$  қийматигача орттириб борилганда ушбу сондаги заготовкаларга технологик жараённинг ушбу вариантида белгиланган муддатда ишлов беришга улгуриб бўлмайди. Шунинг учун бир вақтли харажатлар  $B$  ни орттириб, қўшимча бирликдаги дастгоҳларни жорий қилишга тўғри келади. У ҳолда таннархнинг ишлов бериладиган заготовкалар сонига боғлиқлик графиги поғонасимон характерга эга бўлади (8.2-расм).

Технологик вариантларнинг тежамлилигини солиштиришда берилган заготовкалар миқдори бўйича энг кам таннархга эга бўлган вариант энг яхши вариант сифатида қабул қилинади.

Масалан,  $n = 0$  дан  $n = n_1$  гача (8.3-расм) заготовкалар партиясига ишлов беришнинг таннархи  $C_1$  бўлган биринчи вариант,  $n_1$  дан  $n_2$  гача заготовкалар партиясига ишлов беришнинг таннархи  $C_2$  бўлган иккинчи вариант ва заготовкалар партияси  $n_2$ дан катта бўлганида, унинг таннархи  $C_3$  бўлган учинчи вариант афзал ҳисобланади.

Бир вақтли харажатлар  $B$  таркибига маҳсус дастгоҳлар, кесувчи асбоблар, мосламаларни сотиб олиш ва дастгоҳларни созлаш киради.  $A$  — жорий харажатларга заготовканнинг нархи  $C_{\text{ном}}$ ; асосий ишчиларга тўланадиган иш ҳақи ва жиҳозларнинг амортизацияси ва таъмири, биноларни яхши ҳолатда ушлаб туриш учун сарфланадиган барча цех харажатлари; кесувчи, ўлчов ва ёрдамчи асбоблар ва универсал мосламалар учун харажатлар; электр энергия учун сарфланадиган харажатлар; муҳандис-техник ходимлар, бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи шахслар, ёрдамчи ишчилар ҳамда цехдаги ёрдамчи ишчиларнинг (асбобсозлар гуруҳи, таъмирловчи ишчилар ва шу кабилар) иш ҳақи ҳам киради.

Цехнинг жорий харажатлари таннархни қалькуляция қилишда цехнинг асосий ишчилари иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида олинади:

$$A = C_{\text{ном}} + C(1 + P/100), \quad (8.3)$$


бу ерда  $C_{\text{ном}}$  — дастлабки заготовканинг нархи;  $P$  — барча цех харажатларининг йигиндиси (асосий ишчиларнинг иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида).

Цех маҳсулотининг таннархини бухгалтер усулида калькуляция қилишда устама (қўшимча) харажатлар фоизи цех ишининг ҳисоботидан олинади. Устама харажатлар ишлаб чиқариш шароитига боғлиқ равишда (ишлаб чиқариш се-риясига, цехнинг жиҳозланишига, ўлчамига, автоматлаштирилганлик даражасига, ташкилий тузилишига ва ҳоказо) 150 фоиздан 800 фоизгача ўзгаради.

Юқорида келтирилган ишлов бериш таннархини аниқлайдиган усул оддийдир, бироқ цех харажатларини асосий ишчиларнинг иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида ифодалаш асосида қабул қилинган ушбу усул турли хил мураккабликдаги ва ўлчамдаги жиҳозларни ва универсал мосламаларни ишлатиш ва амортизацияси учун сарфланадиган харажатларнинг фарқини ҳисобга олишга имкон бермайди. Бу усул билан маҳсулот таннархини ҳисоблашда юқори унумдорликка эга бўлган технологик жараёнлар, ҳаттоти, жуда ҳам мураккаб ва қимматбаҳо универсал ва технологик мосламалар қўлланган тақдирда ҳам энг тежамли бўлиб чиқади.

Технологик жараёнлар варианatlарининг тежамлилиги бўйича солишириш учун бухгалтер усули яроқсизdir. Бу усулдан мураккаблик даражаси ва ўлчами бўйича бир хил бўлган жиҳоз ва мосламаларда тайёrlанадиган, цехнинг деярли бир хил маҳсулотларининг тахминий таннархини аниқлашга тўғри келган айrim ҳолатлардагина фойдаланиш мумкин.

## 8.2. Элемент усули



8.3-расм. Технологик жараёнларнинг учта таннархарини солишириш. Кам харажатли майдон штрихланган

Технологик жараёнларнинг варианatlарини ўзаро солиширишда уларнинг таннархини янада аниқроқ ҳисоблаш усули **элемент усули** ёки таннархнинг барча ташкил этувчилиарини тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули бўлиб ҳисобланади. Айrim ҳолларда барча солиширилаётган варианatlарда доимий қийматга эга бўлган харажатларни ҳисоб-

га олмасдан, фақат солиширилаётган технологик жараёнларга хос бўлган харажатларни ҳисобга олган ҳолда таннархни ҳисоблаш мумкин. Бундай тўлиқ бўлмаган, фақат технологик жараён вариантининг харажатларини ҳисобга олинган таннарх  $C_m$  **технологик таннарх** дейилади.

Умуман олганда, тўлиқ технологик таннарх цех таннархига тўғри келади ва у қуйидаги элементлардан ташкил топади:

$$C_T = C_u + C_{ci} + C_3 + C + C_{kec} + C_y + C_x + C_a + \\ + C_m + C_b + C_{ym} + C_{daст.xom} \quad (8.4)$$

бу ерда  $C_u$  — асосий ишчиларнинг иш ҳақи;  $C_{ci}$  — созловчиликарнинг иш ҳақи;  $C_3$  — электр энергияси учун сарфланган харажатлар;  $C_e$  — ёрдамчи материаллар учун сарфланган харажатлар;  $C_{kec}$  — универсал ва маҳсус кесувчи асбобларни таъмираш, чархлаш ва уларнинг амортизацияси учун сарфланган харажатлар;  $C_y$  — универсал ва маҳсус ўлчов асбобларини таъмираш, чархлаш ва уларнинг амортизацияси учун сарфланган харажатлар;  $C_x$  — жиҳозларнинг амортизацияси учун сарфланган харажатлар;  $C_a$  — дастгоҳларни таъмираш ва модернизациялаш учун сарфланган ҳаражатлар;  $C_m$  — универсал ёки маҳсус мосламаларни таъмираш ва амортизация учун сарфланган ҳаражатлар;  $C_b$  — ишлаб чиқариш биноларининг амортизацияси, уларни таъмираш, иситиш ва ёритиш учун сарфланган харажатлар;  $C_{ym}$  — цехнинг умумий ҳаражатлари(ёрдамчи ишчиларнинг, муҳандис-техник ходимларнинг ва хизматчиликарнинг иш ҳақи; цехдаги барча ёрдамчи жиҳоз ва инвентарларни таъмираш ва амортизацияси учун сарфланган ҳаражатлар; меҳнатни муҳофаза қилиш учун ва бошқа заготовкалар);  $C_{daст.xom}$  — дастлабки хомакининг нархи.

Таннархни ҳисоблашнинг элемент усули барча масъулиятли ҳолларда, айниқса, оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқариш шароитларида технологик жараёнларнинг тежамлилигини солиширишнинг асосий усули бўлиб ҳисобланади.

### **8.3. Технологик жараён варианларининг иқтисодий самарадорлигини келтирилган харажатлар бўйича баҳолаш**

Кўп ҳолларда технологик жараён варианларининг технологик таннарх ва ишлов бериш унумдорлиги бўйича иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, айниқса, ушбу варианларда технологик ва маҳсус жиҳозлар учун сарфланган харажатлар бир-биридан унчалик фарқ қилмаса, етарли даражада объектив бўлади.

Лекин солиштираётган варианларнинг бирортасига қимматбаҳо маҳсус ёки маҳсуслаштирилган жиҳозларни сотиб олиш кўзда тутилган бўлса, варианларнинг иқтисодий самарадорлигини фақат технологик таннарх ва ишлов беришнинг иш ҳажми бўйича солиштириш етарли бўлмайди. Унумдорлиги юқори бўлган ва маҳсус жиҳозлар, кўп ҳолларда заготовкага ишлов беришнинг кам харажатлиигини таъминлайди, шунинг учун таннарх ва иш ҳажми бўйича варианларни солиштириш кўп капитал маблағ сарфланган вариант фойдасига ҳал қилиб қўйиши мумкин.

Технологик жараённи жиҳозлаш учун қўшимча харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини капитал маблағ сарфлашнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлик коэффициенти ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$E = (C_1 - C_2) / (K_2 - K_1), \quad (8.5)$$

бу ерда  $C_1$ ,  $C_2$  — биринчи ва иккинчи варианлар учун заготовкаларни йиллик ишлаб чиқариш таннархи, (сўм/йил);  $K_1$ ,  $K_2$  — биринчи ва иккинчи технологик жараёнларнинг варианларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган капитал сарфлар, сўм.

*Капитал маблағлар сарфлашнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти*  $E$  бир сўм капитал маблағ сарфлаб, янги жиҳозларни қўллаш ҳисобига заготовка таннархини камайтириш туфайли йиллик иқтисод қилингандигини ифодалайди.

Турли саноат тармоқларига янги техникани қўллашнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқ-

лаш учун иқтисодий самарадорликнинг меъёрий коэффициенти  $E_m$  белгиланган.

$E_m$  — бир сўм қўшимча капитал маблағ сарфлаб маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига олинадиган йиллик фойданинг минимал қиймати.

Қўшимча капитал сарфларнинг иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун ҳисобланган иқтисодий самарадорлик коэффициенти  $E$  меъёрий коэффицент  $E_m$  билан солиштириб кўрилади. Коэффициент  $E_m$  нинг қиймати тармоқлар бўйича маълумотномаларда келтирилган

$$E = (C_1 - C_2) / (K_2 - K_1) = E_m \quad (8.6)$$

Янги лойиҳаланаётган, катта капитал маблағ сарфлашни талаб қиласидиган технологик жараёнларнинг турли хилдаги вариантларини ўзаро солиштириш учун келтирилган харажатлар орқали ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади:

$$Z_{\text{кет}} = C_{\text{хом}} \cdot q + E_m \cdot K, \quad (8.7)$$

бу ерда  $Z_{\text{кет}}$  — йиллик ишлаб чиқариш учун келтирилган харажатлар, сўм;  $C_{\text{хом}}$  — битта заготовканинг таннахи, сўм/дона;  $q$  — бир йилда ишлаб чиқариладиган заготовкалар сони, дона;  $K$  — ушбу вариантдаги технологик жараённи амалга ошириш учун капитал маблағлар сарфи, сўм;  $C_{\text{хом}} \cdot q$  — йиллик ишлаб чиқариш таннахи;  $E_m$  Ч  $K$  — йиллик меъёрий тежамлилик.

Келтирилган харажатлар  $Z_{\text{кет}}$  солиштирилаётган ҳар бир ( $i$ ) вариантлар учун аниқланади ва минимумга келтирилган харажатга эга бўлган вариант  $Z_{\text{кет}, i}$  энг яхши вариант бўлиб ҳисобланади. Бошқа ҳар қандай вариантларга нисбатан энг яхши вариантни қўллашнинг йиллик иқтисодий самарадорлиги ушбу вариантларнинг келтирилган харажатлари айирмаси орқали аниқланади:

$$\vartheta = Z_{\text{кет}, i} - Z_{\text{кет}, \min} \quad (8.8)$$

## *Синов саволлари*

- 1 Технологик жараёнларнинг тежамлилиги нима учун ҳисобланади?
2. Деталнинг таннархини аниқлашда бухгалтер усулининг аҳамияти.
3. Бир вақтли харажат деганда нимани тушунасиз?
4. Технологик жараёнларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда элемент усули қайси вақтларда ишлатилади?
5. Элемент усулининг моҳияти нималардан иборат?
6. Кўшимча капитал маблағ сарфлашнинг иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқлигини қандай аниқлаш мумкин?
7. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда уни келтирилган харажатлар бўйича баҳолашнинг моҳиятини ёритиб беринг.

## *II қисм*

# **МАШИНА ДЕТАЛЛАРИНИНГ СИРТЛАРИГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИ**

### **IX б о б**

#### **ЗАГОТОВКАЛАРГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ**

Машинасозлик корхонасининг тайёрлов бўлими ёки цехида чивиқ кўринишидаги прокатлар тўғриланади, йўнилади, кесилади ва марказлаштирилади. Поковка ва штамповкалар ҳам тайёрлов операцияларидан ўтказилади: торец қисмлари фрезаланади ва марказлаштирилади, тешиклар дастлабки йўнилади.

Чивиқлар учун тайёрлов операциялари одатда қўйидаги кетма-кетликда бажарилади: а) тўғрилаш; б) марказлизиз йўниш; в) қирқиш; г) марказлаштириш (агар чивиқ кейинчалик револьверли дастгоҳда ёки автоматда ишлов бериладиган бўлса, чивиқни марказлаштирилмайди); д) бажарилган операцияларни назорат қилиш.

#### **9.1. Заготовкаларни тўғрилаш**

Механик ишлов беришдан аввал чивиқ материаллар ва валларнинг заготовкалари ўқининг қийшиқлигини соvuқ ҳолатда тўғриланади. Поковка ва штамповка кўринишидаги заготовкалар, агар катта диаметр ва узунликка эга бўлса, иссиқ ҳолатда болға зарбаси остида тўғриланади.

Чивиқ ва валларнинг заготовкаларини дастаки, винтли, эксцентрикли, гидравлик, пневматик ва фрикцион прессларда тўғрилаш мумкин. Валларни тўғрилашдан аввал марказларда текширилади ва тўғриланадиган жойи аниқланади; шундан сўнг уларни призма ёрдамида прессларда тўғриланади.


Чивиқлар маҳсус тўғрилаш дастгоҳларида тўғриланади (9.1-расм, а). Бундай дастгоҳнинг схемаси 9.1-расм (б) да

күрсатилган. Ушбу дастгоҳларда түғрилаш (1), (2) ва (3) учта жуфтли роликлар ёрдамида амалга оширилади.

Барча роликлар барабан 5 ўқига нисбатан  $\alpha = 70^\circ$  бурчак остида жойлашган бўлади. Барабан айланганда, роликлар ҳам чивиқ (4) атрофида сирпаниб, ўз ўқи атрофида айланади ва шунинг ҳисобига түғрилаш жараёни амалга ошади. Чивиқ барабанга киришидан аввал маҳсус устун 6 га маҳкамланади ва роликлар 7 да ҳаракатланади. Чивиқ ўқининг қийшиқланиш даражасига кўра 1 мартадан 6 марта гача барабандан ўтказилади. Чивиқнинг илгариланма ҳаракати — суриш 5-30 м/мин атрофида бўлади. Чивиқни түғрилашнинг асосий вақти қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$t_a = \frac{(l_{\text{чив}} + l_p)}{S_M} i = \frac{(l_{\text{чив}} + l_p)}{S \cdot n_p} i \quad [\text{мин}]$$

бу ерда  $l_{\text{чив}}$  — чивиқнинг узунлиги, мм;  $l_p$  — роликнинг узунлиги, мм;  $S_M$  — чивиқнинг бўйлама йўналиш бўйича минутли сурилиши;  $S$  — раманинг бир марта айланishiغا чивиқнинг сурилиши, у 0,8dtg  $\alpha$  га тенг;  $d$  — чивиқнинг диаметри, мм;  $\alpha$  — барабан ўқига нисбатан роликларнинг қиялик бурчаги;  $i$  — түғриланадиган чивиқларнинг роликлар орасидаги юришларининг сони;  $n_p$  — роликли раманинг минутига айланишлари сони; 0,8 — роликлар орасидаги чивиқнинг сирпанишини ҳисобга олувчи коэффициент.



9.1-расм. Тўғриланадиган дастгоҳнинг умумий кўриниши ва схемалари:  
а — дастгоҳнинг умумий кўриниши; б — уч жуфтли роликли дастгоҳ схемаси, в — қўзғалмас барабани дастгоҳ схемаси

Кўзғалмас барабанда учта роликка эга бўлган ва чивиққа айланма ҳаракат узатувчи тўғриловчи дастгоҳлар мавжуд (9.1-расм, б).

Кўпгина корхоналарда қўзғалмас барабандада жойлашган ва чивиққа айланма ҳаракат берадиган учта роликли тўғрилаш дастгоҳлари ҳам учрайди (9.1-расм, в). Бундай дастгоҳларда фақат учта ролик мавжудлиги учун олтига роликли дастгоҳларга нисбатан унумдорлик паст бўлади.

Диаметри 3 мм дан 20 мм гача бўлган чивиқлар учун бир жуфтли роликли, унча катта бўлмаган тўғрилаш дастгоҳлари қўлланилади.

## 9.2. Чивиқларни йўниш

Чивиқларни йўниш учун марказсиз — йўнувчи дастгоҳ қўлланилади (9.2-расм).


Бу дастгоҳларда диаметри 15 мм дан 80 мм гача, узунлиги 7 м гача бўлган чивиқларни йўниш мумкин. Дастгоҳда йўниш жараёни қуйидагича амалга ошади: марказий тишли фидирак (3) иккита кескич каллагини айлантиради. Кескичли (2) битта (чап) каллак заготовка йўнишни, иккинчиси (ўнг) кескич (4) — ярим тоза йўнишни амалга оширади. Кесишни ташкил қилувчи кучларининг ҳосил бўлиши натижасида чивиқ (6) нинг эгилишидан сухариклар (5) сақлади.

Чивиқни суриш маҳсус роликлар (1) ёрдамида амалга оширилади. Роликнинг айланнишлар сонига боғлиқ бўлган ҳолда чивиқни суриш 175 дан 600 мм/мин гача бўлиши мумкин.

Йўнишнинг асосий вақти қуйидагича аниқланади:

$$t_a = \left[ \frac{l_{\text{чив}} + l_k + (50 - 100)}{S_{\text{чив}} * n_{kk}} \right] i \quad [\text{мин}]$$

бу ерда  $l_{\text{чив}}$  — чивиқ узунлиги, мм;  $l_k$  — кескич каллаклари орасидаги масофа, мм;  $S_{\text{чив}}$  — кескич каллагининг бир айланнишига тўғри келадиган чивиқнинг сурилиши,  $\frac{p D_p n_p}{n_{kk}}$  га тенг;  $D_p$  — узатувчи роликлар диаметри, мм;  $n_p$  — роликларнинг минутига айланнишлар сони;  $n_{kk}$  — кескичли каллакларнинг минутига айланнишлари сони;  $i$  — ўтишлар сони.



9.2-расм. Марказсиз йўнувчи дастгоҳ схемаси

### 9.3. Чивиқ, вал, труба ва листларни қирқиш

Чивиқ ва валлар юритмали пичоқлар ёрдамида, дискили, тасмали, фрикцион, электрофрикцион арралар ёрдамида, токарлик-қирқувчи дастгоҳлар, қирқувчи автоматлар, юпқа жилвир тош доираси билан ишлайдиган дастгоҳлар ёрдамида қирқилади.

Чивиқ материалларни темирчилик цехининг тайёрлов бўлимида пресс ва қайчи ёрдамида ҳам қирқиш мумкин.

Листли материалларни, одатда, турли конструкцияли: дастакли, стулли, роликли қайчилар ёрдамида қирқилади.

Юқорида санаб ўтилган чивиқли ва листли материалларни механик қирқиш усулларидан ташқари газли (автогенли), анодли-механик, электручқунли ва ультратовушли қирқиш усуллари ҳам қўлланилади.

Юритмали пичоқлар чивиқли материалларни пичоқли полотно ёрдамида қирқади. Пичоқли полотно механик юритмадан илгариланма-қайтма ҳаракат олади ва маълум бир босим остида ҳаракатланади. Пичоқли полотонинг қирқувчи тишлари бир томонга, яъни қирқиш томонига йўналган бўлиб, полотно қирқилувчи материалга фақат ишчи юришида босилади, қайтиш йўлида эса гидравлик механизм ёрдамида кўтарилган ҳолда қайтади.


Қирқилиш кенглиги юритмали пичоқ ёрдамида қирқишида дискили аррадагига нисбатан қирқилиш кенглиги кичик бўлганлиги учун материалнинг йўқотилиши оз бўлади. Юритмали пичоқларда қирқиш унумдорлиги дискили аррали ва бошқа қирқувчи дастгоҳларга қараганда кам бўлади.

Дискили арралар юпқа фреза каби қирқувчи тишли дискидан иборат бўлиб, улар прокатларни, чивиқларни, турли профилдаги балкаларни қирқишида қўлланилади.

Чивиқларни дискили арралар ёрдамида яккараб ва тўплаб қирқиш мумкин (9.3-расм).

Битта чивиқни қирқишида асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{d + l_k + l_u}{S_{\text{нж}}} + \frac{d + l_k + l_u}{S_{\text{ож}}} \quad [\text{мин}]$$



9.3-расм. Дискli арра ёрдамида прокатларни қирқишиш схемалари:  
а-якка чивикиң қирқишиш; б-чивиқтар түплемини қирқишиш


бу ерда  $d$  — қирқиладиган чивиқ диаметри, мм;  $l_{\text{и}}$  — арраның қирқиб чиқиши катталиги, мм;  $S_{\text{и}, \text{ю}}$  — ишчи юришдағи суриш, мм/мин;  $S_{\text{и}, \text{ю}} = S_{\text{и}}, Zn, S_z$  — дискли арраның бир тишига суриш, мм;  $Z$  — дискли арраның тишилари сони;  $S_{\text{о}, \text{ю}}$  — арраның орқага юришидеги тезлигі, мм/мин.

#### 9.4. Марказлаштириш


Вал типидеги деталларда марказий тешиклар бир қатор операциялар: йўниш, резьба йўниш, жилвирлаш, шлицалар кесиш ва бошқаларда ҳамда тайёрланадиган деталларни түғрилаш ва текширишда база бўлиб хизмат қиласи (9.4-расм).

Заготовкаларни марказлаштириш вертикаль ва горизонталь — пармалаш, токарлик ва револьверли дастгоҳларда, серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда эса бир ва икки томонлама маҳсус марказловчи дастгоҳларда ҳамда фрезали-марказловчи дастгоҳларда амалга оширилади.

Заготовкаларни марказлаштириш иккита асбоб: кичик диаметрли цилиндрик пармалашда спиралли парма ва ко-



9.4-расм. Марказий тешиклар




9.5-расм. Марказлаш ва марказловчи пармалар

нуссимон сирт ҳосил қилиш учун зенковка ёрдамида (9.5-расм, а) амалга оширилади.

Заготовкаларни марказлаштириш кўпгина ҳолларда маҳсус қурама-марказловчи пармалар ёрдамида амалга оширилади (9.5-расм, б, в).

Марказлаштириш схемалари 9.6-расмда кўрсатилган.

Фрезали-марказловчи дастгоҳларда (9.6-расм, а) аввал заготовканинг торец сиртлари бир пайтда иккала томонидан фрезаланади, шундан сўнг тешиклар қурама марказловчи парма ёрдамида тешилади.



9.6-расм. Марказлаштириш схемалари:

а — фрезерлик-марказловчи дастгоҳларда ишлов бериш; б — диаметри 30 мм гача бўлган заготовкаларнинг торецларини йўнишда марказлаштириш учун қўлланиладиган, асбоб ўрнатиладиган каллакнинг конструкцияси; в — асбоб ўрнатиладигин каллаги айланадиган токарлик дастгоҳида заготовканинг торецларини йўниш ва марказлаштириш; г — асбоб ўрнатиладигин каллаги айланмайдиган токарлик дастгоҳида заготовканинг торецларини йўниш ва марказлаштириш; д — горизонтал-фрезалаш дастгоҳида заготовка торецларини йўниш ва марказлаштириш; е — маҳсус ярим автоматда заготовканинг торецларини йўниш ва марказлаштириш.

Ҳозирги пайтда (9.6-расм, б) маҳсус асбоб каллагида стандарт қурама марказловчи парма билан биргаликда ўрнатилган бир ёки иккита кенг қаттиқ қотишмали кескич ёрдамида заготовканинг торециларига ишлов бериш ва марказлашириш усули қўплаб қўлланилмоқда.

Каллак тутиб тургич (1) кесувчи кескич (8)ни ва фаска кескич (6)ни, созвовчи (7) ва маҳкамловчи (10) винтлардан ташкил топган. Стандарт марказловчи парма (9) алмашинувчи втулка (5) га ўрнатилган ва винт (12) ёрдамида маҳкамланган, втулка тутиб тургич (1) га винт (11) ёрдамида маҳкамланади.

Марказловчи парманинг кескичларига нисбатан жойлашишини жез тиқин (3) орқали винт (2) ёрдамида созланади.

Қирқувчи кескич қаттиқ қотишмали пластинка билан жиҳозланганлиги, марказловчи фреза тезкесар пўлатдан тайёрланганлиги учун каллакнинг бир хил айланишлар сонида ишлов бериладиган сирт диаметларининг фарқига қарамасдан асбоблар кесишнинг оптимал тезлигига яқин тезликда ишлайди.

Бундай каллакни бир вақтнинг ўзида торешларни йўниш ва марказий тешикларни пармалаш учун қўллаш ишлов беришни соддалаштиради.

Токарлик дастгоҳида ишлашла (9.6-расм, в) асбоб каллаги (1) дастгоҳ шпинделига ўрнатилади ва айланма ҳаракатланади.

Заготовка (2) дастаки ёки пневматик ҳаракатланадиган, суппорт кареткасига ўрнатилган ва таянч (5) гача илгариланма ҳаракат қиласидиган, маҳкамловчи, ўзи марказловчи мосламага маҳкамланади. Заготовкани узунлиги бўйича ўрнатиш учун созланадиган таянч (4) ишлатилади.

Токарлик дастгоҳида бошқача варианта ишлов беришнинг ҳам имкони мавжуд (9.6-расм, г). Бундай ҳолда заготовка (3) шпиндель тешигидаги таянч (4) га тираб ўрнатилади, ўзи марказловчи патронда маҳкамланади ва айланма ҳаракат олади. Асбоб каллаги (2) дастгоҳнинг кескич тутқичида (1) маҳсус тутқич ёрдамида маҳкамланади. Бундай ишни горизонтал-фрезалаш дастгоҳида ҳам амалга ошириш мумкин (9.6-расм, д).

Барча учта схемаларда аввал биринчи торецга, кейин заготовкани айлантириб олиб, иккинчи торецга ишлов берилади.

Юқори аниқликка әришиш нүқтаи назаридан энг яхши вариант содда конструкцияли агрегат типидаги икки томонлама маҳсус дастгоҳда ишлов бериш ҳисобланади (9.6-расм, е). Бундай дастгоҳ фрезали-марказловчи дастгоҳга (9.6-расм, а) нисбатан түрттә шпиндель ўрнига иккита шпинделга эга ва заготовка учун горизонтал суриш талаб этилмайди.

Торецларни фрезалашда асосий вақт қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{L}{S_m} = \frac{l_a + l_k + l_z}{S_z Z_n} \quad [\text{мин}]$$

бу ерда  $L$  — фрезалашнинг умумий узунлиги, мм,  $l_a$  — заготовканинг фрезаланадиган диаметри, мм,  $l_k$  — кесиб олиш катталиги (2—5 мм);  $l_z$  — кесиб чиқиш катталиги (2—3 мм);  $S_m$  — суриш, мм/мин;  $S_z$  — фрезанинг битта тишига түғри келадиган суриш, мм;  $Z$  — фреза тишларининг сони;  $n$  — фрезанинг минутига айланишлар сони.

**Марказий тешикларни пармалашда асосий вақт қуидаги формула ёрдамида аниқланади:**

$$t_a = \frac{L}{S \cdot n} = \frac{l_m + l_k}{S \cdot n} \quad [\text{мин}]$$

бу ерда  $L$  — пармалашнинг умумий узунлиги, мм;  $l_t$  — марказий тешикнинг узунлиги, мм;  $l_k$  — тешиккача пармабилан орадаги масофа, мм.

### *Cинов саволлари*

1. Чивиқлар қандай тайёрлов операцияларидан ўтади?
2. Чивиқни түғрилаш жараёни қандай амалга оширилади?
3. Чивиқни түғрилаш учун асосий вақт қандай аниқланади?
4. Чивиқ қандай қилиб йўнилади?
5. Йўниш вақти қандай аниқланади?
6. Заготовкалар қандай усулларда қирқилади?
7. Вал типидаги деталлар қандай марказлаштирилади?
8. Марказлаштиришда асосий вақт қандай аниқланади?

## X б о б

# ДЕТАЛЛАР (АЙЛАНМА ЖИСМЛАР)НИНГ ТАШҚИ ЦИЛИНДРСИМОН СИРТЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ

## 10.1. Айланма жисмларга ишлов бериш

**Айланма жисмлар.** Айланма жисм шаклига эга бўлган деталларни уч синфга бўлиш мумкин: валлар, втулкалар ва дисклар.

“Валлар” синфида валлар, валиклар, ўқлар, бармоқлар, цапфалар ва шунга ўхшаш деталлар киради. Бундай деталлар цилиндрик, баъзида конуссимон ва бир неча торецили сиртларнинг ташқи айланма сиртларидан ҳосил бўлади.

“Втулкалар” синфида втулкалар, ичқўймалар, гилзалар ва шунга ўхшаш деталлар киради. Бундай деталлар ташқи ва ички цилиндрик сиртлари мавжудлиги билан характерланади.

“Диск” синфида дисклар, шкивлар, маховиклар, ҳалқалар, фланецлар ва шунга ўхшаш деталлар киради, яъни уларнинг диаметри узунлигидан бир неча баробар катта ва демак, торец сирти катта бўлади.

Кўпинча валлар прокатдан тайёрланади. Бу синфга кирадиган бошқа деталлар поковка, штамповка ва айрим ҳолларда қўйма усулида олинади. Прокат материаллар кичик ва катта ( $150-200$  мм) диаметрли валлар тайёрлашда қўлланилади.

Силлиқ валларнинг заготовкалари учун тайёр вал диаметрига яқин диаметрли чивиқ олинади (яъни механик ишлов бериш учун минимал рухсат этилган қўйим қолдирган ҳолда).

Погонали валлар учун, айниқса оммавий ишлаб чиқаришда заготовкалар штамплаш йўли билан олингани мақсадга мувофиқ бўлади, чунки қиринди камроқ ҳосил бўлади.

Вал ва айланма жисм шаклига эга бўлган бошқа деталларнинг заготовкаларини йўнишнинг қўйидаги кўринишлари мавжуд: дастлабки йўниш, тоза йўниш, тоза аниқ ва юпқа йўниш.

Юқорида күрсатилған деталларни турли дастгоҳларда: токарлик-винт қирқиши, токарлик-револьверли, күпкескичли, токарлик-карусел, бир ва күп шпинделли токарлик ярим автомат ва автоматларда ишлов берилади.


Заготовка йўнишда қўйимнинг катта қисми олинади, ишлов бериш катта кесиш чуқуригига суришнинг катта қийматида бажарилади.

**Кўп кескичли токарлик дастгоҳларида ишлов бериш.** Токарлик ишлов беришда операцияларни концентрациялаш тамойилини бир пайтда бир неча сиртларга бир неча кескичлар ёрдамида кўп кескичли дастгоҳда ишлов бериш орқали амалга оширилади. Бундай ярим автомат дастгоҳлар серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Одатда, кўп кескичли дастгоҳлар иккита-олдинги ва кетинги суппортга эга. Олдинги суппорт кўндаланг ҳамда бўйлама ҳаракатга эга бўлиб, вал ва айланма жисмли бошқа деталларни бўйлама йўниш учун хизмат қиласиди. Кетинги суппорт фақат кўндаланг ҳаракатга эга бўлиб, торецни йўниш, ариқчалар кесиш, шаклдор йўниш учун хизмат қиласиди. Кўп ўринли суппорtlар 20 тагача кескич билан қуролланиши мумкин. Марказлари орасидаги масофаси катта бўлган кўп кескичли дастгоҳлар иккита олдинги ва иккита кетинги суппортга эга бўлади. Суппорtlарнинг ҳаракати автоматлаштирилган: ишлов беришни якунлаб суппорtlар бошланғич ҳолатига автоматик равишда қайтади. Дастгоҳ ҳам автоматик равишда ўчади, ишчи фақат заготовкани ўрнатади, уни дастгоҳдан бўшатади ва дастгоҳни юргизади.

Кўп кескичли дастгоҳларда деталларни марказларга, қисқичларга ёки патронларга ўрнатиб ишлов берилади.

Кўп кескичли дастгоҳларда асосий ва ёрдамчи вақтнинг қисқариши натижасида меҳнат ҳажми ва дастгоҳда бажариладиган ишлар ҳажми кескин камаяди.

10.1-расмда вални бир кескичли (а) ва кўп кескичли (б) токарлик дастгоҳларида йўниш кўрсатилған. Биринчи ҳолатда супортнинг кескич билан йўлининг узунлиги  $l$  га teng, иккинчи ҳолатда — кескичларнинг ҳар бири ўз участкасида бир вақтнинг ўзида ҳаракатланади, шунинг учун супортнинг ва ҳар бир кескичининг йўл узунлиги  $l/3$  га teng бўлади, чунки супортда 3 та кескич ўрнатилған.



10.1-расм. Вал йўниш схемалари

Биринчи ҳолатда асосий вақт  $t_a = \frac{1}{S_n}$ ; иккинчи ҳолатда  $t_a = \frac{1}{3S_n}$ , бу ерда  $l$  — ишлов бериладиган сирт узунлиги, мм;  $n$  — шпинделнинг минутига айланишлари сони, мин;  $S$  — суриш, мм/айл.


Кўп кескичли йўнишни ҳар хил бўлган учта усулда амалга ошириш мумкин.

Биринчи усул — бўйлама суришли йўниш (10.2-расм, а). Бунда ҳар бир кескич маълум бир диаметрга ўрнатилган. Биринчи кескич (1)  $l_1 + l_2 + l_3 = L$  узунликдаги йўлни босиб ўтади, кескич (2)  $l_2 + l_3$  йўлни, кескич (3)  $l_3$  масофани босиб ўтади.

Иккинчи усул — аввал қирқиб, кейин бўйлама суриш орқали йўниш (10.2-расм, б, в).

Бу усулда (1), (2) ва (3) кескичлар биринчи усулдаги каби валнинг кетидан заготовкага кетма-кет ишлов бермайди, балки заготовканинг турли нуқталаридан ишлов беришни бирданига бошлайди. Аввал суппорт кўндаланг йўналишда ҳаракатланади (максус андоза ёки линейка ёрдамида), кескичлар керакли чуқурликни йўнади, кейин суппорт бўйлама йўналишда ҳаракатланади. Валнинг ҳар бир пофонаси ( $l_1, l_2, l_3$ ) битта кескич ёрдамида йўнилади, бунинг натижасида суппорт энг узун пофона  $l_1$  узунлик бўйича ҳаракатланади. Бу усулни кескичларнинг бир маоротаба ўтишида барча қўйимни кесиб олиш мумкин бўлган шароитда қўллаш мумкин.

Бу усулнинг бошқача кўриниши 10.2-расм, в да кўрсатилган; бунда супортнинг юриш йўлини қисқартириш мақсадида узун пофона  $l_1$  икки ва ундан ортиқ кескичлар ёрдамида йўнилади. Агар ҳар бир пофонанинг узунлиги энг қисқа пофона узунлигига тахминан каррали бўлса, ҳар бир




10.2-расм. Күп кескичли дастгоҳда вални йўнишнинг учта усули

кескичнинг юриш йўли шу энг қисқа пофона узунлигига тенг бўлади. 10.2- расм (а) да кўрсатилган схема бўйича ҳар бир кескич  $l_1 = l_2 = l_1 / 2$  узунликка тенг йўлни босиб ўтади.

Учинчи усул — кўндаланг суриш орқали йўниш (10.2-расм, г). Бу усулда ҳар бир кескич ўзига тегишли пофонани кўндаланг суриш ( $S_{\text{кун}}$ ) орқали йўнади, бунда ҳар бир кескичнинг кенглиги ўзига тегишли пофонанинг кенглигига тенг бўлади. Бу усул чегараланган қўлланишга эга; уни валларнинг цилиндрик, конуссимон ва шаклдор калта бўйинларига ишлов беришда қўллаш мумкин.

**Нусхакаш мосламали дастгоҳларда ишлов бериш.** Пофонали валларга издан борувчи тизимли токарлик нусхалаш дастгоҳларда ёки нусхакаш мосламали токарлик дастгоҳларида ишлов бериш кенг тарқалган.

10.3-расмда токарлик — марказли дастгоҳларда пофонали валларни йўниш учун яrim автомат мосламанинг



10.3-расм. Пофонали валларни йўниш учун яrim автомат мосламанинг конструкцияси

конструкцияси күрсатылған. Ушбу мослама түғри бурчак-ли поғонали валлар олишни таъминлады.

Нұсхакаш мослама токарлық дастгохининг кескіч ўрнатыладын каллагининг ўрнига ўрнатылади.

Корпус (2) га пинол (3) ўрнатылған. Пинолга сухарик (4) маҳкамланған. Пружиналар (7) ва (8) бир томонидан стакан (9) нинг тубига, иккінчи томонидан шайбага таянади, бунинг натижасыда сухарик (4) ва копир (5) ҳар доим бир-бири билан контактта бўлади.

ўзиюрар юргизилгандан, дастгоҳ суппорти мослама билан биргаликда олдинги бабка йўналиши бўйича ҳаралатланади. Мосламага ўрнатылган кескіч (1) валнинг биринчи поғонасини йўнади, маҳсус кронштейн (6) га жойлаштирилган шарнирли жуфтлик ёрдамида маҳкамланған копир бўйича сухарик (4) сирпанади. Кронштейн (6) орқа бабка томонидан дастгохнинг станинасига ўрнатылади.

Сухарик (4) ўз йўлида копир (5) даги поғонага дуч келиб, шу поғона бўйича сирпанади, кескіч эса пружина таъсирида пинол (3) билан биргаликда копирнинг чукурлиги бўйича горизонтал сиртга тортилади ва валнинг иккінчи поғонасини йўнишни бошлайди.

Дастгоҳга мосламани ўрнатишда партиядаги биринчи валнинг биринчи бўйни чизиқли ўлчамига созланади ва лимбанинг күрсаткичини валнинг биринчи бўйни диаметрига тегишли ноль ҳолатига ўрнатиш етарли ҳисобланади, шундан кейин ушбу партиядаги қолган барча валларнинг чизмада күрсатылған чизиқли ва диаметрал ўлчамларига йўнишда автоматик равишда эришилади.

Вал ишлов берилгандан сўнг бўйлама суппорт кескіч билан биргаликда деталдан 20-30 мм орқага қайтарилади ва эксцентрик (10) ёрдамида пинол кескіч билан биргаликда копирга сухарик (4) тегмайдиган қилиб, бошланғич ҳолатига келтирилади. Кейин эксцентрик (10) орқага қайтарилади ва пинол кескіч билан биргаликда ишчи ҳолатига ўрнатылади, шундан сўнг ишлов бериш жараёни такрорланади.

## **10.2. Ташқи цилиндрик сиртларни пардозлашнинг турлари ва усуллари**

Аниқ ва тоза, якуний пардозланган ташқи цилиндрик сирт ҳосил қилиш учун деталга қўйилган талаб характеристика қараб, турли кўринишдаги пардозлаш ишлари бажарилади.

Уларга қўйидагилар киради: юпқа (олмосли) йўниш, жилвирлаш (марказларда, марказсиз, абразив тасмали), ишқалаш (ўлчамига етказиш), тебранувчи қайроқлар ёрдамида механик ўлчамига етказиш (суперфиниш), ялтиратиш, роликларни думалатиш, қум пуркаш ва бошқалар.

**Юпқа (олмосли) йўниш.** Юпқа (олмосли) йўниш, асосан рангли металлар ва уларнинг қотишмаларидан (бронза, латун, алюминий қотишмалари ва ҳ.к.) ва қисман чўян ва пўлатдан тайёрланган деталларни пардозлашда қўлланилади. Бунинг сабаби шундан иборатки, рангли металларни жилвирлаш пўлат ва чўянга нисбатан жуда ҳам қийин, чунки унда жилвиртош доираси тез кирланиб қолади, яъни жилвиртошнинг доначаларининг ораси майдада қириндилар билан тез тўлиб қолади. Бундан ташқари олмосли кескичлар ёрдамида чўян ва пўлатдан тайёрланган деталларга ишлов бериш рангли металл ва қотишмали деталларга ишлов беришга нисбатан самараисизdir.

Юпқа йўнишда олмосли кескичлар ёки қаттиқ қотишма билан жиҳозланган кескичларда ишлов берилади.

Кесиши тезлиги ишлов бериладиган материалга қараб 100 дан 1000 м/мин гача ва ундан ҳам юқори бўлади. Бронзадан тайёрланган деталларни йўнишда кесиши тезлиги 200-300 м/мин, алюминий қотишмаларидан тайёрланган деталлар учун 1000 м/мин ва ундан ҳам юқори бўлади, бунда суриш 0,03-0,1 мм/айл ва кесиши чуқурлиги 0,05-0,1 мм бўлади.

Юпқа йўнишда жилвирлашга нисбатан унумдорлик юқори бўлади.

**Жилвирлаш.** Жилвирлаш ташқи цилиндрик сиртларни пардозлашнинг асосий усули бўлиб ҳисобланади.

Заготовкаларнинг қўйма ва штамповкаларини олишнинг ҳозирги замонавий усуллари заготовканинг ўлчам-

ларини ва шаклларини тайёр детал ўлчамлари ва шаклларига яқин олиш имконини қўйим қатлами юпқа бўлганлигидан беради. Бундай заготовкаларда механик ишлов бериш учун қолдирилган, қўпинча, тифли асбобларда ишлов бериб ўтирмасдан, заготовкага жилвирлаш орқали якуний ишлов бериш ва шу усуlda деталнинг якуний аниқ ўлчами ва керакли сирт ғадир-будирлигига эришиш мумкин.

Ташқи цилиндрик сиртларни жилвирлашнинг қўйидаги қўринишлари мавжуд:

- а) дағал жилвирлаш;
- б) аниқ жилвирлаш;
- в) юпқа жилвирлаш.

Дағал жилвирлаш тифли асбобларда дастлабки ишлов беришнинг ўрнига қўлланилади.

Аниқ жилвирлаш энг кўп тарқалган бўлиб, юқори синф аниқлигига ва кам ғадир-будирликка эга бўлган сиртларни жилвирлашда қўлланилади.

Юпқа жилвирлаш энг юқори синф аниқлигига ва энг кам ғадир-будирликка эга бўлган сирт ҳосил қилишда қўлланилади.

Юпқа жилвирлаш юмшоқ майди донали жилвир тошларнинг катта айланма тезликларида ( $40\text{ м/сек}$  дан юқори) ва ишлов бериладиган деталнинг кичик айланма тезлигига ( $10\text{ м/мин}$  гача) ва кичик кесиш чуқурлигига ( $5\text{ мкм}$  гача) олиб борилади; жилвирлашда ишлов бериладиган детални кучли совутиб турилади.

Ташқи цилиндрик ва конуссимон сиртларни жилвирлаш думалоқ жилвирлаш дастгоҳларида амалга оширилади, бунда заготовка дастгоҳнинг марказларига, цангасига, патронга ёки маҳсус мосламага ўрнатилиши мумкин.

Думалоқ жилвирлашнинг иккита усули мавжуд:

- а) бўйлама суришда жилвирлаш;
- б) кўндаланг суришда жилвирлаш.

Жилвирлаш усуллари 10.4 ва 10.5-расмларда кўрсатилган.

Биринчи усулнинг моҳияти шундан иборатки, жилвирлаш жараёнида ишлов бериладиган детал (10.4-расм, а) узлукли равишда иккала томонга бўйлама ҳаракатланади; жилвиртош доирасининг кўндаланг сурилиши ҳар бир

бўйлама ҳаракат (юриш) якунида амалга оширилади. Дастребки жилвирлашда бўйлама суришнинг қиймати деталнинг бир марта айланишига жилвиртош доираси баландлигининг 0,5—0,8 қисмига тенг бўлади; якуний ишлов беришда эса унинг 0,2—0,5 қисмига тенг бўлади; кесиши чуқурлиги ҳар бир ўтишда 0,005—0,02 мм бўлади. Валларни жилвирлаш учун бу усул кенг тарқалган ва қулайдир.

Иккинчи усул — кўндаланг суриш ( $S_{куш}$ ) орқали жилвирлаш усулидир (10.4-расм, б). Бу усулда деталнинг жилвирланадиган сиртининг узунлиги бўйича бирданига кенг жилвиртош доираси ёрдамида жилвирланади. Жилвиртошга деталнинг марказий чизиги йўналишида кўндаланг суриш узатилади. Жилвиртош доирасининг баландлиги деталнинг жилвирланадиган сиртидан бироз катта олинади. Бу усул энг унумли ҳисобланади, оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Бу усул деталда тегишли шаклдаги сиртни шаклдор жилвиртош доирасидан фойдаланиб, ҳосил қилишга имкон беради. Погонали валининг калта қисми ва унга туташ сиртини жилвирлаш зарур бўлса, буралувчи бабкали жилвирлаш дастгоҳи қўлланилади (10.4-расм, в).

Марказсиз жилвирлашда детал (2) маҳкамланмайди, иккита жилвиртош доираси ўртасида эркин ҳолатда жойлаштирилади (10.5-расм, а). Жилвиртош доирасининг катта диаметри (1) жилвирловчи доира бўлиб хизмат қиласи, кичик диаметрли (3) жилвиртош доираси етакловчи бўлиб ҳисобланади, у детални айлантиради ва кўндаланг суради. Жилвиртош доираси 30 — 35 м/с айланма тезлиқда айланади, етакловчи жилвиртош доираси 20 — 30 минг м/мин тезликка эга. Ишлов бериладиган детал пичоқ кўринишидаги таянч ёрдамида қия ҳолатда туради. Етакловчи жилвиртош доираси томонга пичоқда қиялик бўлганлиги сабабли детал шу жилвиртошга сиқилади.

Таянч ишлов бериладиган детал марказини жилвиртош доираларининг марказий ўқларидан юқорида (детал лиаметри ярмигача, лекин 15 мм дан юқори бўлмаслиги керак) жойлаштирадиган қилиб ўрнатилади.

Марказий жилвирлаш 2 хил усулда амалга оширилиши мумкин. Қайси бир усулни танлаш ишлов бериладиган деталнинг шаклига боғлиқ.

1-усул — бўйлама суриш (10.5-расм, а, б)

2-усул — кўндаланг суриш (10.5-расм, в)


Бўйлама суришли жилвирлаш усули валларни, втулкаларни, поршень бармоқларини, поршенларни ва бошқа цилиндрик шаклдаги (бўртиқсиз) деталларни жилвирлаш учун қўлланилади; жилвирланадиган детал дастгоҳнинг бир томонидан киради ва иккинчи томонидан жилвирланиб чиқади. Бу ҳаракатни амалга ошириш учун етакловчи жилвиртош доираси жилвирловчи жилвиртош доираси ўқига нисбатан  $a = 1 - 5^\circ$  бурчак остида қия қилиб ўрнатилади. Етакловчи жилвиртош доирасининг қиялик бурчагини ўзгартириш орқали суриш қийматини ўзгартириш мумкин; бурчак қанча катта бўлса, суриш қиймати ҳам шунча катта бўлади ва ўз навбатида жилвирланган сирт ғадир будирлиги ҳам шунча катта бўлади.

Кўндаланг суришли жилвирлаш усулини етакловчи жилвиртош доирасини жилвирловчи жилвиртош доирасининг йўналиши бўйича кўндаланг суриш орқали амалга оширилади. Аввал детал юқорисидан ёки ёнидан таянчга ча ўрнатилади. Деталнинг керакли ўлчами ҳосил қилингандан сўнг жилвирлаш тугатилади, етакловчи доира орқага сурилади, жилвирланган детал олинади ва навбатдаги жилвирланадиган детал ўрнатилади.

Бу усулда етакловчи ва жилвирловчи жилвиртош доираларининг ўқлари параллел жойлашган бўлади. Етакловчи жилвиртош доираси сурилишининг қиймати деталнинг бир марта айланишига 0,003 мм дан 0,01 мм гача қабул қилинади.

Кўндаланг суришли жилвирлаш усули, асосан бўртиқ ёки конуссимон шаклга эга бўлган деталларни жилвирлашда қўлланилади.

**Ишқалаш (ўлчамига етказиш).** Ишқалаш дастлаб жилвирлаб олинган детал сиртларини якунловчи пардозлаш учун хизмат қиласди. Та什қи цилиндрик сиртларни ишқалаш абразив микрокукунни (ўлчами 3 мкм дан 20 мкм гача катталиктаги доначали) мой ёки маҳсус паста билан дастлаб ёпишириб олинадиган (бунда ишқаловчи сиртга абразив доначаларни ботириш тушунилади) чўяндан, бронздан ёки мисдан тайёрланадиган ишқалагич ёрдамида амалга оширилади. Абразив кукунни тайёрлаш учун






10.4-расм Думалоқ жилвирлаш схемалари:  
 а – бүйілама суриш орқали жилвирлаш, б – кундалаңг суриш орқали жилвирлаш; в – погонали валниңг қалта бүйін ва унға туташ бўлган сиртни жилвирлаш

корунд, хром оксиidi, темир оксиidi ва бошқалардан фойдаланилади. Пасталар абразив кукун ва кимёвий актив моддалардан таркиб топади. Улар турли таркибга эга бўлади. Масалан, воскни ва парафинни мой ва керосин билан аралаштирилган пасталар қўлланилади.

Якка тартибли ишлаб чиқаришда ва таъмиrlash устахоналарида деталларнинг ташқи цилиндрик сиртлари, масалан, валларнинг бўйинлари, ишқаланувчи детал ўлчами бўйича чархланган, мис, бронза, втулкалар кўринишидаги ишқалагич ёрдамида оддий токарлик дастгоҳларида амалга оширилади. Втулка бир томонидан қирқилган бўлиб, унга паста суркалади ёки текис юпқа қатламда майдо корунд кукуни машина мойи билан суркалади. Кейин втулка қисқичига ўрнатилади ва ишлов бериладиган деталга киргизилади. Қисқични болт билан енгил торта бориб, бир текисда қўл ёрдамида ишқалагични айланувчи деталга киритилади. Ишқалашда детални суюқ машина мойи ёки керосин билан мойлаб туриш фойдали бўлади.

Ишқалаш учун диаметрга 5–20 мкм атрофида қўйим қолдирилади. Ишқалаш пайтида деталнинг айланиш тезлиги 10 – 20 м/мин бўлади. Йирик серияли ва оммавий



#### 10.5-расм. Марказсиз жилвиrлаш схемалари:

а—умумий схемаси; б—бўйлама суриш орқали жилвиrлаш; в—кўндаланг суриш орқали жилвиrлаш, 1—жилвиrтош доираси, 2—ишлов бериладиган детал; 3—етакловчи жилвиrтош доираси; 4—таянч (пичоқ)

ишлиб чиқаришда ишқалаш махсус ишқаловчи дастгоҳларда амалга оширилади.

**Тебранувчи қайроқлар ёрдамида механик равишда ўлчамига етказиш (суперфиниш).** Суперфиниш ясси, думалоқ, ботиқ, эгилган, ташқи, ички ва шунга ўхшаш сиртларга ўта тоза ишлов бериш усулидан иборат. Бу усул автомобил саноатида энг кўп қўлланилади. Суперфиниш тебранувчи қайроқлар ёрдамида сиртларга ишлов беришни назарда тутади, бунда учта, баъзида эса ундан ҳам кўп йўналишларда ҳаракатлар амалга ошади. Деталнинг айланнишдан ташқари қайроқлар бўйлама ва тебранувчи ҳаракатга эга бўлади. Асосий ишчи ҳаракат бўлиб қайроқнинг тебранма ҳаракати хизмат қиласи. Бунда қайроқларнинг юриши 2 — 6 мм ни ташкил этади, иккиминча тебранишлар эса минутига 200 минг мартагача бўлади. Суперфинишнинг ғояси “такрорланмайдиган из” деган тамойил асосида бўлиб, бунда ҳар бир алоҳида абразивнинг доначаси битта йўлдан икки марта ўтмайди. Суперфинишда кесиш тезлиги жуда ҳам паст — 1 дан 2,5 м/мин гача бўлади.

**Ялтиратиш** мой билан аралаштирилган майдада донали абразив қукуни сурилган юмшоқ доира ёрдамида сиртга тоза ишлов бериш жараёнидир.

Ялтиратиш доираси учун материал сифатида кигиз, юпқа намат ва тери хизмат қиласи.

Абразив асбобнинг янги кўриниши сифатида графит тўлдиргичли ялтиратиш доираси хизмат қиласи. Бундай доираларнинг қўлланилиши қўйидагиларга имкон яратади:

а) деталларда ғадир-будирилиги бўйича юқори сифатли силлиқ сиртларни олишга;

б) кам самара берувчи, унумдорлиги паст бўлган ялтиратишнинг дастаки усулларини ва асбобларини йўқотишга;

в) иш унумдорлигини 6-8 марта оширишга.

Ялтиратиш доиралари таркибига асосан табиий корунд, бакелитли боғлагич ва тўлдиргич сифатида қалам графити киради.

Ялтиратиш усулининг ривожланиши натижасида ялтиратиш доираси ўрнига абразив тасмали ялтиратгичлар қўлланила бошлади. Бу тасмалар юпқа қаватли абразив

майда доналардан тайёрланади ёки уларни абразив пасталар билан қопланади. Золдирли подшипник ҳалқаларининг новларини ялтиратищда тасмаларни бальзида абразив паста қопланган тўқимачилик или билан алмаштрилади.

Ялтиратиш орқали геометрик шакл хатоликларини ҳамда олдинги операцияда олинган ёки олдинги операциядан қолган маҳаллий нуқсонларни (чўқмалар, бўшлиқлар ва бошқ.) тўғрилаб бўлмайди, ялтиратиш орқали  $Rz\ 0,1 - Rz\ 0,05$  сирт ғадир-будурлигига эришиш мумкин, бироқ юқори аниқликни таъминлаб бўлмайди. Ялтиратиш жараёни ялтиратиш доирасининг ёки абразив тасманинг юқори тезлигига (40 м/сек гача) амалга оширилади. Оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришда ялтиратиш учун кўп шпинделли автоматлар қўлланилади.

### *Синов саволлари*

1. Айланма жисм шаклига эга бўлган деталларнинг қандай синфлари мавжуд?
2. Операцияларни концентрациялаш тамойили қандай амалга оширилади?
3. Валга бир кескичили ва кўп кескичили токарлик дастгоҳларида ишлов беришнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Погонали валларга ишлов бериш унумдорлигини оширишнинг қандай йўлларини биласиз?
5. Нусхалаш мосламасига эга бўлган дастгоҳларда ишлов беришнинг қандай йўлларини биласиз?
6. Пардозлашнинг қандай турлари мавжуд?
7. Юпқа пардозлаш қачон қўлланилади?
8. Юпқа пардозлашда кесиш режими қандай танланади?
9. Ташқи айланма цилиндрик сиртларга жилвирашни қачон қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади?
10. Суперфинишнинг моҳияти нимадан иборат?

## XI б о б

# ДЕТАЛЛАРНИНГ ИЧКИ ЦИЛИНДРСИМОН СИРТЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ

Машина деталларида тешиклар цилиндрик, пофонали, конуссимон ва шаклдор бўлади. Машина деталларида цилиндрик тешиклар кўп учрайди.

Тешикларга ишлов беришнинг зарур аниқлигига эришиш ташқи айланма жисмларга ишлов беришдагига қарандада қийин.

Тешикларга қиринди қўчириб ва қўчирмасдан ишлов бериш мумкин. Қириндини тиғли ва абразивли асбоб ёки абразив кукун ёрдамида қўчириш мумкин.

Тиғли асбоб ёрдамида пармалаш, зенкерлаш, разверткалаш, йўниш, жумладан, юпқа (олмосли) йўниш ва сидириш мумкин.

Абразив асбобларда тешикларни жилвираш, хонинглаш, суперфинишлаш; абразив кукунда ишқалаш (ўлчамига етказиш) мумкин.

Тешикларни қиринди қўчирмасдан тешиш ва шарчалар ёрдамида калибрлаш орқали ишлов берилади.

Тешикларни ҳосил қилишнинг энг самарали усули штамплашdir.

### 11.1. Тиғли асбоблар ёрдамида тешикларга ишлов бериш

Металларда тешиклар пармалаш ёрдамида ҳосил қилинади. Тешикнинг янада тозароқ синфдаги сирт ғадир-будирлигига ва аниқлигига зенкерлаш, разверткалаш, йўниш ва сидириш орқали эришиш мумкин.

Пармалаш дастгоҳларида тешикларни пармалашда асбоб (парма) айланади; токарлик дастгоҳларида, одатда, детал айланади.

Айланувчи асбоб ёрдамида тешикларни пармалашда тешик ўқининг керакли йўналишидан парманинг қочиши детал айланган ҳолда пармалашдаги қочишига қарандада катта бўлади. Парманинг қочишини камайтириш мақсадида пармалаш дастгоҳларининг кондукторида йўналтирувчи (кондуктор) втулка қўлланилади.

Материалда диаметри 30 мм дан катта тешиклар, одатда, иккита парма (биринчиси кичик ва иккинчиси катта диаметрли пармалар) ёрдамида пармаланади.


Диаметри 30 мм дан катта ва ўлчам аниқлиги IT8 квалитетдан юқори ҳамда сирт ғадир-будирлиги  $R_s=2,5$  ва ундан тоза бўлган тешиклар пармалангандан сўнг зенкер ва развёрткалар қўлланилади, диаметри 30 мм дан кичик тешикларга пармалашдан сўнг фақат развёртка қўлланилади. Диаметри 15 дан 20 мм гача ва ўлчам аниқлиги IT6 квалитетдан юқори ва сирт ғадир-будирлиги  $R_s=2,5$  ва ундан тоза бўлган тешиклар пармалангандан сўнг зенкер ва развёртка қўлланилади, диаметри 20 мм дан катта тешиклар пармалангандан сўнг зенкерланади ва бир ёки икки марта (дастлабки ва тоза) развёрткаланади (11.1-расм).

Резьба учун тешик пармалашда парманинг D диаметри ички диаметри  $d$  дан резьба чуқурлиги  $a = 0,3 \div 0,4$  ма-ротаба қийматда катта қабул қилинади.

Пармалар нормал, чуқур пармалаш учун ва маҳсус бўлади.

Йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда парма-зенкер, парма-развёртка, парма-зенкер-развёртка каби қурама асбоблар қўлланилади.

Пармалашда, зенкерлашда ва развёрткалашда асбобнинг ўтищ йўли ишлов бериладиган тешик узунлиги, асбобнинг кесиб олиш узунлиги ва кесиб чиқиш узунликла-ри йиғиндицидан иборат бўлади ва ишлов беришнинг асо-сий вақти қуидагича аниқланади:



11.1-расм. Яхлит материалда тешикка ишлов бериш:  
 а – IT8 квалитет бўйича аниқликдаги тешикни пармалаш;  
 б – IT10 квалитет бўйича аниқликдаги тешикни пармалаш;  
 1 – пармалаш; 2 – зенкерлаш; 3 – даслабки развёрткалаш;  
 4 – тозалаб разверткалаш

$$a_t = \frac{(l_0 + l_{\text{кес}} + l_{\text{чиқ}})}{n \cdot S} i \text{ [мин]}$$

бу ерда  $l_0$  — ишлов бериладиган тешик узунлиги, мм;  $l_{\text{кес}}$  — асбобнинг кесиб олиш узунлиги, мм;  $l_{\text{чиқ}}$  — парманинг кесиб чиқиш узунлиги, мм.

Вертикаль пармалаш дастгоҳларида қўп шпинделли каллаклар ёрдамида пармалаш, зенкерлаш, развёрткалаш ва резьба кесиш мумкин.

Кўп шпинделли каллакларни буралувчи столли пармалаш дастгоҳларида қўллаш жуда ҳам қулай бўлади. 11.1-расмда буралувчи столли дастгоҳда тешикларга уч шпинделли каллақда ишлов бериш схемаси кўрсатилган. Унда тўртта патрон бўлиб, учта патронда ишлов берилётган вақтда битта патрони детални алмаштиришга хизмат қиласди; шунинг учун ёрдамчи вақт фақат столни  $90^\circ$  бурашга, шпинделларни келтириш ва олиб кетишга сарфланади холос.

Оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришда турли (автомобиль ва тракторсозликда ва бошқаларда) деталнинг турли томонларида сиртларда жойлашган қўплаб сондаги тешикларини бир пайтдаги ишлов бериш учун маҳсус қўп шпинделли пармалаш каллаклари қўлланилади. Масалан, трактор двигателлари цилиндрлари блокини автоматик линияда ишлов беришда 17, 22 ва 30 шпинделли пармалаш каллаклари қўлланилади.

Тайёрланиши қиммат бўлган маҳсус пармалаш дастгоҳлари, кўпинча, маҳсус алмаштириувчи пармалаш каллакларига алмаштирилади, уларни ишлов бериладиган деталдаги тешикларнинг жойлашишига қараб осон ўрнатиш мумкин. Бундай каллаклар ёрдамида деталнинг турли томонларида жойлашган тешикларга ишлов бериш мумкин. 11.1-расмда агрегатли дастгоҳларда маҳсус қўп шпинделли каллакларни қўллашнинг турли вариантлари кўрсатилган: 1 — каллак горизонтал ҳолатда; 2 — икки (ёки уч) та каллак деталнинг икки (ёки уч) томонидан пармалаш учун; 3 — қозиқсимон таглик ёрдамида бурчак остида пармалаш учун каллакнинг жойлашиши; 4 — бир ёки иккита каллакнинг бурчак остида жойлашиши; 5 — каллак вертикаль ҳолатда; 6 — битта каллакнинг горизонтал ва бошқасининг вертикаль пармалаш учун жойлашиши.

**Тешикларни юпқа (олмосли) йўниш.** Тешикларни тоза пардозлаш, кўпинча, юпқа йўниш усулида амалга оширилади. Бу усулни жуда катта тезликда, кесишнинг кичик чуқурлигига ва кичик суришда амалга оширилади.

Олмосли кескичлардан ташқари йўниш учун қаттиқ қотиshmадан тайёрланган пластинкали кескичлар ҳам қўлланилади. Булар ҳам ишлов берилган сирт ғадир-будирлигигига ва аниқлигига нисбатан яхши натижаларни беради. Олмосли йўнувчи дастгоҳларнинг конструкцияси мустаҳкам ва бикир бўлиши керак; шпиндель ва станиналарда титраш бўлмаслиги керак.

**Юпқа (олмосли) йўниш** учун кесиш режимларидан мисол келтирамиз.

Чўян учун кесиш тезлиги 120-150 м/мин, бронза учун 300-400 м/мин, баббит учун 400-1000 м/мин, алюминий қотиshmалар учун 500-1500 м/мин бўлади.

Суриш 0,01-0,008 мм/айл бўлганда, кесиш чуқурлиги 0,05-0,1 мм оралиғида бўлади.

Юпқа йўниш қўйидаги афзаликкларга эга:

1. Абразив асбобларда ишлов берилган жилвирлашда ва хонинглашда сиртларда учрайдиган абразив доначаларнинг юпқа йўнишда бўлмаслиги.

2. Диаметри 100-200 мм бўлган тешикларнинг IT2 квалитет бўйича ўлчам аниқлигига ва тешикларнинг оваллик ва конуссимонлик бўйича 0,01 мм дан 0,005 мм гача аниқлигига осон эришилади.

3. Олмос ёки қаттиқ қотиshmали пластинка билан жиҳозланган кесувчи асбоб конструкциясининг соддалиги.

4. Юпқа йўниш натижасида  $R_a = 0,32$  гача ғадир-будирлика сирт ҳосил қилиш мумкин.

**Тешикларни сидириш.** Оммавий, йирик серияли ва ўрта серияли ишлаб чиқаришда цилиндрик тешиклар, шлициали ва бошқа шаклдаги тешикларга ишлов беришда сидириш усули қўлланилади.

Цилиндрик тешиклар пармалаш ёки зенкерлашдан кейин сидирилади. Пармалаш ва револьверли дастгоҳларда сидириш тешикларни разверткалаш ўрнига қўлланилади.

Цилиндрик тешикларни сидириш учун думалоқ сидиргичлар қўлланилади. Бунинг натижасида IT4 квалитет бўйи-

ча ўлчам аниқлигидаги тешик ва  $R_a = 2,5$  дан  $R_d = 0,63$  гача сирт ғадир-будирлигига эришиш мүмкін.

Квадрат, бир шпонкали, шлицали сидиргичлар ўзла-рига тегишли бўлган шаклдаги тешикларга ишлов бериш учун қўлланилади.

Сидиришни амалга оширадиган дастгоҳлар механик ва гидравлик, горизонтал ва вертикал, бир ва кўп шпинделли бўлади.

Икки ва уч шпинделли вертикал сидириш дастгоҳлари бир вақтнинг ўзида 2—3 та детални сидиришга имкон беради.

Сидириш дастгоҳларида детални сидириш учун улар бикир ёки золдирили таянчларга ўрнатилади. Агар деталнинг ён сиртидаги тешигининг ўқига нисбатан перпендикуляр ҳолатда йўнилган бўлса, детал бикир таянчга ўрнатилади (11.2-расм, а). Агар деталнинг тореци йўнилмаган бўлса (ишлов берилмаган сирт) ёки детал тешигинининг ўқига нисбатан перпендикуляр бўлмаган ҳолатда йўнилган бўлса, детал сидириш учун золдирили таянчга ўрнатилади (11.2-расм, б).

Бир вақтнинг ўзида бир неча детални сидириш дастгоҳнинг унумдорлигини оширади. Агар деталнинг тешиги сидиргичнинг 2-3 қадамидан кичик бўлса, бир вақтда бир неча деталдаги тешикларни сидириш мақсадга мувофиқ бўлади.


Сидиришнинг асосий вақти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{(L + l)}{1000} - \frac{1}{V} + \frac{1}{V} [\text{мин}],$$

бу ерда  $L$  — сидиргич ишчи қисмининг узунлиги, мм;  $l$  — деталдаги сидириладиган сирт узунлиги, мм;  $V$  — кесиш тезлиги (ишчи юриш), м/мин;  $V_{ою}$  — орқага юриш тезлиги, м/мин.

Орқага юриш тезлиги ишчи юриш тезлигидан 2—3 маготаба катта қабул қилинади.

Сидириш орқали тешиклардаги спиралсимон ариқчаларни ҳам ҳосил қилиш мүмкін, бунда сидиргич сидириш жараёнида маълум бурчакка айлантириб турилади.



11.2-расм. Сидиришда деталларни ўрнатиш:

*a* – бикир таянчга ўрнатиш:

1- дастгоҳнинг олд қисми;  
2 – таянч шайба; 3 – ишлов бериладиган детал; 4 – сидиргич;

*b* – золдирили таянчга ўрнатиш:

1 – пружина; 2 – таянч шайба;  
3 – золдирили таянч; 4 – ишлов бериладиган детал; 5 – сидиргич


## 11.2. Абразив асбоблар ёрдамида тешикларга ишлов бериш

Тешикларни жилвирлаш. Ички жилвирлаш дастгоҳларда тешиклар қуидаги усулларда жилвирланади:

1. Патронга маҳкамланган ҳолда детални айлантириб жилвирлаш (11.3-расм).

2. Шпинделнинг планетар ҳаракатга эга бўлган дастгоҳда деталнинг қўзғалмас ҳолатида жилвирлаш (11.4-расм, а).

3. Детал маҳкамланмаган ва айланиб турган ҳолатда марказсиз жилвирлаш (11.4-расм, б).




11.3-расм. Ички жилвирлаш дастгоҳида тешикларга ишлов бериш схемаси: 1 – ишлов бериладиган детал;  
2 – жилвиртош доириси

Биринчи усул кенг тарқалган (11.3-расм). Бу усулда ишлов бериладиган детал созланадиган кулачокли ўзи марказловчи патронга ёки дастгоҳ шпинделига ўрнатилган маҳсус мосламага маҳкамланади. Шундай усулда маҳкамланган детал айланади, ўз ўқи атрофида катта частотада айланадиган думалоқ жилвиртош доираси илгариланма-қайтма ва кўндаланг йўналиш бўйича ҳаракатланади. Жилвиртош доирасининг кўндаланг ва бўйлама ҳаракатланишининг ҳар бир юришида тешик сиртидан юпқа қатлам кўчади.

Иккинчи усулда, яъни детал кўзғалмас ҳолатда, шпинтели планетар ҳаракатланадиган горизонтал ёки вертикаль дастгоҳларда тешик жилвирланади. 11.4-расм а да ички жилвирлашда думалоқ жилвиртош доираси 2 ва детал 1 жойлашиши ва шпинделнинг ҳаракатланиш схемаси кўрсатилган: I — ўз ўқи бўйича айланishi, II — детал ички сиртининг айланаси бўйича планетар ҳаракатланиши, III — деталнинг ўқи бўйича илгариланма-қайтма ҳаракатланиши ва IV — кўндаланг йўналиш бўйича ҳаракатланиши, яъни кўндаланг суриш. Бундай туркумдаги дастгоҳларда оддий жилвирлаш дастгоҳларида жилвирлашнинг имкони бўлмаган деталларнинг ташқи цилиндрик сиртларини ҳам жилвирлаш мумкин.

Бу дастгоҳлар унумдорлиги паст бўлганлиги сабабли фақат юқори унумдорликка эга бўлган дастгоҳларда жилвирлашнинг имкони бўлмаган йирик деталларни жилвирлашда қўлланилади.

Жилвирлашнинг учинчи усули — марказсиз жилвирлашdir. Бу усулда маҳкамланмаган ҳолда айлануб турган деталдаги тешикларни қуидаги схема бўйича жилвирланади (11.4-расм, б). Ташқи диаметри бўйича дастлаб жил-



11.4-расм. Тешикларни жилвирлаш схемаси:  
а — планетарли; б — марказсиз

вирлаб олинган детал учта роликлар ёрдамида йўналтирилади ва тутиб турилади. Катта диаметрли ролик 1 етакловчи бўлиб ҳисобланади; у детал 2 ни айлантиради ва шу билан бирга деталнинг жилвиртош доираси 3 нинг катта тезликда айланниб кетишдан сақлаб туради. Юқориги эзувчи ролик 5 детални етакловчи ролик 1 га ва пастки тутиб турувчи ролик 4 га тирайди. Учта ролик орасида қисилган детал етакловчи ролик 1 нинг тезлигига тенг бўлган тезликка эга бўлади.

Детални алмаштиришда эзувчи ролик 5 детални бўшатиш учун чап томонга суриласди, бу эса янги детални қўл билан ёки автоматик равишда алмаштиришга имкон беради.

Марказсиз жилвирлашда тешик диаметри бўйича IT11 ва ҳаттоки, IT 12 квалитет бўйича ишлов бериш аниқлигига эришиш мумкин. Бу усулни диаметри 10 мм дан 200 мм гача бўлган тешикларни ички жилвирлашда қўллаш мумкин. Бу усул думалаш подшипникларининг ҳалқаларини жилвирлашда кенг қўлланилади. Марказсиз жилвирлашда жилвирланган тешикларнинг ўлчамларини автоматик равишда ўлчашиб мумкин.

**Тешикларни хонинглаш.** Хонинглашнинг (хонинг-жарёён) моҳияти шундан иборатки, дастлаб развёрткаланган, жилвирланган ёки йўниб олинган тешик айланадиган ҳамда илгариланма-қайтма ҳаракатга эга бўлган абразивли қўзғалувчан олтита (баъзан, ундан ҳам кўп) тўсинчали маҳсус каллак (хон) билан механик усулда пардозланади. Абразив тўсинчаларнинг радиал йўналишдаги ҳаракати механик, гидравлик ёки пневматик қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

Хонинглаш натижасида силлиқ ва ялтироқ, юқори синф аниқлигидаги ва тозалигидаги сирт ҳосил бўлади. 10-20% техник мой ва керосин аралашмаси билан совутилади, аралашма ажралиб чиқадиган абразив зарраларни ҳам олиб кетиб туради.

Хонинглаш дастгоҳларини гидравлик сургичли, бир ва кўп шпинделли қилиб тайёрланади.

**Тешикларни ишқалаш (ўлчамига етказиш).** Ишқалаш жараёнининг моҳияти шундан иборатки, чўяндан ёки мисдан тайёрланган ишқалагич ёрдамида тоза ишлов бе-

рилган сиртдан ғадир-будирликни йўқотишни тушунилади.

**Кичик диаметрли тешикларни ҳосил қилиш усуллари.** 3 мм гача қалинликдаги пўлат ва 5 мм гача қалинликдаги рангли металлардан тайёрланган деталларда 3,5 мм гача диаметрли тешиклар ҳосил қилишда қўйидаги усуллар қўлланилади:

1. Кондуктор бўйича пармалаш.
2. Дастрлаб кернлаб олиб, сўнг пармалаш.
3. Штампларда тешик ҳосил қилиш.

Юқорида кўрсатилган усулларда ҳосил қилинган тешикларнинг диаметр бўйича аниқлиги ва ўқлараро масофаларининг аниқлигига юқори талаб қўйилган бўлса, бу тешиклар якуний ўлчами олингунга қадар штампларда калибрланади.

Кондуктор бўйича пармалаш юқорида кўрсатилган кичик диаметрли тешикларни ҳосил қилиш усулларидан унумдорлиги пастилиги ва қути аниқликка эришиши билан фарқ қиласди. Кондуктор бўйича пармалашда кондукторни ўрнатишга ёки унга детални жойлаштиришга, маҳкамлашга ва пармалаб бўлингандан кейин детални олишга вақт кўп сарф бўлади. Йўналтирувчи втулка ва парма орасида тирқиш мавжудлиги туфайли ҳосил бўладиган хатоликка кондукторни тайёрлаш хатолиги ҳам қўшилиб, ҳосил қилинган кичик диаметрли тешикнинг аниқлиги паст бўлади. Кондуктор бўйича пармаланганда, координата бўйича марказлараро масофа аниқлиги 0,05 мм га эришилади.

Дастрлаб кернлаб олиб, сўнг пармалаш кернловчи штамплар ёрдамида серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда қўлланилади. Кернловчи штамплар деталлардаги пармаланадиган жойларини аниқ белгилаш учун хизмат қиласди. Улар қимматбаҳо кондукторни алмаштирган ҳолда майда серияли ишлаб чиқаришда ҳам қўлланиши мумкин.

Керн бўйича пармалашда марказлараро масофа аниқлиги кондуктор бўйича пармалашга нисбатан юқори бўлади, аниқлик координата бўйича 0,03 мм га етади.

Параллел ўқли кам сонли тешикли деталларда керн бўйича пармалаш кичик пармалаш дастроҳларида амалга оширилади; агар деталда тешиклар сони кўп бўлса, керн

бўйича пармалашда юқори унумдорли, кўп шпинделли пармалаш ярим автомат ва автоматлар қўлланилади. Битта пармаловчи 4—5 та дастгоҳга хизмат кўрсатиши мумкин. Деталда бир пайтда, детал ўлчамига қараб, 2 тадан 25 тагача тешик ҳосил қилиш мумкин.

Бироқ ҳозирги қўламдаги ишлаб чиқаришда ясси деталларда параллел ўқли кичик диаметрли тешиклар ҳосил қилиш учун унумдорли ва аниқ усул — штампларда тешик ҳосил қилиш усули қўлланилмоқда.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, тешик ўювчи штамп ёрдамида бир пайтнинг ўзида (ползуннинг бир марта юришида) кўп сонли тешиклар (20 та ва ундан ортиқ) ҳосил қилинади. Бунда кондуктор бўйича ва керн бўйича тешик ҳосил қилишга нисбатан марказлараро масофа юқори аниқликка эришилади.

Ясси деталларда тешиклар ўқларининг параллеллиги юқори аниқликда олиниши талаб қилинса (диаметри бўйича  $0,005$  мм, марказлараро масофалари бўйича  $0,0075$ - $0,01$  мм), пармалаш операциясидан ёки тешик ҳосил қилингандан кейин якунловчи операция — штампларда тешикларни калибрлаш операцияси қўлланилади.

### *Синов саволлари*

1. Машина деталларида тешиклар қандай бўлади?
2. Тешикларга ишлов беришнинг қандай усуллари мавжуд?
3. Тешикларга нима учун зенкер ёки развёрткаларда ҳам ишлов берилади?
4. Йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришларда тешикларга ишлов беришда қандай асбобдан фойдаланилади?
5. Пармалашда асосий вақт қандай аниқланади?
6. Тешикларни сидириш нима учун оммавий, йирик серияли ва ўрта серияли ишлаб чиқаришларда қўлланилади?
7. Сидиргичлар ёрдамида тешикларга ишлов бериш натижасида қандай синф тозалигидаги сирт гадир-будирлигига эришилади?
8. Пармалашда асосий вақт қандай аниқланади?
9. Тешикларга ички жилвирлаш дастгоҳларида қандай усулларда ишлов берилади?
- 10.Хонинглашнинг моҳияти нимадан иборат?
- 11.Ички жилвирлашнинг қайси усули кўп тарқалган?
- 12.Кичик диаметрли тешиклар қандай усулларда ҳосил қилинади?

## ХII б о б

# ДЕТАЛЛАРНИНГ РЕЗЬБАЛИ СИРТЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ

### 12.1. Резьбаларнинг турлари ва резьба ҳосил қилувчи асбоблар

Машинасозлик ишлаб чиқаришида цилиндрик резьбалар — маҳкамловчи ва юриткичли ҳамда конуссимон резьбалар қўлланилади.

Профил бурчаги  $60^{\circ}$  учбурчак профилли метрик резьбалар, асосан, маҳкамловчи резьба ҳисобланади.

Юриткичли резьбалар тўғри бурчакли ва трапеция шаклли қилиб тайёрланади. Трапецияли резьбалар бир киримли ва кўп киримли бўлади. Резьбалар ташқи (деталнинг ташқи сиртида) ва ички (деталнинг ички сиртида) бўлиши мумкин.

Ташқи резьбаларни турли асбоблар: кескичлар, тароқлар, плашкалар, резьба кесувчи каллаклар, дискли ва гуруҳли фрезалар, жилвир тош, думаловчи асбоблар билан тайёрлаш мумкин.

Ички резьбаларни тайёрлаш учун кескичлар, метчиклар, гуруҳли фрезалар, думаловчи роликлардан фойдаланиш мумкин.

### 12.2. Резьбаларни кескичлар ва тароқлар ёрдамида кесиш

Учбурчакли резьбалар, кўпинча, токарлик винт кесиш дастгоҳларида резьба кескичларида ҳосил қилинади.

Резьба кесишда шаклдор кескичлардан фойдаланилади, улар призматик ва думалоқ бўлади. Шаклдор кескичлар резьба профили элементи ўлчамларини оддий кескичларга нисбатан аниқ сақладайди. Кўпгина корхоналарда кўп кескичли резьбали каллаклар қўлланилади. Бундай каллакларга ўрнатилган қаттиқ қотишмали пластинкаларнинг битта қирраси ейилса, иккинчи қирраси ёрдамида кесишни давом эттириш мумкин. Кўп кескичли каллакларни серияли ишлаб чиқариш шароитида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Резьбаларни битта кескичда кесишида кесувчи қирраси тез ўтмасланиши натижасида шаклини йўқотиб қўяди, шунинг учун жуда ҳам аниқ бўлмаган шаклдаги битта кескич ёрдамида хомаки ўтишни амалга ошириш, сўнг тоза ўтишни тоза ишлов берадиган кескич билан амалга ошириш тавсия этилади.

Бир ўтишда резьба кесиши ҳам қўлланилади. Бунда қаттиқ қотишмали учта кескич бир пайтда қўлланилади. Биринчи қора кескич профил бурчаги  $70^\circ$ , ярим тоза кескич  $-65^\circ$  ва тоза кескич  $59^\circ$  бўлади.


Учбуручакли резьбаларни кесишига нисбатан тўғри бурчакли ва трапецияли резьбаларни кесиши жуда мураккабдир.

12.1-расм (а) да учта кескич ёрдамида трапецияли резьбани кетма-кет кесиши кўрсатилган.

12.1-расм (б) ва (в) да тўғри бурчакли резьбани иккита ва учта кескич ёрдамида кесиши кўрсатилган.

Резьбаларни кесишида тароқлардан фойдаланиш кесиши вақтини қисқартиради ва резьба кесиши унумдорлигини оширади. Тароқларда резьба кесилганди, кесиши иши бир неча тишлирга тақсимланади, шу мақсадда тишлирги кесиши чуқурулиги ортиб борадиган қилиб чархланади. Жуда катта партиядаги бир хилдаги деталларни тайёрлашда тароқларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Тароқларни дастлабки резьба кесишида қўллаш мумкин, чунки улар юқори аниқликни бера олмайди.

Тароқлар ясси, тангенциал, ҳалқали, винтли ариқчали дискли бўлади.



12.1-расм. Резьба кесиши усуллари:

*а* – трапецияли резьбани учта кескич ёрдамида; *б* – тўғри бурчакли резьбани иккита кескич ёрдамида; *в* – тўғри бурчакли резьбани учта кескич ёрдамида

### 12.3. Кўп киримли резъбаларни кесиш

Ҳар қандай шаклдаги кўп киримли резъбаларни кесиш бир киримли резъбани кесиш узунлигига тенг бўлган қадамда кесиш каби амалга оширилади.

Битта винтли ариқчанинг тўлиқ профилини кесиб бўлингач, кескични орқага (қарама-қарши томонга) сурилади ва юриткич винтига кетинга юриш бериб, суппорт бошланғич ҳолатга қайтарилади. Шундан сўнг резъбанинг неча киримлилигига қараб, масалан, икки киримли резъбалар учун деталь ярим айлантирилади, уч киримли учун деталнинг учдан бир қисмига айлантирилади ва ҳоказо.


Бир неча пазли тортқили патрон ёрдамида кўп киримли резъба кесиш жуда ҳам содда, бунда пазлар сони винт киримлари сонига тенг бўлиши керак (12.2-расм, а).

Кесишнинг ҳар бир юришидан сўнг деталь марказдан олинади ва хомут тортқили патрондаги навбатдаги пазга тушадиган ҳолда яна марказга ўрнатилади, кейин навбатдаги юриш орқали кесилади.

Кўп киримли винтларни икки дискли маҳсус планшайба ёрдамида кесиш усули кенг тарқалган (12.2-расм, б).

Дискнинг бири иккинчисига нисбатан резъба киримлари сонига кўра турли бурчакка бурилиши мумкин. Бурадиган дискнинг цилиндрик сирти бўлакларга чизиклар ёрдамида бўлиб қўйилган. Шу бўлаклар ёрдамида дисклар бир-бирига нисбатан маълум бир бурчак остида ўрнатилади.

Токарлик дастгоҳларида шаклдор кескич ёки тароқ ёрдамида резъба кесишдаги асосий вақт қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:



12.2-расм. Кўп киримли резъбаларни кесишда қўлланиладиган тортқили патронлар:

*a* – ариқчали; *b* – маҳсус планшайбали

$$t_a = \frac{(l_a + l_{kec} + l_{chik})}{n \cdot S} i \cdot g \quad [\text{мин}]$$

бу ерда  $l_a$  — деталдаги кесиладиган резьбанинг узунлиги, мм;  $l_{kec}$  — кескичнинг кесиб олиш узунлиги, мм;  $l_{chik}$  — кескичнинг кесиб чиқиш узунлиги, мм;  $S$  — суриш, мм/айл ( $S$  резьба қадамига тенг);  $n$  — деталнинг минутига айланишлари сони;  $i$  — юришлар сони;  $g$  — резьбанинг киримлари сони (тароқ ёрдамида резьба кесишда  $g=1$ ).

## 12.4. Плашка ёрдамида резьба кесиши

Плашканнинг барча турларининг асосий камчилиги кесиб бўлингандан кейин плашкани орқага яна бураб олишдир, бу вақт сарфини оширади ва унумдорликни пасайтиради.


Автоматларда, револьверли ва болт кесувчи дастгоҳларда резьба кесиши учун ўзи очилувчи резьба кесувчи каллаклар қўлланилади, уларнинг плашканларда резьба кесишига нисбатан унумдорлиги 3-4 баробар юқори, чунки автоматик равишда ўзи очилганлиги учун уларни орқага бураб олишга хожат йўқ.

## 12.5. Резьбаларни фрезалаш

Ишлаб чиқаришда ташқи ва ички резьбаларни фрезалаш кенг қўлланилади, улар икки усулда амалга оширилади:

1. Дискли фрезалар ёрдамида.
2. Фрезалар гуруҳи ёрдамида.

Биринчи усул — дискли фреза ёрдамида фрезалаш катта қадамли ва йирик профилли резьбаларни кесишида қўлланилади. Фреза профили резьба профилига тўғри келади, фрезанинг ўқи деталь ўқига нисбатан резьба қиялик бурчагига тенг қияликда жойлашади (12.3-расм, а). Дастроҳнинг конструкциясига кўра симметрик (12.3-расм, б) ва носимметрик (12.3-расм, в) дискли фрезалар қўлланилади. Резьба кесишида фреза айланади ва деталнинг ўқи бўйича илгариланма ҳаракатга эга бўлади, шу билан бирга деталнинг бир айланишига суриш резьбанинг қадамига аниқ тўғри келиши керак. Деталнинг айланиши суришга боғлиқ равишда секин амалга ошади.



12.3-расм. Дискли фрезалар ёрдамида резьбаларни фрезалаш схемалари:

*a* – кесиладиган деталнинг ва фрезанинг ўқларини силжитиш орқали резьба кесиш; *b* – симметрик профилли фреза ёрдамида резьба кесиш; *c* – симметрик бўлмаган профилли фреза ёрдамида резьба кесиш

Резьба фрезалаш дастгоҳларида дискли фрезалар ёрдамида резьба кесишда асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_{ac} = t_1 + t_2 + t_3$$

бу ерда:  $t_1$  – биринчи ўтишдаги кесиш вақти;  $t_2$  – иккинчи ўтишдаги кесиш вақти;  $t_3$  – учинчи ўтишдаги кесиш вақти.

Ҳар бир ўтиш учун кесиш вақти алоҳида аниқланади, чунки ҳар бир ўтиш учун кесиш чуқурлиги, минутига суриш ва кесиш ҳар хил бўлади.

Ҳар бир ўтиш учун кесиш вақти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{(l_a + l_{kec} + l_{chik})}{n \cdot S} \frac{\pi d}{\cos \alpha S_M} i \cdot g \quad [\text{мин}]$$

бу ерда  $l_a$  – резьба узунлиги, мм;  $l_{kec}$  – дискли фрезанинг кесиб олиш узунлиги мм;  $l_{chik}$  – дискли фрезанинг кесиб чиқиш узунлиги, мм (резьбадан ўтиб кетса, резьба қадамининг  $l_{chik} = 1 \div 3$ , резьбага тиравса  $l_{chik} = 0$ );  $d$  – кесиладиган резьбанинг ташқи диаметри, мм;  $S_z$  – резьба қадами, мм;  $\alpha$  – кесиладиган деталь резьбаси ариқчаларинин қиялик бурчаги градусда;  $S_M$  – кесиладиган деталь ташқи айланаси бўйича минутига суриш, мм/мин;  $i$  – ўтишлар сони;  $g$  – резьбадаги киримлар сони.

$$S_M = S_z n_\phi$$

бу ерда  $S_z$  — резьба кесувчи фрезанинг битта тишига түғри келдиган суриш, мм;  $z$  — резьба кесувчи фреза тишлари сони;  $n_\phi$  — резьба кесувчи фрезанинг минутига айланышлари сони;

$$n_\phi = \frac{1000\vartheta}{\pi D}$$

бу ерда  $\vartheta$  — кесиш тезлиги, м/мин;  $D$  — фреза диаметри мм.

Дискли фрезанинг кесиб чиқиши узунлиги  $l_{\text{кес}}$ , уни тахминан, қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мүмкін:

$$l_{\text{кес}} = \sqrt{t \cdot (D - t)} \text{ [мм]},$$


бу ерда  $t$  — резьба чұқурылығы, мм.

Иккінчи усул — гурухли фрезалар билан фрезалаш майды қадамли қисқа резьбаларни олишда құлланилади (12.4 а-расм — ташқи резьбаларни фрезалаш, 12.4 б-расм — ички резьбаларни фрезалаш).

Гурухли фреза (баъзида тароқли деб ҳам аталади) битта қисқичға йиғилған дискли фрезалар гурухидан иборат бўлади. Фреза узунлиғи, одатда, фрезаланадиган резьба узунлигидан 2-5 мм катта олинади. Гурухли фреза резьба кесиш учун деталь ўқига параллел ўрнатилади. Деталнинг бир марта тўлиқ айланыш вақтида гурухли фреза резьба қадамига тенг бўлган масофага силжийди.

Резьба фрезалаш дастгоҳларида гурухли фрезалар ёрдамида, резьба кесиш учун асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади, бунда деталь бир марта айланади ва кесиб олиш коэффициенти 1,2 га тенг, ўтишлар ва кириллар сони бирга тенг бўлади:

$$t_a = \frac{1,2\pi d}{S_M} \text{ [мин]}$$



12.4-расм. Фрезалар гурухи резьба фрезалаш схемалари:  
а — ташқи резьбани; б — ички резьбани

## 12.6. Метчиклар ёрдамида ички резьбаларни кесиш

Ички резьбалар, кўпинча метчиклар ёрдамида кесилади. Метчиклар дастаки ва машинали бўлади. Дастаки метчикларнинг, одатда икки ёки уч донадан иборат бўлган тўпламлари қўлланилади. Машина метчиклари, асосан пармалаш дастгоҳларида ишлашда қўлланилади. Машина метчиклари яхлит, тўғри, пичоқлар ўрнатилган ва гайкали бўлади.

Кичик ва ўрта диаметрли тешикларда резьба кесиш учун яхлит ва гайкали метчиклар, катта диаметрли ( $300 \text{ м} \cdot \text{м}$  гача) тешикларда резьба кесиш учун пичноқ ўрнатиладиган яхлит метчиклар ёки сурилувчи плашкали резьба кесувчи каллаклар қўлланилади.

Маҳкамловчи деталларни ёки серияли ишлаб чиқаришда кўп миқдорда гайкалар тайёрлашда, яъни гайкаларни ихтисослашган ишлаб чиқаришда тайёрлашда маҳсус гайка кесувчи дастгоҳлар қўлланилади.

Икки томони очиқ ва бир томони берк тешикларда метчиклар ёрдамида резьба кесишда асосий вақт қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{l_a + l_{\text{кес}} + l_{\text{чиқ}}}{n \cdot S} + \frac{l_a + l_{\text{кес}} + l_{\text{чиқ}}}{n_0 \cdot S} \quad [\text{мин}],$$

бу ерда  $l_a$  — кесиладиган резьба узунлиги, мм;  $l_{\text{кес}}$  — метчикнинг кесиб олиш узунлиги, мм;  $l_{\text{кес}} = 1 \div 3S$ ;  $l_{\text{чиқ}}$  — метчикнинг кесиб бўлгандан кейин чиқиши узунлиги, мм ( $l_{\text{чиқ}} = 2 \div 3 S$  — икки томони очиқ тешикда ва  $l_{\text{чиқ}} = 0$  — бир томони берк тешикда);  $S$  — кесиладиган резьба қадами, мм;  $n$  — ишчи юришда (резьба кесишда) минутига айланышлар сони,  $n_0$  — орқага юришда (метчикни бўшатиб олишда) минутига айланышлар сони.

Юқори қаттиқликкacha термик ишлов берилган пўлатларда ҳамда қийин ишлов бериладиган пўлатларда ва мустаҳкамлиги оширилган қотишмаларда қаттиқ қотишмали метчиклар ёрдамида резьба кесиш кесиладиган резьбанинг турғунлигини ва сифатини тезкесар пўлатдан ясалган метчикда кесишдагига нисбатан оширади. Диаметри 40 мм ва ундан катта бўлган метчикларда қаттиқ қотишмали

пластинкалари механик равишида мақамланғанларининг құлланиши мақсадға мувофиқ бўлади, чунки бу қаттиқ қотишмадан яхши фойдаланишни, асбобнинг янада юқори сифатини ва узоқ муддат ишлашини таъминлайди. 40 ва 40Х (HRC 38÷40) пўлатлар учун Т5К10 пластинкалари, юқори мустаҳкам чўян (НВ 350380) учун ВК8 пластинкалари қўлланилади.

## 12.7. Резьбаларни жилвирлаш

Резьбаларни жилвирлаш усули резьба кесувчи асбобларни, резьба калибрларини, думалатиш роликларини, аниқ винтларни ва бошқа аниқ резьбали деталларни тайёрлашда қўлланилади. Резьбалар, одатда, термик ишлов берилгандан кейин жилвирланади, чунки термик ишлов берилгандан кейин, кўпинча, резьбанинг элементлари ўзгариб кетади. Бир ва кўп игнали жилвирлаш жараёни, тегишли равишида, дискли ёки гуруҳли фрезалашга ўхшайди (12.4-расм).

Бир игнали жилвиртош доираси билан жилвирлаш деталнинг бўйлама сурилиши ҳисобига амалга ошади. Кўп игнали жилвиртош доирасини деталнинг резьба кесилган қисқа қисмини (одатда, 40 мм дан кам бўлган) жилвирлашда қўллаш мақсадға мувофиқ бўлади. Жилвиртош доирасининг кенглиги жилвирланадиган резьба узунлигидан 2—4 қадам катта бўлиши керак. Жилвиртош доирасида талаб қилинган қадам бўйича ҳалқали жилвирлаш резьбалари ҳосил қилинади. Жилвирлаш детални бўйлама суриш бўйича 2—4 та резьба қадамини деталнинг 2—4 айланисида кесиб олиш усули билан амалга оширилади.

Бир игнали жилвиртош доираси ёрдамида резьба жилвирлашда асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{(l_a + l_{kec} + l_{chik})a}{n S_1 S_{kun}} k \text{ [мин]}$$

бу ерда  $l_a$  — резьба узунлиги мм;  $l_{kec}$  — кесиб олиш узунлиги мм;  $l_{chik}$  — кесиб чиқиш узунлиги, мм;

$$l_{kec} = l_{chik} = l - 3S_1$$

$S$  — резьба қадами мм;  $n$  — деталнинг минутига айланишлари сони;  $a$  — резьбанинг ўрта диаметри бўйига жилвирлаш учун қолдирилган қўйим мм;  $S_{\text{кун}}$  — бир ўтишга тўғри келадиган кўндаланг суриш (жилвирлаш чуқурлиги) мм;  $k$  — жилвирлаш аниқлигини ҳисобга олувчи коэффициент.

Кўп игнали жилвиртош доираси ёрдамида резьбаларни жилвирлашда асосий вақт қуйидаги формула билан аниқланади:

$$t_a = \frac{\pi d n_M}{1000 \vartheta} \text{ [мин]}$$

бу ерда  $d$  — резьбанинг ташқи диаметри мм.  $n_M$  — резьбани жилвирлаш пайтидаги деталнинг айланишлари сони  $n_M$ , одатда, 2,2 га тенг қилиб олинади (биринчи айланиш — дастлабки жилвирлаш, иккинчи айланиш — якуний). Детални жилвиртош доирасига олиб келиш деталнинг айланиш пайтида амалга оширилади, шунинг учун жилвирлаш учун иккита айланиш эмас, балки 2,2 айланиш талаб қилинади;  $V$  — деталнинг айланиш тезлиги, мм/мин.

Резьбалар асосан маҳсус резьба жилвирлаш дастгоҳларида жилвирланади. Кам миқдорда ишлаб чиқаришда ички ва ташқи резьбаларни маҳсус мосламалар ёрдамида юқори аниқликдаги токарлик-винт кесиш дастгоҳларида жилвирлаш мумкин.

Резьбаларни марказсиз жилвирлаш оммавий ишлаб чиқаришда кўп игнали жилвир тошлар мавжудлигига қўлланилади.

## 12.8. Думалатиб резьба ўйиш

Думалатиб резьба ўйиш металл кесиш эмас, балки босим остида амалга оширилади. Бу усулда материал толаси кесилмайди, резьба ўювчи плашкалар ёки роликлар таъсири остида пластик деформацияланади, ушбу плашка ва роликларнинг чиқиқлари ишлов бериладиган металлни эзади. Бундай усулда ҳосил қилинган резьба текис, тоза ва зичланган сиртга эга бўлади.


Резьба совук ҳолатда думалатиб ўйилади. Буюм материални резьба сифатига катта таъсир қиласи: пластик материаллардан тайёрланган буюмларда юқори сифатли резьба ҳосил

қилинади; қаттиқ материалларда резба, айниқса йириги катта юкланиш билан күвватли дастгоҳларда ўйилади.


Думалатиб резьба ўйишнинг иккита усули мавжуд:

1. Ясси думаловчи плашкалар ёрдамида (12.5-расм).
2. Думаловчи роликлар ёрдамида (уларни баъзан думалоқ плашкалар ҳам деб аталади, 12.6-расм).

Ясси плашкалар ёрдамида резьба ўйишда ползунга кўзғалувчи плашка маҳкамланадиган маҳсус дастгоҳлар



12.5-расм. Ясси думаловчи плашкалар ёрдамида резьба ўйиш



12.6-расм. Роликлар ёрдамида резьба ўйиш:

- a* — битта ролик ёрдамида; *b* — винтли ариқчали иккита ролик ёрдами; *c* — ҳалқали ариқчали иккита ролик ёрдамида

Қўлланилади, дастгоҳнинг конструкциясига кўра ползун плашка билан вертикал, горизонтал ёки қия текислиқда илгариланма-қайтма ҳаракатланади.

Резьба ўйишнинг машина вақти

$$t_a = \frac{1}{n} i \text{ [мин]}$$

бу ерда  $n$  — ползуннинг минутига иккиласми юришлари сони,  $i$  — заготовканинг плашкалар орасидан думалаб ўтишлари сони.

Диаметри 5 мм дан 25 мм гача бўлган резьбалар битта ролик билан токарлик ва револьверли дастгоҳларда ўйилади.

## **12.9. Резьбаларни назоратдан ўтказиш усуллари**

Резьбали сиртларнинг аниқлиги резьбанинг қуйидаги асосий элементларининг аниқлигига боғлиқ:

1. Резьба профилининг бурчаги. 2. Резьба қадами. 3. Резьбанинг ўрта диаметри. 4. Резьбанинг ташқи диаметри. 5. Резьбанинг ички диаметри. Резьба аниқлигининг асосий мезони ўрта диаметри бўйича ҳисобланади.

Барча ушбу элементларнинг аниқлиги фақат қийматларига нисбатан амал қилиниши билан эмас, яна уларнинг бир-бирига алоқаси нисбати билан ҳам амал қилиниши керак.

Одатда, деталларнинг ташқи резьбаларини резьба чекли ҳалқалари ва скобалари, ички резьбаларни чекли тиқинлар ёрдамида назоратдан ўтказилади.

Паст аниқликдаги резьба қадамини текшириш учун резьба шаблонлари қўлланилади.

Ўрта диаметрини текшириш учун жуда ҳам кенг тарқалган асбоб резьба микрометридир, шунингдек, резьба ўрта диаметрни текшириш учун резьба скобалари ҳам қўлланилади. Резьбанинг учта асосий элементлари ўрта диаметри, профиль бурчаги ва қадамини текширишда универсал микроскоп қўлланилади.

### ***Синов саволлари***

1. Резьбаларнинг қандай турларини биласиз?
2. Резьбаларни кесиш учун қандай асбоблардан фойдаланилади?
3. Қайси асбобда резба кесиш унумли ҳисобланади?
4. Ташқи резьбаларни метчиклар ёрдамида кесиш мумкинми?
5. Плашка ердамида резьба кесишнинг қандай камчилиги мавжуд?
6. Резьбаларни жилвираш усули қачон қўлланилади?
7. Қандай ҳолларда думалатиб резьба ўйиш қўлланилади?
8. Резьба фрезалаш дастгоҳларида дискли фрезалар ёрдамида резьба кесишида асосий вақт қандай аниқланади?
9. Резьбанинг аниқлигини қайси элементлари бўйича белгиланади?
10. Резьбани текширишда универсал микроскоплардан фойдаланиладими?

## ХІІІ б о б


# ДЕТАЛЛАРНИНГ ЯССИ СИРТЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ

Деталларнинг ясси сиртларига ишлов бериш кесувчи асбоблар ёрдамида турли хил дастгоҳларда: рандалаш, ўйиш, фрезалаш, сидириш, каруселли, йўниш, токарлик ва шаберловчи дастгоҳларда бажарилади; абразив асбобларда ишлов бериш эса жилвирловчи дастгоҳларда амалга оширилади. Ясси сиртларга ишлов бериш учун ҳозирги пайтда рандалаш, фрезалаш, сидириш ва жилвирлаш усуллари кенг қўлланилмоқда.

### 13.1. Деталларнинг ясси сиртларига тифли асбобларда ишлов бериш

**Деталларнинг ясси сиртларига рандалаш ва ўйиш усулида ишлов бериш.** Рандалаш бўйлама рандалаш ва кўндаланг рандалаш дастгоҳларида амалга оширилади. Бўйлама рандалаш дастгоҳларида рандалаща столга маҳкамланган ишлов бериладиган деталь илгариланма-қайтма ҳаракатланади; кўндаланг йўналиш бўйича суриш (кўндаланг суриш) кескичли суппортни силжитиш орқали амалга оширилади, кескичли супортнинг силжиши узлукли бўлиб, у ҳар бир ишчи юришидан сўнг силжийди. Столнинг ишчи юришида қиринди кўчирилади, стол орқага ишчи юриш тезлигидан 2-3 марта катта тезликда қайтади, шунга қарамасдан столнинг орқага бўш қайтишидаги вақт ҳисобига рандалаш усулининг бошқа усулларга (масалан, фрезалаш) қараганда кам унумли бўлишига сабаб бўлади.

Ясси сиртни рандалаш схемаси 13.1-расмда кўрсатилган.



13.1-расм. Ясси сиртни рандалаш схемаси

Кўндаланг рандалаш дастгоҳларида ползуни суппортга маҳкамланган кескич илгариланма-қайтма ҳаракат қилади. Дастгоҳнинг столига ўрнатилган ишлов бериладиган деталь кўндаланг йўналиш бўйича ҳар бир ишчи юришдан сўнг узлукли силжийди.

Бўйлама рандалаш ва кўндаланг рандалаш дастгоҳлари универсал, бошқариш содда бўлганлиги, етарли даражадаги аниқликда ишлов бериш ва фрезалаш дастгоҳига нисбатан паст нархга эга бўлганликлари учун якка тартибли, майда ва ўрта серияли ишлаб чиқаришларда кенг қўлланилади.

Рандалаш дастгоҳлари синфига кирувчи ўювчи дастгоҳларни ўйгичга маҳкамланган кескич вертикал текисликда илгарланма-қайтма ҳаракат қиласиди.

Столга маҳкамланган ишлов бериладиган деталь горизонталь текисликдаги ўзаро перпендикуляр йўналиш бўйича сурилиш ҳаракатига эга.

Ўювчи дастгоҳлар якка тартибли ишлаб чиқаришда тешиклардаги шпонка ариқчаларини ҳосил қилиш учун ҳамда тешикларни квадрат, тўғри тўртбурчак ва бошқа шаклларини ҳосил қилиш учун ишлатилади.

Серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда бу ишларни амалга ошириш учун сидириш дастгоҳлари қўлланилади.

Бўйлама рандалаш дастгоҳларида асосий вақт қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{(b + b_1 + b_2)i}{n S} \text{ [мин]}, \quad (13.1)$$

бу ерда  $b$  — рандаланадиган сирт кенглиги, мм;  $b_1$  — кескичининг ён томонидаги чиқиши, мм;  $i$  — юришлар сони,  $n$  — столнинг минутига иккиламчи юришлари сони;  $S$  — столнинг бир марта иккиланма юришига сурилиши, мм;

$$n = \frac{\vartheta_{и\cdotю} \cdot 1000}{L(1+m)}, \quad (13.2)$$

бу ерда  $\vartheta_{и\cdotю}$  — стол ишчи юришининг тезлиги;  $L$  — стол юришининг узунлиги, у  $L = l_1 + l_2 + l_3$  [мм] га тенг бўлиб,  $l_1$  — рандаланадиган сирт узунлиги,  $l_2$  — кескичининг ишчи юриши бошланишидаги кескичидан ишлов бериладиган

сиртгача бўлган масофаси,  $l_3$  — кескичнинг ишчи юриши тугаганидан кейин кескичдан ишлов берилган сиртгача бўлган масофа,  $m$  — столнинг ишчи юриши тезлиги билан бўш юриши тезлиги ўртасидаги нисбати.

(13.1) формулага (13.2) формуладаги  $n$  қийматини қўйсак, қўйидагини оламиз:


$$t_a = \frac{(b+b_1+b_2) \cdot L \cdot (1+m)_t}{\vartheta_{и\cdotко} \cdot 1000 S} \text{ [мин]}$$

Кўндаланг рандалаш дастгоҳида ҳам асосий вақт (13.1) формула ёрдамида аниқланади.

**Фрезалаш усули билан ясси сиртларга ишлов бериш.** Фрезалаш усули билан ясси сиртлар рандалашдаги каби бир тифли — асбоб кескич билан эмас, балки кўп тифли айланувчи асбоб фреза билан ишлов берилади. Дастгоҳ столяга маҳкамланган деталнинг ҳаракатланиши орқали суриш амалга оширилади. Фреза айланма ҳаракатни дастгоҳнинг шпинделидан олади. Ясси сиртларни тореъз ва цилиндрик фрезалар ёрдамида фрезалашга нисбатан анчагини унумли, чунки тореъз фреза ёрдамида фрезалашда метални бир неча тишлилар билан бир пайтнинг ўзида кесиш мумкин, шунингдек, катта диаметрли кўп сонли тишилари бўлган фрезаларни қўллаш имкони ҳам бор. Цилиндрик фрезалар ёрдамида фрезалашнинг икки усули мавжуд.

Биринчи усул — қарама-қарши фрезалаш, бунда фрезанинг айланиш йўналиши суришга қарама-қарши бўлади (13.2-расм, а); иккинчи усул йўлаки фрезалаш бўлиб, бунда фрезанинг айланиш йўналиши суриш йўналиши билан бир хил бўлади (13.2-расм, б).

Биринчи усулда фрезалашда қиринди қалинлиги ҳар бир тишининг металлга кириб бориши билан секин аста катталашиб боради. Кесишнинг бошланғич даврида кесиш сирти бўйича тишиларнинг тиги бир оз сирпанади.



13.2-расм. Фрезалаш схемалари:  
а — қарама-қарши фрезалаш;  
б — йўлаки фрезалаш

ди, бу ишлов берилган сиртда наклеп ҳосил бўлишига ва тишларнинг ўтмаслашишига сабаб бўлади.

Иккинчи усулда фрезалашда қириндининг қалинлиги секин-аста кичрайиб боради. Унумдорлик ва ишлов берилган сирт сифати биринчи усулга нисбатан юқори бўлиши мумкин, бироқ иккинчи усулда фрезалашда фреза тиши кесиш чуқурлиги бўйича тўла металлни қамраб олади ва шундай қилиб, кесиш зарба билан амалга ошади. Шунинг учун иккинчи усулда фрезалашни конструкцияси юқори бикирликка эга бўлган дастгоҳларда амалга ошириш мумкин. Мана шу сабабга кўра иккинчи усулга қараганда биринчи усул кўпроқ қўлланилади.

Фрезалаш дастгоҳлари қуйидаги турларга бўлинади:

1. Горизонталь фрезалаш 2. Вертикал фрезалаш 3. Универсал фрезалаш 4. Бўйлама фрезалаш 5. Каруселли фрезалаш 6. Барабанли фрезалаш 7. Махсус фрезалаш.

Фрезалаш дастгоҳларининг биринчи уч тури умумий мақсаддаги фрезалаш дастгоҳлари бўлиб ҳисобланади; қолганлари юқори унумдорли турига киради ва серияли, кўп серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Горизонталь фрезалаш ва вертикал фрезалаш дастгоҳларининг столига битта ёки бир неча детални қатор ўрнатиб, улар бир вақтда ёки кетма-кет фрезалар ёрдамида ишлов бериш мумкин.

Универсал фрезалаш дастгоҳлари горизонталь фрезалаш дастгоҳларидан фарқли ўлароқ буралувчи столга эга.

Буралувчи столга шпиндель ўқига нисбатан бурчак остида горизонталь ҳолат бериш мумкин. Бу эса универсал бўлувчи каллак ёрдамида винтли сиртларга ишлов бериш имконини беради.

Бўйлама фрезалаш дастгоҳларининг горизонталь ва вертикаль шпинделлари турли хил вазиятда жойлашган: битта горизонталь ёки битта вертикал шпинделли; иккита горизонталь; иккита горизонталь ва иккита вертикал шпинделли бўлади. Бундай дастгоҳлар катта ўлчамли (столнинг юриши 8 м ва ундан узун) бўлади; улардан бир вақтнинг ўзида йирик деталларнинг икки ёки уч уч томонига ишлов беришда фойдаланилади.


13.3-расмда бўйлама (а) ва горизонталь (б) дастгоҳларида юқори унумдорли фрезалаш кўрсатилган.

Буралувчи стол 4 ҳисобига ишлов берилган деталлар 1 ва 2 нинг алмаштирилиши фрезалаш вақтида амалга оширилди; ёрдамчи вақт фақат столни орқага олиб кетиш ва уни буриш учун сарф бўлади холос, иккита деталга ишлов бериш учун вақт 0,2-0,5 минутдан ошмайди.

Каруселли фрезалаш дастгоҳлари буралувчи катта диаметрли столга ва вертикал жойлашган битта ёки иккита шпиндельга эга бўлади. Бу дастгоҳларда торең фрезалар ёрдамида ясси сиртларга ишлов берилади. Стол айланадиган пайтда ишлов бериладиган деталь ўрнатиб, ишлов берилгани олиб турилади, шундай қилиб, деталга узлуксиз ишлов берилади, агар дастгоҳда иккита шпиндель бўлса, биринчиси билан заготовка ишлов берилади, иккинчиси билан эса тоза ишлов берилади. Бундай дастгоҳлар йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришларда қўлланилади.

Барабанли фрезалаш дастгоҳлари бир вақтнинг ўзида деталнинг параллел сиртларини икки томонидан ишлов бериш учун қўлланилади.

Ишлов бериладиган деталлар барабанга ўрнатилади. Барабан пештоқ шакилга эга бўлиб, станинанинг ичидаги айланади. Фрезалар икки томонидан тўртта шпиндель бабкаларига жойлаштирилади. Ҳар томондаги биттадан фрезалар хомаки ишлов беради, бошқалари эса тоза ишлов беради.



13.3-расм. Ўнумдорлиги юқори бўлган фрезалаш усуллари:

1 ва 2 — ишлов бериладиган деталлар;  
3 — дастгоҳ столи, 4 — буралувчи стол

Бу дастгоҳларда деталлар дастгоҳ ишлаб турган вақтда ўрнатилади ва олиб турилади, шундай қилиб фрезалаш узлуксиз давом этади. Бундай дастгоҳлар юқори унумдорлиги билан ажралиб туратын жағдайларда оммавий ишлаб чиқаришларда қўлланилади.

Фрезалаш ярим автоматлари ва автоматлари оммавий ишлаб чиқаришда майдага ўлчамли деталларни фрезалашда қўлланилади. Цилиндрик ва торецли фрезалашда асосий вақт қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$t_a = \frac{l \cdot i}{S_m} \text{ [мин]}$$

ёки

$$t_a = \frac{l \cdot i}{S_z Zn} = \frac{(l_u + l_{kec} + l_{qik}) \cdot i}{S_z Zn} \text{ [мин]}$$

бу ерда  $l$  — фреза билан ишлов беришнинг назарий узунлиги мм;  $i$  — ўтишлар сони;  $S_u$  — суриш мм/мин;  $S_z$  — фрезанинг битта тишига суриш, мм;  $Z$  — фреза тишиларининг сони;  $n$  — фрезанинг минутига айланишлари сони.

Цилиндрик фрезалашда фрезанинг кесиб олиш узунлиги  $l_{kec}$  (13.4-расм, а) қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$l_{kec} = \sqrt{R^2 - (R - t)^2} = \sqrt{R^2 - R^2 + 2Rt - t^2} \text{ [мм]}$$

ёки


$$l_{kec} = \sqrt{Dt - t^2} = \sqrt{t(D - t)} \text{ [мм]},$$

бу ерда  $t$  — фрезалаш чуқурлиги мм ;  $D$  — фреза диаметри мм.

Симметрик торецли фрезалаш учун (13.4-расм, б) фрезанинг кесиб олиш узунлиги  $l_{kec}$  қўйидагига тенг.

$$l_{kec} = 0,5(D - \sqrt{D^2 - b^2}) + \frac{t}{\operatorname{tg}\varphi} \text{ [мм]},$$

бу ерда  $b$  — фрезалаш кенглиги мм;  $\vartheta$  — фрезанинг пландаги бош бурчаги.



13.4-расм. Фрезалаш схемалари:  
а — цилиндрик фреза ёрдамида фрезалаш; б — торешил фреза ёрдамида фрезалаш


Фрезанинг чиқиши  $l_{\text{чиқ}}$  фрезанинг диаметрига қараб 2-5 мм оралиғида қабул қилинади.

Столнинг айланма сурилиши орқали фрезалаш учун асосий вақт қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$t_a = \frac{(l_a + l_{\text{кес}})i}{S_m} \quad [\text{мм}]$$

Йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда  $i = 1$  бўлади.

**Сидириш усули билди ясси сиртларга ишлов бериш.** Ташқи ясси сиртларни (шаклдор сиртларни ҳам) сидириш юқори унумдорли ва ишлов бериш кам таннархда бўлганлиги сабабли йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда янада кенг қўлланилмоқда; бу усул жиҳоз ва асбобларнинг юқори нархда бўлишига қарамасдан, иқтисодий жиҳатдан афзалдир. Кўп операциялар фрезалаш ўрнига ташқи сидириш воситасида бажарилади. Бундай операцияларга двигателларнинг блокларидаги ва бошқа деталлардаги пазларни, ариқчаларни, ясси сиртларни, шестерянинг тишларини ва бошқаларни сидириш киради.



13.5-расм. Ясси сидиргичларнинг схемалари:  
а – оддий сидиргич; б, в, г – прогрессив сидиргичлар

Ташқи дастлабки ишлов берилмаган сиртларни сидириш усули билан ишлов беришда сидиргичнинг бир ўтишида юқори аниқликка ва сирт тозалигига эришиш мумкин. Ишлов бериш жараёнида ҳар бир кесувчи тиш қўйим қатламининг бир қисмини кесиб ўтади, калибрловчи тишлар эса сиртни тозалайди, шу билан бирга тишлар ўзининг кесиши хусусиятини ва шаклини узоқ давр мобайнида йўқотмайди.

Поковка ва қўймаларнинг сиртларига ишлов беришда оддий ясси сиртли сидиргичларни (13.5-расм, а) эмас, балки прогрессивларини (13.5-расм, б, в, г) қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кенг сиртларни (50 мм дан катта) ташқи сидириш ёрдамида ишлов беришда бир неча сидиргич ёнма-ён ўрнатилиди.

Ташқи сиртларни сидириш, кўпинча вертикал сидириш дастгоҳларида — ярим автомат ва автоматларда баражилади.

Оммавий ишлаб чиқаришда юқори унумдорли узлуксиз ишлайдиган дастгоҳлар қўлланилади.

## **13.2. Деталларнинг ясси сиртларига якуний ишлов бериш**

**Ясси сиртларни жилвирлаш.** Ясси сиртларни жилвирлаш ҳам дағал, ҳам тоза ишлов беришда пардозлаш учун қўлланилади. Сиртларни дағал жилвирлаш дастлабки ёки якунловчи операция бўлиши мумкин, агар юқори аниқлик ва сирт тозалиги талаб қилинмаса, дағал жилвирлашда қўйим фрезалаш ва рандалашдаги қўйимга нисбатан кичик бўлиши керак. Катта қўйимда дағал жилвирлаш иқтисодий жиҳатдан тежамли бўлмайди. Дағал жилвирлаш, агар деталь сиртида қаттиқ увоқлар бўлса ёки материалнинг қаттиқлиги фрезалаш ёки рандалашга қийинчилик туғдиргандагина қўлланилиши мумкин. Деталларнинг ясси сиртлари кам бикирликка эга бўлганда ҳам дағал жилвирлаш қўлланилиши мумкин.

Агар фрезалаш усули билан юқори аниқликдаги ва тозалиқдаги сирт ҳосил қилишга имкон бўлмаса, бунга сиртларни дағал ва тоза жилвирлаш орқали эришилади.

Сиртларни тоза жилвирлаш майда донали яхлит думалоқ жилвиртош доиралари ёрдамида амалга оширилади. Жилвирлаш жилвиртош доирасининг торец қисми ва четида амалга оширилади.

Жилвиртош доирасининг торец қисмida жилвирлаш чет қисмida жилвирлашга нисбатан унумдорли бўлади, чунки жилвиртош доирасининг торец қисмida жилвирлаш жараёнида унинг кўп сирти ишлов бериладиган деталга тегиб туради ва бир вақтнинг ўзида кўплаб абразив доначалар ишлайди, шу билан бирга жилвирлашнинг ушбу усулида юқори аниқликка эришишни таъминлайди, кўрсатилган асбобларга жилвирлашнинг ушбу усули кенг тарқалган.

Жилвиртош доирасининг четида жилвирлаш унумдорлиги паст, лекин унинг ёрдамида жилвиртош доирасининг торец қисмida жилвирлашга қараганда, юқори аниқликка эришиш мумкин, шунинг учун ўлчов асбоблари ва бошқа асбобларнинг деталларини якуний пардозлаш ишлари учун қўлланилади.

Ясси жилвирлаш дастгоҳлари дастлабки жилвирлаш учун, дағал ва тоза (аниқ) жилвирлаш учун тайёрланади.

Дагал жилвирловчи дастгоҳлар:

- а) бир томонлама (бир томонда ишлов бериш учун) — шпинделли горизонталь ёки вертикаль ҳолатда жойлашган;
- б) икки томонлама (икки томондан ишлов бериш учун) — шпинделлари горизонталь ҳолатда жойлашган икки шпинделли бўлади.

Дастлабки ва тоза (аниқ) жилвирловчи дастгоҳлар:

- а) жилвиртош доирасининг торең қисмида ишлаш учун тўғри бурчакли столли ва думалоқ столли; охиргиси бир шпинделли ва икки шпинделли бўлади;

- б) жилвиртош доирасининг четки қисмида ишлаш учун тўғри бурчакли столли ва думалоқ столли дастгоҳлар бўлади.

Карусел турқумидаги дастгоҳда жилвиртош доирасининг торең қисмида ясси жилвирлаш учун асосий вақт қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{a}{S_b n} \frac{l}{m} k \quad [\text{мин}],$$

бу ерда  $a$  — бир томонининг қўйими мм;  $S_b$  — столнинг бир марта айланишига тўғри келадиган жилвир тошнинг вертикаль сурилиши мм;  $n$  — столнинг минутига айланишлари сони;  $m$  — столга бир вақтнинг ўзида ўрнатиладиган деталлар сони;  $k$  — жилвирлаш аниқлигини ҳисобга олувчи коэффициент.

**Ясси сиртларни абразивлар ва шаберлар ёрдамида пардозлаш.** Ясси сиртларни якунловчи тоза ишлов берувчи пардозлаш — жилвирлашдан ташқари абразив асбоблар ёрдамида ишқалаш ва ялтиратиш билан ҳам амалга оширилади. Тоза сиртларни абразивларни қўллаб якунловчи пардозлаш ташқи цилиндрик сиртларни пардозлаш каби амалга оширилади.

Ясси сиртларни шаберлашни дастаки шаберда ёки меҳаник усулда бажариш мумкин.

Биринчи усул кўп вақт сарфини ва ижро этувчининг юқори малакали бўлишини талаб қиласди, шу билан бирга юқори аниқликни таъминлайди.

Иккинчи усул (механик) маҳсус дастгоҳлар ёрдамида амалга оширилади. Бу дастгоҳларда шабер кичик қувватга

эга бўлган электродивигателдан илгариланма- қайтма ҳарачатни олади. Шаберлашнинг бундай усули кам вақт сарфини талаб қиласди, бироқ уни мураккаб сиртларни шаберлашга ишлатиб бўлмайди ва унинг қўлланиши чегараланган. Биринчи усул кенг тарқалган.

Шаберлашнинг асосий вақти қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = t_1 F k \text{ [мин]},$$

бу ерда  $t_1 = 1 \text{ см}^2$  сиртни шаберлаш учун сарфланган вақт мин;  $F$  — ишлов берилган сирт майдони  $\text{cm}^2$ ;  $k$  — турли омилларни ҳисобга олуви чоёвчи коэффициент (ишлов бериладиган металл ва унинг қаттиқлиги, қўйим қиймати, шаберлаш аниқлиги ва бошқа).

### ***Синов саволлари***

1. Ясси сиртларга ишлов беришда рандалаш усули қандай пайтларда қўлланилади?
2. Нима учун ясси сиртларга ишлов беришда ўйиш усули қўлланилади?
3. Фрезалаш усули бошқа усулларга қараганда қандай афзаликварга ва камчиликларга эга?
4. Қарама-қарши ва йўлаки фрезалаш усулларидан қайси бири афзалроқ?
5. Оммавий ишлаб чиқаришда сидириш усули қўлланиладими? Нима учун?
6. Ясси сиртларга ишлов беришда қайси усул энг кўп самара беради?
7. Ясси сиртларни жилвирлаш қачон қўлланилади?
8. Қачон фрезалаш ўрнига жилвирлаш усули қўлланилади?
9. Жилвир тошнинг тореъ қисемида ва четида жилвирлашнинг қандай афзаликлари бор?
10. Ясси жилвирловчи дастгоҳларнинг қандай турлари бўлади?
11. Ясси сиртларни пардозлашнинг қандай турлари мавжуд?

## ШАКЛДОР СИРТЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ

Шаклдор сиртларга ўз шакли билан текислиқдан, цилиндрдан ва конусдан фарқ қиласынан сиртлар киради.

Айланма сирт шаклидаги деталлар (масалан, шаклдор даста) ва түғри чизиқли сирт шаклидаги деталлар (масалан, кулачокли шайба) энг күп учрайди.

Фазода эгри чизиқли шаклдор сиртга эга бўлган деталлар кўплаб учрайди (масалан, турбина кураклари, самолёт пропеллерининг парраги ва бошқа).

Шаклдор сиртларга ишлов беришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

а) ишлов бериладиган сирт шаклига эга бўлган шаклдор асбоб ёрдамида ишлов бериш; б) нусхакаш мосламада ёки ишлов бериладиган заготовкага нисбатан нормал асбобга қўл ёрдамида эгри чизиқли ҳаракат бериш орқали ишлов бериш; в) сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларда ишлов бериш.

### 14.1. Шаклдор сиртларга йўниш ва пармалаш орқали ишлов бериш

Катта узунликка эга бўлмаган шаклдор сиртлар, одатда, токарлик дастгоҳларида шаклдор кескичлар ёрдамида йўнилади. Шаклдор кескичлар стерженли, призматик ва думалоқ бўлади. Шаклдор кескич қириндини кенг олади, бу эса ишлов берилаётган деталнинг титрашига сабаб бўлади. Титрашни йўқотиш ёки камайтириш учун кичик суриш ва кичик кесиш тезлиги қўлланилади, бунда кесувчи асбоб эмульсия ва мой билан совитилиб турилади.


Деталь диаметрига (10 мм дан 100 мм гача) ва кескичининг кенглигига (8 мм дан 100 мм гача) қараб суриш 0,01—0,08 мм/айл қийматда олиниши мумкин. Деталь диаметри қанча кичик бўлса ва кескич кенглиги қанча катта бўлса, суриш шунча кичик қийматда қабул қилинади. Кўрсатилган суриш бўйича шаклдор сиртларни йўнишда кесиш тезлиги ташқи цилиндрик сиртларни йўнишдаги кесиш тезлигидан паст бўлади ва тахминан 25 - 40 м/мин ни ташкил этади.

Шаклдор сиртларни йўниш унумдорлигини ва аниқлигини ошириш мақсадида андоза бўйича йўниш амалга оширилади.

14.1 а-расмда дастани (1) нусхакаш (2) ёрдамида йўниш кўрсатилган. Тортқи (4) га маҳкамланган ролик (3) суппорт билан биргаликда бўйлама ҳаракатни амалга оширади. Шу билан биргаликда ролик нусхакаш 2 нинг пластинкалари орасидаги ҳосил бўлган ариқчалар ичида эгри чизиқ бўйича ҳаракатланади ва кўндаланг йўниш бўйича суппорт салазкасини кескич билан биргаликда ҳаракатлантиради. Кескич ролик ҳаракати бўйича эргашади ва шундай қилиб, нусхакаш шаклига тўғри келувчи шаклни деталь сиртига кўчиради.

Деталларнинг шаклдор сиртлари баъзида бир томонли нусхакаш ёрдамида йўниллади. Бундай ҳолларда дастгоҳ станинасининг орқа томондан трос ёрдамида осиб қўйилган ва каретка билан биргаликда суриладиган роликли юк ёрдамида нусхакаш тортилади (14.1 б-расм). Нусхакаш (1) плита (2) га маҳкамланган бўлади. Ролик (4) юк (5) нинг таъсирида нусхакаш (1) га ҳар доим тегиб туради. Ролик тортқи (3) га маҳкамланган ўқда айланади.

14.1 в -расм да поршеннинг сферик сиртини нусхакаш (2) ролик (3) ва пружина (1) кўллаб йўниш кўрсатилган.



14.1-расм Нусхакаш бунича шаклдор сиртларни иуниш:  
а — тортқига маҳкамланган ролик, б — юкли ролик,  
в — пружинали ролик.


Янги конструкциядаги токарлик дастгоҳларида шаклдор сиртларга махсус (гидро нусхакаш ёки электро нусхакаш) мосламаларда автоматик равишда ишлов берилади.

Ирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда конуссимон сиртларга 1721 ва 1731 моделли күп кескичли дастгоҳларда иккала суппортидан фойдаланиб ишлов бериш мумкин.

Вертикаль пармалаш дастгоҳларида махсус шаклдор асбоб ёрдамида шаклдор сиртларга ишлов берилади. Деталда шаклдор тешик ҳосил қилишда аввал тешик пармаланиб, кейин шаклдор пероли парма ёрдамида тешикда керакли шакл ҳосил қилиши мумкин.

#### 14.2. Шаклдор сиртларга фрезалаш, рандалаш ва сидириш усуллари билан ишлов бериш

**Фрезалаш.** Диск туридаги деталларнинг ёпиқ сиртлари ва ёпиқ бўлмаган тўғри чизиқди — шаклдор сиртлари белги бўйича ёки нусхакаш ёрдамида фрезалаш орқали ишлов берилади. Ишлов бериш, одатда, икки ҳаракат ёрдамида амалга оширилади. Бу ҳаракатларнинг биттасини дастгоҳнинг тегишли техник сурилишидан олинади; иккинчиси — нусхакашдан; нусхакашга ҳар доим ролик бошиб турилади (ёки унинг ўрнига деталь).



14.2-расм. Дастгоҳда нусхакаш бўйича фрезалаш схемаси


Нусхакаш бўйича фрезалашда асосий ҳаракат бўлиб столнинг бўйлама сурилиши ёки думалоқ столнинг айланishi ҳисобланади. Охирги усул билан фрезалаш 14.2 арасмда кўрсатилган.

Бу усул ишлов бериладиган деталда тешик мавжуд бўлса, осон бўлади. Бундай тешик бўлмаса, аввал деталнинг биринчи ярми, кейин эса иккинчи ярмiga ишлов берилади.

14.2 а-расмда думалоқ стол (4) да маҳкамланган детал (1) ва нусхакаш (2) кўрсатилган. Ишлов бериш жараёнида червякли узатма (7) ёрдамида стол аста-секин айланади. Стол (4) дастгоҳнинг столи (5) га ўрнатилган бўлиб, у кўрсатилган стрелка К йўналиши бўйича ҳаракатланиши мумкин. Нусхакаш (2) ролик (3) га юк (6) таъсирида бо силади.

14.2 б-расмда издан борувчи тизимнинг схемаси кўрсатилган. Бу шаклдор сиртларни кўплаб фрезалаш дастгоҳида фрезалашда қўлланилади. Издан борувчи бармоқ (ёки ролик 7) нусхакаш (ёки детал) бўйича (6) ҳаракатланади, у асосий йўналишига нисбатан перпендикуляр йўналишда қўшимча ҳаракат олади. Бармоқнинг қўшимча ҳаракати нусхакаш-ўлчовчи механизм (5) орқали кучайтирувчи мослама (4) га таъсир қиласи (суюқлик, ҳаво ёки электр таъсирида), у электрон реле ва бошқа маҳсус қурилма ёрдамида ижро этувчи мослама (3) га нусхакашнинг бармоқقا сезиларсиз таъсирини етказади (гидравлик цилиндрлар, электромеханик тизимлар ва бошқ.). Кенгайтирувчи мослама кесимдаги суриш босимини енгиб ишлов бериладиган детал (1) столи билан биргаликда ёки асбоб (2) билан биргаликда шпиндель каллагини издан борувчи бармоқнинг қўшимча ҳаракати катталигига суради. Бундай турдаги дастгоҳлар кўп шпинделли қилиб ҳам тайёрланади.

**Рандалаш.** 14.3 а-расмда деталь (2) нинг йўналтирувчи сиртларидаги мойловчи ариқчаларини бўйлама рандалаш



14.3-расм. Нусхакаш ёрдамида шаклдор сиртларни рандалаш:  
а – дастгоҳ столига ўрнатилган; б – кронштейнга маҳкамланган

дастгоҳларнинг столи (3) га ўрнатилган нусхакаш (1) ёрдамида рандалаш кўрсатилган.

14.3 б-расмда деталлардаги (1) бўртиқ сиртларни бўйла-ма рандалаш дастгоҳнинг столига ўрнатилган мослама (2) нинг кронштейни (3) га маҳкамланган ранда (4) ёрдамида ранлалаш кўрсатилган.


**Сидириш.** Йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда баъзи бир шаклдор сиртлар сидиргичлар ёрдамида ишлов берилади.

Оммавий ишлаб чиқаришда майдада ва ўртача катталик-даги деталларнинг шаклдор сиртларига юқори унумдорликка эга бўлган каруселли ва тоннелли сидириш дастгоҳларида ишлов бериш мумкин.

### 14.3. Шаклдор сиртларга жилвирлаш усулида ишлов бериш

Шаклдор сиртлар шаклдор думалоқ жилвиртош доираси ҳамда нусхакаш ёрдамида жилвирланади.

14.4 а-расмда кўндаланг суриш орқали шаклдор думалоқ жилвиртош доирасининг тегишли шакли маҳсус мосламада айланадиган олмос ёрдамида олинади. Думалоқ жилвиртош доирасини шакллантиришда (14.4 б-расм)



14.4-расм Шаклдор сиртларни жилвирлаш:

- а — кўндаланг суриш бўйича шаклдор жилвиртош доираси ёрдамида;  
б — радиус бўйича жилвиртош доирасини шакллантириш;  
в — нусхакаш бўйича ботиқ сиртни жилвирлаш; г — золдирили подшипникнинг ариқласини; д ва е — марказсиз-жилвирлаш дастгоҳларида

ёйнинг марказий бурчагининг катталиги олмос маҳкамланган қисқич диаметри  $d$  билан чегараланади.

14.4 в-расмда бўртиқ сиртни нусхакаш  $A$  ёрдамида жилвирлаш кўрсатилган. Нусхакаш детални столни бўйлама сурилишида кўндаланг йўналиш бўйича силжитади.

Тебраниш бурчаги

Патронга маҳкамланган золдирил подшипникнинг ташки ҳалқаси ариқласининг (14.4 г-расм) маркази атрофига жилвиртош доирасининг думалаш ҳаракати ёрдамида шаклдор сирт жилвирланади, яъни думалаш радиуси ариқча радиусига тенг бўлади. Шу усул билан ҳар қандай радиусли сферик сиртни ҳам жилвирлаш мумкин.

Шаклдор сиртларни марказсиз жилвирлаш дастгоҳларида (14.4 е-расм) ҳам жилвирлаш мумкин; бу ерда 1 — жилвиртош доираси; 2 — етакловчи жилвиртош доираси.


Шаклдор сиртларни абразив тасмалар ёрдамида ҳам жилвирлаш мумкин.

#### **14.4. Дастур билан бошқариладиган дастгоҳларда шаклдор сиртларга ишлов бериш**

Металл кесувчи дастгоҳларни дастур билан бошқаришнинг турли тизимлари дастгоҳнинг ижрочи органларининг ҳаракатини берилган дастур бўйича ишлов бериш жараёнини бажаришда зарур бўлган автоматик созлаш учун хизмат қиласи.

Энг оддий тизим “тўғри бурчакли” цикл бўйича бошқариш тизимиdir. У умумий мақсаддаги 6Л12П ва 6Л82Т моделли фрезалаш дастгоҳларида ишлатилган. Бу тизимда асбоб ва ишлов бериладиган деталнинг нисбий ҳаракатланиши жараённида ишлов бериш амалга ошади, бу ҳаракатланиш берилган кетма-кетликда тўғри бурчакли координаталарда рўй беради, чунончи ҳар бир ишлов бериш моменти биттадан координата бўйича боради. Ишлов бериладиган сирт шаклига қараб ижро этувчи органларнинг ҳаракатланиш кетма-кетлиги билан аниқланувчи тўғри бурчакли цикллар вариантлари турлича бўлиши мумкин. Шундай қилиб, фрезалаш дастгоҳларида турли хилдаги шаклдор сиртларга ишлов бериш мумкин.

14.5-расмда ишчи суриш, тез юриш, бир вақтнинг ўзида асбобни олиб кетиш билан тез юриш ҳаракатларидан таш-



14.5-расм. Дастан билан бошқариладиган фрезалаш дастангоҳларида ишлов беришнинг түғри бурчакли цикллари вариантылари

кил топган түғри бурчакли циклларнинг турли вариантылари күрсатилган. 14.5 а-расмда деталнинг ясси сиртини иккى марта ўтишда ишлов бериш учун ҳаракатлар цикли күрсатилган; 14.5 а-расмда поғоналарининг баландлиги бир хил бўлган поғонали сиртга ишлов бериш учун; 14.5 в-расмда поғоналарининг баландлиги ҳар хил бўлган поғонали сиртга ишлов бериш учун ва 14.5 г-расмда чиқиқларга эга бўлган цилиндрик сиртни ишлов бериш учун ҳаракатларнинг цикллари күрсатилган.

Юқорида күрсатилган дастан билан бошқариладиган фрезалаш дастангоҳлари ричаг, кронштейн, қопқоқ, асбобларнинг корпуслари ва шунга ўхшаш деталларнинг ўрта ва майда қуймаларига ишлов беришда кенг қўлланилади; ишлов бериш жараёни тўлиқ автоматлашган ишчи циклда амалга ошади, дастангоҳда

ишловчи ишчи фақат заготовкани ўрнатиб, тайёр детални олиб туради. Бундай дастангоҳларнинг унумдорлиги оддий фрезалаш дастангоҳларидан 30—50 % юқори бўлади.

Детал шаклининг мураккаблиги ва талаб қилинган ишлов бериш аниқлигига қараб дастанни созлаш учун 0,5—2 соат вақт сарфланади.

### *Синов саволлари*

1. Шаклдор сиртга қандай сиртлар киради?
2. Нима учун ҳар қандай сиртларга ишлов беришда шаклдор кескичлардан фойдаланиб бўлмайди?
3. Шаклдор кескич ёрдамида ишлов беришда кесиш режими қандай танланади?
4. Шаклдор сиртларга қайси усулда ишлов бериш мақсадга мувофиқ бўлади?
5. Шаклдор сиртларни жилвирлаш қандай амалга оширилади?
6. Дастан билан бошқариладиган дастангоҳларда шаклдор сиртларга ишлов беришнинг моҳияти нимадан иборат?
7. Дастан билан бошқариладиган дастангоҳларда шаклдор сиртларга ишлов беришда унумдорлик қанча ошади?


## ТИШЛИ СИРТЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ

Тишли филдираклар цилиндрик, конуссимон ва червяклиларга бўлинади. Конфигурацияси бўйича тишли филдираклар силлиқ дискли ёки шлицали тешикли дискли қилиб ҳамда фланец ва валикли (думли) кўринишда тайёрланади. Цилиндрик тишли филдираклар тўғри, спиралли ва шеврли; конуссимонлари тўғри, қийшиқ ва эгри чизиқли тишли қилиб тайёрланади.

### 15.1. Дискли ва бармоқли фрезаларда нусха кўчириш усулида тишли филдиракларда цилиндрик тишларни кесиш

Цилиндрик тишли филдиракларда тўғри тишларни бўлувчи каллакли горизонтал ва универсал фрезалаш дастгоҳларида модулли дискли фрезалар ёрдамида кесилади. Бу усул нусха кўчириш усули деб аталиб, тишлар орасидаги чўкмани кетма-кет шаклдор дискли модулли фреза ёрдамида фрезалашдан иборат. Бундай фрезалар ҳар бир модул учун 8 ёки 15 донадан иборат тўпламда тайёрланади. Одатда, 8 донадан иборат фрезалар тўплами ишлатилади, буларда ишлов берилганда, қуйи аниқликдаги тишли филдирак ҳосил қилинади, лекин янада аниқлиги юқори бўлган тишли филдираклар тайёрлаш учун 15 ёки 26 та фрезалардан иборат туркум талаб қилинади. Бундай миқдордаги фрезалардан иборат туркум тишли филдиракнинг тишлари орасидаги чўкмаларнинг ўлчами турлича бўлганлиги сабабли зарур бўлади. Ҳар бир фрезалар туркуми маълум бир тишлар сонининг интервалига мўлжалланган.

Тишли филдираклар, одатда, битталаб (15.1-расм, а) ёки оправкада бир нечталаб (15.1-расм, б) кесилади, бу эса фрезанинг кесиб олиш йўли ва кесиб чиқишига кетган вақт ҳамда ёрдамчи вақт ҳисобига унумдорликни оширади. Агар шпиндель қисқичига иккита ёки учта фреза ўрнатилса (15.1-расм, в), ҳар бир фреза биттадан гуруҳдаги заготовка тишларининг чўкмасини кесади, бунда унумдорлик янада ошади. Бундай ҳолатларда кўп шпинделли бўлувчи каллак (15.1-расм, г) қўлланилади. Бундай мақ-



15.1-расм. Тишли гилдирак тишларини дискли модулли фреза ёрдамида кесиш

садда ёрдамчи ҳаракатлари (заготовкани фрезаларга келтириш, уларни бошланғич ҳолатта олиб кетиш, заготовкани бир тишга айлантириш ва дастгоҳни тұхтатиши) автоматик равишида бажариладиган ярим автоматик дастгохларнинг құлланиши унумдорлыкни янада оширади.

Автоматик бўлувчи механизмли тиш кесувчи дастгохларда модулли дискли фрезалар ёрдамида цилиндрик тишли гилдиракларнинг түғри тишларини кесишда асосий вақт қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = (l_a + l_{\text{kes}} + l_{\text{чиш}}) \left( \frac{l}{S_{u_{\text{ко}}} + \frac{l}{S_{o_{\text{ко}}}}} \right) \frac{Z_1}{m} + \frac{\tau ii}{m} \quad [\text{мин}].$$

бу ерда  $l_a$  — кесиладиган тиш узунлиги мм;  $l_{\text{kes}}$  — кесиб олиш узунлиги мм;  $l_{\text{чиш}}$  — кесиб чиқиш узунлиги мм;  $S_{u_{\text{ко}}}$  — ишчи юришдаги минутига суриш мм/мин;  $S_{o_{\text{ко}}}$  — минутига орқага юриш мм/мин;  $Z$  — кесиладиган гилдиракдаги тишлилар сони;  $i$  — ўтишлар сони;  $m$  — бир вақтда кесиладиган тишли гилдираклар сони;  $\tau$  — заготовкани битта тишга буриш учун кетган вақт мин.

Кесиб олиш узунлиги  $l_{\text{kes}}$  — қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$l_{\text{kes}} = \sqrt{t(D_D - t)} + (1 \div 2) \quad [\text{мм}].$$

бу ерда  $t$  — тишилар орасидаги кесиб олинадиган чўкманинг чуқурлиги мм;  $D_{\phi}$  — фрезанинг диаметри мм.

Ишчи юришдаги минутига суриш:

$$S_{u_{\text{ко}}} = S_z \cdot Z \cdot n$$

бу ерда  $S$  — фрезанинг битта тишига түғри келадиган сурыш мм;  $n$  — фрезанинг минутига айланышлари сони.

Дискли модулли фрезаларда тишининг қиялик бурчаги бўйича фрезани буриб, қийшиқ тишли цилиндрик тишли филдирақларга ишлов бериш мумкин.

Цилиндрик тишли филдирақларда дискли модулли фрезалар ҳамда бармоқли фрезалар ёрдамида тишли гилдирақларни кесини якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришнинг маҳсус тешик кесувчи дастгоҳлари бўлмаган ҳолларда қўлланилади, чунки бу усулда кесиш унумдорлиги ва аниқлиги паст бўлади.

## **15.2. Тишли филдирақлардаги тишларни думалатиш усулида ўйиш**

Бу усулда тишларга ишлов беришнинг моҳияти шундан иборатки, яъни тишли жуфтлик тишилашиб, ишлов бериш жараёни амалга ошади, бунда деталларнинг бирни кесувчи асбоб, иккинчиси кесиладиган тишли филдирақлар.

Тўғри, қийшиқ ва эгри чизиқли (винтли) цилиндрик тишли гилдирақларнинг тишиларини кесиш а) червякли фреза (тиш фрезалаш); б) шестерня кўринишидаги ўйгичлар (дискли) ва в) тароқ-рейка кўринишидаги ўйгичлар (тиш ўйгич) ёрдамида амалга оширилади.

**Червякли фрезалар ёрдамида тиш кесиш.** Бу усулда тиш кесишда тиши фрезалаш ва кесувчи асбоб — червякли фреза талаб қилинади.

Фреза ўқи фреза ариқчаларининг винтсимон чизиқлари кўтарилиш бурчаги  $\alpha$  га тенг қияликда бурала оладиган қилиб фреза суппортига маҳкамланади. Кесиладиган тишли филдирақ дастгоҳ столига ўрнатилади; заготовканинг тиши чуқурлиги ва ўз ўқи бўйича айланма ҳаракат қила олиши учун стол станица бўйича ҳаракат қила олади, шу сабабли червякли фрезага нисбатан тишли филдирақнинг думаласи амалга ошади. Суппорт фреза билан биргаликда тишли филдирақнинг ўқи бўйлаб суриш ҳаракатини амалга оширади. Қийшиқ тишли гилдирақларни фрезалашда фреза ариқчаларининг винтсимон чизиқларининг қиялигини ва тишли филдирақ спирали бурчагини ҳисобга олган ҳолда фреза ўрнатилади.

Цилиндрик тишли филдиракларда модулли фреза ёрдамида түғри тишларни кесишдаги асосий вақт қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{(l_a m + l_{\text{kec}} + l_{\text{чиk}})}{S n g m} Z i \text{ [мин].}$$

бу ерда  $l_a$  — кесиладиган тиши узунлиги мм;  $m$  — бир вақтда кесиладиган тишли филдираклар сони;  $l_{\text{kec}}$  — кесиб олиш узунлиги мм;  $l_{\text{чиk}}$  — кесиб чиқиши узунлиги мм;  $Z$  — тишли филдиракта кесиладиган тишлар сони;  $S$  — тишли филдиракнинг бир марта айланишига түғри келадиган суриси мм;  $n$  — фрезанинг киримлари сони (тоза ўтиш учун  $g=1$ ; хомаки ўтиш учун  $g=2$  тавсия этилади);  $i$  — юришлар сони.

Кесиб олиш узунлиги  $l_{\text{kec}}$  қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$l_{\text{kec}} = (1,1 \div 1,2) \sqrt{l(D_{\phi} - t)},$$

бу ерда  $t$  — тишлар орасидаги кесиладиган чўкманинг чуқурулиги мм;  $D_{\phi}$  — червякли фреза диаметри.

Кесиб чиқиши учун масофа  $l=2 \div 3$  мм қилиб олинади.

**Ўйгичлар ёрдамида тиши кесиш.** Ўйгичлар шестерня ва тароқ кўринишида бўлиб, улар ёрдамида тиши ўйгич дастгоҳларида думалатиш усулида тиши кесиш мумкин.

Ўйгич кесувчи асбоб бўлиб, кесиладиган тишли филдирак модулига эга бўлган шестерня шаклида бўлади, ўйгичлар ички ва ташқи ўйиш учун тайёрланади.

Ўйгични горизонтал суриси орқали иккита усул билан ўйишни амалга оширилади:

1. Махсус ва автоматик бўлувчи механизмининг юритувчи винти ёрдамида (йирик дастгоҳларда).

2. Учта махсус андозалардан бирининг ёрдамида 1-2 мм модулли тишли филдираклар бир марта ўтишида ишлов берилади, 2,25-4 мм модуллилар икки марта ўтишда ва 4 мм дан катта модулли ҳамда модули кичик бўлса-да, ишлов бериш аниқлиги ва юқори сирт тозалиги талаб қилинадиганлари уч марта ўтишда ишлов берилади.


Одатда, ҳаттоқи ўрта модулли тишли филдиракларга дастлаб тиши фрезалаш дастгоҳларида ишлов берилади, тоза ишлов бериш эса тиши ўйгич дастгоҳларида бир ўтишда ва баъзида икки ўтишда амалга оширилади.

Тиш фрезалаш дастгоҳларида тиш кесиши тиши ўйиш дастгоҳларида тиш кесишига нисбатан юқори унумдорликка эга бўлади. 5 мм ва ундан катта модулли тишларга ишлов беришда кўп миқдорда металл кесилади, шунинг учун бундай шароитда тиш фрезалаш дастгоҳлари тиши ўйиш дастгоҳларига нисбатан юқори унумдорликка эга бўлади. 2,5 мм гача модулли тишларни кесишида металл нисбатан кам миқдорда кесилади, шунинг учун тиши ўйиш дастгоҳларида унумдорлик ва аниқлик юқори бўлади. Ўрта модулли (2,5 мм дан 5 мм гача) тишларга ишлов беришда тиш фрезалаш ва тиши ўйиш дастгоҳлари унумдорлик бўйича бир хил имкониятга эга, бироқ тиш фрезалаш дастгоҳларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Тез юрувчи тиши ўйиш дастгоҳларида ўйгич минутига 600-700 марта илгариланма-қайтма ҳаракатланади ва улар юқори унумда тиш кесиши имкониятига эга эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Дискли ўйгичлар ёрдамида тиши ўйгич дастгоҳларида тишли фидирларда тиш кесишида асосий вақт қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t = \frac{h}{S_p n} + \frac{tz}{S_a n} i = \frac{h}{S_p n} + \frac{\pi M z}{S_a n i} i \quad [\text{мин}],$$

бу ерда  $h$  — кесиладиган тишлар орасидаги чўкманинг чуқурлиги мм;  $S_p$  — ўйгичнинг бир марта иккиланма юриши бўйича радиал суриш мм;  $n$  — ўйгичнинг минутига иккиланма юришлари сони;  $t$  — кесиладиган тишнинг фидирлар қадами мм;  $z$  — фидирлардаги кесиладиган тишлар сони;  $S_a$  — ўйгичнинг бир марта иккиланма юришига тўғри келадиган тишли фидирларнинг айланма сурилиши мм/айл;  $i$  — ўтишлар сони;  $M$  — кесиладиган фидирлардаги тишлар модули мм.



15.2-расм. Цилиндрик тишли фидирларда тиш йўниш

Тиш ўйишнинг унумдорлигини тиш ўйинш дастгоҳининг штосселига бирданига иккита ёки учта ўйгични ўрнатиб дастлабки ва тоза тиш кесишни қўшиб амалга ошириш мумкин.

### 15.3. Цилиндрик тишли гилдиракларни тиш йўниш усулида кесиш

Тиш йўниш деб аталадиган тишларни йўнишнинг янги усули кўп кескичли асбоб сифатига фойдаланиладиган, ўйгич ёрдамида тиш фрезалаш дастгоҳларида цилиндрик тишли гилдиракларнинг тўғри ва қийшиқ тишларини кесиши учун мўлжалланган.

Кесувчи асбобнинг кесиладиган тишли гилдирак билан тишлашишини иккита винтли тишли гилдиракнинг тишкашини деб қараса бўлади, яъни бунда кесиш жараёни амалга ошидиган ҳаракат ҳисобланган тишлар сиртларининг бўйлама сирпаниши рўй беради. Тиш фрезалаш дастгоҳларида червякли фрезанинг ўрнига заготовка ўқига нисбатан β бурчак остида ўйгич ўрнатилади (15.2-расм).


Ўйгич ва заготовка бурчаклари шундай ташланадики, бунида асбобнинг винтли чизиклари билан заготовка ора-

сидаги бурчак фарқи нолга teng бўлмаслиги керак.

Тўғри тишлар қийшиқ ўйгич (15.2 а-расм) билан, қиялик бурчаги  $45^\circ$  бўлган қийшиқ тишлар тўғри тишли ўйгич (15.2 б-расм) билан кесилади. Бу усулининг унумдорлиги бир киримли фрезада тиш фрезалаш унумдорлигидан 2-4 марта юқори бўлади.

Тиш йўниш усули билан тиш кесишда асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{(l_a + l_{kec} + l_{umk})Z}{S \cdot n \cdot Z_c} \text{ [мин].}$$



15.3-расм. Цилиндрик червякларга ишлов бериш

бу ерда  $l_a$  — кесиладиган тишининг узунлиги мм;  $l_{kec}$  — кесиб олиш

узунлиги мм;  $l_{\text{чиш}}$  — кесиб чиқиши узунлиги мм;  $Z$  — кесиладиган фиддирақтаги тишлар сони;  $S$  — заготовканинг бир марта айланишига түғри келадиган суриш, мм;  $n$  — ўйгичнинг мм даги айланишлари сони;  $Z_v$  — ўйгичнинг тишлари сони.

#### 15.4. Червякларга ишлов бериш


Архимедли, эвольвентли, конволютли ва глобоидли червяклар кенг тарқалган. Архимедли червяклар (15.3-расм, а) кўпинча токарлик дастгоҳларида кесилади, бунда кескичларнинг түғри чизиқли кесувчи қирралари трапециадаль резьбани кесишдаги каби ўқ бўйича кесимда жойлашади.

Бундай червякнинг винтли сирти тороц сирти томонидан архимед спиралини ҳосил қылгани учун архимедли червяк деб аталади. Бундай червяклар трапециадаль резьбали оддий винтни эслатади.

Архимедли червяк ўқ бўйича кесимда кескичнинг профиль бурчагига тенг бўлган бурчакли түғри томонли профилга эга бўлади.

Йирик серияли ишлаб чиқаришда архимедли червяклар эгри чизиқли кесувчи қиррага эга бўлган дискли фрезалар ёрдамида фрезаланади (15.4 а-расм).

Бундай червяклар модулига қараб ҳар бир томонига 0,1 — 0,2 мм кесиш чуқурлигига дискли конусли ёки тарелкасимон думалоқ жилвир тошлар ёрдамида жилвирланади (15.4 г-расм). Кичик модулли червякларни резьба жилвирлаш дастгоҳларида ёки 15.4 д-расмда кўрсатилганидек, маҳсус мосламага эга бўлган токарлик дастгоҳларида жилвирлаш мумкин. Бундай мослама ёр-



15.4-чиズма.  
Червякларга ишлов  
бериш

дамида йирик модулли червякларни ҳам жилвирлаш мумкин.

Эвольвентали червяклар (15.4 б-расм) винтли эвольвентали сирти асосий цилиндрининг радиуси катталигига, кесувчи асбобнинг тўғри чизиқли кесувчи қирраларининг сурилишида ариқчанинг ҳар бир томонига алоҳида ишлов бериб токарлик дастгоҳларида кесилади.

Ҳозирги пайтда йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда архимедли ва эвольвентали червяклар тиш кесувчи ўйгичларга ўхшаш думаловчи дискли кескичлар (15.4 в-расм) ёрдамида маҳсус дастгоҳларда кесилади. Суриш асбоб орқали червяк заготовкаси ўқи йўналишида, заготовканинг ва кескичнинг айланиши ҳисобига амалга ошади.

Ариқчасининг нормал кесимида тўғри томонли профилга эга бўлган червяк конволюти деб аталади (15.4 в-расм). Бундай червякни червяк ариқчасининг ён сиртларига нормал жойлашган кескичлар ёрдамида кесилади.

Глобоидли червякларни кесиши учун тиш фрезалаш дастгоҳида маҳсус мослама талаб қилинади.

## 15.5. Тишли филдирак тишларини сидириш

Ташқи ва ички мураккаб кўринишдаги шаклдор сиртларни сидириш ишлов беришнинг юқори унумдорлигини ва аниқлигини таъминлайди. Шунинг учун бу усул тиш кесишда қўлланила бошлаган. Иккита тишли филдиракдаги тишлар профилига тўғри келадиган профилли сидиргич ёрдамида кетма-кет сидириш орқали ишлов берилади. Сидиргичнинг ҳар бир ўтишидан кейин столнинг бўлувчи механизми воситасида заготовка бурилади. Бундай усулда катта ўлчамдаги тишли филдиракларда тишлар буралувчи думалоқ столга эга бўлган вертикаль сидириш дастгоҳларида кесилади, бунда тиш профилининг етарли даражадаги аниқлигидаги шакли ҳосил бўлади, бироқ столнинг бўлувчи механизмининг хатоликлари туфайли тиш қадамининг юқори аниқлигига эришиб бўлмайди.

Тишли секторлар оддий горизонтал сидириш дастгоҳларида сидириш орқали ишлов берилади, бунда си-


диргичнинг бир марта ўтишида секторнинг барча тишлиари кесилади ва секторни бураш талаб қилинмайди. Тишли секторларга бу усулда ишлов беришнинг унумдорлиги, тишнинг профили ва қадами бўйича аниқлиги юқори бўлади.

Сидиргич конструкциясининг ва қиринди чиқариб юбориш мураккаб бўлганлиги сабабли тишли филдиракларнинг барча тишларини бир вақтда сидириш кенг тарқалмаган.

### 15.6. Конуссимон тишли филдиракларда тишларни кесиш

Юқори аниқликдаги конуссимон тишли филдиракларда тишларни кесиш учун маҳсус тиш кесиш дастгоҳлари талаб қилинади, бундай дастгоҳлар бўлмаса, тўғри ва қийшиқ тишли конуссимон филдиракларда тишларни универсал фрезалаш дастгоҳларида бўлувчи каллакка ўрнатилган дискли модулли фрезалар ёрдамида кесилади, бунда ишлов бериш аниқлиги паст бўлади.

Конуссимон тишли филдиракнинг заготовкаси бўлувчи механизм (2) шпиндели оправкасига ўрнатилади (15.5 а-расм), бўлувчи механизм шпинделининг қисқичи иккита тишлар орасидаги чўкма горизонтал ҳолатни эгаллайдиган қилиб вертикал сиртда буралади. Одатда, тиш-



15.5-расм. Конуссимон тишли филдиракларда тиш фрезалаш  
14— А.И. Омиров, А.Х. Қаюмов 209

лар уч марта ўтишда кесилади, кичик модулли тишлар эса икки марта ўтишда кесилади. Биринчи ўтишда тишлар орасидаги чўқма  $b_1$  (15.5 б-расм) кенгликда фрезаланади; фреза шакли тиш чўқмасининг энг тор бўлган чеккаси шаклига тўғри келади; иккинчи ўтиш бўлувчи каллак столини  $\alpha$  бурчакка буриб, тишнинг ташқи профилига тўғри келадиган профилга эга бўлган модулли фреза ёрдамида амалга оширилади:

$$\operatorname{tga} = \frac{b_1 - b_2}{2l},$$

бу ерда  $b_1$  — тишлар орасидаги чўқманинг тишнинг кенг бўлган чеккасидаги кенглиги мм;  $b_2$  — тишлар орасидаги чўқманинг тишнинг тор бўлган чеккасидаги кенглиги мм;  $l$  — чўқманинг узунлиги мм.

Бундай ҳолатда тишларнинг барча чап ёnlари фрезаланади (майдонча 1 – 15.5 б-расм). Учинчи ўтишда тишларнинг барча ўнг ёnlари фрезаланади (майдонча 2), бунинг учун ўша бурчакка, аммо қарама-қарши йўналишга бурилади.

Тўғри тишли аниқ конуссимон тишли филдиракларни кесиш учун серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда янада унумдорли дастгоҳлар — тиш рандалаш дастгоҳлари қўлланилади, бу дастгоҳларда тишларга думалатиш усулида ишлов берилади. Модули 2,5 дан юқори бўлган тишли филдираклар дастлаб профилли дискли фрезаларда бўлиш усулида кесиб олинади, шундай қилиб мураккаб тиш ўйиш дастгоҳларидан дастлабки ишлов бериш учун унумли фойдаланилади.

15.5 в-расмда йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда қўлланадиган маҳсус ёки маҳsusлаштирилган дастгоҳда учта конуссимон тишли филдирак тишларини бир вақтда дастлабки ишлов бериш кўрсатилган. Дастгоҳ автоматик равишда бўлувчи ва бир вақтда барча ишлов бериладиган заготовкани бурувчи мослама билан жиҳозланган.


15.5 г-расмда маҳсус дастгоҳда иккита дискли фрезалар ёрдамида тишларга дастлабки ишлов берилади.

Йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда ўлчами катта бўлмаган конуссимон тишли филдиракларда тиш-

ларга дастлабки ишлов беришда учта заготовкани бўлиш, тўхтатиш, келтириш, олиб кетиш автоматик равишида бажариладиган тиш кесиш дастгоҳларида бир вақтда фрезалаш бажарилади, 15.5-расм д да маҳсус дискли фреза атрофида жойлашган учта заготовкада бир вақтда тишлар фрезалаш учун уч шпинделли юқори унумдорли дастгоҳнинг шпинделлари жойлашишининг схемаси тасвирланган. Дастгоҳда ишловчи ишчи каллакнинг оправкасига детални кетма-кет ўрнатади, каллакни таянчгача олиб келади ва ўзиюрарни юргизади. Қолган барча ҳаракатлар автоматик равишида амалга ошади: ишчи суриш, кесиладиган фиддиракнинг орқага сурилиши ва унинг бир тишга бурилиши, навбатдаги кесиш учун келтириш, ўчириш. Бу пайтда келган иккита каллак ишлашни давом эттириб тураверади. Тишларни тоза кесиш тиш рандалаш дастгоҳларида бажарилади.

### 15.7. Тишли фиддиракларнинг тишларини думалоқлаш

Узатмалар кутиси ва айланниб турган ҳолатда бошқа тезликка алмаштириладиган тишли фиддиракларнинг тишларининг тореци маҳсус тиш думалоқлаш дастгоҳларида бармоқли фрезалар ёрдамида нусха кўчириш усулида думалоқланади (15.6 а-расм), иш жараёнида бармоқли фреза айланади ва бир вақтнинг ўзида ёй бўйича илгариланма-қайтма ҳаракатланади, бунда ишлов бериладиган тишли




15.6-расм. Цилиндрик тишли гиддиракларнинг тишларини думалоқлаш

Филдирак тишини думалоқлади. Ишлов бериладиган тишли филдирак даврий равишда ўқ бүйича орқа томонга сурлади, ўқи атрофида битта тишига сурлади ва фреза ишлов бериш учун келтирилади. Ҳар бир тишининг торецига ишлов бериш вақти 1—3 секундни ташкил қиласиди. Бўш танали фреза ёрдамида фрезалашда юқори унумдорликка эришилади (15.6 б-расм).

## 15.8. Тишли филдираклар тишларини думалатиб ўйиш

Цилиндрик ва конуссимон тишли филдиракларнинг тишларини думалатиб ўйиш янги усул ҳисобланади.

Думалатиб ўйиш тиши кесишига нисбатан 15—20 марта унумли бўлиб, бундан ташқари металл чиқиндиси заготовка оғирлигининг бор-йўғи 3—4% ини ташкил қиласиди. 1 мм гача модули тишлар совуқ ҳолатда, 1 мм дан юқорилари қиздириб ёки аралаш (қиздириб-совуқлайн) усулда ўйилади.



15.7-расм. Тишли гилдиракларнинг тишларини думалатиб ўйиш

Тишларни думалатиб ўйиш усулини фақат модулга эмас, балки тишли филдирак конфигурацияси, тишларнинг талаб қилинган аниқлиги ва материал турига қараб ҳам танланади.

Майдо модули тишли филдиракларни совуқ ҳолатда бўйлама суришда токарлик дастгоҳларида думалатиб ўйиш мумкин. Бундай думалатиб ўйиш схемаси 15.7-расм, а да кўрсатилган. Олдинги (1) ва кетинги (5) марказларга дастгоҳ шпинделидан айланма ҳаракатни оладиган оправка ўрнатилади. Қисқичга заготовка (4) ва дастгоҳ суппортига маҳкамланган, жараён бошланнишида иккита ёки учта дума-

латувчи билан тишлишган бўлувчи тишли ғилдирак (2) ўрнатилади. Думалатиш валлари бўлувчи тишли ғилдирак (2) билан тишлишидан чиқа борган сари заготовканинг тиш ўйилган қисмидаги тишлар ёрдамида айланма ҳаракатга келтирилади.

Думалатиш валлари (3) ва (6) думалатиб ўйиладиган ғилдирак модулига тенг модулли тишли ғилдираклардан иборат бўлади.

Қиздириб думалатиб ўйишда заготовка тишлирини думалатиб ўйишга 20—30 секунд қолганда юқори частотали токларда 1000—1200°C гача қиздирилади, кейин иккита думалатиш вали ёрдамида тишлиарни ўйиш амалга оширилади.

Қиздириб думалатиб ўйиш маҳсус қувватли дастгоҳларда радиал ва бўйлама суриш орқали амалга оширилиши мумкин. Радиал суриш орқали думалатиб ўйиш 15.7-расм, б да кўрсатилган. Думалатиш валлари (2) кўндалант йўналиш бўйича ҳаракатлана оладиган шпинделларда (1) айланади. Думалатиб ўйиладиган заготовка (3) қисқич (4) га маҳкамланади. Заготовкали думалатиш валлари тишлирининг таъсири остида айланади, бунда тиш баландлиги катталигига заготовка металли пластик деформацияланади. Думалатиш валларининг иккала торец томонлари тиш шаклининг яхши тўлишини таъминлаши учун реборда (5) га эга.

Ҳозирги пайтда йирик модулли тишли ғилдиракларнинг тишлиари иссиқ ҳолатда думалатиб ўйилмоқда. 15.7-расм вда юқ автомобили орқа кўпригининг конуссимон ғилдирагининг эгри чизиқли тишлирини думалатиб ўйиш учун тиш думалатиб ўйиш станининг схемаси келтирилган. Штампланган заготовка тиш ўйилгунга қадар токарлик яrim автоматларда ишлов берилади. Кейин уни тиш думалатиб ўйиш дастгоҳининг пастки шпинделига ўрнатилади ва маҳкамланади. Индуктор ёрдамида тиш баландлигига тенг бўлган чуқурликда заготовка сирти бир минут давомида 1220—1250°C га қиздирилади сўнг индуктор автоматик равишда олиб кетилади ва тиш думалатиш вали (4) ва ғилдирак — синхронизатор (8) билан биргаликда юқориги шпиндель (2) келтирилади. Ғилдирак — синхронизатор (3) пастки шпиндель (9) га маҳкамланган конуссимон ғилдирак-синхронизатор (8) билан тишлишади. Пастки ғилдирак синх-

ронизаторнинг тишлари юқори фидирак-синхронизаторнинг тишлари билан тишлашади ва тиш думалатиш вали (4) ни айлантиради. Тиш думалатиш вали (4) нинг тишлари ва (5), (6) ребордалар думалатиб ўйиладиган фидирак (7) нинг тишларини ҳосил қиласди.

Думалатиб ўйишнинг умумий вақти 1,5 минутга тенг бўлади. Легирланган пўлатни 40% атрофида тежаш мумкин. Тишларнинг талаб қилинган аниқлиги тишни тоза механик ишлов берилгандан кейин ҳосил қилинади, бунда тишнинг ҳар бир томонида қолдирилган қўйим чукурлиги 0,2—0,3 мм бўлади.

### **15.9. Тишли фидирак тишларини тоза пардозлаш усуллари**

Тез юрар машиналарнинг кўпайиши билан шовқинсиз ишлайдиган тишли фидиракларга талаб ортди. Шовқинни камайтиришга имкон берадиган даражада тишли фидиракларни сифатли тайёрлашга қуидаги ишларни қўллаб эришилади: а) миллиметрнинг юздан бир ва мингдан бир улушларидаги аниқлик билан тишларни кесиш; б) цианлаш ва газ билан цементитлашни қўллаб, термик ишлов бериш, бундай ишлов бериш одатдаги цементитлаш ва тоблашга нисбатан тишли фидиракларда камроқ деформацияланиш ҳосил бўлишини таъминлайди; в) тишларга якуний тоза ишлов беришнинг мақбул усулларини қўллаш, бу усулларда тишли фидиракларнинг 2—3 мкм гача аниқлигига эришилади.

Шовқиннинг сабаблари фақат тишларни ишлов бериш сифатига боғлиқ бўлмай, балки тишли узатмаларни йиғишига, корпус ва валикларни тайёрлашдаги ноаниқликлар, валикларнинг деформацияланиши, мойлаш ва бошқаларга ҳам боғлиқ.

ТИШЛАРНИ ЯКУНИЙ ТОЗА ПАРДОЗЛАШ ҚУИДАГИ УСУЛЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ: а) думалатиш; б) шевинглаш; в) жилвирлаш; г) ишқалаш.

Думалатиш деб, аниқлиги  $-5$  мкм бўлган айланувчи, тобланган ва жилвирланган учта тишли фидирак (эталон) орасида тобланмаган тишли фидиракни айлантириш орқали тишларнинг силлиқ сиртини ҳосил қилиш жараёнига

айтилади. Бунда тиш шаклининг унча катта бўлмаган хатоликларини маълум бир миқдорда тўғрилашга эришилади.

Шевинглаш (инглизча to shave — русча брить) деб, майда сочсимон қириндиларни юлиб олиш орқали тобланмаган тишли фидиракларнинг тишларини тозалаб пардозлаш жараёнига айтилади.

Шевинглаш (бошқача айтганда, шевинг-жараён) икки хил усулда амалга оширилади. Биринчи усулда шевер деб аталаған махсус асбоб ёрдамида шевинглаш бажарилади. Шевер ҳар бир тишнинг ён томонларида 0,8 мм чуқурликда ариқчалар кесилган кесувчи тишли фидиракдан иборат. Бу ариқчалар кесувчи қирра бўлиб хизмат қиласди ва улар сочсимон қириндиларни юлиб олади.

Иккинчи усулда шевинглаш бошқа кўринишдаги махсус асбоб — шевер-рейка ёрдамида амалга оширилади.

Шевер-рейка ариқчали алоҳида тишлардан иборат, ҳар бир тишнинг иккала томонида ариқчалар кесувчи қирраларни ҳосил қиласди. Шевер-рейка маҳкамланган дастгоҳ столи ишлов бериш жараёнида илгариланма-қайтма ҳараткат қиласди.

### *Синов саволлари*

1. Цилиндрик тишли гидираклардаги тўгри тишлар қандай усулларда кесилади?
2. Тишли гидиракларга ишлов бериш усуллари қандай танланади?
3. Ўигич ердамида тиш кесишнинг қандай афзаликлари мавжуд?
4. Тишларни думалатиб ўйишнинг бошқа усуллардан қандай афзаликлари бор?
5. Тишли гидирак қандай пардозланади?
6. Тишли гидирак тишлари нима учун думалоқланади?
7. Тишларни қиздириб думалатиб ўйиш жарёни қандай амалга оширилади?
8. Тиш ўйниш усули билан тиш кесишда асосий вақт қандай аниқланади?
9. Тишли гидирак тишларини дискли модулли фреза ёрдамида кесишни тушунтириб беринг.
10. Тиш фрезалаш дастгоҳларида тиш кесиш тиш ўйиш дастгоҳларида тиш кесишга нисбатан унумдорлиги жиҳатдан қандай фарқ қиласди?

## XVI б о б

# ДЕТАЛЛАРНИНГ ШПОНКА АРИҚЧАЛАРИГА ВА ШЛИЦАЛИ СИРТЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ

## 16.1. Деталларнинг шпонка ариқчаларига ишлиов бериш

Валларда ва умуман, қамраб олинувчи деталларда шпонка ариқчалари призматик ва сегментли шпонкалар учун тайёрланади.


Призматик шпонкалар учун шпонка ариқчалари икки томони берк, бир томони берк ва иккала томони очиқ бўлиши мумкин.

Шпонка ариқчалари ариқча ва валнинг конструкциясига, қўлланиладиган асбобга қараб турли усулда тайёрланади. Уларни тайёрлаш умумий мақсаддаги ёки маҳсус горизонтал фрезалаш ёки вертикал фрезалаш дастгоҳларида бажарилади.

Очиқ ва бир томони берк шпонка ариқчалари дискли фрезаларда фрезалаш орқали тайёрланади (16.1-расм, а).

Ариқчани фрезалаш 1-2 ўтишда амалга оширилади. Бу усул энг унумли бўлиб ҳисобланади ва ариқча кенглигининг аниқлигини етарли даражада таъминлайди.

Очиқ ва бир томони берк шпонка ариқчаларини дискли фреза ёрдамида фрезалашдаги асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.



16.1-расм. Валларнинг шпонка ариқчаларини фрезалаш усуллари

$$t_a = \frac{l_a + l_{\text{кес}}}{S_{\text{м буй}}} \text{ [мин]},$$

бу ерда  $l_a$  — шпонка ариқчаси узунлиги, мм;

$$l_{\text{кес}} = \sqrt{\rho(D_\phi - h)} + (0,5 \pm 2) \text{ [мм]},$$

$D_\phi$  — фреза диаметри, мм;  $h$  — шпонка ариқчасининг чуқурлиги, мм;  $S_{\text{м буй}}$  — бўйлама суриш, мм.

Бу усулнинг қўлланилишини ариқчанинг шакли чегаралаб қўяди: чеккалари думалоқланган ёпиқ ариқчаларни бу усулда тайёрлаб бўлмайди: бундай ариқчалар пармасимон фреза ёрдамида бир ёки бир неча ўтишда бўйлама суриш орқали бажарилади (16.1 б-расм).

Пармасимон фреза ёрдамида фрезалашда фреза аввал вертикал суриш бўйича ариқчанинг тўла чуқурлигигача кириб боради, кейин бўйлама сурилади. Бундай усулда қувватли дастгоҳ, фрезани мустаҳкам қилиб маҳкамлаш ва совутиб туриш талаб қилинади.

Икки томони берк бўлган шпонка ариқчасини бир марта ўтишда фрезалашда асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{h + (0,5 \pm 1)}{S_{\text{м верт}}} + \frac{l_a - D_\phi}{S_{\text{м.буй}}} \text{ [мин]}.$$

бу ерда  $h$  — шпонка ариқчасининг чуқурлиги, мм;  $l_a$  — шпонка ариқчасининг узунлиги, мм;  $D_\phi$  — ариқча кенглигига тенг бўлган фрезанинг диаметри, мм;  $S_{\text{м верт}}$  — вертикал суриш, мм/мин;  $S_{\text{м.буй}}$  — бўйлама суриш, мм/мин;

Кенглиги бўйича аниқ ариқча ҳосил қилиш учун “маятникли суришли” шпонка фрезалаш дастгоҳи қўлланилади. Бу дастгоҳда ён томонида кесувчи қирраларга эга бўлган пармасимон икки спиралли фреза қўлланилади. Бу усулда аввал, фреза ёрдамида 0,1—0,3 мм кесиб олинади ва ариқчани бутун узунлиги бўйича фрезалайди, кейин яна ўша чуқурликка кесиб олади ва олдинги ҳолатдаги каби чуқурчани яна бутун узунлиги бўйича фрезалайди, лекин бошқа йўналиш бўйича сурилади

(16.1-расм, в). Шунинг учун “маятникли суриш” усули келиб чиққан.

Бу усул серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда шпонка ариқчаларини тайёрлашнинг энг мақбул усули ҳисобланади. Чунки, бу усулда шпонкали бирималларда ўзаро алмашинувчанликни таъминлайдиган аниқ ариқчалар ҳосил қилинади.

Икки томони берк бўлган шпонка ариқчаларини “маятникли” суриш орқали фрезалашда асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{(l_a - D_{\phi})}{S_{m \text{ бун}} \cdot h} + \frac{h + (0,5 \pm 1)}{t} \text{ [мин]},$$

бу ерда  $l_a$  — шпонка ариқчасининг узунлиги, мм;  $D_{\phi}$  — ариқча кенглигига teng бўлган фреза диаметри, мм;  $S_{m \text{ бун}}$  — бўйлама суриш, мм/мин;  $h$  — шпонка ариқчасининг чуқурлиги, мм;  $t$  — фрезанинг бир марта вертикал йўналиш бўйича кесиб олиш катталиги, мм.

Валлардаги икки томони очиқ шпонка ариқчаларини рандалаш дастгоҳларида бажариш мумкин. Узун валлардаги, масалан, токарлик дастгоҳининг юритиш валидаги ариқчалар бўйлама рандалаши дастгоҳларида бажарилади. Калта валлардаги ариқчалар асосан якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқариша кўндаланг рандалаш дастгоҳларида рандаланади.

Сегментли шпонкалар учун шпонка ариқчалари пар-масимон дискли фрезалар ёрдамида фрезаланади (16.1 грасм).

Сегментли шпонкалар учун шпонка ариқчаларини фрезалашда асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{h + (0,5 \pm 1)}{S_{m \text{ верт}}} \text{ [мин]},$$

бу ерда  $h$  — шпонка ариқчасининг чуқурлиги, мм;  $S_{m \text{ верт}}$  — вертикал суриш, мм/мин.

Валга шпонка билан киргизиладиган тишли фидирак, шкив ва бошқа деталлардаги тешиклардаги шпонка ариқ-

чалари якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда ўювчи дастгоҳларда, йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда сидириш дастгоҳларида ишлов берилади.

Шпонка ариқчасини сидиришдаги асосий вақт қуидати формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{L + l_g + (10 \div 30)}{1000 \vartheta_u} i \quad [\text{мин}]$$

бу ерда  $L$  — сидиргичнинг ички узунлиги, мм;  $l_g$  — деталнинг сидириладиган сиртининг узунлиги, мм;  $\vartheta_u$  — сидиргичнинг ишли юришидаги тезлиги, мм/мин;  $i$  — ўтишлар сони.

## 16.2. Шлицали сиртларга ишлов бериш

Шлицали бирикмаларда туташ деталлар З хил усул билан марказлаштирилади:

- валнинг шлицали ўсмаларининг ташқи диаметри бўйича втулкани (ёки тишли фидиракни) марказлаштириш;
- валнинг шлицаси ички диаметри (яъни, шлица чўқмасининг туби) бўйича втулкани (ёки тишли фидиракни) марказлаштириш;
- шлица ён томонлари бўйича втулкани (ёки тишли фидиракни) марказлаштириш.

Шлицалар тўғри бурчакли, эволвентли ва учбурчакли шаклларда бўлади.

Шлицали бирикмалар машинасозликда (дастгоҳсозликда, автомобилсозликда, тракторсозликда ва бошқа тармоқларда) қўзғалувчан ва қўзғалмас ўтқазишларда кенг қўлланилади.

Валлардаги шлицаларни тайёрлаш технологик жараёнини вал ва втулкани қандай усулда марказлаштириш қабул қилинганлигига боғлиқ. Вал шлицасининг ички диаметри бўйича марказлаштириш усули энг аниқ усул ҳисобланади, у дастгоҳсозликда ва қисман автомобилсозлик саноатида қўлланилади. Валдаги шлицалар ўсмасининг ташқи диаметри бўйича марказлаштириш кўп учрайди, бу усул тракторсозликда, автомобилсозликда ҳамда даст-

гоҳсозлиқда ва бошқа тармоқларда қўлланилади. Шлицаларнинг ён томонлари бўйича марказлаштириш нисбатан кам қўлланилади.

Валлардаги ва бошқа деталлардаги шлицалар тури усусларда тайёрланади, улар қаторига фрезалаш, жилвирлаш, думалатиб ўйиш, сидириш ва рандалаш киради.


Шлицаларни тайёрлашнинг энг кўп қўлланиладиган усули фрезалашдир. Қолган усусларни қўллаш учун ҳали тажриба етарли эмас: улар жуда ҳам унумли, юқори техник иқтисодий кўрсаткичларни беради ва шундай қилиб прогрессив ҳисобланади. Уларни йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда қўллаш мақсадгага мувофиқ бўлади.

**Шлицаларни фрезалаш.** Кичик диаметрли (100 мм гача) валларнинг шлицаларини бир ўтишда, катта диаметрли валларда эса икки ўтишда фрезаланади. Айниқса, катта диаметрли валлардаги шлицаларни дастлабки фрезалаш баъзида бўлувчи механизмга эга бўлган горизонтал фрезалаш дастгоҳларида бажарилади (16.2-расм).

16.2 а-расмда дискли шаклдор фреза ёрдамида шлицаларнинг битта ариқасини фрезалаш кўрсатилган. Бунда асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{l_0 + l_{\text{кес}} + l_{\text{чиқ}}}{S_m \text{ бин}} i \quad [\text{мин}],$$

бу ерда  $l_a$  — кесиладиган шлица узунлиги мм;  $l_{\text{кес}}$  — кесиб олиш узунлиги.



16 2-расм Валларнинг шлицаларини фрезалаш усуслари

$$l_{\text{кес}} = \sqrt{h(D_\phi - h)} + (1 \pm 2) \text{ [мм]},$$

$l_{\text{чиқ}}$  — кесиб чиқиш узунлиги,  $l_{\text{чиқ}} = 2 \div 5$  мм;  $i$  — шлицалар сони;  $h$  — ушбу ўтишда фрезаланадиган шлица баландлиги, мм;  $D_\phi$  — фреза баландлиги мм;  $S_{\text{у бұу}} = S_z Z n$ -минутига бўйлама суриш;  $S_z$  — фрезанинг битта тишига сурилиши, мм;  $Z$  — фреза тишлигининг сони;  $n$  — фрезанинг минутига айланышлари сони.

Шлицаларни дискли фреза ёрдамида фрезалашга нисбатан арzonроқ бўлган фреза қўллаб, 16.2 б-расмда тасвирланган усулда фрезалаш мумкин.

Махсус профилга эга бўлган, иккита дискли фрезалар ёрдамида иккита шлицали ариқчаларни фрезалаш янада унумдорли бўлиб ҳисобланади (16.2 в-расм)

Шлицаларни дискли фрезалар ёрдамида хомаки фрезалаш фақат махсус дастгоҳ ёки асбоб бўлмаган ҳолатда бажарилади, чунки бу шлицанинг қадами ва кенглиги бўйича етарли аниқликни бермайди.

Шлицаларни янада аниқроқ фрезалаш шлицали червякли фреза ёрдамида думалатиш усулида бажарилади (16.2 г-расм). Фреза айланма ҳаракатдан ташқари кесиладиган вал ўқи бўйлаб бўйлама сурилади. Бу усул аниқ ва унумли ҳисобланади.


Бундай ҳолатда асосий вақтни қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{(l_0 + l_{\text{кес}} + l_{\text{чиқ}})}{S_a n \phi} Zi \text{ [мин]},$$

бу ерда  $l_a$  — кесиладиган шлица узунлиги, мм;  $l_{\text{кес}}$  — кесиб олиш узунлиги, мм;

$$l_{\text{кес}} = (1,1 \div 1,2) \sqrt{h(D_\phi - h)} \text{ [мм]},$$

$h$  — шлица баландлиги, мм;  $D_\phi$  — червякли фреза диаметри, мм;  $l_{\text{чиқ}}$  — кесиб чиқиш узунлиги, у 2-5 мм бўлади;  $Z$  — кесиладиган шлицаларнинг сони;  $i$  — ўтишлар сони (одатда  $i = 1$ );  $S_a$  — кесиладиган валнинг бир марта айланishiiga фрезанинг сурилиши мм;  $n$  — фрезанинг минутига айланышлари сони;  $g$  червякли фрезанинг киримлари сони.



16 3-расм. Валларнинг шлицаларини пардоэлашнинг усуллари

0,06 мм гача аниқликни таъминлайди. Бу эса аниқ ўтқазиш учун ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди.

Агар шлициали валларга хомаки фрезалашдан сўнг яхшилаш ёки тоблаш кўринишидаги термик ишлов берилган бўлса, уларни қайта фрезалаб бўлмайди: шлицаларнинг чўкма (яъни, ички диаметри) ва ён томон сиртлари бўйича жилвирлаш зарур. Шаклдор думалоқ жилвиртош доираси ёрдамида жилвирлаш унумлироқ усул ҳисобланади (16.3-расм, а). Бироқ бундай усулда жилвирлашда шлицанинг ён томонларидаги ва чўкмаларидағи қиринди кўчириладиган қатлам қалинлиги бир хилда бўлмаганлиги сабабли думалоқ жилвиртош доираси нотекис ейилади. Шунга қарамасдан бу усул машинасозликда кенг тарқалган.

Шлицаларни иккита алоҳида-алоҳида операцияларда жилвирлаш мумкин (16.3-расм, б). Биринчисида фақат чўкмалар (ички диаметри бўйича) жилвирланади, иккinciда эса шлицаларнинг ён томонлари жилвирланади. Жилвиртош доирасининг ейилишини камайтириш учун столнинг ҳар бир юришидан кейин вал айлантириб турилади ва шундай қилиб, думалоқ жилвиртош чўкмаларга бирин-кетин секин-аста ишлов берилади. Одатда, дастгоҳ столининг ҳар бир иккиланма юришидан кейин вал автоматик равишда буралади. Бироқ жилвирлашнинг ушбу усулда унумдорлик биринчи усулга нисбатан паст бўлади.

Жилвирлашнинг иккита операциясини битта операцияга бирлаштириш учун бир вақтда учта жилвиртош до-

**Шлицаларни жилвирлаш.** Шлициали валларни ташқи диаметри бўйича марказлаштиришда оддий жилвирлаш дастгоҳларида валнинг фақат ташқи цилиндрик сирти жилвирланади; чўкмалари (яъни, вал шлицасининг ички диаметри) ва шлицаларнинг ён томонлари жилвирланмайди.

Шлициали валлар шлицасининг ички диаметри бўйича марказлаштиришда шлицанинг ички диаметри бўйича фрезалаш ишлов беришнинг ички диаметри бўйича 0,05—

0,06

мм

гача аниқликни таъминлайди. Бу эса аниқ ўтқазиш

учун ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди.

Аниқ

жилвирлаш

зарур. Шаклдор думалоқ жилвиртош доираси ёрдамида жилвирлаш унумлироқ усул ҳисобланади (16.3-расм, а). Бироқ бундай усулда жилвирлашда шлицанинг ён томонларидаги ва чўкмаларидағи қиринди кўчириладиган қатлам қалинлиги бир хилда бўлмаганлиги сабабли думалоқ жилвиртош доираси нотекис ейилади. Шунга қарамасдан бу усул машинасозликда кенг тарқалган.

Шлицаларни иккита алоҳида-алоҳида операцияларда жилвирлаш мумкин (16.3-расм, б). Биринчисида фақат чўкмалар (ички диаметри бўйича) жилвирланади, иккinciда эса шлицаларнинг ён томонлари жилвирланади. Жилвиртош доирасининг ейилишини камайтириш учун столнинг ҳар бир юришидан кейин вал айлантириб турилади ва шундай қилиб, думалоқ жилвиртош чўкмаларга бирин-кетин секин-аста ишлов берилади. Одатда, дастгоҳ столининг ҳар бир иккиланма юришидан кейин вал автоматик равишда буралади. Бироқ жилвирлашнинг ушбу усулда унумдорлик биринчи усулга нисбатан паст бўлади.

Жилвирлашнинг иккита операциясини битта операцияга бирлаштириш учун бир вақтда учта жилвиртош до-

ираси ёрдамида шлицаларни жилвирлайдиган дастгоҳ құлланилади: жилвиртош доирасининг биттаси шлицаларнинг чўқмасини жилвирлайди, қолган иккитаси эса шлицаларни ён томонларини жилвирлайди (16.3-расм, в).

Шлицаларни жилвирлашда асосий вақт қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{(l_{\theta} + l_{\text{кес}} + l_{\text{чиқ}})}{1000 \vartheta_{\text{см}}} zik \text{ [мин]},$$

бу ерда  $l_a$  — жилвирланадиган шлицалар узунлиги мм;  $l_{\text{кес}}$  — кесиб олиш узунлиги мм;

$$l_{\text{кес}} = \sqrt{h(D_x - h)} + (10 \pm 15) \text{ [мм]},$$


бунда  $l_{\text{чиқ}}$  — кесиб чиқиши узунлиги, 5—10 мм гача;  $h$  — шлица баландлиги мм;  $D_x$  — жилвиртош доирасининг диаметри мм;  $Z$  — шлицалар сони;

$$i = \frac{hk}{S_{\theta}},$$


бу ерда  $i$  — ўтишлар сони;  $hk$  — жилвирлаш учун қўйим, мм;  $S_{\theta}$  — жилвирлаш чўқурлиги, столнинг битта сурилишига тўғри келувчи вертикал суриш, мм;  $k$  — жилвирлашдаги тўғрилаш коэффиценти (1,15-1,5 гача);  $v_{ct}$  — стол тезлиги, м/мин.

**Шлицаларни думалатиб ўйиш.** Детални қиздирмасдан шлицаларни думалатиб ўйиш шлицанинг кўндаланг кесим шаклига тўғри келувчи шаклли ролик ёрдамида бажарилади. Думалатиш каллагининг оғир корпусидаги (1) сегментлардаги (4) ҳар бир шлицаларида ўқ бўйича айланувчи (диаметри 100 мм ли) роликлар радиал жойлашган бўлади (16.4-расм).

Деталь (3) бўйича каллак сурилганда эркин айланувчи роликлар (2) вал сиртини эзиб, валда ролик шаклига тўғри келувчи профилли шлицаларни ҳосил



16.4-расм.  
Думалатиб  
шлица ўйиш  
дастгоҳи учун  
думалатиш  
каллагининг  
схемаси



16.5-расм. Шлицаларни ўйишда думалатиш каллагининг, маҳкамловчи патроннинг ва ишлов бериладиган деталнинг жойлашиш схемаси

қилади. Барча шлицалар детални айлантирмасдан, бир вақтда ўйилади.

Махсус дастгоҳларда шлицаларни думалатиб ўйиш учун думалатиш каллаги (1) (16.5-расм) салазкага жойлаштирилади. Салазка учун йўналтирувчи вазифасини валлар (2) ва (5) бажаради, бу валлар иккита оғир устунни ҳам бирлаштиради. Салазка устуннинг орқа томонига жойлашган гидроцилиндрнинг юритгичи ёрдамида ҳаракатланади.

Олдинги устунда гидравлик усулда

маҳкамловчи патрон (4) жойлашади, унга ишлов бериладиган деталь (3) маҳкамланади. Ҳар бир ролик бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, талаб қилинган баландик бўйича созланади. Каллак роликларнинг жойлашишини бузмасдан, дастгоҳдан мустақил қисм сифатида ечиб олиниши мумкин. Роликни алмаштириш учун 5—10 минут, дастгоҳни созлаш учун 30 минут атрофида вақт сарфланади.

Бундай дастгоҳда ўйиладиган шлицаларнинг энг кўп сони 18 тагача, энг ками 6—8 тагача (16 мм диаметрли валларда) бўлади. Бўйлама суриш 15 мм/с тезликкача бўлади. Ҳосил қилинадиган шлицаларнинг қадами бўйича аниқлиги 0,04 мм, тўғри чизиқдан четга чиқиши 100 мм узунликда 0,04 мм ни ташкил қиласди.

Шлицаларни думалатиб ўйишда асосий вақт қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t_a = \frac{L + l}{S_M} \text{ [мин]},$$

бу ерда  $L$  — думалатиладиган шлицаларнинг узунлиги, мм;  $l$  — роликни думалатиб бўлгандан кейин чиқиш узунлиги, мм;  $S_M$  — думалатиб ўйишда минутига суриш, мм/мин.

Думалатиб ўйиш жараёнининг унумдорлиги жуда ҳам юқори бўлади, чунки етарли даражадаги юқори аниқликда, кам вақт сарфланган ҳолда барча шлицалар бир вақтнинг ўзида ўйилади.

**Шлицаларни сидириш ва рандалаш.** Валларнинг ёки шунга ўхшаш деталларнинг сиртида шлицаларни тайёр-

лаш усулларидан бири махсус мосламани қўллаб, горизонтал сидириш дастгоҳларида сидириш бўлиб ҳисобланади.


Икки томони очиқ шлицаларни сидириш учун шлица шаклига тўғри келувчи профилли кесувчи қисмга эга бўлган пичоқли махсус сидиргичлар қўлланилади. Ҳар бир шлица бўлувчи механизм ёрдамида кетма-кет сидирилади.

Очиқ бўлмаган шлицаларни сидиришда блокли сидиргичлардан фойдаланилади, уларнинг кесувчи тишлари радиал йўналишида ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда сурилган ҳолатда жойлашган бўлади.

16.6-расмда махсус мослама ёрдамида горизонтал сидириш дастгоҳларида томонлари берк шлицаларни сидириш учун мўлжалланган блокли сидиргич тасвирланган.

Блокнинг корпусида (1) тўғри бурчакли кесимли пичоқлар (2) силлиқ ўтказиш бўйича ўрнатилади, ҳар пичоқ блок ариқаси бўйлаб мустақил силжий олади. Эзувчи планка (3) блокда пичоқларнинг сирпаниши учун зарур бўлган тирқиши созлайди.

Ползунлар (6) тортгич (7) пичоқларини бирлаштиради. Ролик (5) ўқлари ползун (6) га маҳкамланган: пружиналар (4) тортгич (7) ёрдамида роликларни нусхакашга эзади. Ҳар бир пичоқнинг ишчи юришининг охирида нусхакаш роликни орқага суради ва пичоқни ишлов бериладиган деталдан олиб қочади. Пичоқлар махсус мосламада чархланади.



16.6-расм. Томонлари берк шлицаларни сидириш учун сидиргичлар блоки

Валларда (ёки бошқа деталларда) рандалаш усули билан шлицаларни тайёрлаш жараёни күп кескичли каллак ёрдамида нусхалаш усулида тишли филдираклар тишлари ни ўйиш жараёнига ўхшаш бўлади.

Рандалашда ҳам барча шлицаларга бир вақтнинг ўзида шаклдор кескичлар туркуми ёрдамида ишлов берилади. Кескичлар сони валдаги ишлов бериладиган шлицалар чўқмаларининг сонига teng бўлади. Вертикал ҳолатда жойлашган ишлов бериладиган деталь илгариланма-қайтма ҳаракатланади; деталь ҳар бир юқорига юришида каллакнинг радиал ариқчаларида кескичлар жойлашган қўзғалмас кескичли каллакнинг ичига киради. Барча кескичлар бир вақтда шлицаларни кесади, бунда кескичлар ишлов бериладиган деталнинг иккиланма юриши ҳисобига радиал суришни олади. Деталнинг орқага (пастга) юришида каллакдаги кескичлар радиал йўналишда орқага олиб қочилади, чунки кескичларнинг орқа сиртлари ишлов бериладиган сирт билан ишқаланмаслиги керак.

Шлицаларни рандалаш жараёнининг унумдорлиги жуда ҳам юқори. Шунинг учун у йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда ҳар хил деталларни тайёрлашда қўлланилиши мумкин, чунки ҳар бир шлицалар сонига маҳсус кескичлар тўпламини тайёрлаш зарур. Шлицаларни рандалаш усули жильвирлаш учун қўйим қолдириб, шлицаларга ишлов берилса, янада фойдали бўлади.

**Шлицали тешикларга ишлов бериш.** Втулка, тишли филдирак ва бошқа деталлардаги тешиклардаги шлицали сиртларга, одатда, сидириш усулида ишлов берилади. Аввал тешикка, баъзида эса торецга дастлабки ишлов берилади. Кейин тешик думалоқ сидиргич ёрдамида ва сўнг шлицали оддий ёки прогрессив сидиргич ёрдамида сидирилади.


Диаметри 50 мм гача бўлган шлицали тешиклар, одатда, битта қурама сидиргичда сидирилади. Винтли шлицали тешикларни сидириш (16.7-расм) сидиргич тишларининг кесувчи қирраларининг ҳаракатланиши ишлаш жараёнида винтли чизиқлар бўйича амалга ошишига илгариланма ва айланма ҳаракатларнинг бирлашишига икки хил усулда эришиш билан оддий тешикларни сидирилади.

ришдан фарқ қиласди. 1-усулда иккала ҳаракат детални қўзғалмас қилиб ўрнатилган ҳолатда берилади.

2-усулда илгариланма ҳаракатни сидиргичга берилади, айланма ҳаракатни эса деталга берилади.

Кичик тешикларни сидиришда сидиргичнинг айланнишини сидиргич (4) ариқчаларига кирадиган иккита бармоқлар (2) ёрдамида амалга оширилади (16.7-расм, а). Бармоқлар мосламанинг таянч ҳалқасига (1) маҳкамланган втулканинг (3) ичига жойлашади. Сидиргич (4) дастгоҳ шпинделни билан патрон (5) ёрдамида туташади. Катта ўлчамли ( $d > 15\text{мм}$ ) тешикларни сидиришда сидиргичнинг айланниши маҳсус гайканинг иккита чиқиқлари ёрдамида амалга ошади (16.7-расм, б). Маҳсус гайка сидиргич (3) нинг йўналтирувчи ариқчаларига киради. Гайка (2) мосламанинг таянч ҳалқаси (1) га маҳкамланган бўлади. Сидиргич (3) патрон (4) ёрдамида дастгоҳ шпинделни билан туташади.

16.7-расм в да нусхакаш чизгич ёрдамида винтли шликаларни сидириш схемаси кўрсатилган. Дастгоҳ суппортига тишли фиддирак (3) билан тишлашадиган рейка (2) ўрнатилади. Рейка (2) бир чети билан ролик орқали  $\alpha$  бурчак остида станинага маҳкамланган нусхакаш чизғич (1) га тиради:



16.7-расм. Винтсимон шликали тешикларни сидириш

бу ерда  $D$  — филдирак (3) нинг бошланғич айланасининг диаметри;  $T$  — сидириладиган винтли шлица қадами.

Нусхакаш чизғич бурчагини ўзгартириб, винтли шлицаларнинг турли қийматдаги қадам  $T$  га эга бўлганларини сидириш мумкин.

Сидиргич (4) бўйлама силжигандан у билан биргаликда тишли филдирак (3) айланади. Ички винтли шлицаларни сидиришнинг содда усули сидиргичнинг илгариланма ҳаракати натижасида унинг винтли тишларидан заготовканинг (1) эркин айланнишига асосланган (16.7-расм, г). Сидиргичдан заготовканинг эркин айлана олишини золдирли таянч (3) таъминлайди.

16.7-расм д да сидиргич (9) фақат илгариланма ҳаракатланадиган, ишлов бериладиган деталь (10) эса айланма ҳаракатланадиган шароитда винтли шлицаларни сидириш учун қурилма (1) кўрсатилган. Илгариланма ҳаракатланувчи суппорт (2) планка (3) орқали трос (4) ни торгади, трос юк (6) ёрдамида барабан (5) га ўраб қўйилган. Барабан айланниб, конуссимон тишли филдирак (7) ва (8) ларга айланма ҳаракатни узатади, филдирак (8) эса ўзига маҳкамланган деталь (10) ни айлантиради.

Сидириладиган винтли шлицалар қадами бўйича (7) ва (8) тишли филдиракларнинг тишлари сони аниқланади:

$$T = \pi d_i \frac{Z_7}{Z_8},$$

бу ерда  $d_i$  — барабан (5) диаметри;  $Z_7$  ва  $Z_8$  — (7) ва (8) филдираклардаги тишлар сони.

Сидириш дастгоҳлари бўлмаса, винтли шлицалар сидириладиган шлицалар қадами  $T$  га тенг бўлган қадамли резьба кесиш учун созлаб, токарлик винт кесиш дастгоҳларида сидириш мумкин (16.7-расм, е).

Сидириладиган деталь (1) ўзи марказловчи уч кулачокли патрон (3) ёрдамида втулка (2) га маҳкамланади. Сидиргич (4) юритувчи винт (6) да ҳаракатланадиган дастгоҳ суппорти (5) га маҳкамланади. Сидириладиган винтли шлицаларнинг аниқлигини дастгоҳ аниқлигига боғлиқ равишда таъминлайди.

**Шлициали вал ва тешикларни назоратдан ўтказиш.** Шлициали валларнинг қуидаги элементлари назоратдан ўтказилади:

а) деталь (втулка, тишли фидирек ва бошқалар) ўтказиш турига қараб ташқи ёки ички диаметри шлициали валнинг ташқи ёки ички диаметри бўйича; одатда, ташқи диаметр оддий чекли скоба ёрдамида текширилади; ички диаметрни микрометр, махсус скоба ва индикаторли скоба ёрдамида ўлчаш мумкин.

б) шлициаларнинг қалинлигини чекли скобалар ёрдамида текширилади;

в) шлициали вал уриши ички диаметр бўйича индикатор ёрдамида текширилади; конуслик ва спираллик ҳам текширилади, бунинг учун индикатор аввал ўққа параллел суриласди, вал эса дастлаб горизонтал ҳолатда ўрнатиласди;

г) шлициаларнинг айлана бўйлаб жойлашиши махсус шлициали ҳалқа ёрдамида текширилади;

д) шлициали валлар чўкмасининг профили (ички диаметр бўйича) махсус шаблон ёрдамида текширилади.

Шлициали валларнинг барча элементлари: қадами, айланаси бўйлаб шлициаларнинг жойлашиши ва бошқалар бўлувчи каллакли универсал мослама ёрдамида текшириласди.

Шлициали тешикларни, одатда, шлициали тиқин ёрдамида текширилади.

### ***Синов саволлари***

1. Чеккалари думалоқланган томонлари берк ариқчали шпонка ариқчалари қандай усулда ҳосил қилинади?
2. Очиқ ва бир томони берк шпонка ариқчаларини фрезалашда асосий вақт қандай аниқланади?
3. Шлициали бирикмалар қайси жойларда ишлатиласди?
4. Шлициали бирикмаларда туташ деталлар қандай усуллар билан марказлаштирилади?
5. Винтсимон шлициали тешикларни сидириш жараёнини тушунтириб беринг?
6. Шлициаларни фрезалашнинг қандай усуллари мавжуд?
7. Шлициаларни сидириш ва рандалаш қачон қўлланилади?

## ДЕТАЛЛАРНИНГ ТАШҚИ, ИЧКИ ВА РЕЗЬБАЛИ СИРТЛАРИГА КОМЛЕКС ИШЛОВ БЕРИШ

Чивиқли материаллардан тайёрланадиган деталларнинг ёки қўйма ва штампланган заготовкаларнинг, кўпинча, ташқи ва ички сиртларига ишлов бериш ҳамда ташқи ва ички сиртларида резьба кесиш талаб қилинади. Машинасозликдаги бундай деталлар жумласига, масалан, тиқинлар, штуцерлар, турли хил втулкалар, болтлар, шкивлар, кичик ва ўрта ўлчамдаги тишли фиддиракларнинг заготовкалари ва бошқа бир қатор деталлар киради.

Ташқи ва ички цилиндрик сиртларга ишлов беришни ва резьба кесишни кетма-кет, алоҳида сиртлар бўйича ёки бир вақтнинг ўзида бир неча, ҳам ички, ҳам ташқи сиртларга бир неча асбобни қўллаб амалга ошириш мумкин. Масалан, бир вақтнинг ўзида ташқи сиртни йўниш ва ички сиртни пармалаш, зенкерлаш, йўниш мумкин.

Бундай механик ишлов бериш жараёнига серияли ишлаб чиқаришда токарлик револьвер дастгоҳларини, йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда ярим автомат ва автоматлар самарали қўлланилади.

### 17.1. Токарлик револьверли дастгоҳларда деталь сиртларига комплекс ишлов беришининг технологик жараёнлари


Токарлик револьверлик дастгоҳларини (шунингдек, ярим автомат ва автоматларни) кетма-кет ёки бир вақтда ташқи ва ички цилиндрик сиртларни йўниш, пармалаш, зенкерлаш, тешикларни развёрткалаш, плашка ёки метчиклар ёрдамида резьба кесиш, бошқача қилиб айтганда, бир вақтнинг ўзида бир неча асбобларни револьверли каллакка ва кесувчи суппортга жойлаштириб қўллаш талаб қилинган ҳолларда қўллаш самара беради.

Токарлик револьверли ёки, қисқаси, револьверли дастгоҳларни қўллаш оддий токарлик дастгоҳларини қўллашга нисбатан партиядаги деталлар сони 6-10 донадан ортишидан бошлаб самара бера бошлайди.


## 17.1-расм. Револьверли дастгоҳга ўрнатиладиган тўрт шпинделли пармалаш каллаги

Револьверли дастгоҳларда ишлов беришда асосий вақт бўйича токарлик дастгоҳидагига нисбатан, агар бир вақтнинг ўзида бир неча асбобни қўллаб, масалан, парма, ўтувчи, кесувчи ва шаклдор кескичларни ёки поғонали деталларни йўнишда парма ва бир неча ўтувчи кескичларни қўллаб ва шунга ўхшаш ҳолатлардагина ютуққа эришиш мумкин. Акс ҳолда асосий вақт бўйича тубдан ютуққа эришиб бўлмайди. Ишлов бериш вақти, асосан, ёрдамчи вақт ҳисобига камаяди, чунки токарлик ишлов беришда ҳар бир ўтиш учун кейинги бабкага (қўйилган талабга қараб) парма, зенкер, развёртка ва бошқа асбобларни қайтадан ўрнатишга тўғри келади, ҳар бир бундай асбобни деталга кесиш учун келтирилади, ўрнатишни текширилади ва бошқа ишлар амалга оширилади, бунинг барчаси кўп вақтни талаб қиласди. Револьверли дастгоҳларда эса фақат револьверли каллакни буриш, уни ишлов беришнинг бошланиш жойига келтириш ва ишлов берилгандан кейин олиб кетиш етарли бўлади.

Револьверли дастгоҳлар шпиндель ўқига нисбатан револьверли каллак ўқининг жойлашишига қараб таснифланади. Шпиндель ўқига нисбатан револьвер-






17.1-расм. Револьверли дастгоҳга ўрнатиладиган тўрт шпинделли пармалаш каллаги



17.2-расм. Дастаки суриш орқали ички ариқчаларни йўниш учун кўзгалувчи суппорт

17.3-расм. Олти қиррали чивиқдан болтни тайёrlаш учун ишлов беришга I турдаги револьверли дастгоҳ каллагини созлаш





17.4-расм. I тур дастгоҳи револьверли каллагини созлаш

ли каллакнинг жойлашишига боғлиқ ра-вишда револьверли дастгоҳларнинг учта тури тайёрланади.

Вертикал ўқли, револьверли каллакли I тури кенг тарқалган, бу турдаги 1Н318, 1Н325, 1А340, 1В340, 1365, 1Н365, 1371, 1П371 моделли дастгоҳлар ишлаб чиқарилади.

Горизонтал ўқли, шпиндель ўқига параллел револьверли каллакли II тури камроқ тарқалган, бу турдаги 1Г325, 1341, 1А341 (дастур билан бошқариладиган) моделли дастгоҳлар ишлаб чиқарилади.

Шпиндель ўқига параллел горизонтал ўқли револьверли каллакли III тури энг кам тарқалган.

17.1-расмда револьверли каллак (5) га ўрнатиладиган тўрт шпинделли пармалаш каллаги кўрсатилган. Деталь (1) патронга маҳкамланади (патрон расмда кўрсатилмаган). Патрон ёнида иккита йўналтирувчи втулкалар (2) жойлашган, буларда иккита штир (3) юради, штиrlар каллак корпусида (6) жойлашган шпиндель каллаги билан туташган.

Штиrlар (3) втулкалар (2) ичига киритилганда, патронлар айланма ҳаракати каллак орқали тўртта шпиндель (4) га узатилади. Шпиндель тешикларига пармалар (7) ўрнатилган бўлади. Бунда пармалаш учун сарфланадиган вақт кескин қисқаради.

Револьверли каллаклар кўндаланг суриш ҳаракатига эга бўлмайди, шунинг учун бундай дастгоҳларда ички ариқчани йўниш учун ёки ички торецини кесиш учун кўзғалувчан суппортлардан фойдаланилади. Кўзғалувчан суппорт кўл ёрдамида кўндаланг суриш ҳаракатини амалга оширади (17.2-расм).

17.3-расмда олти қиррали чивиқдан тайёрланадиган болтга ишлов бериш учун револьверли дастгоҳни созлаш кўрсатилган: I — чивиқни таянчгача илгари суриш; II — чивиқни йўниш; III — болтнинг кетини резьба ҳосил қилишга йўниш ва кўндаланг суппорт ёрдамида болт каллагида фаска йўниш; IV — болтнинг кетини кесиш ва фаска

йўниш; V — резьба кесиш; VI — кетинги суппортдан болтни қирқиб олиш, расмдаги 1, 2 ва 3 рақамлар ишлов бериладиган сиртларнинг тартиб рақамлариидир.

17.4-расмда ички ва ташқи резьбани чивиқдан тайёрланадиган деталларда II турга мансуб дастгоҳларда йўниш учун асбоб ўрнатиладиган револьверли каллакни созлаш кўрсатилган.


## 17.2. Токарлик ярим автоматларда деталь сиртларига комплекс ишлов бериш технологик жараёнлари

Токарлик ярим автоматлар марказда ва патронда ишлаш учун горизонтал ва вертикал бир ва кўп шпинделли қилиб тайёрланади. Бир шпинделли ярим автоматлар, одатда, кўп кескичли бўлади; патрон ёрдамида ишлаш учун улар икки-тўрт суппортили ҳамда револьверли каллакли қилиб тайёрланади.


Токарлик бир шпинделли ярим автоматлар барча суппорtlарининг ҳаракати автоматлаштирилганлиги қўл билан бажариладиган ишлар фақат ишлов бериладган детални қўйиш ва олишда ҳамда суппорtlарни ҳаракатлантириш учун юргизишдан иборатлиги билан токарлик кўп кескичли дастгоҳлардан фарқ қиласди.

Куйидаги келтирилган горизонтал кўп кескичли бир шпинделли ярим автоматларда деталларнинг сиртларига комплекс ишлов бериш мисоли шуни кўрсатиб турибдики, ярим автоматларда ишлов бериш кўп кескичли токарлик дастгоҳларида ишлов беришдан кескин фарқ қилмайди.

17.5- ва 17.6-расмларда горизонтал кўп кескичли ярим авто-



17.5-расм. Кўп кескичли ярим автоматни ишлов бериш учун созлаш



17.6-расм. Буровчи кулакни ишлов бериш учун созлаш

матларда марказлар ёрдамида деталларга ишлов бериш учун технологик созлаш намуналари кўрсатилган.

17.5-расм (а) да марказда битта қисқичда бир вақтда иккита тишли фидиракка ишлов бериш учун технологик созлаш кўрсатилган.

17.5-расм (б) да айлантирувчи патронга маҳкамланган иккита штифт (2) ёрдамида айланадиган, иккита марказловчи тиқин (1) ёрдамида марказлаштирилган фланецли тишли фидиракни йўниш ва кесиш кўрсатилган.

17.6-расмда детални айлантириш учун махсус айлантирувчи патрон қўллаган ҳолда буровчи кулачокни йўниш ва кесиш учун технологик созлаш кўрсатилган.

### **17.3. Токарлик автоматларида деталь сиртларига комплекс ишлов бериш технологик жараёнлари**

Токарлик автоматлар йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда ташқи ва ички цилиндрик ва резьбали сиртларга, асосий чивиқ материаллардан деталлар тайёрлашда комплекс ишлов бериш учун қўлланилади, чунки ишлаб чиқаришдаги тайёрланадиган деталь партияси кўп бўлганлиги сабабли автоматлар узоқ муддат қайта созланмасдан ишлаши мумкин; автоматлар етарли даражада юкланмаса ва тез-тез қайта созлаб туриш зарур бўлса, револьверли дастгоҳларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир алоҳида ҳолатда масалани иқтисодий нуқтаи назардан ҳал қилишда қайси дастгоҳда: автоматларда, ярим автоматларда ёки револьверли дастгоҳларда ишлов бериш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун детални у ёки бу дастгоҳда ишлов бериш технологик жараёнларининг солиштирма вариантларини ишлаб чиқилади ва олинган техник-иқтисодий кўрсаткичлар солиштирилади.

Автоматлар турлари кўп бўлганлиги сабабли уларда механик ишлов бериш технологик жараёнларининг характеристи ва автоматларнинг технологик имкониятлари турлича бўлади.

Бир шпинделли ва кўп шпинделли автоматлар бўлади.

Бир шпинделли автоматлар шаклдор-қирқувчи, шаклдор-токарлик (бўйлама йўнишли) ва токарлик револьверлиларга бўлинади.


Шаклдор-қирқувчи автоматлар 2-3 та ва ундан ортиқ (5 тагача) радиал ҳолатда жойлашган суппортли бўлади. Бу суппорtlар фақат кўндаланг суришга эга бўлиб, уларга шаклдор ва қирқувчи кескичлар ўрнатилади. Бундан ташқари чивик ўқи бўйича парма, зенкер, метчик ва бошқа асбоблар ўрнатилиши мумкин бўлган шпинделга ҳам эга бўлади. Шпиндель айланма ҳаракатдан ташқари ўқ бўйича илгариланма ҳаракатга ҳам эга бўлади.

Шаклдор-қирқувчи автоматлар майда қисқа деталларга ишлов бериш учун хизмат қиласди. Ушбу автоматларда детални йўниш, детални ўқи бўйича тешик пармалаш, резьба кесиш ва деталга ишлов берилгандан кейин чивикдан қирқиб ажратиб олиш ишларини бажариш мумкин.

17.7-а расмда шаклдор ва конуссимон сиртларга шаклдор кескичлар ёрдамида ишлов бериш, 17.7-расм б да золдирли бармоқни шаклдор қирқувчи автоматларда ишлов бериш кўрсатилган. Бармоқни думалоқ шаклли олдинги (1) ва кетинги (2) кескичлар ёрдамида кўндаланг суриш билан ишлов берилади; резьба плашка (3) ёрдамида кесилади. I, II ва III рақамлар билан ўтишларнинг тартиб рақамлари белгиланган.

Бўйлама суришга эга бўлган шаклдор токарлик автоматларда содда кўринишдаги, майда, узун деталларга ишлов берилади. Бўйлама суриш барча олдинги бабкаларнинг ёки олдинги бабкалар ичидаги маҳсус трубаларнинг силжиши натижасида чивикнинг ўқи бўйича ҳаракатлашиши орқали амалга оширилади (17.7-расм, в).

Шаклдор қирқувчи ва шаклдор токарлик (бўйлама йўнадиган) автоматларда диаметри 2 мм дан 20 мм гача бўлган чивикларга ишлов берилади. Уларда шлицали каллакли винтларни тайёрлашда шлицаларни фреза-




17.7-расм. Ишлов бериш учун шаклдор токарлик автоматларини созлашнинг намуналари

лаш учун маҳсус мосламалардан фойдаланилади.

Чивиқ материаллардан деталлар тайёрлаш учун мўлжалланган бир шпинделли токарлик револьверли автоматлар учта кўндаланг суппортга (олдинги, кетинги ва юқориги) ва шпиндель ўқига перпендикуляр ҳолда горизонтал ўқ бўйича жойлашган револьверли каллакдан иборат. Револьверли каллакда кесувчи асбобли қисқич ва тутқичлар ўрнатилиши мумкин бўлган олтига уя мавжуд бўлади. Учта кўндаланг суппортдан ташқари револьверли каллакнинг мавжудлиги шаклдор қирқувчи автоматларга нисбатан мураккаб шаклдаги деталларга ишлов беришга имкон беради.

Чивиқ материални суриш ва қисиши тайёр детални кесиб олингандан кейин автоматик равишда амалга оширилади. Револьверли каллакнинг ва суппортнинг автоматик равишда ҳаракатланишига автоматнинг тақсимловчи валлига ўрнатилган маҳсус кулачоклар ёрдамида эришилади:



17.8-расм. M12 диаметрли винтга ишлов бериш учун токарлик-револьверли автоматни созлаш схемаси

тақсимловчи валнинг бир марта айланишида битта деталь тайёрланади.

Баъзи вақтларда бир неча асбобни ишлатган ҳолда тақсимловчи валнинг бир марта айланишида иккита детални кетма-кет тайёрлаш мумкин. Чунки тақсимловчи валнинг бир марта айланишида автомат ишлашининг даврий цикли тугайди, шу даврда бир нечта деталга ишлов бериш мумкин.

Токарлик револьверли автоматларнинг ишлаш принципи оддий револьверли дастгоҳларнинг ишлаш принципига ўхшаш. Деталларга механик ишлов бериш технологиясини лойиҳалашда алоҳида ўтишларни бажариш усуllibарини револьвер-

ли каллакка ва суппортларга маҳкамланган асбоблар ўртасида тенг тақсимлаш зарур.

17.8-расмда маҳсус винт ва уни токарлик револьверли автоматда ишлов бериш кўрсатилган.

Ўтишларнинг номлари:

а) таянчгача суриш; б) каллакни кесиш ва шаклдор кескич (1) ёрдамида стержен поғонасини резьба кесишидан олдин йўниш; в) кўндаланг суппортдаги кескич (2) ёрдамида каллакни думалоқлаб йўниш, револьверли каллак билан фаска йўниш ва марказлаштириш; г) револьверли каллак билан стерженни тоза йўниш; д) резьба кесувчи патрон (3) ёрдамида резьба йўниш; е) кўндаланг суппорт билан детални кесиши бошлиш ва револьверли каллак билан тешик пармалаш; ж) детални кесиб олиши туғатиш; з) маҳсус мослама — туткич (4) билан шлицизани фрезалаш.

Кўп шпинделли автоматлар кўпинча, тўрт ва олти шпинделли бўлади ва айрим ҳолларда беш ва саккиз шпинделли бўлади, уларнинг кўпчилиги диаметри 20 мм дан 100 мм гача бўлган чивиқларга ишлов бериш учун тайёрланади. Шпинделлар ишлов бериладиган чивиқларни маҳкамлаш учун барабанларнинг ичига жойлаштирилади, барабанлар даврий равишда бир вазиятдан бошқа вазиятга буралиб туради. Битта вазиятда ишлов берилган деталь чивиқдан қирқиб олинади ва чивиқ кейинги ишлов бериш учун таянчгача сурилади.

Деталларнинг ташқи сирти кўп шпинделли автоматларнинг бўйлама ва кўндаланг супортларига ўрнатилган кесувчи асбоблар ёрдамида ишлов берилади. Одатда, кўндаланг супортларнинг сони шпинделлар сонига тенг бўлади. Автоматлар ишлов бериладиган чивиқларни маҳкамлаш учун асосий шпинделлардан ташқари иккита ёки учта асбобли шпинделларига эга бўлади, асбобли шпинделлар ўзининг ўқи бўйича айланади ва шу ўқ бўйлаб сурилади. Асбобли шпинделларнинг ўқи асосий шпинделлар ўқи билан устма-уст тушади. Асбобли шпинделлар, одатда, тешикларга ишлов берувчи асбоблар — парма, метчик, ўзи очилувчи резьба кесувчи каллак ташқи йўниш учун кескичларни маҳкамлаш учун хизмат қиласиди.

Кўп шпинделли автоматларнинг бир шпинделли автоматларга нисбатан унумдорлиги юқори бўлади, бироқ ишлов бериш аниқлиги бир шпинделли автоматларга нисбатан паст бўлади. Шпинделлар жойлашадиган буралувчи барабан тирқиши ҳамда бўлувчи механизмдаги тирқишлир ишлов беришда қўшимча хатоликларни туғдиради. Бир шпинделли автоматларнинг марказлаштириш бўйича ишлов бериш аниқлиги 0,02 мм гача, кичик диаметрли деталлар учун эса, ҳатто 0,01 мм гача бўлади. Кўп шпинделли автоматларда эса аниқлик 0,04—0,05 мм гача бўлади.

Кўп шпинделли автоматларда деталга ишлов бериш ҳар бир алоҳида шпинделларга тақсимланади ва максимал унумдорликка эришиш учун ҳар бир кесувчи асбобнинг ўтиш йўлини қисқартиришга ҳаракат қилган ҳолда тақсимланади.

Тўрт шпинделли автоматларда шпинделлар бўйича ишни тақсимлашни нормал схема сифатида қуидагида қабул қилиш мумкин.

Биринчи шпинделда деталь дастлаб ёки бўйлама супортдаги ўтувчи кескич ёрдамида, ёки кўндаланг супортдаги шаклдор, думалоқ ва бошқа кескичлар ёрдамида йўнилади. Агар деталда тешик бўлса, бир пайтда пармалаш ёки тешик учун марказлаштириш (агар тешик узунлиги унинг диаметридан икки марта катта бўлса) мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи шпинделда, одатда, дастлабки йўнишни якунлаш, баъзида эса тоза йўниш амалга оширилади.

Учинчи шпинделда деталнинг техник шартгида кўрсатилган бўлса ва ушбу техник шарт иккинчи шпинделда амалга оширилган бўлса, йўниш бажарилади ҳамда махсус резьба кесувчи мослама ёрдамида резьба йўнилади.

Тўртинчи шпинделда, одатда, деталь қирқиб олинади.

17.9-расм а да деталга тўрт шпинделли автоматда ишлов бериш жараёни, 17.9-б расмда эса ўша деталга олти шпинделли автоматда ишлов бериш жараёни тасвириланган. Стрелкалар суриш йўналишини кўрсатади.

Тўрт шпинделли автоматда деталга ишлов бериш қуидагида амалга оширилади (17.9-расм, а ).

Биринчи шпинделда бўйлама суппорт билан 33 мм узунликда тешик поноали парма (1) ёрдамида пармаланади, бир вақтнинг ўзида ўша суппортда деталнинг олдинги чўкмаси йўнилади ва кўндаланг суппорт билан шаклдор кескич (2) ёрдамида йўнилади.

Иккинчи шпинделда кичик тешик пармаланади, фаскалар, торец йўнилади ва тарамлар думалатиш вали (3) ёрдамида ҳосил қилинади.

Учинчи шпинделда кўндаланг суппорт билан шаклдор кескич ёрдамида якунловчи йўниш амалга оширилади ва бўйлама суппорт билан метчик кириши учун ариқча йўнувчи кескич (4) ёрдамида ариқча йўнилади.


Тўртинчи шпинделда метчик (6) ёрдамида ички резьба йўнилади ва кескич (5) ёрдамида тайёр бўлган деталь қирқиб олинади.

Олти шпинделли автоматда (17.9-расм, б) ўша деталга ишлов бериш жараёни қуйидагича бўлади.

Биринчи шпинделда ички резьба ҳосил қилиниши учун тешик пармаланади, кўндаланг суппорт билан олдинги чўкма шаклдор йўнилади.

Иккинчи шпинделда кичик тешик 19 мм узунликда пармаланади, фаскалар ва торец йўнилади.

Учинчи шпинделда пармаланади ва тарамлар ҳосил қилинади.



17.9-расм. Двигател свечасининг корпусига ишлов бериш учун тырт ва олти шпинделли автоматни созлаш

Тўртинчи шпинделда кўндаланг суппорт билан шаклдор кескич ёрдамида якунловчи йўниш амалга оширилади ва резьба ҳосил қилишдан олдин сирт йўнилади.

Бешинчи шпинделда ариқчалар йўнилади.

Олтинчи шпинделда ички резьба йўнилади ва тайёр бўлган деталь қирқиб олинади.

Иккала жараённи солиштириб, шуни кўриш мумкинки, биринчи ҳолда иккинчи ҳолга нисбатан жуда ҳам узоқ давом этадиган ўтиш учун кўп вақт сарфланар экан. Ишлов беришнинг биринчи жараёнида 33 мм узунликдаги тешик поғонали парма ёрдамида пармаланади, иккинчисида эса 19 мм узунликда тешик пармаланади. Бундан ташқари поғонали парманинг қўлланилиши асбобнинг қийматини оширади ва кесиш режимини пасайтиради.

### ***Синов саволлари***

1. Нима учун деталь сиртларига комплекс ишлов берилади?
2. Деталь сиртларига комплекс ишлов беришда ишлаб чиқариш тури ҳисобга олинадими?
3. Ишлов бериш аниқлигига дастгоҳдаги шпинделлар сони қандай таъсир қиласи?
4. Револьверли дастгоҳларда ишлов беришнинг қайси ҳолларида асосий вақт бўйича ютуқقا эришиш мумкин?
5. I тур дастгоҳининг револьверли каллагини созлашни тушунтириб беринг.
6. Кўп кескичли ярим автоматга ишлов бериш учун созлашни баён қилинг.
7. Кўп шпинделли дастгоҳларининг бир шпинделли дастгоҳга нисбатан қандай афзалликлари бор?
8. Ишлов бериш учун шаклдор-токарлик автоматларини созлаш намуналарини келтиринг.
9. Двигатель свечасининг корпусига тўрт шпинделли автоматда ишлов бериш афзалми ёки олти шпинделли автоматдами?
10. M12 диаметрли винтга қандай дастгоҳда ишлов беришни тавсия қиласиз?

### *III қисм*

## **МАШИНАЛАРНИНГ ТУРДОШ ДЕТАЛЛАРИГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШНИНГ КОМПЛЕКС ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

### **XVIII боб**

#### **ШПИНДЕЛЛАРГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ**

##### **18.1. Шпинделларнинг хизмат вазифаси ва уларга кўйиладиган техник талаблар**


Металл кесувчи дастгоҳларнинг шпиндели энг маъсуллиятли деталлардан биридир. Дастгоҳда тайёрланган деталларнинг сифати ва деталнинг таянч бўйинлари сифати шпинделнинг бикирлигига ва унинг таянчларидаги ҳолатининг барқарорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Дастгоҳ шпинделининг асосий хизмат вазифаси ишлов бериладиган заготовкага ёки кесувчи асбобга айланма ҳаракатни маълум бурчак тезлигига ва буровчи моментда узатишдан иборат.

Замонавий дастгоҳлар шпинделининг барча параметрларининг аниқлигига талаб жуда юқори қўйилган.

Дастгоҳ шпинделлари поғонали вал туридаги деталларга киради. Шпинделлар конструктив шаклига кўра учхил бўлади:

- ◆ жилвирловчи дастгоҳларнинг жилвиртош бабкаларида қўлланиладиган, ўқ бўйича тешиксиз шпинделлар (18.1-расм, а);
- ◆ пармалаш дастгоҳларида ва кўп шпинделли пармалаш каллакларида қўлланиладиган, бир томони берк тешикли шпинделлар (18.1-расм, б);
- ◆ турли типдаги токарлик ва револьверли дастгоҳларда, токарлик ярим автомат ва автоматларда, фрезалаш, резьба фрезалаш, жилвирлаш, резьба жилвирлаш ва боинка дастгоҳларда қўлланиладиган ўқ бўйича тешикли шпинделлар (18.1-расм, в).



18.1-расм. Металл кесувчи дастгоҳ шпинделларининг конструктив турлари: а — ўқ бўйича тешиксиз, б — бир томони берк тешикли, в — ўқ бўйича тешикли

Шпинделлар, одатда, 45 маркали углеродли пўлатлардан, 20Х, 40Х маркали хромли пўлатлардан ва хромникелли 40ХН2, 12ХН2, 12ХН3 маркали пўлатлардан тайёрланади.

Айрим оғир дастгоҳларнинг ичи бўш танали шпинделларини тайёрлаш учун СЧ 21-40, СЧ 15-32 маркали кулранг чўянилар, модифициранган чўян ва айрим ҳолларда пўлат қўймасидан фойдаланилади.

Аниқлиги бўйича шпинделларни уч гурухга бўлиш мумкин:

а) нормал аниқликдаги дастгоҳлар учун; б) юқори аниқликдаги дастгоҳлар учун ва в) прецизион дастгоҳлар учун.

Нормал аниқликдаги дастгоҳларнинг таянч бўйинларининг оваллик ва конуссимонликдан геометрик шакл оғиши бўйин ўлчам допускининг 50% идан ошмаслиги керак. Юқори аниқликдаги дастгоҳлар учун бу кўрсаткич 25% дан ошмаслиги керак, прецизион дастгоҳлар учун эса бўғин диаметри ўлчам допускининг 5—10% атрофига бўлади. Замонавий прецизион жилвиirlаш дастгоҳларининг шпинделлари бўйин диаметрининг допуски 1,5—3 мкм бўлганда, 300 мм узунликда, 0,3—0,5 мкм дан юқори бўлмаган овалликка, 0,25—0,5 мкм дан юқори бўлмаган конуссимонликка эга бўлиши зарур.

Нормал аниқликдаги дастгоҳларда подшипник бўйнига нисбатан конуссимон тешикнинг радиал тепиши 5—10 мкм дан ошмаслиги, юқори аниқликдаги дастгоҳлар учун эса 3—5 мкм дан ошмаслиги керак.

## 18.2. Шпинделларга ишлов бериш

Икки томони очиқ тешикли шпинделларни тайёрлаш мураккабдир. Бундай шпинделларга ишлов бериш

торецларини фрезалаш ва торецларида марказий тешикларни пармалашдан бошланади. Бу марказий тешиклар ташқи сиртларга хомаки ва ярим тоза йўнишда технологик база бўлиб хизмат қиласди. Бундай йўниш серияли ишлаб чиқаришда гидро-нусхакаш дастгоҳларда 1—2 ўтишда амалга оширилади. Ўтишлар сони шпиндель ўлчами, асосан, ишлов бериш кўйим катталигига қараб аниқланади. Айрим ҳолларда ташқи сиртларга ишлов бериш учун кўп кескичли дастгоҳлар қўлланилади. Шпинделлардаги икки томони очиқ тешикларни, одатда, тезке-сар пўлатдан тайёрланган пластинкали ёки қаттиқ қотишмадан тайёрланган пластинкали маҳсус пероли пармалар ёрдамида бир ёки икки шпинделли маҳсус дастгоҳларда пармаланади.


Шпиндель айланганда бир ўрнатишда барча узунлиги бўйича пармалаш мумкин. Агар парма айланса, аввал шпинделнинг ярми узунлигига, кейин эса қолган иккичи ярми пармаланади ва олдинги уни томонидан вертикал-пармалаш дастгоҳида тешик зенкерланади, ундан кейин токарлик дастгоҳида бир вақтда иккала тореци йўнилади ва олдинги ва орқа томонидан конуссимон тешиклар йўнилади. Шундан сўнг заготовкага термик ишлов берилади. Термик ишлов бериш шпинделнинг сезиларли деформацияланишини келтириб чиқармаслиги керак. Юқори частотали ток ёрдамида қиздириш орқали сиртни тоблаш қўлланилади.

Бу жараённинг моҳияти шундан иборатки, металл қатлами 1—3 мм чуқурликкача қиздириб тобланади. Металлнинг қолган қисми қиздирилмайди ва шпинделнинг деформацияланишини келтириб чиқармайди.

20X маркали пўлатдан тайёрланган шпинделлар цементланади, кейин тобланади ва бўшатилади.

Термик ишлов берилгандан кейин шпинделнинг олдинги ва орқа томонидан конуссимон тешиклар якуний йўнилади.

Ўрнатиладиган кондукторнинг олдинги конуссимон тешиги бўйича базаланиб шпиндель фланецидаги тешиклар пармаланади ва уларнинг айримларига резьба йўнилади. Кейин конуссимон тешикларга марказий маҳсус тиқин киргизилади. Шпиндель заготовкаси ти-



18.2-расм Токарлик дастгоҳининг шпиндели

қиннинг марказий тешиклари бўйича базаланади ва ташқи сиртлар якунловчи йўнилади ҳамда токарлик ёки резьба фрезалаш дастгоҳларида ташқи резъбаларга ишлов берилади.

Шлица ва шпонка ариқчаларини фрезалаш ҳам марказий тиқинлар ёрдамида амалга оширилади, бунинг натижасида шпиндель ўқи бўйича уларнинг ўзаро параллеллигига эришилади.

Таянч бўйинларини ва патроности ташқи конусини жилвирлаш ҳам шпинделни марказий тиқинга базалаш орқали амалга оширилади. Прецизион дастгоҳларнинг бўйинлари жилвирлашдан сўнг кўпинча ялтиратилади ёки суперфинишланади, бунда сирт ғадир-бутирлиги  $R_s = 0.08 \div 0.16$  га эришилади.

Якуний ишлов берилган таянч бўйиндан фойдаланиб, олдинги конуссимон тешикни ички жилвирловчи дастгоҳда жилвирланади. Шпинделнинг таянч бўйнига нисбатан конуссимон тешик жойлашишининг тўғрилигини тешикка конуссимон кети билан ўрнатиладиган аниқ қисқич ёрламида аниқланади. Индикатор 300 мм узунликдаги қисқичга ўрнатилади. Шпиндель айлантирилганда индикатор стрелкасининг офиши  $5\text{--}10 \mu$  дан, прецизион дастгоҳлар учун эса  $1\text{--}3 \mu$  дан катта бўлмаслиги керак. Бўйлама тешиги бўлмаган шпинделлар, одатда, поғонали валларга ишлов бериш каби марказий тешиклар бўйича базаланди.

**18.2-расмда күрсатылған токарлық дасттоҳи шпинделлига ишлов берилген технологик маршрути**

т/-р	Операция	Дасттоҳ
1	Торешларини фрезалаш ва у ерда марказий тешикларни пармалаш.	Марказловчи фрезалаш
2	Кетидан то фланецгача бўлган ташқи сиртларни хомаки ва ярим тоза йўниш.	Токарлик-гидро-нусхакаш
3	Шпинделнинг каллак қисмини йўниш.	Универсал-токарлик
4	Ўқ бўйича тешик пармалаш.	Бир еки икки шпинделли чуқур пармаловчи
5	Фланец томонидаги конуссимон тешикни зенкерлаш (конуссимон зенкер ёрдамида)	Вертикал пармалаш
6	Олдинги ва кетинги конуссимон тешикларни дастлабки йўниш ва торецини кесиш.	Универсал-токарлик
7	ЮЧТ ёрдамида бўйинларни тоблаш ва бўшатиш.	ЮЧТ маҳсус мослама ва печь
8	Олдинги ва кетинги конуссимон тешикларни якуний йўниш.	Универсал-токарлик
9	Фланецда тешик пармалаш ва резьба йўниш	Вертикаль-пармалаш
10	Ташқи сиртларни якуний йўниш.	Гидро-нусхакаш
11	Гайка учун резьба йўниш.	Токарлик винт қирқини
12	Шпонка ариқасини фрезалаш.	Шпонка фрезаловчи
13	Шлицаларни фрезалаш.	Шлица фрезаловчи
14	Стопор учун иккита тешик пармалаш.	Вертикал пармалаш
15	Цилиндрик бўйинларни жилвирлаш	Думалоқ жилвирлаш
16	Конуссимон таянч бўйинларини жилвирлаш.	Ички жилвирлаш
17	Патрон учун конусни ва фланец торецини жилвирлаш	Ички жилвирлаш
18	Олдинги конуссимон тешикни жилвирлаш.	Ички жилвирлаш
19	Шпинделни назоратдан ўтказиш	

Прецизион дастгоҳларнинг шпинделларини тайёрлаш технологик жараёни жуда ҳам мураккаб, чунки уларнинг ўлчамларига, унинг элементларининг геометрик шаклига нисбатан элементларнинг бўйлами ўқ бўйича жойлашишига ҳамда таянч бўйинлари сиртларининг ғадир-будирлигига талаб жуда ҳам юқори.

Шпинделларни назоратдан ўтказиш жуда ҳам масъулиятли операция бўлиб ҳисобланади. Аввал геометрик ўлчамлари текширилади. Диаметрал ўлчамлари чекли скобалар, штангенциркуллар, микрометрлар (0,01 мм гача), пассаметрлар (0,002 мм гача) ва микромастлар (0,001 мм гача) ёрдамида назоратдан ўтказилади.

Сиртлар геометрик шаклининг тўғрилиги ва уларнинг ўзаро жойлашиши, одатда, индикатор ёрдамида назоратдан ўтказилади.

### ***Синов саволлари***

1. Шпинделлар нима мақсадда ишлатилади?
2. Шпинделларга қандай техник талаблар қўйилади?
3. Шпинделларнинг қандай турлари мавжуд?
4. Шпинделларга қандай ишлов берилади?
5. Прецизион дастгоҳларнинг шпинделларини тайерлашнинг ўзига хос қандай томонлари бор?
6. Токарлик дастгоҳи шпинделлига ишлов бериш операцияларининг кетма-кетлигини айтиб беринг.

## XIX б о б

# ТИРСАКЛИ ВАЛЛАРГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ


## 19.1. Тирсакли валларнинг заготовкаларини олиш усуллари

Пўлат тирсакли валларнинг заготовкалари болға ва прессда штамплаш орқали IT 8-9 квалитет бўйича аниқликда тайёрланади. Сериялаб ишлаб чиқаришда болғалар ёрдамида, оммавий ишлаб чиқаришда эса болғаловчи прессларда заготовкалар штампланади. Болғаловчи прессларда штамплаш 1,5—2 маротаба унумли, бунда штамплаш қияликларини 3—6 градусгача, механик ишлов бериш учун қўйимни 30—40% га ва металл сарфини 10—12% га камайтириш мумкин.

Штамплаш учун заготовка сифатида квадрат, думалоқ чивиқ ёки шаклдор прокатдан фойдаланилади. Шаклдор прокатдан фойдаланиш самарали ҳисобланади (заготовканинг бошланғич массаси 5—8% гача камаяди).

Прессда штамплаш орқали тирсакли вал заготовкасининг шакли ҳосил қилиниши 19.1-расмда кўрсатилган: *а* — штамплаш учун заготовка; *б* — букиш; *в* — дастлабки ва якуний штамплаш; *г* — ўсмаларини қирқиб ташлаш; *д* — горизонтал-болғалаш машинасида фланецни чўқтириш.

Қўйма валларнинг заготовкалари асосан икки усулда олинади: тупроқли ва ариқчали шаклларга қўйиш. Ариқчали шаклларга қўйиб олинган тирсакли валларнинг заготовкалари юқори аниқликка эга бўлади (IT5-IT7) ва сирт ғадир-будурлиги  $R_z=40$  бўлади, зичлиги юқори ва ишлатилиш сифатлари яхши бўлади.



19.1-расм. Пресс ёрдамида штамплаш орқали тирсакли вал заготовкасининг шаклини ҳосил қилиш

## 19.2. Тирсакли валларнинг заготовкаларига механик ишлов бериш


Тирсакли валларнинг заготовкаларига механик ишлов беришнинг асосий операциялари қуидагилардир:

- технологик базаларга ишлов бериш (торецларини, марказий тешиклар ва платиклар); б) асосий ва шатунли бўйинларини, бўйинларга ва галтелларга ишлов бериш;
- мой каналларига ишлов бериш; г) фланецдаги ва вал кетларидаги тешикларга ишлов бериш; д) бўйин сиртларини пардозлаш; е) вални мувозанатлаш.

Тирсакли валнинг торецлари ва марказий тешиклари фрезалаш-марказлаш дастгоҳларида битта операцияда ёки фрезалаш ва марказлаш дастгоҳларида иккита операцияда ишлов берилади. Валларни оммавий ишлаб чиқаришда марказлаш учун барабан туридаги фрезалаш-марказлаш дастгоҳлари қўлланилади.

Заготовка иккала четки асосий бўйинлари орқали бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда гидравлик ёки пневматик суриладиган (1) ва (2) призмали мослама ёрдамида марказланади (19.2-расм), бу ўрнатиш ва маҳкамлаш заготовкани бир оз текислайди; заготовка ўқ бўйича йўналишда қўзғалувчан призма (3) ёрдамида қайд қилинади. Барабан туридаги мосламалар тўрт ва ундан ортиқ заготовкаларни ўрнатиш учун фойдаланилади.

Кейинги пайтда заготовканинг геометрик ўқи бўйича эмас, балки инерция ўқи бўйича марказловчи мувозанат-



19.2-расм. Тирсакли вал заготовкасининг торецларини фрезалаш ва марказлашда ориентирлаш схемаси:

1 ва 2 – марказловчи призмалар; 3 – заготовкани ўқи бўйича ориентирлаш учун призма

ловчи-марказловчи дастгоҳлар қўлланила бошлади. Заготовка мувозанатланган қисувчи мосламалар ёрдамида ўрнатилади. Мослама горизонтал ўқи атрофида айланади. Кўзда тутилган маҳсус тизим туфайли заготовка айлананаётган мосламада автоматик равишда ўз ҳолатини ўзгартириб, маълум бир айланышлар сонида заготовканинг инерция ўқи дастгоҳ шпинделига ўрнатилган марказловчи парманинг ўқига тўғри келиб қолади.

### 19.3. Тирсакли валларнинг бўйинларига ишлов бериш

Кўпчилик корхоналарда валларнинг бўйинлари термик ишлов берилишига қадар токарлик ва жилвирлаш дастгоҳларида ишлов берилади, термик ишлов берилгандан кейин эса жилвирлаш, ялтиратиш ёки суперфинишлаш дастгоҳларида ишлов берилади. Айрим ҳолларда бўйинларга ишлов беришда фрезалаш қўлланилади. Вал заготовкаси токарлик ва жилвирлаш операциялари орасида тўғриланади, айрим ҳолларда марказий тешикларда тўғриланади.

Йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда токарлик, пармалаш, жилвирлаш ва бошқа дастгоҳлар автоматик линияга терилади.


Узун тирсакли валлар заготовкаларининг асосий бўйинларини йўнишда ўрта асосий бўйини бўйича таянч қилиб марказларга ўрнатилади. Бунинг учун ўрта асосий бўйин дастлаб токарлик ва жилвирлаш дастгоҳларида ишлов берилади. Токарлик ишлов бериш учун одатда, икки томонлама юритмали кўп кескичли маҳсус дастгоҳлардан фойдаланилади. Бу дастгоҳларда заготовка иккита патрондаги марказга ўрнатилади (19.3-расм). Дастгоҳ конструкциясида ишлов бериш жараёнида ўзгармас кесиш тезлигини таъминлаш учун шпинделнинг айланышлар сонини поғонасиз ўзгартириш кўзда тутилган. Дастгоҳ бўйинни 0,2—0,3 мм гача аниқликда ( $IT5$ — $IT7$  бўйича) ва  $R_z=40$  сирт фадир-будирликда йўнишга имкон беради. Вал бўйинларининг тепиши 0,3—0,5 мм га teng.

Токарлик ишлов берилгандан кейин ўрта бўйин қирқиб олиш усулида люнет ости учун жилвирланади. Бўйин билан бир пайтда бўйин тореци ва галтеллар жилвирланади.


ди. Бундай ҳолларда жилвирлаш дастгоҳларида заготовка марказларга ўрнатилади, заготовканинг айланма ҳаракати эса поводкали патрон ёрдамида амалга оширилади. Жилвирланадиган бўйин, одатда, созланадиган люнетга таянади ва бўйин диаметрининг ишлов бериш аниқлиги IT3 квалитет атрофида бўлади.

Ўрта асосий бўйиндан қўшимча таянч сифатида фойдаланиб кейинги операцияларда қолган асосий бўйинлар, фланец ва олдинги поғонали кети йўнилади; шу билан бир пайтда бўйин тореци, фланец ва галтеллар йўнилади. Бунинг учун марказий юриткичли кўп кескичли токарлик ярим автоматлар қўлланилади. Бу дастгоҳларда заготовкалар марказларга ўрнатилади, марказий асосий бўйин эса люнетга ўрнатилади (19.4-расм). Етаклаш тортқиси вазифасини ўрта бўйиннинг жағи ўтайди. Ушбу операцияда бир пайтнинг ўзида қолган асосий бўйинлар (ўрта бўйиндан ташқари), валнинг поғонали кети, фланец йўнилади, жағнинг ва галтелнинг торецлари кесилади. Бўйинлар радиал призматик кенг кескичлар билан йўнилади, бу кескичлар олдинги ва кетинги суппортларга ўрнатилган бўлади.

Токарлик ишлов беришнинг иккинчи усулига ўтиш учун, яъни шатунли бўйинларни йўниш учун аниқ асосий базаларни (асосий бўйинларни) тайёрлаб олиш зарур. Бунинг учун икки ёки кўп жилвиртош доирали думалоқ



19.3-расм. Икки томонли юритмали токарлик ярим автоматда тирсакли валнинг ўрта бўйинини йўниш ва бўйинларини кесиш



19.4-расм. Марказий юритмали токарлик ярим автоматда тирсакли валнинг асосий бўйинларини ва кетини йўниш

жилвирловчи дастгоҳларда барча асосий бўйинлар ва вал кетлари дастлаб жилвирлаб олинади.

Шатунли бўйинлар жуфт-жуфт йўнилади (айланишнинг бир ўқида жойлашган иккитадан бўйин), масалан, аввал биринчи ва олтинчи, кейин иккинчи ва бешинчи ва охири учинчи ва тўртинчи бўйинлар йўнилади ёки барча бўйинлар бир пайтда йўнилади. Иккала ҳолда ҳам бўйинга туташ жағ ва галтел сиртлари йўнилади. Биринчи ҳолда олтида тирсакли валнинг шатунли бўйинлар бир пайтда ишлов берилиши мумкин. Биринчи вариант бўйича ишлов бериш учун икки томонлама юритмали дастгоҳдан фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолда ишлов бериладиган иккита бўйин ўқи дастгоҳ шпинделни ўқига тўғри келадиган ҳолатда тирсакли вал ўрнатилади. Бунинг учун асосий ўрта бўйинни ишлов беришдаги каби вални маҳкамловчи мосламадан фойдаланилади. Вални мосламага ўрнатишда асосий бўйин ўқи шпинделнинг айланиш ўқига нисбатан кривошиб радиуси катталигида силжитилади.

Иккинчи вариант бўйича ишлов бериш учун ишлов бериладиган шатунли бўйинлар сонига тўғри келадиган ишчи суппортли маҳсус мақсаддаги дастгоҳлардан фойдаланилади. Вал четки асосий бўйинлари бўйича ўрнатилади ва асосий бўйиндаги люнетга таянади.

Шатунли бўйинлар асосий бўйинларни токарлик ишлов беришдаги суришга нисбатан кичик суришда йўнилади. Бу валнинг деформацияланишини (буралишини) камайтиради.

Кейинги пайтда бўйинларни, жағ ва галтелларни ротацион фрезалаш усулида ишлов бериш қўлланилмоқда.

Бундай фрезалаш заготовканинг кичик тезликда айланishi ва вақт бирлигига катта миқдорда металл кесиб олиниши билан характерланади.

Пўлат заготовкали тирсакли валларнинг бўйинларини дастлабки жилвирлаш термик ишлов берилгунга қадар ва охирги жилвирлаш термик ишлов берилгандан кейин амалга оширилади.

600—800 мм узунликдаги 65—80 мм диаметрли тирсакли валлар заготовкаларининг бўйинлари, жағ ва галтелларини жилвирлаш учун қўйим термик ишлов берилгунга қадар ҳар иккала томонга 0,3—0,5 мм дан қолди-

рилади ва термик ишлов берилгандан кейинги жилвирлаш учун ундан ҳам камроқ қўйим қолдирилади.

Бўйинлар тоза жилвирлангандан кейин юқори тозаликдаги ишчи сирт ҳосил қилиниши учун pardozlovchi ишлов берилади. Пардозловчи операцияларнинг асосийлари суперфинишлаш, ялтиратиш ва микрофинишлаш ҳисобланади.

Юқори юкланишда ишлайдиган тирсакли валларнинг чарчаши мустаҳкамлигини ошириш учун сирт мустаҳкамлаш қўлланилади.

#### **19.4. Тешикларга ва шпонка ариқчаларига ишлов бериш**

Шатунли бўйинларда 6-10 мм диаметрли 100-220 мм узунлиқда мой ўтказувчи қия каналлар, асосий бўйинларда эса 7-10 мм диаметрли 25-40 мм узунлиқда мой ўтказувчи тешиклар ҳосил қилинади. Фланецда, одатда, маҳкамлаш учун 14-16 мм диаметрли 4-6 та тешик пармаланади.

Валнинг фланец томонидаги торецида диаметри 30-50 мм ли, узунлиги 40-70 мм ли подшипник ўтирадиган тешикка ишлов берилади, валнинг олдинги кетида тешик пармаланади, зенкерланади ва резьба очилади. Валнинг олдинги кетида тақсимлагичнинг етакловчи шестеряси ва вентилятор шкиви ўрнатиш учун шпонка ариқчалари ҳосил қилинади. Бу мақсадда йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда икки томонлама кўп ўринли агрегатли барабан туридаги дастгоҳлар қўлланилади.

Тирсакли валлардаги мой ўтказувчи каналларни стационар мослама билан жиҳозланган икки томонли кўп шпинделли горизонтал-пармалаш дастгоҳларида ҳосил қилинади.

Тирсакли валлар юк билан биргаликда мувозанатланади, бунда айланма массанинг инерция кучи таъсирида мувозанатсизлиги аниқланади ва мувозанатлаштирилади.

## **19.5. Тирсакли валларни назоратдан ўтказиш**

Тирсакли валларни тайёрлаш жараёнининг ҳар бир энг масъулиятли операцияларидан кейин бир неча назоратдан ўтказилади.

Якуний назоратдан ўтказишда одатда: а) бўйин, фланец ва вал кети диаметрлари; б) четки асосий бўйинларга нисбатан бўйин ва фланец торецининг тикиши; в) асосий ва шатунли бўйинларининг узунликлари, уларнинг базовий тореци ва фланец қалинлигига нисбатан масофаси; г) барча кривошипларнинг бурчак остида жойлашиши; д) кривошип радиуси; д) биринчи асосий бўйин ўқига нисбатан ўрнатиладиган тешиклар ўқининг жойлашиши; е) биринчи шатунли бўйиннинг сиртига нисбатан шпонка ариқчаси ўқининг жойлашиши ва ўлчами; ж) фланецдаги подшипник учун тешик диаметри ва унинг фланец тореци ёки асосий орқа бўйин торецига нисбатан уриши; з) маховик ости бўйни текширилади.

Охирида бўйинларида тирналганлик, дарзлик, ўсимталар ва бошқаларни аниқлаш мақсадида ташқи сирти кўздан кечирилади.

### ***Синов саволлари***

1. Тирсакли валлар нима учун хизмат қиласи ва унинг конструктив параметрлари қандай бўлади?
2. Тирсакли валлар қандай материаллардан тайёрланади?
3. Тирсакли валларнинг заготовкаларини олиш усулларини айтиб беринг.
4. Тирсакли валларга механик ишлов бериш кетма-кетлигини айтиб беринг.
5. Тирсакли валларнинг олдинги кетидаги тешикка қандай ишлов берилади?
6. Тирсакли валларнинг бўйинларига қандай ишлов берилади?
7. Тирсакли валлар қандай назоратдан ўтказилади?

## XX б о б

# ДАСТГОҲ СТАНИНАЛАРИГА ВА КОРПУСЛИ ДЕТАЛЛАРГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ

## 20.1. Станиналарга ишлов бериш

Металл кесувчи дастгоҳларнинг станинаси асосий ва масъулиятли деталдир. Дастгоҳда ишлов бериладиган деталнинг сифати станинанинг тайёрланиш сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Станинанинг асосий вазифаси дастгоҳ узелларининг ўзаро жойлашишини координата-лаш ва бириктиришdir, шунинг учун станинани кўпинча базавий деталь ҳам деб аталади.

Кўпгина станиналар учун иккита ва ундан ортиқ тўғри чизиқли сиртларнинг мавжуд бўлиши характерли ҳисобланади. Аниқ ишлов берилган тешиклар станиналар учун унча аҳамият касб этмайди. Уларда маҳкамлаш учун ишлатиладиган тешиклар асосий тешик бўлиб ҳисобланади.

Дастгоҳнинг ишлаши кўп жиҳатдан йўналтирувчи станиналарнинг аниқлиги ва уларнинг ейилишга чидамлилиги билан аниқланади. Нормал аниқликдаги дастгоҳларнинг йўналтирувчи станиналари 1000 мм узунликда 0,01—0,05 мм дан катта бўлмаган тўғри чизиқликдан четга чиқишга рухсат берилади. Прецизион дастгоҳлар учун тўғри чизиқликдан четга чиқиш 5—10 марта кам бўлиши керак. Нормал аниқликдаги дастгоҳларнинг йўналтирувчи станиналари 1000 мм узунликдаги 0,001—0,005 мм орасида параллелликдан четга чиқишга рухсат берилади. Оддий дастгоҳлар учун сирти ғадир-будирлиги  $R_a = 0,63 \div 1,25$ , прецизион дастгоҳлар учун эса  $R_a = 0,04 \div 0,08$  бўлиши керак.

Станиналарнинг заготовкаси учун СЧ 20 чўян қўймаси хизмат қиласди. Камдан-кам ҳолларда легирланган чўяндан ҳам фойдаланилади. Пайвандли станиналар чекланган қўлланишга эга.

Станиналарнинг механик ишлов бериш кетма-кетлиги барча турдаги ишлаб чиқаришда принципиал жиҳатдан бир хил ва қуйидагича а) асоси ва йўналтирувчи сиртларга дастлабки ишлов бериш; б) ўша сиртларга тоза

ишлов бериш; в) маҳкамлаш учун фойдаланиладиган ва бошқа тешикларга ишлов бериш; г) йўналтирувчи сиртларни пардозлаш.

Станинага дастлабки ишлов берилгандан кейин кўпинча “эскиртириш” (табиий ёки сунъий) операцияси кўлланилади, бундан мақсад металлнинг совуш жараёнида ҳам, дастлабки механик ишлов беришда ҳам ҳосил бўлган ички кучланишлардан озод қилишдир. Прецизион дастгоҳларнинг станиналари албатта “эскиртирилади”.

Табиий “эскиртириш”, одатда, дастлабки йўнилгандан кейин амалга оширилади: станина цехда ёки цехдан ташқарида 10 кундан 6–8 ойгача турса, янада яхши бўлади.

Сунъий “эскиртириш” бир неча усулда амалга оширилади. Энг кўлланувчан усул — печда (электрик, нефтли ва бошқалар) 12—15 соат 500—550 С° гача қиздириш. Барча операцияга 20—24 соат сарфланади. Кўпинча, айниқса прецизион дастгоҳларнинг станиналари учун бу вақт 2—3 марта ва қиздириш ҳарорати 600—650 С° гача етказилади.

Якка тартибли ишлаб чиқаришда катта дастгоҳлар станиналарига механик ишлов бериш учун қўйим 12 мм дан 25 мм гача қабул қилинади, йирик серияли ишлаб чиқаришда ўрта дастгоҳлар учун эса қўйим 6—8 мм қабул қилинади.

Якка тартибли ва кичик серияли ишлаб чиқаришларда станина белгилаш бўйича оддий мосламалардан фойдаланиб универсал дастгоҳларда ишлов берилади. Йирик серияли ишлаб чиқаришда юқори унумдорли кўп шпинделли дастгоҳлар ва бошқа юритмали мосламалар қўлланилади (20.1-жадвал).

Якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда станиналарга ишлов бериш белгилашдан бошланади, белгилашнинг мазмуни шундан иборатки, рейсмус ёрдамида белгилар қўйиб чиқилади. Белгилашда геометрик ўлчамлар текширилади ва қуйманинг асосий элементлари шаклларининг тўғрилиги, яъни ташқи сиртларга нисбатан стерженлар ёрдамида ҳосил қилинган ички сиртларнинг қийтиғлиги ҳамда ишлов бериш учун қолдирилган қўйимнинг тенг тақсимланиши текширилади.

Станинанинг конструктив жиҳатдан ўзига хослиги, оғирлиги, габарит ўлчамлари, аниқлик параметрлари ҳамда

Йиллик ишлаб чиқарилиши станинанинг ишлов бериш технологик жарайёнини ва алоҳида операцияларининг ба-жарилишини белгилайди.

*20. I-жадвал*

**Токарлик – винт қирқиши дастгоҳининг станинасига йирик серияли ишлаб чиқаришда ишлов бериш технологик маршрути**

т.р	Операциянинг қисқача мазмуни	Дастгоҳ
1	Асоснинг сиртларини хомаки фрезалаш.	Бўйлама фрезалаш
2	Йўналтирувчи ва бошқа сиртларни хомаки фрезалаш	Махсус бўйлама фрезалаш
3	Табиий (ёки сунъий) эскиртириш.	
4	Асос сиртларини тоза фрезалаш.	Бўйлама фрезалаш
5	Йўналтирувчи ва бошқа сиртларни тоза фрезалаш.	Махсус бўйлама фрезалаш
6	Кетинги бабка планка ости сиртни рандалаш.	Бўйлама рандалаш
7	Маҳкамловчи реъзбалар учун тешик пармалаш ва реъзба кесиш ва бошқа тешикларни пармалаш	Рандалаш-пармалаш
8	Йўналтирувчининг сиртларини юқори частотали токда тоблаш	Махсус мослама
9	Йўналтирувчининг сиртларини жилвиirlash	Бўйлама жилвиirlash
10	Назоратдан ўтказиш.	

Якка тартибли ва кичик серияли ишлаб чиқаришда оғир ва улкан дастгоҳларнинг станиналари, одатда йўналтирувчиларини ишлов беришдан бошланади, бу эса қўйма нуқсонларни аниқлашга имкон беради.

Токарлик, бўйлама фрезалаш, бўйлама рандалаш, йўниш ва бошқа ўрта ўлчамли дастгоҳларнинг станиналарига асосдан-базавий сиртдан бошлаб ишлов берилади. Бу биринчи операцияда станина заготовкаси йўналтирувчи хомаки (ишлов берилмаган) сирт билан ўрнатилади, бу сирт шу ҳолатда технологик ўрнатувчи база бўлиб ҳисобланади.


Бу эса кейинги операцияда йўналтирувчидан катта бўлмаган қалинликдаги металл қатламини кесишга имкон яратади, йўналтирувчida янада зич, бир жинсли ва ейилишга чидамли металл қатламининг сақланишини таъминлайди. Заготовка биринчи операцияда белги бўйича қозиқ ёки домкратлар ёрдамида вертикал йўналишда ўрнатилади. Горизонтал йўналишда, одатда, винтли таянчлар қўлланилади.

Серияли ишлаб чиқаришда станина заготовкалари биринчи операцияда белги бўйича эмас, балки маҳсус мослама ёрдамида ўрнатилади.


Сериялар сони ортиб борган сари винтли қисқичлиларга нисбатан такомиллашганлари: пневматик, гидравлик ва бошқа усулда қисадиган мосламалар қўлланилади.

Йўналтирувчиларни бўйлама-фрезалаш дастгоҳида стандарт фрезаларни бир марта ўрнатиб, бироқ бир неча марта ўтишда фрезаларни кўп марта алмаштириб фрезалаш мумкин, бунда ёрдамчи вақт жуда кўп сарфланади.

Шундай фрезалашнинг еттита ўтишда бажариладигани 20.1-расмда кўрсатилган. Фрезалашнинг бундай усулини станиналарнинг катта партиясига ишлов беришда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.



20.1-расм. Дастгоҳ станинасининг йўналтирувчисини фрезаларни алмаштириб фрезалаш схемаси



20.2-расм. Фрезалар түплами ердамида дастгоҳ станиналарининг йўналтирувчиларини фрезалаш схемаси

Йўналтирувчиларни фрезаларнинг маҳсус түплами ёрдамида фрезалаш мумкин (20.2-расм), бунда икки ёки тўрт шпинделли бўйлама фрезалаш дастгоҳларидан фойдаланилади. Иккала фрезалаш бабкалар станина йўналтирувчисининг профилига тўғри келувчи фрезалар түплами жойлашган қисқичларни айлантиради, ёрдамчи вақт фақат мосламада станина заготовкасини ўрнатиш ва маҳкамлашга сарфланади халос.

Бу усулнинг унумдорлиги жуда юқори, бироқ айрим камчиликларга эга. Фрезалар түпламидағи тўртта фреза стандартли, қолганлари эса маҳсус бўлади, бу эса уларнинг бошланғич нархини ошириб юборади. Тўпламга киравчи фрезаларни чархлаш жуда ҳам мураккаб, чунки тўпламдаги фрезаларнинг талаб қилинган диаметрига қатъий амал қилишга тўғри келади. Агар битта фреза тишининг бир қисми емирилса, уни чархлашда металлнинг кўп қатламини чархлаб олиб ташлашга тўғри келади, диаметрнинг ўлчамига амал қилиш учун тўпламдаги қолган фрезаларнинг ҳам ортиқча металл қатламини олишга тўғри келади, бу эса чархлашни қимматлаштиради ва фрезанинг ишлаш вақтини камайтиради.

Йирик серияли ишлаб чиқаришда кўп шпинделли маҳсус бўйлама фрезалаш дастгоҳларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, буларда фрезалаш бабкалари дастгоҳнинг иккала томонида кўндаланг жойлашган бўлади. Бундай дастгоҳларда станиналарнинг йўналтирувчилари, асосан стандарт фрезаларда ишлов берилади.

20.3-расмда 19 та фреза билан (шундан фақат 5 та фреза маҳсус) станина йўналтирувчисини фрезалаш схемаси кўрсатилган. Бундай дастгоҳлар битта операцияда жуда ҳам


кам ёрдамчи вақт сарфлаб, станина йўналтирувчисини ишлов беришга имкон беради. Станинанинг тўрт томонидан тешикларга ишлов бериш умумий рамада ўрнатилган, буralувчи мосламалар ёрдамида амалга оширилади. Олдинги бабка станинанинг бурилиши учун бўлувчи механизмга эга. Бурилиш электрик, пневматик ва гидравлик мослама ёрдамида амалга оширилади. Кетинги бабка рамада ҳаракатланади ва ишлов бериладиган станинанинг узунлигига қараб ўрнатилади. Якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда тешикларга белгилар бўйича ишлов берилади, йирик серияли ишлаб чиқаришда кондукторлар бўйича ишлов берилади. Станина йўналтирувчиларининг тешикларига ишлов берилгандан кейин станина тобланади (айниқса серияли ва йирик серияли ишлаб чиқаришда), тоблаш станина йўналтирувчиларининг ейилишга чидамлилигини оширади.

Станина йўналтирувчиларнинг сиртини тоблаш ацетилен-кислород алансасида ёки юқори частотали токда қиздириш орқали амалга оширилади.

Газ алангали тоблашда тобланган қатлам чуқурлиги 3—5 мм ни ташкил қиласи. Тоблангандан кейин унинг қаттиқлиги HRC 52÷54 гача етади.

Юқори частотали токда тоблашда сирт қатлами қаттиқлиги 2,5 мм чуқурликда HRC 45÷52 гача бўлади.

Станина йўналтирувчиларга пардозловчи ишлов бериш асосан учта усулда: юпқа рандалаш, шаберлаш ва жилвирлаш орқали амалга оширилади. Йўналтирувчиларни пардозлаш усули дастгоҳ ўлчамига, ўлчам аниқлиги ва сирт ғадир-будирлиги синфига ҳамда ишлаб чиқариш турига қараб танланади.



20.3-расм. Саккиз шпинделли бўйлама-фрезалаш дастгоҳида дастгоҳ санина-ларининг йўналтирувчисига ишлов бериш схемаси

Юпқа рандалаш бүйлама рандалаш дастгоҳларидан кенг кескичлар ёрдамида амалга оширилади. Кескичининг кесувчи тифи 20 мм дан 100 мм гача бўлади, у деталнинг сиртига қатъий параллел ўрнатилиши керак.


Юпқа рандалаш учун қўйим 1 мм атрофида қолдирилади ва 2—3 ўтишда олинади. Охирги ўтишда кесим чуқурлиги 0,03—0,07 мм, суриш тахминан кескичининг кесувчи қирраси узунлигининг ярмига teng, тез кесар кескичлар учун кесиш тезлиги 15—20 м/мин ва қаттиқ қотишмали кескичлар учун 40—60 м/мин, сирт ғадир-будирлиги тахминан  $R_a$  бўйича  $1,25 \pm 2,5$  бўлади.

Ҳозирги пайтда станина йўналтирувчиларини шаберлаш якка тартибли ва майдо серияли ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бу усулда текисликларнинг юқори аниқликдаги (1000 мм узунликда 0,002 мм) тўғри чизиқлилигига ва параллелликка эришилади. Одатда, текисликларни шабер деб аталувчи асбоб ёрдамида дастаки усулда шаберланади.

Шаберлаш жараёни катта жисмоний куч ва юқори малякали ишни талаб қиласи, иш ҳажми катта ва ишлаб чиқариш цикли узайтирилганлиги сабабли юқори аниқликни ва сирт ғадир-будирлигини таъминлайдиган юқори унумли ва такомиллашган жилвирлаш усулига ўз ўрнини бериб қўймоқда, станина йўналтирувчисини пардоzlашнинг жилвирлаш усули серияли ва йирик серияли ишлаб

чиқаришда кенг тарқалган. Станина йўналтирувчиларини шаберлашга нисбатан жилвирлашда иш ҳажми 4—5 марта кам бўлади.

Станина йўналтирувчиларини шаберлаш қўзгалувчан столли ёки қўзгалувчан устунли махсус ясси жилвирлаш дастгоҳла-



20.4-расм. Дастгоҳ станиналарининг йўналтирувчисини чашкали жилвиртош доираси ёрдамида жилвирлаш схемаси

рида амалга оширилади. Жилвирлаш буралувчи бабкаларга чашкали жилвиртош доиралари 1, 2, 3, 4 ва 5 (20.4-расм) ўрнатиласди.

Станина йўналтирувчиларининг ёнини маҳсус профиллаштирилган цилиндрик жилвиртош доиралари ёрдамида ҳам жилвирлаш мумкин. Жилвирлангандан кейин сирт фадир-будирлиги  $R_a = 0.63 \div 1.25$  га тўғри келади, тўғри чизиқлиги бўйича 1000 мм узунликда 0,01—0,02 мм хатоликда бўлиши мумкин.

Станинани жилвирлашда назоратдан ўтказиш маҳсус шаблонлар орқали амалга оширилади. Юқори аниқликдаги станиналар учун якуний пардозлаш операцияси ишқалаш ҳисобланади. Дастреб паста билан мойланган йўналтирувчига туташдиган деталь ёки йўналтирувчи профилiga тўғри келадиган маҳсус плита ўрнатиласди ва станина йўналтирувчилари бўйича уларга илгариланма-қайтма ҳаракат берилади. Ишқалаш вақти бир неча соат давом этиши мумкин. Бу вақт йўналтирувчиларининг берилган ишлов бериш сифати ва станинанинг ўлчамига боғлик.

Станиналар йўналтирувчиларини пластик деформациялаш орқали ейилишга чидамлилигини ошириш мақсадида мустаҳкамланади. Дастреб рандаланган ёки жилвирланган станина йўналтирувчиларининг сиртларини бир пайтда ҳам тоза ишлов бериш, ҳам мустаҳкамлашнинг янги усулларидан бири прецизионли пластик деформациялаш йўли билан думалатишдир.

Думалатишдан сўнг ялтиратиш усулини қўллангандаги каби силлиқ сирт ва қаттиқлиги бринель бўйича тахминан 20 бирликка ошган, пухталанган, ейилишга чидамли юпқа қатлам ҳосил бўлади. Думалатишдан ташқари станина йўналтирувчиларини золдирлар ёрдамида пухталаш усули ҳам қўлланилади. Бу усулда ҳам бўйлама рандалаш дастгоҳида маҳсус асбоб — мустаҳкамловчи ёрдамида амалга оширилади.


## 20.2. Корпусли деталларга ишлов бериш

Корпусли деталлар маҳсулотнинг (буюмнинг) муҳим базавий элементи бўлиб ҳисобланади. Корпусли деталларга тезликлар қутиси, металл кесувчи дастгоҳларнинг су-

риш қутилари, двигателларнинг ва компрессорларнинг цилиндрли блоклари, редукторларнинг, насосларнинг ва бошқаларнинг корпуслари киради. Корпусли деталлар, кўпинча, чўян ёки алюминий, айрим ҳолларда пўлат куймалардан ва камдан-кам ҳолларда пайвандли конструкциялардан тайёрланади. Уларда, одатда, базавий сирт деб аталадиган асосий сирт бўлади. Бу сирт уларнинг буюмдаги ҳолатини белгилайди. Корпусда асосий сиртлардан ташқари ёрдамчи сиртлар ҳам мавжуд бўлади. Буларга қопқоқ ва фланец жойлашадиган сирт, валлар учун таянчлар ва бошқалар киради. Корпусли деталларнинг барчасида тешиклар бўлади, уларни аниқ (асосий)ларга ва ёрдамчиларга бўлиш мумкин. Асосий тешикларнинг сиртлари валлар, шпинделлар ва бошқалар учун таянч вазифасини бажарди.

Ёрдамчи тешикларнинг сиртлари эса маҳкамлаш ва мойлаш учун хизмат қиласиди. Корпусли деталларнинг ўлчамларига юқори талаб қўйилишига сабаб маҳсулотнинг (буюмнинг) умумий аниқлиги корпусли деталлар ўлчамларининг аниқлигига боғлиқ.

Якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда корпусли деталларга ишлов бериш белгилашдан бошланади, у қўйидаги кетма-кетликда бажарилади: а) марказий тешикларни белгилаш; б) шу тешик ўқига нисбатан бошқа тешикларнинг ўқи ва деталь контури белгиланади.



20.5-расм. Бўйлама-фрезалаш дастгоҳида корпусли деталларни гурӯхли ўрнатиш

Ўрта ва йирик серияли ишлаб чиқаришда корпусли деталларга ишлов бериш маҳсус мосламалар ёрдамида бажарилади, шу туфайли деталларни белгилашдан соқит қилинади.

Корпусларнинг ташқи сиртларига рандалаш, фрезалаш, йўниш, жилвирлаш ва сидириш орқали ишлов берилади. Якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда асбобнинг арzonлиги, соддалиги ва созлашнинг осонлиги учун рандалаш кенг қўлланилади.

Корпусли деталларнинг сиртларига фрезалаш усулида ишлов бериш ўрта ва йирик серияли ишлаб чиқаришда устунликка эга бўлади.

Деталларни имкони борича гуруҳлар бўйича кўплаб ўрнатиб ва бир пайтда бир неча фрезалар ёрдамида ишлов бериш орқали ишлов бериш вақтини анча камайтириш мумкин бўлади(20.5-расм).

Йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда каруселли ва барабанли фрезалаш дастгоҳларида тореғли фрезалар ёрдамида сиртларни узлуксиз фрезалаш қўлланилади. Оммавий ишлаб чиқаришда корпус сиртларига сидириш дастгоҳларида ишлов берилади.

Ички ва ташқи айланма сиртларга эга бўлган корпуслар каруселли-токарлик дастгоҳларида ишлов берилади.


Корпусли деталларнинг асосий тешиклари, одатда, йўнувчи, каруселли-токарлик, радиал ва вертикал пармалаш ва агрегатли дастгоҳларида, айрим ҳолларда токарлик дастгоҳларида ҳам ишлов берилади.

Якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда тешикларга ишлов беришда корпусли деталлар ишлов берилган асосий сиртига тешикнинг белгиланган айланаси бўйича ўрнатилади.

Серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда тешиклар маҳсус мосламалар ёрдамида йўнилади (20.6-расм).

Майда серияли ишлаб чиқаришда корпусли деталларнинг тешикларига ишлов бериш учун вертикал ва радиал пармалаш дастгоҳлари қўлланилади.

Сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар конструкциясини такомиллаштиришнинг асосий йўналишига асбобни автоматик равишда алмаштирадиган дастгоҳларни яратиш киради. Мураккаб корпусли деталларга ишлов



20.6-расм Корпусли деталлардаги тешикларни йўнишда асбобни йўналтирувчи таянчлар билан ишлов бериш схемалари:  
 а — таянч заготовка олдида; б — таянч заготовка орқасида;  
 в — таянч заготовка олдида ва орқасида

беришда турли хилдаги асбоблар мажмуасидан фойдаланишга асбобларни алмаштириш учун тез ҳаракатланувчи мосламалар имкон яратади, у асбобларни қайта ўрнатиш ва ўлчамга созлаш учун ёрдамчи вақтни қисқартиради ҳамда ишчининг бир неча дастгоҳларга хизмат қилишига имкон яратади.

#### 20.2-жадвал

#### **Йирик серияли ишлаб чиқаришда токарлик дастгоҳининг тезликлар қутиси корпусига ишлов бериш технологик маршрути**

т/р	Операция номи
1.	Юқориги сиртни ясси жилвирловчи дастгоҳда дастлабки жилвираш
2.	Ювиш агрегатида тезликлар қутиси корпусининг қўймасини ювиш
3.	Юқори томондаги барча тешикларни пармалаш ва резьба очиш ҳамда иккита технологик тешикни развёрткалаш
4.	Тўрт шпинделли бўйлама фрезалаш дастгоҳида торецларни дастлабки ва якупловочи фрезалаш
5.	Саккиз шпинделли бўйлама фрезалаш дастгоҳида пастки платикасини ва ойнагини дастлабки ва якупловочи фрезалаш

6.	Ясси жилвирлаш дастгоҳида юқори сиртни якуний жилвирлаш
7.	Агрегатли дастгоҳда бўйлама ўқлар бўйича барча тешикларни икки томонидан хомаки йўниш
8.	Агрегатли дастгоҳда бўйлама ўқлар бўйича барча тешикларни икки томонидан тоза йўниш
9.	Олмосли йўнувчи дастгоҳда шпинделости тешикларни дастлабки ва якунловчи йўниш
10.	Агрегатли дастгоҳда олди томонидан орқа ва олдинги томондаги торецлардаги тешикларни пармалаш ва йўниш
11.	Агрегатли дастгоҳда олди ва орқа томондан тешикларни пармалаш, зенкерлаш ва развёрткалаш
12.	Резьба кесувчи дастгоҳда олди томондан олди ва орқа торецида жойлашган барча тешикларда резьба очиш
13.	Радиал пармалаш дастгоҳида пастки томонидан тешикларни пармалаш ва резьба очиш
14.	Вертикал хонинглаш дастгоҳида шпинделости тешигини хонинглаш
15.	Ясси жилвирлаш дастгоҳида пастки сиртни ва вертикал платикни якуний жилвирлаш
16.	Ювиш агрегатида детални ювиш

Сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларни замонавий электрон-ҳисоблаш машиналарига боғлаш гурухли ишлаб чиқариш базасида маҳсуслаштирилган ва автоматлаштирилган ўзи бошқариладиган участкаларни яратишга олиб келади. Бундай автоматлаштирилган участканинг асосий хусусияти фақат дастгоҳлар гурухи ва транспорт ускуналарини марказлаштирилган ҳолда бошқариш эмас, шу билан биргаликда, умумий ЭҲМ ёрдамида кузатиш, заготовка ва ишлов бериладиган деталларни ҳисобга олишҳамдир.

Бундай автоматлаштирилган участкаларнинг майдаган се-рияли ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланиши меҳнат унумдорлигини бир неча баробар орттиришга, ишлов бериш циклини камайтиришга, техниканинг юқори пофоналарига ва ишлаб чиқариш маданиятини кўтаришга имкон яратади.

Йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда корпус деталларига, одатда, агрегатли дастгоҳларда ишлов берилади. Бу дастгоҳларда йўнишдан ташқари тешикларни пармалаш, зенкерлаш, цилиндрик ва конуссимон тешиклар-

ни разверткалаш, торецларни йўниш, резьба кесиш, турли ариқчалар йўниш ва бошқа ишларни амалга ошириш мумкин.

Кўпчилик корпусли деталларнинг: а) асосий (базавий) сиртларининг тўғри чизиқлилиги ва тўғри жойлашганлиги; б) асосий тешикларнинг ўлчами ва шакли; в) тешик ўқларининг ўқдошлиги; г) ўқлараро масофа, ўқларнинг параллеллиги ва қийтиглигини; д) асосий сиртларга нисбатан тешик ўқларининг тўғри жойлашганлиги; е) асосий тешиклар ўқларининг перпендикулярликдан оғиши; ж) тешик ўқига нисбатан торең сиртларнинг перпендикулярликдан оғиши; з) асосий тешик сиртларининг, асосий ва бошқа сиртларнинг ишлов бериш ғадир-бутирлигини текширилади.

### *Синов саволлари*

1. Станинанинг асосий вазифаси, уларга қўйилган талаблар ва материали.
2. Станиналарга қандай кетма-кетликда механик ишлов берилади?
3. Токарлик винт қирқиш дастгоҳи станинасига йирик серияли ишлаб чиқаришда қандай кетма-кетликда ишлов берилади?
4. Станина йўналтирувчиларига пардозловчи ишлов беришнинг қандай усуллари мавжуд?
5. Корпусли деталларнинг вазифаси, уларга қўйиладиган талаблар ва материали.
6. Якка тартибли, серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда корпусли детал-ларга ишлов бериш қандай фарқ қиласди?
7. Корпусли деталларни серияли ишлаб чиқаришда ясси сиртларига ишлов беришда қайси усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?
8. Йирик серияли ишлаб чиқаришда токарлик дастгоҳининг тезликлар қутиси корпусига қандай кетма-кетликда ишлов берилади?

# ШАТУН ВА ПОРШЕНЛАРГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ


## 21.1. Шатунларга ишлов бериш

Шатунлар турли машиналарнинг, асосан, поршенли двигателларнинг шатунли-кривошипли механизмларининг узатувчи бўғини ҳисобланади (21.1-расм).

Кўпчилик шатунларнинг кривошипли каллаклари тирсакли вал билан йиғиш имконини яратиш мақсадида ечишувчан қилиб тайёрланади. Шатунларнинг поршенли каллагига бронза втулкаси пресслаб ўрнатилади.

Шатун элементларининг тайёрланиш аниқлигига қўйидаги талаблар қўйилади:

а) поршенли каллакдаги втулка тешикларига IT1 квалитет бўйича, ишлов берилиши зарур, сирт фадир-будирлиги  $R_a$  бўйича  $0,16 \div 0,63$  га тўғри келиши зарур; б) кривошипли каллакдаги тешик IT1 квалитетдан юқори аниқликда ишлов берилиши зарур, сирт фадир-будирлиги  $R_a$  бўйича  $0,32 \div 0,63$  га тўғри келиши зарур. Тешикларнинг конуссимонлиги ва оваллиги  $0,003 \div 0,005$  мм дан ошмаслиги керак; в) поршенли каллакка прессланган втулка тешиги ўқи кривошипли каллакдаги тешик ўқи билан бир текисликда ётиши керак, бунда 100 мм узунликдаги оғиш  $0,04 \div 0,05$  мм дан ошмаслиги зарур. Поршенли каллакка прессланган втулка тешиги ўқи билан кривошипли каллакдаги тешик ўқининг параллелликдан оғиши 100 мм узунликда  $0,02 \div 0,04$  мм дан ошмаслиги зарур; г) кривошипли каллак торецининг ичкўйма ости тешик ўқига нисбатан уриши 100 мм узунликда  $0,1$  мм дан ошмаслиги зарур; д) шатун болти ости тешикка IT3—IT4 квалитет



21.1-расм. Автомобиль шатунининг йигилган ҳолатдаги конструкцияси

аниқлигіда ишлов берилиши керак; е) катта ва кичик каллакларнинг оғирлигига қараб шатунлар түрт гуруұға ажратиласы.

Автотракторлар двигателларининг шатунлари 40, 45 ёки 45Т2 маркалы пұлатлардан, юқори даражадаги босимда ишлайдиган дизелларнинг шатунлари 18ХНМА, 18Х2Н4-ВА ва 40ХНМА маркалы юқори мустақамлик чегарасыга эга бўлган легирланган пұлатлардан тайёрланади.

Шатун поковкасини тайёрлаш технологик жараёни, күпинча, қуйидаги кетма-кетликда бажарилади: қиздирилган заготовкани болғаловчи штампнинг тайёрловчи ариқчаларига дастлаб эзилади. Кейин заготовканинг якуний шаклини ҳосил қилиш мақсадида биринчи шакл ҳосил қилувчи ариқчада ва иккинчи шакл ҳосил қилувчи ариқчасида якуний штампаланади. Ортиқча чиқиқларини кесиб ташлаб тайёрланади, қиздирилади ва бошқа болға ёки прессдаги калибрөвчи штампда калибрланади. Ўсимталар кесиб ташлангандан сўнг заготовка совуқлайин түғриланади.

**Шатун заготовкаларига механик ишлов бериш.** Шатунларнинг алоҳида параметрларининг техник шартларини таъминлаш мақсадида унинг охирги ўлчамларини ҳосил қилувчи операциялар шатун ва қопқоқ йигилгандан кейин бажарилади, шундай қилиб бу деталлар ўзаро алмашинувчан эмас.

Барча корхоналарда шатун заготовкаларига механик ишлов бериш унинг торецларидан бошланади.

Каллаклардаги тешикларга ишлов бериш технологик жараёнининг схемасини танлаш шатун конструкциясига боғлиқ.

Автомобиль двигателларининг яхлит тайёрланган шатунларининг поршенини ва кривошипли каллакларидаги тешикларга дастлаб ишлов берилади, бунда заготовка базаси бўлиб унинг торецлари ва ўрнатувчи майдонлари хизмат қиласы, булар иккала каллак ва стержень ўқига нисбатан тешикларнинг жойлашишини белгилайди.

Болт учун қолдирилган тешиклар ҳар хил технологик схемалар бўйича ишлов берилади.

Айрим корхоналарда шатундаги ва қопқоғидаги болт учун қолдирилган тешикларга дастлаб алоҳида, якунийси эса биргаликда ишлов берилади. Шунинг учун бундай технологияда пармалашда тешик узунлиги деярли икки баробар калта бўлади.

**Шатун каллакларининг сиртларига ишлов бериш.** Болгалаш орқали яхлит ва алоҳида тайёрланган шатун каллагининг торец сиртларига дастлаб сидириш, фрезалаш ёки жилвираш дастгоҳларида ишлов берилади.

Кўпчилик шатунларнинг иккала каллаклари торец сиртларига ишлов берилади.


Каллакларнинг торец сиртлари бир ёки икки ўринли дастгоҳларда сидирилади, бунда кривошиб каллаклари баландлиги 0,1—0,2 мм, поршень каллаги баландлиги 0,15—0,2 мм, поршеныларнинг параллеллигидан оғиши 0,1 мм аниқлик бўйича таъминланади.

Шатун каллакларининг торец сиртлари кўп шпинделли, икки томонлама бўйлама ёки каруселли фрезалаш дастгоҳларида фрезаланади.


**Шатуннинг базавий ва бошқа сиртларига ишлов бериш.** Кейинги операцияларда мосламаларда заготовканинг базаси сифатида фойдаланиладиган, яъни заготовкани ўрнатишга мўлжалланган ён сиртлари каллак ва шатун болти гайкаси ости сиртлари сидирилади, айрим ҳолларда фрезаланади. Ўрнатилувчи сиртларга ишлов беришда мосламада заготовка базаси бўлиб стержень танасининг ион тури ва поршенли каллак хизмат қиласи. Айрим ҳолларда, агар поршенли каллак тешиги ишлов берилган бўлса, бу тешик сиртидан база сифатида фойдаланилади.

Айрим ҳолларда ўрнатилувчи базаларга ишлов бериш ичқуима ости сирти ва кривошиб каллагидаги қопқоқ ўрнатиладиган сиртларга ишлов бериш билан биргаликда амалга оширилади.

21.2-расмда қопқоқсиз штампланган шатун каллагини штамплаш схемаси кўрсатилган. Болгалаш орқали яхлит ҳосил қилинган шатунларнинг қопқоғини, каллак ва шатун болтлари гайкаси ости сиртларини ишлов бериш билан бир пайтда горизонтал ёки бўйлама фрезалаш дастгоҳларида дискли фреза ёрдамида қирқиб олинади (21.3-расм).




21.2-расм. Қопқоқсиз штампланган шатуннинг каллагини сидириш схемаси



21.3-расм. Шатуннинг қопқогини қирқиш, шатун болтларининг гайкаси ва каллак ости сиртларни фрезалаш

**Поршенли ва кривошипли каллаклардаги тешикларга ишлов бериш.** Болғалаш орқали алоҳида ва яхлит ҳосил қилинган шатунларнинг поршенли ва кривошипли каллаклардаги тешикларга бир пайтда ёки алоҳида дастлабки ишлов берилади, шатун ва қопқоқка бир пайтда якуний ишлов берилади. Хонинглаш эса фақат кривошип каллаги тешигига ишлов беришда қўлланилади. Темирчиликда тешилган шатуннинг поршенли каллагидаги тешик иккита ўтишда (зенкерлаш, сидириш ёки йўниш) ишлов берилади.

Шип каллаги тешигига ишлов беришда қўлланилади. Темирчиликда тешилган шатуннинг поршенли каллагидаги тешик иккита ўтишда (зенкерлаш, сидириш ёки йўниш) ишлов берилади.



21.4-расм. Тешикларга ишлов бериш схемаси

Темирчилиқда тешилмаган заготовкаларнинг поршенли каллагида втулка ўтказиладиган тешикка, одатда, учта ўтишда ишлов берилади: пармалаш, зенкерлаш ва развёрткалаш ёки юпқа йўниш.

Пармалаш ва зенкерлаш бир ва кўп шпинделли пармалаш дастгоҳларида бажарилади. Заготовка мосламага ўрнатилади ва каллак тореци бўйича базаланди.

Поршенли каллакдаги тешикка тўрт ўринли столли вертикал-пармаловчи ярим автоматда ишлов бериш 21.4-расм (а) да кўрсатилган. Поршень каллагига втулкани пресслаш учун ҳосил қилинган тешикка ишлов бериш кривошиplи каллакдаги тешикка ишлов бериш билан биргаликда амалга оширишга ҳаракат қилинади. Бунда ўтказилувчи тешик ўқларининг аниқ ҳолатда жойлашиши натижасида поршень каллаги тешиги ўқининг аниқ ва тўғри жойлашишига эришилади.

Олмосли йўнувчи дастгоҳларда олмосли кескич ёрдамида юпқа йўниш кенг тарқалган, бунда тешик диаметри бўйича 0,020—0,035 мм га teng аниқлик таъминланади. Йўнишда қўйим 0,05—0,08 mm ни ташкил этади.

Болғалаш орқали яхлит ҳосил қилинган шатунларнинг кривошиplи каллагидаги тешик дастлаб қопқоқни қирқиб олингунга қадар ишлов берилади. Якуний ишлов бериш шатун билан қопқоқ йифилгандан сўнг амалга оширилади. Алоҳида болғалаб тайёрланган шатунларнинг кривошиplи каллагидаги тешикнинг қопқофидаги ва шатундаги қисмига алоҳида-алоҳида дастлабки ишлов берилади (одатда, ярим тешик сидирилади, 21.2 -расмга қаралсин) ва шатун билан қопқоғи йифилгандан сўнг якуний ишлов берилади.

Кривошип каллагидаги тешикка дастлабки ишлов бериш иккита ўтишда амалга оширилади; дастлабки зенкерлаш (ҳар томонига 2,0—2,5 mm га teng қўйим йўнилади) ва тоза зенкерлаш (ҳар томонига қўйим 0,6—1 mm).

Болғалаш орқали яхлит ҳосил қилинган шатунларнинг ҳам кривошиplи каллагидаги тешикка шатунни қопқоғи билан йифилгандан сўнг ишлов берилади ва йўнилади (кўпинча развёрткаланади). Бу операцияни бажариш учун кўп шпинделли, кўп ўринли пармалаш-йўниш дастгоҳи кўлланилади.

Кривошипли каллакдаги тешикка түрт ўринли столли олти шпинделли дастгоҳда ишлов бериш схемаси 21.4-расмда көлтирилган. Дастгоҳ столининг 1-ўрнида мосламага бир пайтда иккита шатун ўрнатилади, 2-ўрнида тешик дастлабки зенкерланади, 3-ўрнида якуний зенкерланади ва 4-ўрнида тешик развёрткаланади ва бир пайтда тешикнинг бир томонидаги фаска кескич ёрдамида йўнилади.

Кривошипли каллакдаги тешикка тоза ишлов бериш учта ўтишда амалга оширилади: дастлабки йўниш (ҳар бир томонига 0,1—0,15 мм дан тўғри келувчи қалинликдаги қўйим йўниб олинади), юпқа йўниллади (ҳар бир томонига 0,05—0,1 мм дан тўғри келувчи қалинликдаги қўйим йўниллади) ва хонингланади (ҳар бир томонига 0,02—0,05 мм дан тўғри келувчи қалинликдаги қўйим йўниллади).

**Шатуннинг болти учун тешикларга ишлов бериш.** Алоҳида ва яхлит қилиб тайёрланган шатунларнинг болти учун тешикларга дастлабки ишлов беришда аввал шатундаги ва қопқоқдаги тешикка алоҳида-алоҳида ишлов берилади, якунийси эса шатун билан қопқоққа биргаликда ишлов берилади.

Шатуннинг болти учун тешик пармаланади ва зенкерланади. Шатун ва қопқоқдаги тешикка бир пайтда дастлабки ишлов беришда кўп ўринли кўп шпинделли дастгоҳлардан фойдаланилади.

**Поршенли ва кривошипли каллаклардаги тешикларга якунловчи ишлов бериш.** Поршенли ва кривошипли каллаклардаги якунловчи ишлов бериш кўпгина ҳолларда алоҳида, айрим ҳолларда эса биргаликда амалга оширилади.

Поршенли каллакдаги тешикка втулка пресс slab киргизилгандан сўнг втулка тешиги ичидаги махсус каллак думалатилади, кейин йўниллади, развёрткаланади ва хонингланади.

Втулка тешиги бир ва кўп шпинделли олмосли-йўниш дастгоҳларида йўниллади. Втулкада янада тозароқ сирт ҳосил қилиш учун думалатиш ва развёрткалаш қўлланилади.

Втулка тешигига тобланган ва жилвирланган роликли каллак думалатилади. Роликлар конуссимон қисқичга

ұтказилған роликқа маҳкамланади. Думалатиш  $V = 60 - 100$  м/мин тезликда амалга оширилади. Думалатиша күйим 0,01—0,03 мм ни ташкил этади.

Тешиклар вертикал-хонинглаш дастгоҳида хонингла-нади, бунда бир пайтда 2—4 тадан шатун ўрнатиласиди.

Хонинглашда 0,01—0,03 мм га тенг қүйим олинаиди ва IT1 квалитет бўйича аниқликдаги тешик тайёрлаш мум-кин, сирт ғадир — будирлиги эса  $R_a$  бўйича 0,32—0,63 га тенг бўлади.

Поршенли каллакдаги втулка тешигига ва кривошип-ли каллакдаги тешикка бир вақтнинг ўзида ишлов бериш бир ва икки томонли олмосли-йўниш дастгоҳларида амалга оширилади. Бу кескичлар икки ўтишда тешикни йўнади. Мосламага шатун ёрдамчи майдончалари бўйича ўрнати-лади ва каллак тореци бўйича тиради.

**Шатунни оғирлиги бўйича мувозанатлаш.** Двигателнинг конструктив жиҳатидан кўзда тутилган мувозанатлашган бўлиши учун шатуннинг кривошипли ва поршенли кал-лаклари берилган оралиқдаги оғирликка эга бўлиши керак ва уларнинг оғирлик маркази берилган координата бўйича жойлашиши керак.

Шатуннинг оғирлиги ошиб кетса, бир ёки икки кал-лакларидаги бўртмаларидан бир қисм металл олиб ташла-нади.

Шатуннинг кривошипли ва поршенли каллакларини оғирлиги бўйича мувозанатлаш учун тарози ва фрезалаш шпинделлари билан жиҳозланган маҳсус дастгоҳлар қўлла-нилади. Ҳар бир каллакнинг оғирлигидан четга чиқиш 5—10 г дан ортмаслиги керак.

**Шатунларни назоратдан ўтказиш.** Шатунлар ҳар бир операциядан кейин ва тўлиқ ишлов берилгандан сўнг на-зоратдан ўтказилади.

Поршенли каллакдаги тешик ярим тоза ишлов берил-гандан кейин унинг диаметри ва тешик ўқининг каллак торецига перпендикулярлиги текширилади. Бунинг учун иккала сирти бир вақтда текширилади. Худди шундай тек-шириш кривошипли каллакдаги тешик ярим тоза ишлов берилгандан кейин индикатор ёки шуп ёрдамида текши-рувчи мосламада текшириш ўтказилади.

Кривошипли ва поршенли каллақдаги тешиклар ишлов берилгандан кейин уларнинг тешиклари ўқлари орасидаги масофа ва ўқларнинг параллеллиги текширилади.

Шатун каллакларидағи тешикларга хонинглаш жараёнда актив назорат қилиш усули қўлланилади.

## 21.2. Поршенларга ишлов бериш

Ички ёнув двигателларининг поршенлари юқори температурада, қизиган газнинг юқори босимида ва цилиндр ичидаги катта тезликда ҳаракатланадиган шароитда ишлайди.


Поршенларнинг материаллари юқори температурада етарли мустаҳкамликка, яхши иссиқ ўтказувчан, ейилишга ва коррозияга катта қаршилик кўрсата оладиган бўлиши керак.

Одатда, двигатель поршенларини тайёрлаш учун қичик солиштирма оғирликка ва юқори температура ўтказувчаникка эга бўлган алюминий қотишмаларидан тайёрланади. Чўян мустаҳкамроқ ва чидамли, шу билан бирга, солиштирма оғирлиги юқори бўлганлиги учун нисбатан секин юрадиган двигателлар учун қўлланилади.

Ишлаш муддатини ва ейилишга чидамлилигини ошириш мақсадида ишчи сиртига қоплама берилади, бунда анодлаш, фосфатлаш қўлланилади.

Серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда поршенлар шаклларга (кокилларга) қўйилади, бунда юқори унумдорликка, аниқликка ва ишлов бериш учун камроқ қўйим қолдиришга эришилади.

21.5-расмда двигателнинг поршени кўрсатилган. Поршеннинг асосий конструктив элементи бўлиб поршень ариқчаси, яъни халқалари учун 3-4 та ҳалқали ариқчалар каллаги (поршеннинг пастки қисми кўпинча этак деб аталади) ва поршеннинг бармоғи учун ичидаги иккита бўртмасидаги тешиклар ҳисобланади. Поршеннинг этаклари қирқилган ва қирқилмаган бўлади. Двигателнинг ишлаш пайтида поршеннинг қизиши натижасида кенгаядиган этагининг ўрта қисми 2-3 мм кенгликда кесилган бўлади. Кўпинча поршень этагининг кесими бўйича овал кўринишда тайёрланади.



21.5-расм. Двигатель поршни  
а — дизел еқілғиلى тракторнің; б — сінгіл автомобильни


Поршень каллагининг диаметри IT3 ва IT4 бүйича аниқликда, этагининг диаметри IT2 бүйича аниқликда, ҳалқа ариқчаларининг ички диаметри IT3-IT4 аниқликда йўнилади; ишлов берилган поршенилар этагининг диаметрал ўлчами бүйича (ҳар 20 мкм интервал бүйича) 4—5 та гурухга ажратилади.

Поршеннинг бармоғи жойлашадиган тешик IT1 ва ундан юқори аниқликда тайёрланади, кейин 3—4 та гурухга (тешик ўлчами бүйича ҳар 2—3 мкм) ажратилади. Тешикнинг сирт ғадир-будирлиги  $R=0,32\div0,63$  оралиғида бўлади. Поршеннинг оғирлиги бүйича допуски ишлов берилган поршень оғирлигининг 0,3—1,0 % оралиғида бўлади, бу 2—4 граммни ташкил қиласи. Поршенга ишлов беришда операцияларнинг кўп қисми ёрдамчи базалар ёрдамида амалга оширилади, ёрдамчи базалар аввалдан тайёрлаб олинади.

Этагида қирқими бўлган поршениларнинг ёрдамчи базаси сифатида маҳсус ишлов берилган майдончалар — бармоқ ости тешиги бўртмаси қўйимининг пастки сиртидан ва майдончадаги аниқ ишлов берилган иккита ўрнатилувчи тешикдан фойдаланилади.

Этагида қирқими бўлмаган поршениларнинг ёрдамчи базаси сифатида этакнинг очиқ томонидаги ички белбоғ ва поршеннинг бўртма тореци қисмидаги марказий тешиклардан фойдаланилади.

Поршень этагини йўниш, унинг торец қисмини кесиш ва ариқчадаги бўртманинг марказий тешигини пар-




21.6-расм. Поршнега ишлов бериш учун мослама

ишлов бериш учун мослама ҳам күрсатилған. Поршень заготовкаси этакнинг йўнилган белбоғи бўйича марказлаштирилади. Бўртманинг маркази бўйича бармоқ учун тешик ишлов берилиши мақсадида хомаки бўртма бўйича пружина ости призмасига ўрнатилади. Агар тешик кокилга қуиши орқали ҳосил қилинган бўлса, ишлов бериш зенкерлаш, стопрариқчаси учун ариқчани йўниш ва развёрткалашдан иборат бўлади. Якуний ишлов бериш юпқа йўниш орқали амалга оширилади.

21.6-расмда бармоқ учун тешикка дастлабки

Позиция 1  
Позиция 2  
Позиция 3  
Позиция 4  
Позиция 5  
Позиция 6

21.7-расмда олти шпинделли токарлик ярим автоматда поршень ҳалқаси ости ариқчаларини йўниш билан поршнега ташқи ишлов бериш күрсатилган.



21.7-расм. Поршнеги йўниш учун олти шпинделли токарлик ярим автоматни созлаш схемаси

малаш кўп кескичли токарлик ярим автоматларда ёки агрегатли пармалаш-йўниш дастгоҳларида амалга оширилади.

Чўяндан тайёrlанган ва ҳар хил девор қалинлигидан алюминийдан тайёrlанган поршнеларнинг ички сирти бўйича ичининг деворларига тираб, маҳсус қисувчи қисқич ёрдамида базаланди.

21.6-расмда бармоқ учун тешикка дастлабки

чиғифчи бўйича ўтувчи кескич ёрдамида поршень этаги йўнилайди. Овалсимон этаги маҳсус андоза бўйича йўнилайди. Этакка тоза иш-

лов бериш жилвирлаш ёки юпқа (олмосли) йўниш орқали амалга оширилади. Думалоқ этаклар марказсиз жилвирлаш дастгоҳларида жилвирланади: цилиндриклари бўйлама суришда, поғонали ёки конуссимонлари — радиал (кўндаланг) суришда. Овалсимон этаклар жилвирланади ёки орқа бабкадан марказ ёрдамида андозловчи дастгоҳларда, одатда, юпқа йўнилади.

Кўпчилик алюминийдан тайёрланган поршениларда қирқимлар этакни ҳосил қилувчи сиртга нисбатан перпендикуляр ёки қия ҳолатда фрезаланади. Ушбу қирқимларни этакни йўнилгандан кейин дискли фрезалар ёрдамида ҳосил қилинади.

Поршенинги оғирлиги бўйича мувозанатлаш поршень этагидан ёки (айрим ҳолларда) поршень бармоғи учун ҳосил қилинган ички бўртмадан кесувчи асбоб ёрдамида ортиқча металлни олиб ташлаш билан амалга оширилади.

Кейин поршень анодланади, анодланган поршень сиртида қаттиқ оксидли юпқа парда ҳосил бўлади, натижада деталнинг хизмат муддати жуда ҳам ортади.

Поршениларни назоратдан ўтказишда этагининг, бармоқ учун ҳосил қилинган тешикнинг, поршень ҳалқаси ости ариқчаларининг ва бошқаларнинг ўлчамлари ва шакли текширилади.

### *Синов саволлари*


1. Шатунларнинг вазифаси, уларга қўйилган талаблар, материаллари.
2. Шатун каллакларининг торең сиртларига қандай кетма-кетликда ишлов берилади?
3. Шатуннинг базавий сиртларига қандай ишлов берилади?
4. Шатуннинг каллакларидаги тешикларига қандай ишлов берилади?
5. Шатун оғирлиги бўйича қандай мувозанатланади?
6. Шатуннинг қайси параметрлари назоратдан ўтказилади?
7. Поршеннинг вазифаси, уларга қўйилган талаблар ва материали.
8. Поршеннинг асосий конструктив элементлари нима?
9. Поршенга ишлов беришда қандай базалардан фойдаланилади?
10. Поршень заготовкаси қандай марказлаштирилади?

## ХХII б о б

# ТИШЛИ ФИЛДИРАКЛАРГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ

Тишли филдираклар цилиндрик, конуссимон ва червяклиларга бўлинади.

Цилиндрик ва конуссимон тишли филдираклар ички диаметрининг ўлчами бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 50 мм гача, 50 мм дан 200 мм гача, 200 мм дан 300 мм гача, 300 мм дан юқори. Тишли филдираклар технологик белгилари бўйича қуйидагиларга бўлинади: а) силлиқ ва шлицали тешикли, поғонасиз ва поғонали цилиндрик ва конуссимон (22.1-расм, а); б) силлиқ ва шлицали тешикли, кўп чамбаракли блокли (22.1-расм, б); в) фланец туридаги цилиндрик, конуссимон ва червякли (22.1-расм, в); г) думли цилиндрик ва конуссимон (22.1-расм, г).



22.1-расм. Тишли филдиракларнинг асосий гурӯҳлари:

а — силлиқ ва шлицали тешикли, поғонасиз ва поғонали цилиндрик ва конуссимон;

б — силлиқ ва шлицали тешикли, кўп чамбаракли блокли;

в — фланец туридаги цилиндрик, конуссимон ва червякли; г — думли цилиндрик ва конуссимон

Кичик ўлчамдаги червякли филдираклар яхлит, поғонали қилиб, катта ўлчамдагилари эса чамбаракли қилиб тайёрланади.

Тишли филдиракларнинг материаллари филдирак узатадиган кучга қараб танланади.

Кучсиз юкланган тишли филдираклар кам углеродли пўлатлардан, чўянлардан ва пластмассалардан тайёрланади.

Червяклар учун материал сифатида кам углеродли ва легирланган пўлатлар хизмат қиласи. Червякли филдираклар бронза, антифрикцион чўян ва бошқалардан тайёрланади.

## **22.1. Тишли филдиракларнинг заготовкалари ва материалы**

Тишли филдирак заготовкалари серияли ишлаб чиқаришда болғалаш болғаларида ва штампларда; йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришларда ёпик штамплаш болғаларида тайёрланади.

50 мм дан кичик диаметрли, юқланган пўлаттишли ва червяклар калибрланган чивиқдан тайёрланади. 50мм дан катта диаметрдаги червякларнинг заготовкалари штамплаш орқали, червякли филдиракларнинг заготовкалари эса қуйиш орқали олинади.

Заготовкаларга қўйим: болғаловчи болғаларда ҳар томонига 5 мм; штампловчи болғаларда ҳар томонига 3—4 мм, горизонталь болғаловчи машиналарда ҳар томонига 2—3 мм дан қолдирилади.

Тишли филдирак заготовкаларини дастлабки тешиклари билан ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ, бунга тешик диаметри 25 мм дан кичик бўлганда ва тешикнинг узунлиги диаметрининг иккиласидан кам бўлганда эришиш мумкин.

Штампловчи болғаларда ҳосил қилинган заготовкаларнинг аниқлиги IT9 га тўғри келади, прессларда тайёрланганларники IT7-IT8 га тўғри келади. Заготовкалардаги штамплаш қиялиги 3 градусдан 7 градусгacha рухсат берилади. Цементитланган тишли филдирак заготовкаларини нормаллаштирилади; цементитланмайдигани HB 220—280 қаттиқликкача яхшиланади.

## **22.2. Тишли филдиракларни тайёрлашнинг техник шарти**

Тишли филдиракларга қўйиладиган асосий техник талаблар (бевосита тишиларга ишлов бериш билан боғлиқ бўлганларидан ташқарилари) қўйидагилардан иборат:

— тишли филдирак бошланғич айланасининг концентрацияланганлиги ўтказилувчи сиртга нисбатан офиши 0,05—0,1 мм дан катта бўлмаслигига рухсат берилади;

— торецларининг тешик ёки вал ўқига нисбатан перпендикулярликдан офиши (торецларнинг уриши) 100 мм диаметрга 0,01—0,015 мкм дан кам қабул қилинади;

— марказий тешикни IT2 аниқликада тайёрлаш тавсия этилади (агар маҳсус талаблар бўлмаса), тишли филдирак ва вални ўтқазилувчи поғоналари ҳам, одатда, IT2 аниқлигига тайёрланади.

Юқорида кўрсатилган сиртларнинг ишлов бериш ғадир-будирлиги  $R_a = 0,61 \div 1,25$  бўлади. Филдиракнинг бошқа конструктив элементларини тайёрлаш IT3, IT4, IT5 бўйича аниқликада, бунда ишлов бериш ғадир-будирлиги  $R_a = 40 \div 20$ ,  $R_a = 2.5 \div 1.25$  бўлади.

Цементитланадиган тишли филдирак тишларининг қаттиқлиги HRC 55—60 бўлади, бунда цементитлаш қатлами чуқурлиги 1—2 мм. Цианлашда қаттиқлик HRC 42—53, бунда қатлам чуқурлиги 0,5—0,8 мм атрофида бўлади. Тобланмаган сирт қаттиқлиги одатда HB180—270 атрофида бўлади.

Автомобиль, трактор ва дастгоҳсозлик учун тишли филдирак IT7 ва IT8 аниқлигига тайёрланади.

### **22.3. Тишли филдиракка ишлов беришнинг технологик усуслари**

Тишли филдиракларга ишлов беришнинг технологик жараёни характеристига таъсир қилувчи асосий омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: тишли филдирак конструкцияси ва ўлчамлари; тайёрланманинг тури ва материали; филдиракнинг аниқлигига ва термик ишлов бериш сифатига қўйилган талаб; йиллик ишлаб чиқариш режаси.

Филдиракнинг конструкцияси ишлов бериш кетма-кетлигига ва зарур бўладиган жиҳозларни танлашга катта таъсир қиласи.

Турли шакли: чамбаракли, поғонали ва валикли (думли) конуссимон тишли филдиракларга ишлов бериш технологик маршрутини кўриб чиқамиз. Чамбаракли тишли филдиракларга барча дастлабки ишлов бериш уч кулачокли патронда, маҳсус кулачок билан филдиракнинг конуссимон сирти бўйича қисиб олиб амалга оширилади.

Поғонали тишли филдираклар, одатда, ишлов беришнинг бошланғич даврида қисқичда ишлов берилади, валикли тишли филдираклар эса марказларда ишлов берилади.

Филдирак конструкцияси тиш кесиш усулига таъсир қиласи. Масалан, блокли филдиракнинг чамбарагидаги иккита тишлари орасидаги масофа кичик бўлса, тиш ўйиш дастгоҳларида филдиракнинг чамбаракларига ишлов берилади, агар чамбараклари орасидаги масофа кичик бўлса, тишларни фрезалаш усули қўлланилади. Бу пардозлаш операцияларига — тишларни жилвирлаш ва шевинглашга ҳам бир хил даражада тегишли.

Тишли филдирак заготовкаларининг ўлчамлари ва тури уни револьверли токарлик дастгоҳлари ёки автоматларда чивиқдан тайёрлаш имконини белгилайди.

Ташқи диаметри 50—55 мм ва ундан катта бўлган тишли филдираклар поковка ва штамповкалардан патрон туридаги дастгоҳларда тешикларга дастлаб ишлов бериб тайёрланади.

Погона узунлиги  $l$  тешик диаметри  $d$  га нисбати бирга тенг ёки катта бўлса ( $l/d \leq 1$ ), токарлик ишлов беришни кўп кескичли токарлик ярим автоматларнинг қисқичида бажарса бўлади.

Нисбат  $l/d < 1$  бўлса, токарлик ишлов беришни патрон туридаги револьверли дастгоҳларда ёки вертикал токарлик ярим автоматларда бажариш мумкин.

Тишли филдиракларга ишлов бериш технологик жараёнининг характеристики тишли филдирак аниқлигига, сирт сифатига ва термик ишлов беришга қўйилган талабга боғлиқ. Ушбу омилларнинг аҳамиятига қараб тегишли технологик жараён ишлаб чиқилади.

Тишли филдирак тайёрлаш технологик жараёнини тўртта асосий босқичга бўлиш мумкин:

а) заготовкага хомаки ва тоза ишлов бериш; б) тишларни кесиш; в) термик ишлов бериш; г) термик ишлов берилгандан кейинги пардозлаш ва якунловчи операциялар.

## 22.4. Тишли филдиракларнинг заготовкаларига тиш кесилгунга қадар ишлов бериш

Заготовкага ишлов бериш қуйидаги операцияларга бўлинади:

а) тешикка дастлабки ишлов бериш;

- б) тешикка якунловчи ишлов бериш;
- в) ташқи сиртларга дастлабки токарлик ишлови бериш;
- г) ташқи сиртларга якунловчи токарлик ишлови бериш.

Зарур бўлганда, деталнинг ишчи чизмасида кўрсатилган талаблар бўйича тегишли қўшимча механик ишлов бериш операциялари бажарилади (масалан, тишли фидирак валидаги шлицалар ёки шпонка ариқасини фрезалаш, тешикларни пармалаш, резба кесиш ва бошқалар).


Цилиндрик ва конуссимон тишли фидиракларга автомобиль, трактор ва дастгоҳсозликда ишлов беришда базалаш тишли фидиракларнинг марказий тешиклари ёки аниқ ишлов берилган тешиги бўйича амалга оширилади.

Думли (валикли) цилиндрик ва конуссимон тишли фидираклар марказларда ишлов берилади.

Майда серияли ва серияли ишлаб чиқаришларда тишли фидираклар револьверли ва токарлик дастгоҳларида ишлов берилади; йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришларда — горизонталь ва вертикал токарлик ярим автоматларда ва қайта созланувчан автоматик линияда ишлов берилади.

Револьверли дастгоҳлардан фойдаланилганда, заготовкага бир томонидан барча ишлов бериш ва бир вақтда тешикларга якунловчи ишлов бериш тўлиқ бажарилади. Бундай технологик созлашнинг схемаси 22.2-расмда кўрсатилган.

Мураккаб шакли заготовкаларга бошқа томонидан ишлов бериш ҳам револьверли дастгоҳларда амалга оширилиши мумкин. Детал ишлов берилган



22 2-расм. Револьверли дастгоҳда тишли гидиракка ишлов бериш учун технологик созлаш

сирт бўйича уч кулачокли ўзи марказловчи патронда сиқилади. Агар заготовка оддий шаклда бўлса, бошқа томонига токарлик дастгоҳида ишлов бериш мумкин.


Горизонталь ярим автоматларда тишли фидиракларга ишлов бериш учун заготовкада тешик дастлаб пармалаш дастгоҳида пармаланади ва сидириш дастгоҳида якуний ишлов берилади. Кейинги ишлов бериш тешик бўйича заготовкага базалаб, иккита операцияда бажарилади: кўп кескичли ярим автоматларда ташқи сиртларга дастлабки ва якунловчи ишлов берилади.

Бир шпинделли кўп кескичли ярим автоматларда цилиндрик тишли фидиракларга дастлабки ва якунловчи ишлов бериш учун созлаш схемаси 22.3-расмда кўрсатилган.


Заготовканинг ташқи сиртларига ишлов бериш кўп кескичли ярим автоматларда, ҳам иккита, ҳам битта операцияда бажариш мумкин. Ишлаб чиқариш дастури катта бўлса, тишли фидиракларга ишлов бериш учун кўп шпинделли ярим автоматлар қўлланилади.

Олти шпинделли ярим автоматда созлашнинг бир индексли схемаси билан фидиракка ишлов бериш схемаси 22.4-расмда кўрсатилган. Фидиракнинг иккинчи томони худди шундай усулда бошқа дастгоҳда ишлов берилади.


Созлашнинг икки индексли схемаси тишли фидиракнинг заготовкасига битта дастгоҳда тўлиқ ишлов бериши кўзда тутади. Тишли фидиракнинг заготовкасига саккиз шпинделли ярим автоматда ишлов беришнинг технологик созланиши 22.5-расмда кўрсатилган.



22.3-расм. Бир шпинделли кўп кескичли ярим автоматни тишли фидиракка ишлов бериш учун технологик созлаш



22.4-расм. Олти шпинделли ярим автоматти тишли фидиракка ишлов бериш учун технологик созлаш



22.5-расм. Саккиз шпинделли ярим автоматти конуссимон тишли фидиракка ишлов беришни технологик созлашларни икки индексли схема бўйича созлаш

Кўп шпинделли ярим автоматлар учун технологик созлашга келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, бу дастгоҳларда тишли филдирак заготовкасига ташқи ишлов беришда базавий тешикка ҳам якунловчи ишлов беришни назарда тутади.

Барча турдаги тишли филдиракларга тишни кесишдан олдинги сўнгги операция торециларини жилвирлаш ва якунловчи кесиши ҳисобланади. Бу тишли филдирак тешиги ўқига нисбатан торецининг перпендикуляргини ва тиш кесиши аниқлигини таъминлайди.

### ***Синов саволлари***

1. Тишли филдираклар технологик белгилари бўйича қандай турларга бўлинади?
2. Тишли филдиракларнинг заготовкалари қандай тайёрланади?
3. Тишли филдиракларга ишлов беришнинг қандай технологик усуслари мавжуд?
4. Тишли филдиракларнинг заготовкаларига тиш кесилгунга қадар қандай ишлов берилади?
5. Револьверли дастгоҳда тишли филдиракка ишлов беришнинг қандай афзалликлари бор?
6. Бир шпинделли кўп кескичли ярим автоматда тишли филдиракларга қандай ишлов берилади?
7. Олти шпинделли ва саккиз шпинделли ярим автоматларда тишли филдиракларга ишлов беришнинг технологиясидаги фарқ нималардан иборат бўлади?
8. Цилиндрик тишли филдиракларга дастлабки ва якунловчи ишлов бериш учун ярим автоматни созлаш схемасини тушунтириб беринг.
9. Тишли филдиракларда тишни кесишдан аввал нима учун торецилари жилвирланади?
10. Майда серияли ва серияли ишлаб чиқаришларда тишли филдиракларга қандай дастгоҳларда ишлов берилади?

# СОНЛИ ДАСТУР БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН ДАСТГОҲЛАРДА ЗАГОТОВКАЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИ

## 23.1. Дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг қўлланилиши ва технологик имкониятлари

Машинасозлик умумий маҳсулотларининг 75—80% серияли ва майда серияли ишлаб чиқаришга тўғри кела-ди, бу ишлаб чиқаришлар ёрдамчи операциялар бажаришга ишчи вақтининг кўп сарфланиши билан характерланади. Маълумки, машинасозликда технологик операцияларни бажаришда умумий вақт меъёрининг 20—30 % ни асосий технологик вақт ташкил этса, ёрдамчи вақт умумий вақтнинг 70—80 % ни ташкил этади.

Ёрдамчи вақт сарфини қисқартиришнинг асосий йўналиши ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ҳисобланади. Бироқ майда серияли ишлаб чиқаришда юқори унумдорли дастгоҳларни қўллаб, анъанавий автоматаштиришнинг (револьверли, агрегатли ва кўп кескичли дастгоҳлар, кулачокли бир шпинделли ва кўп шпинделли автоматлар ва автоматик линия) амалий жиҳатдан имкони йўқ, чунки бу дастгоҳларни таннархи жуда ҳам юқори ва дастгоҳларни дастлабки созлашнинг иш ҳажми жуда ҳам катта. Ушбу барча сарфлар майда серияли ва серияли ишлаб чиқаришларда бир неча ёки бир неча ўнлаб ва ҳатто юзлаб донали ишлов бериладиган заготовканинг таннархига киради ва уларни тайёрлаш баҳосини мисли кўрилмаган даражада ошириб юборади.

Майда серияли ва серияли ишлаб чиқаришларда заготовкаларга механик ишлов бериш жараёнларини автоматлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сонли дастур билан бошқариладиган (СДБ) дастгоҳларни қўллаш ҳисобланади. Сонли дастур билан бошқариш деганда, берилган сон шаклида келтирилган бошқариш дастури бўйича дастгоҳда заготовкаларга ишлов бериши бошқариш тушунилади. Бунда бошқарувчи дастур аниқ бир деталга ишлов беришда дастгоҳнинг тегишли берил-

ган алгоритми бўйича ишни бажариш учун дастурлаш тилида буйруқни бажарининг йифиндисидан иборат бўлади.

Сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар ярим автомат ва автоматлардан иборат бўлиб, уларнинг барча ҳаракатланадиган органлари тегишли ишчи ва ёрдамчи автоматик ҳаракатларни амалга оширади. Бу ҳаракатлар аввалдан ўрнатилган, перфорирланган қофозга (баъзида магнитлигига), тасма ёки дискка ёзилган дастур бўйича амалга оширилади. СДБ дастгоҳларда мураккаб, тайёрлаш қимматга тушадиган ва созлаш учун катта меҳнат талаб қиласидиган кулачокли, нусхакаш ва таянчлар СДБ тизимида талаб қилинмайди. Бу эса кичик партияли, айrim ҳолларда эса якка заготовкаларга ишлов беришни рентабелли қиласиди, созлашни осонлаштиради ва жадаллаштиради (айниқса, заготовка жуда ҳам мураккаб конструкцияга эга бўлганда).

СДБ дастгоҳларни қўллашнинг самараси: а) ишлов бериладиган заготовка ўлчамларининг аниқлиги ва бир хилдалигига ва шаклида билинади; бу аниқ шаклдор сиртга ва кўп сондаги ўлчамларни сақлаган ҳолда конструктив жиҳатдан мураккаб бўлган заготовкаларга ишлов беришда муҳим аҳамиятга эга; б) қўл билан бошқариладиган дастгоҳларда ёрдамчи вақт улушкини 70—80% дан 40—50 % гача камайтириш ҳисобига ишлов бериш унумдорлигини оширади (ишлов берадиган марказлардан фойдаланилганда, 20—30% гача ёрдамчи вақт улушкини камайтиради), айrim ҳолларда эса кесиш режимини интенсификациялаш орқали унумдорлиги оширилади; СДБ дастгоҳларга ўтказилганда, унумдорлик ишлов бериш ўрта ҳисобда қўйидагича ошади: токарлик дастгоҳлари учун икки-уч марта, фрезалаш дастгоҳлари учун уч-тўрт марта ва марказда ишлов берадиган дастгоҳлар учун беш-олти марта; в) унумдорликни оширишга, дастгоҳда ишловчининг малакасига бўлган талабнинг камайиши ҳисобига ишлов бериш таннархининг камайишига; г) автоматик ишлайдиган ва созланган СДБ дастгоҳларда тайёрланиши мураккаб бўлган ва аниқ заготовкаларга ишлов беришни соддалаштириш ҳисобига юқори малакали дастгоҳда ишловчиларга бўлган талабнинг камайишида кўринади.

СДБ тизими конструкцияси бўйича цикл билан ва сон билан бошқариладиган дастгоҳларга бўлинади.

Цикл дастурли тизим билан бошқариш дастгоҳ ҳараланадиган органларининг ҳаракатланиш кетма-кетлигини ва тезлигини дастурлашга имкон беради. Бундай дастур бошқариш панели орқали ёки штеккерли барабандда коммутиrlайдиган элементлар (штеккерлар, переключателлар) маълум туркуми билан топширилади.

Бунда ҳаракатланадиган органларнинг ҳаракатланиш қиймати бевосита дастур тартибига кирмайди, балки қайта созланадиган электр таянчлар орқали белгиланади.

Сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг тубдан фарқ қилиш хусусияти уларнинг барча дастури тешиклар комбинацияси кўринишидаги, рақамлар, ҳарфлар ва бошқа белгилар билан тавсифланган дастур узатувчиларга (перфотасма, магнитли тасма, магнитли диск) ёзилиши ҳисобланади. Бундай дастур тартибига ҳаракатланадиган органлар ҳаракатланишининг сонли қиймати ҳам киради, бу эса СДБ дастгоҳининг цикл дастури билан бошқариладиган дастгоҳлардан принципиал фарқ қилишини ташкил қиласди. СДБ дастгоҳларини қайта созлаш, дастурни алмаштириш билан бирга оз вақт талаб қиласди, шунинг учун бундай дастгоҳлар серияли ва майда серияли ишлаб чиқаришни автоматлаштириш учун яроқли бўлиб ҳисобланади.

Ўринли бошқариш деганда, дастгоҳни сонли дастур билан бошқариш тушунилади, бунда дастгоҳнинг ишчи органлари ҳаракатланиши белгиланган нуқтада амалга ошади, бироқ ҳаракатланиш траекторияси топширилмайди.

Дастур билан бошқарishнинг ўринли тизимининг вазифаси кўпгина ҳолларда асбоб ёки тайёрламани ишчи ўринга аниқ ўрнатишни таъминлашдир, бунда бир ўриндан навбатдаги ўринга ҳаракатланиш дастгоҳ координатлари орасида функционал алоқасиз амалга ошади.

Контурли бошқариш — дастгоҳни сонли дастур билан бошқариш бўлиб, бунда дастгоҳнинг ишчи органлари ҳаракатланиши берилган траектория ва берилган тезлик бўйича ишлов беришнинг зарур бўлган контуруни олиш учун амалга оширилади. СДБнинг контурли тизими дастгоҳнинг

икки ёки бир неча ишчи органларининг, уларнинг узлуксиз ўзаро алоқаси бўлганда, биргаликда ҳаракатланишини бошқариш учун мўлжалланган, бу эса мураккаб шаклли заготовкаларга ишлов беришда зарур бўлади

### **23.2. СДБ токарлик дастгоҳларининг технологик имкониятлари**

Бундай дастгоҳларнинг технологик имкониятларини кўпгина омиллар, уларнинг ичидаги энг асосийси дастгоҳнинг конструкцияси, жойлашиши, аниқлик синфи ва СДБ тизимининг техник характеристикаси аниқлайди. Замонавий токарлик дастгоҳлари чизиқли-айланали интерполяторли контурули тизимли СДБ билан ва дастгоҳнинг кенг технологик имкониятини таъминловчи резьба кесиш учун мўлжалланган мослама билан жиҳозланади. Бундай тизимлар мураккаб профилдаги заготовкаларга ишлов бериш, резьба кесиш, асбобнинг кесувчи қиррасининг ҳолатини коррекциялашни ва юқори тезликда салт юришини таъминлайди. Дастгоҳнинг технологик имкониятидан фойдаланиш учун дастгоҳ билан бирга келтирилган техник жиҳозлари: қисувчи мосламалар, кесувчи асбоб, ёрдамчи жиҳозлар, назорат мосламалари катта аҳамиятга эга. Асбобни ва биринчи навбатда асбобтутгичларнинг шаклини ва кескичларни маҳкамлайдиган деталларни унификациялаш асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. СДБ токарлик дастгоҳлари, одатда заготовкаларга IT6 бўйича ишлов бериш аниқлигини, цилиндрик ва конуссимон сиртларнинг ғадир-бутирлиги  $R_z=6\div12$  мкм бўлишини таъминлайди. Резьба кесиш 3-квалитет аниқлигига олиб борилади. Дастгоҳдан ташқарида маҳсус оптик мосламада асбобни ўлчамга созланади ва уни дастгоҳнинг каллагига қўшимча равишда тўғриламасдан ўрнатилади. Асбобни қайта созламасдан дастгоҳга ўрнатиш хатолиги асбобни созлаш хатолиги билан биргаликда  $\pm 0.02$  мм чегарасида бўлади. Замонавий СДБ токарлик дастгоҳлари револьверли каллак ёки топширилган дастур бўйича кесувчи асбобни автоматик равишда алмаштирадиган алмаштирилувчи кескичлар блокли магазин билан таъминланади. Бундан ташқари айrim СДБ токарлик да-

стгоҳлари бўйлама (пармалаш ва фрезалаш), кўндаланг ишларни бажариш учун (револьверли дастгоҳларга ўхшаш) ва ҳаттоқи тўхтаган шпинделда заготовканинг эксцентрик жойлашган элементларини ишлов берувчи қўшимча мосламалар билан таъминланади.

СДБ дастгоҳларининг янги моделларини созлаш маҳсус тегиб турувчи датчиклардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади, бу датчиклар бир вақтнинг ўзида асбобнинг ейилишига боғлиқ ҳолда асбобнинг ҳолатини корекциялаш учун ҳам хизмат қиласиди. Янги СДБ дастгоҳлари шпинделининг айланишлар частотасининг юқориги чегараси 6000 айл/мин гача етади.

### **23.3. СДБ фрезерлик дастгоҳларининг технологик имкониятлари**

Токарлик дастгоҳларидан фарқли ўлароқ, СДБ фрезалаш дастгоҳлари дастаки бошқариладиган универсал моделлари базасида қурилган. Оригинал тузилишли ва асбоблар магазини бўлган маҳсус фрезалаш дастгоҳлари алоҳида ишлов берувчи марказ (ИБМ) туркумидаги дастгоҳлар гуруҳини ташкил қиласиди. СДБ дастгоҳлари конструкциясига унинг базавий моделига нисбатан принципиал ўзгартиришлар киритилган бўлади, улар дастур билан бошқариш имкониятларидан унумли фойдаланишга имкон беради. Суришнинг кинематик занжирида аниқ, люфтсиз тишли узатмалар ва винтли золдирили жуфтликлар қўлланилади. СДБ дастгоҳларининг баъзи бир алоҳида узелларининг бикирлиги базавий моделларнинг шунга ўхшаш узелларининг бикирлигидан анча юқори бўлади. Бунинг барчаси дастгоҳни янада юқори аниқликда ва унумдорли ишлашини таъминлайди.

Замонавий фрезалаш дастгоҳлари чизиқли-айланали интерполяторли контурли тизимли СДБ билан қуролланади, бу уч ва ундан ортиқ координата бўйича бошқаришни таъминлайди.

Кўпчилик СДБ фрезалаш дастгоҳлари бир вақтнинг ўзида учта координата бўйича бошқарилади. Шунинг ўзи заготовкага ҳажмий ишлов бериш учун етарли бўлади, лекин бундай бошқариш ҳар доим ҳам кесишнинг оптималь

шароитини ва ишлов беришнинг юқори унумдорлигини таъминлай олмайди.

Кўп координатали стандарт дастгоҳлар (тўрт, беш ва ундан ҳам кўп координатали) ишлов бериладиган заготовкаларнинг номенклатурасига, кесиш шароити ва заготовкани қайта ўрнатиш учун ёрдамчи вақтни камайтиришга нисбатан кенг технологик имкониятга эга. Автоматик рашида шпинделнинг айланашлар тезлигини ўзгартириш ва асбобни алмаштириш дастгоҳнинг технологик имкониятларини жуда ҳам кенгайтиради. Буралувчи револьверли каллак ёки асбоблар магазини ёрдамида асбобни алмаштириш амалга оширилади. Дастгоҳда думалоқ ишчи столнинг ёки буралиш бурчаги бўйича аниқ индексация бўйича терилган столнинг мавжудлиги бир ўтишда заготовкага мураккаб ишлов беришга имкон беради.

СДБ фрезалаш дастгоҳлари турли эгри чизиқларнинг яssi контурларини автоматик режимда фрезалашга, ҳажмий фрезалашга, пармалашга, зенкерлашга ва йўнишга имкон беради. Улар контурга ишлов бериш аниқлигини (айлананинг геометрик аниқлигидан четга чиқишини) $\pm 0,1$  мм оралиғида, чизиқли ўлчамлар олиш аниқлигини  $\pm 0,08$  мм оралиғида бўлишини таъминлайди.

Терилган думалоқ столли айрим дастгоҳларда (6306Ф3 горизонталь-феразалаш дастгоҳи) ўзаро перпендикуляр ва ўзаро параллел сиртларга заготовкани қайта ўрнатмасдан ишлов бериш мумкин ҳамда ўқдаги аниқ тешикларни иккала томонидан йўниш мумкин. Бунда иккала ён томонларнинг ўзаро перпендикулярлиги (думалоқ столни айлантириш орқали) 500 мм узунликда 0,05 мм оралиғида; ён сиртининг асосий сиртга нисбатан перпендикулярлиги 500 мм узунликда 0,05 мм; иккала томонидан йўнилган тешикларнинг ўқдошлиги 500 мм узунликда 0,05 мм га teng бўлишини; узеллариниг вазиятлаш аниқлиги 500 мм узунликда 0,05 мм ва 1600 мм узунликда 0,1 мм ни ташкил этиши таъминланади. Ишлов берилган сирт ғадир-будрлиги  $R_z=10-20$  мкм оралиғида бўлади. Сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларни замонавий электрон-ҳисоблаш машиналарига боғлаш гуруҳли ишлаб чиқариш базасида махсуслаштирилган ва автоматлаштирилган ўзи бошқариладиган участкаларни яратишга олиб келади. Бун-

дай автоматлаштирилган участканинг асосий хусусияти фақат дастгоҳлар гурӯҳи ва транспорт ускуналарини марказлаштирилган бошқариш эмас, шу билан биргаликда умумий ЭҲМ ёрдамида кузатиш, заготовка ва ишлов бериладиган деталларни ҳисобга олиш ҳамдир.

### **23.4. Ишлов берувчи марказ туркумидаги дастгоҳларнинг технологик имкониятлари**

Ишлов берувчи марказ туркумидаги (ИБМ) дастгоҳ деганда, кесувчи асбобни автоматик равишида алмаштириш учун асбобларнинг маҳсус магазини билан қўшимча равишида таъминланган, дастур билан бошқариладиган, юқори даражада автоматлаштирилган дастгоҳ тушунилади.

Бу дастгоҳларда дастур билан бошқариш ёрдамида заготовка учта координата ўқи бўйича ҳаракатланиши ва буруувчи стол вертикал ўқи атрофида заготовканинг айланиши автоматик равишида амалга оширилади. Айрим ҳолларда марказда ишлов берувчи дастгоҳ фақат вертикал ўқ бўйича эмас, балки горизонталь ўқ бўйича ҳам айланишга эга бўлган глобусли стол билан жиҳозланади. Бу эса мураккаб корпусли заготовкаларга ҳар томонидан ва ҳар хил бурчак остида, бир ўрнатишида ишлов бериш имконини беради. Шпиндель ўқини берилган дастур бўйича: горизонталь, вертикал ва қия ўрнатиш имконини берувчи марказда ишлов берувчи дастгоҳлар конструкцияси ҳам мавжуд (заготовка чизмасида кўрсатилган ҳар қандай бурчак остида).

Дастгоҳни бошқариш дастури шпинделнинг айланишлар тезлигини, ишчи суриш ва бўш ҳаракатлар тезлигини керакли ўзгартиришни таъминлайди ҳамда мойловчи-совутувчи суюқликни узатишни ва дастгоҳнинг бошқа ускуналарини ёқиш ва ўчиришни ҳам таъминлайди. Дастгоҳларда ҳаракатланадиган органларни талаб қилинган координаталарга яқинлашганда тез ҳаракатни секин ҳаракатга ўтказишни автоматик равишида бошқариш мавжуд бўлади. Ишлов беришнинг стандарт циклларини ва дастгоҳни турили функцияда ишлашини автоматик равишида бажариш ҳам кўлланади. Кўргина марказда ишлов берувчи дастгоҳларда

заготовкани ўрнатиш ва маҳкамлаш қўлда бажариладиган ишнинг ягона туридир.

Кесувчи асбоб револьверли каллакка ёки асбобларнинг махсус катта ҳажмли магазинига жойлаштирилади, бу топширилган дастур бўйича дастгоҳ шпинделига хоҳлаган асбобни, заготовканинг тегишли сиртига ишлов бериш учун талаб қилинганини автоматик равища ўрнатиш имконини беради. Асбобни дастгоҳда бундай алмаштириш учун 2—6 с вақт етарли бўлади. Айрим марказда ишлов берувчи дастгоҳларда ишчи шпинделдаги асбобни алмаштириш ўрнига асбоб жойлаштирилган шпинделнинг ўзи алмаштирилади.

Ишлов берувчи марказ туркумидаги дастгоҳларда кесиб ишлов беришнинг деярли барча жараёнлари: пармалаш, зенкерлаш, развёрткалаш, йўниш, резьба кесиш, ҳамда текисликларни ва мураккаб контурларни фрезалаш амалга оширилади.

Дастгоҳнинг барча ҳаракатларини узлуксиз дастур билан бошқариш ва кўп сонли кесувчи асбобларни автоматик равища алмаштириш ишлов берувчи марказ туркумидаги дастгоҳларнинг айрим моделларида ишлов бериладиган маҳсулотга нисбатан кесувчи асбобнинг 500000 тагача турлӣ ҳолатни эгаллашини таъминлайди. Бу энг мураккаб корпус заготовкаларига бир ўрнатишда заготовка ўрнатиладиган ва маҳкамланадиган базавий сиртидан ташқари тури томонларига ишлов беришни амалга ошириш имконини беради. Бунинг барчаси ишлов бериладиган сиртларнинг ўзаро жойлашишининг энг юқори аникликда бўлишига олиб келади. Оммавий ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кўп шпинделли дастгоҳ — автоматлар ва автоматик линиядан фарқли ўлароқ марказда ишлов берувчи дастгоҳларда меҳнат унумдорлиги технологик ўтишларни қўшиб бажариш ва кўпгина сиртларга параллел равища кўп асбобли ишлов бериш ҳисобига эмас, балки ёрдамчи ва тайёrlаш-якунлаш вақт сарфини кескин камайтириш ва кесиш режимини жадаллаштириш ҳисобига оширилади. Маълумки, серияли ва майда серияли ишлаб чиқариш шароитларида анъанавий дастгоҳларда машина вақти 20—30% дан ошмайди. Дастур билан бошқариладиган дастгоҳларда машина вақти 50—60% гача ортади, ИБМ

туркумидаги дастгоҳларда эса у 80—90% гача етади. Дастгоҳни созлаш жараёнида унинг бўш туриб қолиши ўртача 80% га қисқаради. ИБМ туркумидаги дастгоҳларда заготовкаларга ишлов беришда кесиш тезлигини 20—100% га ошириш мумкин. Уларда тайёрланган деталларнинг ўлчамлари стабил бўлганлиги туфайли назорат операциялари ҳажмини 50—70% га қисқартиришга имкон беради.

Ишлов берувчи марказ туркумидаги дастгоҳларда ишлов бериладиган заготовкаларни алмаштириш даври йўлдош мослама (алмаштирилувчи палет)га дастгоҳдан ташқарида, аввалдан ўрнатилиши ҳисобига кескин камајди. Заготовка ўрнатилган палет кўпинча, автоматик равишда алмаштирилади, бу эса дастгоҳнинг бўш қолишини минимумгача камайтиради. Булар натижасида ИБМ туркумидаги дастгоҳда детал тайёрлашни универсал дастгоҳда ишлов беришга нисбатан ишлов бериш унумдорлиги 4—10 маротаба ошади ва битта ИБМ туркумидаги дастгоҳ анъанавий конструкциядаги тўртта-бешта ва ундан ҳам кўпроқ дастгоҳларнинг ўрнини босиши мумкин.

Ишлов берувчи марказ туркумидаги дастгоҳларнинг бошқа автоматик дастгоҳларга нисбатан энг асосий устунлиги марказда ишлов берувчи дастгоҳларни созлашнинг соддалиги, уларни бошқа конструкцияли заготовканинг ишлаб чиқиши учун қайта созлашнинг соддалиги, мураккаб ва қимматбаҳо технологик асбобларни (шаблон, андоза, маҳсус мосламалар ва бошқалар) яратиш заруритининг йўқлиги ҳисобланади. Бу майда серияли ва якка тартибли ишлаб чиқариш шароитларида марказда ишлов берувчи дастгоҳларнинг қўлланишини таъминлайди.

### **23.5. СДБ дастгоҳларида заготовкаларга ишлов беришнинг технологик тайёргарлиги**

СДБ дастгоҳларида заготовкаларга ишлов беришнинг технологик тайёргарлиги қўл билан бошқариладиган дастгоҳларнинг технологик тайёргарлигидан тубдан фарқ қилади. Буни биринчи навбатда қимматбаҳо жиҳозддан самарали фойдаланиш учун бошқариш дастурини тузишда ҳал қилиниши керак бўлган технологик вазифанинг мураккаблашиши натижасидан деб тушунилиши мумкин.

СДБ дастгоҳларида заготовкага ишлов беришнинг технологик тайёргарлигида заготовка номенклатурасидан техник жиҳатдан асослангани танлаб олинади. Аввал тайёрланиши учун қимматбаҳо дастгоҳ, технологик асбоб ва кесувчи асбоб талаб қиласиган ҳамда ёрдамчи вақт кўп сарфланадиган мураккаб шаклли заготовкалар танлаб олинади. Айниқса СДБ дастгоҳида бажариладиган бир неча операцияни битта операцияга концентрациялаш мумкин бўлган заготовкаларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда, қўлда белгилаб олинадиган ва чилангарлик ишларидан халос қилиш имконияти бўлиши мухим аҳамиятга эга. Дастлабки ажратиб олинган хомакилар конструкциясининг технологиявийликка обдон таҳлил қилинади. Таҳлил натижалари бўйича заготовка чизмаси коррекцияланади, бу ишлов бериш талабини ҳам, дастурлаш талабини ҳам қониқтириши зарур.

СДБ дастгоҳларида ишлов бериш самарасини ошириш учун технологик жараёнларни турларга бўлиб чиқиш ва гуруҳли ишлов бериш усулини қўллаш зарур. Ягона технологик масалаларни ишлаб чиқиш учун заготовкаларни тури ёки гуруҳи бўйича бирлаштириш мақсадга мувофиқ ва ягона структурали бошқарув дастурли тур ва гуруҳли технологик жараёнларни ишлаб чиқиш зарур. Майданда серияли ишлаб чиқаришда СДБ дастгоҳларидан самарали фойдаланиши учун заготовка тайёрлаш серияларини ошириш ва технологик асбоб ва кесувчи асбоб сарфини камайтириш катта аҳамиятга эга. Бундай вазифаларни гуруҳли ишлов бериш усули ёрдамида муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

СДБ дастгоҳларидан фойдаланиш самарасини оширишини ташкилий-тадбирлар мустаҳкамлайди. СДБ дастгоҳлари узлуксиз икки сменада ишлаши зарур. Кўп дастгоҳли хизмат қилишни тўғри таъминлаши мухим аҳамиятга эга, дастгоҳни созлаш жараёнини ва унда бевосита ишлов беришни чегаралаб қўйиш, асбобни марказлаштирилган ҳолда чархлашни ва уни дастгоҳдан ташқарида созлашни ташкил этиш зарур. СДБ дастгоҳларининг тўхтовсиз ишлаши малакали таъмирлаш хизмати томонидан таъминланаб турилиши зарур.

СДБ дастгоҳларида заготовкага механик ишлов беришнинг барча технологик тайёргарлигини бир неча босқичга бўлиш мумкин:

1. Заготовканинг синфланиши ва СДБ дастгоҳида уларга ишлов беришнинг техник-иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш.
2. Техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва бошқарув дастурини яратиш.
3. Махсус технологик оснасткани ва кесувчи асбобни тайёрлаш.
4. Бошқарув дастурини текшириш ва тўғрилаш.

### *Сипов саволлари*

1. Соnли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар нима учун кўлланилади?
2. СДБ дастгоҳларининг технологик имкониятлари нималардан иборат?
3. СДБ токарлик дастгоҳларининг технологик имкониятлари нималардан иборат?
4. СДБ фрезерлик дастгоҳларининг технологик имкониятлари нималардан иборат?
5. Марказда ишлов берувчи дастгоҳларнинг технологик имкониятлари нималардан иборат?
6. СДБ дастгоҳларида заготовкаларга ишлов беришда ишлаб чиқаришни қандай технологик тайёрланади?
7. СДБ дастгоҳларда унумдорлик нима ҳисобига ортади?
8. Технологик тайёргарлик босқичлари нималардан иборат?

## **МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ**

### **24.1. Механик ишлов бериш технологик жараёнларини автоматлаштиришнинг моҳияти**

Меҳнат унумдорлигини оширишга ҳаракат қилиш, метал кесувчи дастгоҳларда ишлаш шароитини енгиллаштириш ва қўп дастгоҳли хизмат кўрсатиш имкониятини кенгайтириш, яъни бир ишчининг бир вақтнинг ўзида бир неча дастгоҳда ишлаши, ишчининг ёрдамчи қўл меҳнатини алмаштирадиган маҳсус механизмлар ва мосламаларни яратиш зарурлигига олиб келади. Уларнинг кўпчилиги оддий, бошқалари аксинча, мураккаб мослама ёки фақат деталга ишлов бериш эмас, балки ҳар хил ишларни бажарувчи-назорат қилувчи, ташувчи ва шунга ўхшаш ишларни ҳам бажарувчи дастгоҳ-комбайн кўринишидаги яхлит ускуналардан иборат бўлади.

Технологик жараёнларни автоматлаштиришни ривожлантиришнинг замонавий йўналиши — комплекс автоматик линияларни, цехларни ва корхоналарни узлуксиз ишлаб чиқариш оқими бўйича қўл меҳнатидан фойдаланишдан халос қилиб яратишдир. Бу йўналишда, юқоридаги ишлар билан бир вақтда, универсал ва бошқа дастгоҳларнинг алоҳида узелларини автоматлаштириш кенг ривожланмоқда. Буларга суппортнинг сурилишини автоматик равишда юргизиш, кесувчи асбобни заготовкага жадал келтириш ва олиб кетиш, каретканни жадал олиб кетиш, дастгоҳни автоматик равишда юклаш, ишлаш жараёнида автоматик равишда назоратдан ўтказишни маҳсус механизмлар ёрдамида амалга ошириш киради, бундай механизмларни, кўпинча, корхонанинг ўзида тайёрланиши мумкин.

Дастгоҳларнинг автоматик линия, автоматик цехлар ва корхоналар кўринишидаги ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштириш технологиянинг ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг илғор замонавий ютуғи бўлиб ҳисобланади.

## 24.2. Автоматик линия ва уларнинг турлари

Автоматик линия бир-бири билан ўзаро алоқада синхрон равишда ишлайдиган дастгоҳлар, ташувчи механизм ва ускуналарнинг гуруҳидан ташкил топган ускуналар тизимидан иборат бўлиб, булар ёрдамида келишилган ҳолда, аниқ кетма-кетликда ва белгиланган тегишли режимда, вақтнинг ҳар бир вазияти учун, ишчиларнинг иштирокисиз бошланғич материалга ёки заготовкага ишлов бериш бўйича технологик жараён операциялари баражилади.

Оммавий ишлаб чиқаришда технологик жараённи амалга оширишнинг иккита ҳар хил тамойили қўлланилади: биринчи тамойил технологик жараённи элементар операцияларга дифференциаллашни кўзда тутади; иккинчи тамойил технологик жараён операцияларини концентрациялашдан иборат.

Иккинчи тамойил кўпинча автоматик линияда қўлланилади, чунки у энг кўп техник-иқтисодий самарага эга.

Бошланғич материал автоматик линияга киритилиши мумкин, тайёр маҳсулот эса автоматик линиядан донабай заготовка, порция (оғирлиги ёки ҳажми бўйича) ва узлуксиз чиқади. Кўпинча машинасозликда ишлаб чиқаришдаги автоматик линияга бошланғич материал донали заготовкалар ҳолатида киритилади, маҳсулот эса дона бўйича алоҳида деталлар ҳолатида олинади.

Автоматик линияни лойиҳалашда зарур бўлган жиҳоз, асбоб ва ускуналарнинг тавсифини аниқловчи асосий омиллар қўйидагилардир:

- а) бир йилда ишлов бериладиган деталлар сони;
- б) деталга ишлов беришнинг энг мақбул технологик жараёни;
- в) ишлов бериладиган деталнинг шакли, ўлчамлари ва сиртларининг ўлчамлари;
- г) деталнинг материали ва оғирлиги;
- д) деталнинг сиртидан ишлов беришда кесиб олинадиган қўйим;
- е) деталга ишлов беришнинг техник шарти ва сифати.

Ишлов бериладиган детал тавсифидан келиб чиқсан ҳолда технологик жараённинг имкони бўлган вариантла-

ри ишлаб чиқилади, унинг асосида операцияларнинг энг мақсадга мувоғиги ва ишлов беришнинг, базовий сиртлар, детални ўрнатишдаги фиксациялаш ва маҳкамлаш усууларининг энг мақбули танланади.

Ишлов бериш режимлари детал материалининг турига, деталнинг бикирлигига, ишлов бериладиган сирт ўлчамига ва автоматик линиянинг ишлаш тактига қараб белгиланади.

Автоматик линия цилиндрик деталларга (валлар, втулкалар, ҳалқалар), корпус деталларга (цилиндрлар блоки, узатмалар қутиси), тишли фиддиракларга, мураккаб шаклли деталларга, лист материалидан тайёрланадиган деталларга ва бошқаларга ишлов бериш учун қўлланилади. Қўлланиладиган жиҳоз характеристига қараб, автоматик оқимлар турли кўринишда бўлиши мумкин:

- ◆ бир турдаги ва ҳар хил турдаги дастгоҳлардан ташкил топган универсал дастгоҳлар оқими;
- ◆ фақат маҳсус ёки маҳсус ва универсал дастгоҳлардан ташкил топган маҳсус дастгоҳлар оқими;
- ◆ корпус деталларига (автомобиль двигателлари учун цилиндрлар блоки ва каллаги, узатмалар қутиси ва бошқалар)га ишлов бериш учун мўлжалланган агрегатли дастгоҳлар оқими;
- ◆ автоматик линиядан иборат бўлган, битта дастгоҳ кўринишида бажарилган, маълум бир деталга ишлов беришнинг қатор кетма-кет операцияларини бажарувчи дастгоҳ-комбайнлар;
- ◆ детални тайёрлаш тўлиқ циклига эга бўлган ишлаб чиқариш автоматик линия, бунинг таркибига қуйиш ва термик ишлов берувчи агрегатлар, назорат қилувчи ва сараловчи қурилмалар, бўяш ва қадоқлаш мосламалари киради (поршенлар, поршень ҳалкалари, поршень бармоқлари ва бошқаларни тайёрловчи автоматик корхоналар).

### **24.3. Автоматик линия таркибига кирувчи дастгоҳлар ва қурилмалар**

Деталларга механик ишлов бериш учун автоматик линия таркибига қуйидаги жиҳоз ва ускуналар киради:

- а) технологик операцияларни бажариш учун металл кесувчи дастгоҳлар, автоматлар ва агрегатлар;
- б) деталга ишлов бериладиган ҳолатда ишчи ўринда тайёрланадиган детални фиксациялаш ва қисиши учун механизмлар;
- в) детални дастгоҳдан дастгоҳга ташиш учун ва мослама-йўлдошларни тушириш жойига қайтариш учун мослама;
- г) агар ишлов бериш характеристи талаб қилса, детални буриш учун механизмлар;
- д) детални юкловчи қурилма ва деталларни тўплаш учун ва оқимнинг навбатдаги участкаларини таъминловчи қурилмалар (магазинлар, бункерлар);
- е) қириндини олиб кетувчи ускуна;
- ж) деталларни назоратдан ўтказиш ва саралаш учун қурилма ва аппаратуралар;
- з) бошқариш аппаратураси.

Дастгоҳ турини танлашда ва сонини аниқлашда кўп асбобли ва кўп ўринли дастгоҳларни, кўп кескичли ярим автомат ва автоматларни қўллаш йўли билан имкони борича кам сондаги жиҳозлардан фойдаланишга ҳаракат қилиш керак. Автоматик линияда битта, иккита ва ундан ҳам кўп бир хил деталларга бир вақтда икки ва уч томонлами ишлов бериш учун кўп шпинделли каллакли агрегатли қуввати юқори бўлган дастгоҳларни қўллаш зарур.

#### **24.4. Автоматик линияда ўринлар**

Автоматик линиянинг алоҳида ўринлари бўйича технологик операцияларни тақсимлашда дастгоҳда асбобнинг ишлаш даври, тахминан, бир хил бўлишига ҳаракат қилиш керак, бу асбобдан тўлиқ фойдаланиш учун зарур. Асбобнинг ишлаш вақтини баробарлаш турли усувлар билан амалга оширилади: лимитлашган операцияларда кесиш режимини ошириш ва камайтириш, узоқ давом этадиган операцияларни бир неча қисмларга бўлиш, масалан, чуқур тешикларни пармалашни қисмлар бўйича кетма-кет бир неча ўринларда (биринчи ўринда тешик узунилигининг бир қисми пармаланади, иккинчисида — кейинги қисми

ва ҳоказо), икки томонлама (қарама-қарши) пармалаш; қурама асбобни қўллаш ва ҳ.к.

Автоматик линияда тайёрланадиган детал ўтадиган ўринлар ҳар хил вазифаларга эга:

— ишчи ўринлар — ишлов бериш операциясини бажариш учун хизмат қиласди;

— назоратчи ўринлар — ишлов берилгандан кейин ҳосил қилинган ўлчамларнинг тўғрилигини текшириш учун;

— бўш ўринлар детални ҳар томонидан ишлов бериш зарур бўлганда, детални маълум бир бурчакка ( $90$ ,  $180^\circ$ ) бураш учун;

— дастгоҳга хизмат кўрсатиш, созлаш ва таъмирлаш учун, дастгоҳнинг ташқи ўлчамларидан келиб чиқсан ҳолда дастгоҳлар орасидаги зарур бўлган майдонни таъминловчи ўринлар;

— қириндидан тозалаш учун ўринлар.

Ишлов бериладиган детал ишчи ўринга келтирилиб, базавий сиртга фиксацияланади, маҳкамланади ва ишлов берилади; ишлов берилгандан кейин детал навбатдаги ўринга сурилади.

Ўринлар бўйича операцияларни тақсимлашда ва концентрациялашда алоҳида операциялар бўйича ишлашнинг синхронлигини, хизмат кўрсатишга қулай бўлишини, дастгоҳ-мослама-асбоб-детал тизимининг бикирлик бўйича талабини, қириндини тўлиқ олиб ташлашни таъминлаш зарур.

Автоматик линияда деталга ишлов бериш учун базаларни танлашда асосий базанинг ўзгармаслик тамойилига амал қилишни, асосий ва ўлчов базаларининг мос келишини, деталнинг ҳолатини автоматик фиксациялаш имконини ҳамда ташиш қулайлигини ва базавий сиртларга қиринди тушишидан ҳимоя қилишни таъминлаш зарур. Юқорида кўрсатилган маҳсадга эришиш учун автоматлар оқимида деталларга ишлов беришда кўпинча, кейинчалик фойдаланилмайдиган, детал элементида қўшимча маҳсус тайёрланган сунъий базалардан фойдаланилади. Корпус деталларида (баззида бошқа деталларда ҳам) базавий сиртига кўпинча, автоматик линия таркибига кирмаган дастгоҳларда дастлабки ишлов берилади.

Деталларга ишлов берадиган кесувчи асбоб юқори турғунликка ва юқори унумдорликка эга бўлиши керак. Ўринлар бўйича ишлов беришда, операцияларни белгилашда асбоблар блокини қайта созланишсиз ва режали даврий бажарилишининг имконини таъминлаш керак. Асбобни алмаштириш аввалдан белгиланган вақт оралифида, имкон борича 3,5—4 соатдан кам бўлмаган даврда автоматик линия ишдан танаффус қилган пайтида амалга ошириш керак, чунки асбобни тез-тез алмаштириш автоматик линиянинг бўш туриб қолишини келтириб чиқаради.

#### **24.5. Автоматик линияда керак бўладиган дастгоҳлар сонини ва тактни аниқлаш**

Автоматик линиядаги дастгоҳлар сони технологик операциялар сони, операцияларнинг давомийлиги ва дастур бўйича аниқланади; автоматик линия бир неча дастгоҳлардан (4—5) ёки бир неча ўнлаб дастгоҳлардан (30—40 ва ундан ҳам ортиқ) ташкил топган бўлиши мумкин.

Ҳар бир ўрин  $C_a$  бўйича операция бажариш учун зарур бўлган дастгоҳлар сони оператив вақтни  $t_{on}$  ишлаб чиқариш тактига нисбатига тенг, яъни:

$$C_a = t_{on} / \tau$$

Оператив вақт  $t_{on}$  асосий (машина) вақт  $t_a$  ва ёрдамчи вақт  $t_{ep}$  йиғиндисига тенг, яъни  $t_{on} = t_a + t_{ep}$ ; ёрдамчи вақтга асбобни келтириш ва олиб кетиш учун сарф бўлган вақт, детални қисишиш ва бўшатиш учун сарф бўлган вақт, детални навбатдаги ўринга суриш учун сарф бўлган вақтлар киради.

Технологик жараённинг ҳар бир алоҳида операцияси-ни бажариш учун вақт сарфи, тахминан, бир хил ёки каррагали бўлиши керак. Бу операцияларни бажаришни синхронлаш ва автоматик линияни узлуксиз ишлашини таъминлаш учун зарурдир.

Агар бирор бир операция тект қийматидан ошиб кетувчи оператив вақтни талаб қиласа, зарур бўлган тактга бўйсунишга асосий ёки ёрдамчи вақтни ёки иккаласини қисқартириш орқали эришиш мумкин. Операциялар бўйича

машина вақтини қисқартириш ва тенглаш юқори кесиш хоссасига, катта турғунликка ва металл кесишда юқори тезликка чидайдиган кесувчи асбобларни ва тегишли кесиш режимларини танлаш орқали эришилади. Ёрдамчи вақтни камайтиришга, агар асбобни келтиришни ва олиб кетишни жадаллаштириш ва ишлов бериладиган деталнинг ҳаракатини жадаллаштиришнинг имкони бўлсагина эришиш мумкин.

Агар бирор бир операциянинг оператив вақти такт қийматидан анча катта қийматга эга бўлса, керак бўлган тактга бўйсуниш учун операцияни қисмларга бўлиш мумкин (масалан, чуқур тешикни қисмлари бўйича пармалаш) ёки дублировчи дастгоҳни қўллаш орқали унга эришиш мумкин.

Автоматик линиянинг ишлаш такти (яъни, йил давомида ишлаб чиқариш дастури бўйича берилган деталлар сонини таъминлаш учун оқимдан деталларнинг биринкетин чиқишини ажратувчи вақт оралиғи) қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\tau = 60Fmk_{0,;}/D \text{[мин]},$$

бу ерда -минутига оқимдан деталларнинг чиқиш такти;  $F$ —автоматик линия бир сменада ишлаганда бир йилдаги соатларнинг номинал сони (йиллик вақт фонди), соатда,  $(60F)$  минутда ёки  $(3600F)$  секундда;  $m$ —автоматик линиянинг бир суткада ишлаш сменалари сони;  $D$ — бир йилда автоматик линияда ишлов бериладиган деталлар сони;  $k_a$ , — оқимнинг ҳақиқий ишлаши учун номинал вақт фондидан фойдаланишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Автоматик линиянинг ҳақиқий ишлаш вақти (назарий) йиллик номинал соатлар сонидан таъмирлаш учун сарф бўлган, қайта созлаш учун сарф бўлган, асбобни алмаштиришга сарф бўлган, асбобнинг, электр, механик ва бошқа ускуналарнинг носозлиги туфайли тўхтатилишига сарф бўлган, ҳамда техник ва хизмат кўрсатишга сарф бўлган вақтлар ҳисобига кам бўлади. Бу барча вақтларнинг йўқотилиши к коэффициенти билан ҳисобга олинади ва у оқимдаги дастгоҳларнинг сонига қараб  $0,65-0,85$  га тенг қилиб қабул қилинади.

Линиянинг унумдорлиги линиядан деталларнинг чиқиши қийматига қараб белгиланади.

Линиянинг соатига унумдорлиги  $N_c$  (яъни, бир соатда чиқадиган деталлар сони) қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$N_c = f k_{a,n} / \tau = f_v / \tau \text{ [дона]},$$

бу ерда  $f$ —иш вақтининг соатли номинал фонди, минутига (60 мин) ёки секундига (3600 с);

$k$  — линиянинг ҳақиқий ишлаши учун вақтдан фойдаланишни ҳисобга олувчи коэффициент;

$\tau$  — минутига ёки секундига линиядан чиқадиган деталлар такти;

$f_v$  — иш вақтининг соатли ҳақиқий фонди, минут ёки секунд.

### ***Синов саволлари***

1. Механик ишлов бериш технологик жараёнларини нима учун автоматлаштириш зарур?
2. Автоматик линияни лойиҳалашда зарур бўлган жиҳоз, асбоб ва ускуналарнинг тавсифини қандай омиллар белгилайди?
3. Автоматик линиянинг қандай турлари мавжуд?
4. Оммавий ишлаб чиқаришда автоматик линияларни қўллашда технологик жараённи қайси тамойил бўйича қўллаш энг кўп техник иқтисодий самара беради?
5. Автоматик линияни лойиҳалашда зарур бўлган жиҳоз, асбоб ва ускуналарнинг тавсифини аниқловчи асосий омиллар нималардан иборат бўлади?
6. Автоматик линия таркибига қандай дастгоҳ ва қурилмалар киради?
7. Автоматик линияда зарур бўладиган дастгоҳлар сони ва такт қандай аниқланади?
8. Автоматик линияда ишлов бериш режими қандай танланади?
9. Автоматик линияда базалар қайси тамойил бўйича танланади?
10. Агар операциянинг оператив вақти тект қийматидан анча катта қийматга эга бўлса, қандай чора кўрилади?

## **ДЕТАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

### **25.1. Деталларга лазер нури ёрдамида ишлов беришнинг моҳияти**

Лазер — электромагнитли нурланишнинг манбай бўлиб, атом ва молекулаларнинг мажбурий нурланишига асосланган инфрақизил ва инфракўқ диапазонда кўринади. “Лазер” сўзи инглизча “Light amplification by Stimulated Emission of Radiation” жумла сўзларининг бош ҳарфларидан тузилган бўлиб, “мажбурий нурланиш натижасида ёруғликнинг кучайиши” деган маънони билдиради. Мажбурий нурланиш юқориги энергия сатҳида турган ва қуий сатҳга ўтишида электроннинг квант билан тўқнашиши натижасида содир бўлади. Ёруғликнинг кучайиши биринчи квант, яъни квантни уйғотувчи, атом билан тўқнашганда йўқ бўлиб кетмайди, балки сақланиб қолади ва квант янги туғилган квант билан бирга яна учишда давом этади. Кейин иккала квантнинг ҳар бири актив моддада биттадан, кейин саккизта, ўн олтита ва ҳоказо атомлар билан квантларнинг йўли тугагунча тўқнашади. Шундай қилиб, бу йўл қанча узун бўлса, янада қувватли квантлар уюмини, яъни қувватли ёруғлик нурини биринчи квант туғдиради. Ёруғликнинг бошланғич импульсини биринчи квант эмас, балки кўплаб квантлар ҳосил қиласи, демак квантлар уюми ҳам янада қувватли бўлиб боради. Шунинг учун қаттиқ танали лазерларда ингичка узун призма, цилиндр кўринишда, яъни узунлиги қалинлигидан ўн баробар катта бўлган, стержень кўринишидаги актив моддалардан фойдаланилади.

Генераторда ойналар тизими мавжуд бўлади. Ойна торецлари кумуш билан қопланган стержендан иборат бўлади. Торецлари бир-бирига қатъий равишда параллел ва цилиндр ўқига нисбатан перпендикуляр қилиб жилвиранади. Бунда битта тореци ундан ёруғлик тўлиқ қайтиши учун зич қилиб кумуш билан қопланади, бошқаси 90% квантларни қайтариб, 10% ни ўтказиб юборадиган қилиб юпқа

қатламда кумуш билан қопланади. Ойналар актив моддада учаётган квантлар бирламчи оқимини кўп карра кучайтириш учун лазер нурини йўналтирадиган қилиб ўрнатилиши зарур. Стерженнинг охиригача учиб борадиган бирламчи оқим ёруғликнинг қувватли оқими бўлишига ҳали жуда ҳам кучсиз бўлади. Бу оқимни ойна стержень төрецига улоқтириб ташлайди. Квантлар оқими янги куч йиғиб, орқага катта сакрашлар билан югуради. Чиқадиган ёруғлик бўлагининг қуввати амалий жиҳатдан сезилмайдиган даражада тез ортади.

Қаттиқ танали лазерлар актив моддалар сифатида кристалл ёки диэлектрик, яъни электр токининг ўтказмайдиган моддалардан фойдаланилади. Лазерларнинг ишчи таналарининг материалларидан энг кўп тарқалгани синтетик рубин-алюминийнинг кристалл аксиdir, бу материалда алюминийнинг бир қисм атомлари хром атоми билан алмаштирилган бўлади. Хромнинг бу атомлари ишчи тана бўлиб ҳисобланади, улар энергия билан “шиширилади”, кейин эса энергияни ёруғлик оқимини кучайтиришга беради.

Лазер нурининг интенсив қиздиришни уйфотиш учун бир жойга йиғиш мумкин. Масалан, фокус масофаси 1 см линза ёрдамида  $0,0001 \text{ см}^2$  майдонли нуқтага лазер нурини йиғиш мумкин. Лазернинг ёришиши қисқа муддатли бўлганлиги билан ҳар қандай материални, хоҳ у металл, тош ёки керамика бўлсин, ёритилган қисмни эритишига ва парлатиб юборишга етарли бўлади.

Лазернинг жуда қувватли ёритишида, айниқса лазернинг узлуксиз ишлаш вақтида, актив модданинг стержени жуда ҳам қизиб кетади ва уни совутишга тўғри келади. Бундай стерженлар учун филоф ўралади, бу филофда совутувчи модда циркуляция қилинади. Рубинли лазер, одатда, температураси  $-196^\circ\text{C}$  га teng бўлган суюқ азот ёрдамида совутилади.

## 25.2. Лазер нури ёрдамида материалларга ишлов бериш

**Лазерли пайвандлаш.** Лазерли пайвандлаш нуқтали ва чокли бўлиши мумкин. Кўпгина ҳолларда энг кичик зонали термик таъсир кўрсатувчи импульсли лазерлар қўлла-

нилади. Лазерли пайвандлаш ёрдамида коррозия бардош пўлатлардан, никелдан, молибдендан ва бошқа материаллардан тайёрланган деталларнинг юқори сифатли бирикмаларини ҳосил қилиш мумкин. Юқори қувватли лазерли нурланиш юқори иссиқлик ўтказувчи материалларни (мис, кумуш) пайвандлашга имкон беради. Бошқа усулларда пайвандланиши қийин бўлган материаллар учун (вольфрам билан алюминий, мис билан пўлат, бериллийли бронза бошқа қотишмалар билан) пайвандлашда лазерли усул қўлланилади. Пайвандланадиган материалга қараб пайвандланадиган деталларнинг сиртига нурланиш оқими  $0,1\dots1$  МВт/см<sup>2</sup> зичликда бўлиши мумкин.  $0,05\dots2$  мм ли импульсли қаттиқ танали лазер ёрдамида пайвандлашда материалларнинг суюқланиш чуқурлиги пайвандланиш нуқтасининг диаметри ёки  $0,5\dots5$  мм чок кенглигига қўра  $0,01\dots1$  мм қалинликдаги деталларни ишончли пайвандлашга имкон яратади. Лазерли пайвандлаш учун жиҳозлар қўйидаги режимда ишлашни таъминлайди: импульсда нурланиш энергияси  $0,1\dots30$  Ж, импульснинг давомийлиги  $1\dots10$  мс, ёруғлик додининг диаметри  $0,05\dots1,5$  мм нуқтали пайвандлашда унумдорлик минутига 60 та операция, чокли пайвандлашда суюқлантириш чуқурлиги  $0,5$  мм бўлганда пайвандлаш тезлиги  $1$  м/мин бўлади.

Лазерларни конструкциянинг қийин етиб бориладиган жойларини пайвандлаш учун, енгил деформацияланадиган деталларни бириткириш учун интенсив иссиқлик ажратиб чиқарадиган шароитларда қўллаш (масалан, паст температураларда юқори иссиқлик ўтказувчан материаллар учун), ҳамда термик таъсир зонасини минимал таъминлаш зарур бўлганда қўллаш энг катта самара беради.

Лазерли пайвандлашни қўллашда пайванд бирикмаларнинг мустаҳкамлиги (чок кенглиги атиги бир неча мм ни ташкил қиласди) пайвандланадиган материалларнинг мустаҳкамлиги даражасига етади. Автомобиль кузовларини, титан ва алюминий листларини, газ қувурларини пайвандлашда автоматик лазерли пайвандлаш ҳамда автомобильларнинг кардан валларини автоматик лазерли пайвандлаш қўлланилмоқда. Бунда валнинг ишлаш муддати уч баробар ортди. Металмас материалларни лазерли пайвандлаш ҳам ривожланмоқда.

Лазерли пайвандлаш яхши танилган пайвандлашнинг бошқа усуллари билан муваффақиятли рақобатлашмоқда. У кўпгина афзаликларга эга бўлиб, кўпгина ҳолларда, ҳаттоқи ягона имкони бор бўлган пайвандлашнинг усули бўлиб ҳисобланади. Вакуум керак бўлган электрон пайвандлашдан фарқли ўлароқ лазерли пайвандлаш атмосферада амалга оширилади. Лазерли пайвандлаш тез ва юқори аниқлиқда берилган нуқтада ёки берилган чизиқ бўйлаб амалга оширилиши мумкин. Иссиқлик таъсирига бериладиган зона жуда ҳам кичик ўлчамга эга бўлиб, қизиш таъсири қиласидаги элементларнинг бевосита яқинида пайвандлаш зарур бўлган ҳолларда катта аҳамиятга эга бўлади.

**Термик ишлов бериш.** Лазер нурини метал сиртига йўналтирилганда металнинг юпқа қатлами тез қизийди. Нурни сиртнинг бошқа участкаларига суриб борган сари қизиган участка тез совийди. Мустаҳкамлиги жуда ҳам оширилиши зарур бўлган сирт қатламини тоблаш худди шундай амалга оширилади.

Лазерли тоблаш энг кўп ейилишга учрайдиган деталларнинг айнан ўта ейиладиган сирт участкаларини танлаб олиб тоблашга имкон беради. Масалан, автомобиль саноатида дивигатель цилинтри каллакларини, клапанларининг йўналтирувчиларини, шестернялари, тақсимловчи валлари ва бошқаларнинг мустаҳкамлигини ошириш учун лазерли тоблаш қўлланилади.

Сиртларнинг қаттиқлигини ошириш учун лазерли легирлаш ҳам қўлланилади. Бунинг учун ишлов бериладиган сиртга дастлаб кукун кўринишидаги легирловчи модда суртиб чиқилади. Лазер ёрдамида нурлантирилганда, заготовканинг сирти эрийди ва кукун билан заготовка материалининг юпқа қатламдаги сиртида суюқланиб, ўзаро аралашиши содир бўлади.

Анъанавий усулга қараганда лазерли термик ишлов бериш материал қаттиқлигини 20—30% га ва унинг ейилишга чидамлилигини бир неча баробар оширишга имкон беради.

**Металларни кесиш.** Лазер ёрдамида материалларни ҳам импульсли, ҳам узлуксиз режимда кесиш мумкин. Импульсли режимда узлуксиз кесиш тешикларни кетма-кет қўйилиши натижасида амалга оширилади.

Узлуксиз ишлайдиган СО<sub>2</sub>ли лазерлар газ-лазерли кесишда құлланилади, бунда лазер нурининг таъсир зонасыга газ оқими узатилади. Газ ишлов бериладиган материал турига қараб танланади. Құпгина металларни, ойнани, керамикани кесишда газ оқими эриган материал зонасыдан пуркалади, бу кесилган сиртнинг паст ғадир-будирликда ва юқори аниқликда бўлишини таъминлайди. Темирни, кам углеродли пўлатни ва титанни кесишда қизиш зонасига кислород оқими юборилади.

**Тешикларни ҳосил қилиш.** Лазер ёрдамида ҳар қандай материалда тешик ҳосил қилиш мумкин. Одатда, бу мақсадда импульсли усул құлланилади. Унумдорликка катта энергияли (30Ж) битта импульсда тешик ҳосил қилишда эришилади. Бунда тешикдан материалнинг асосий массаси эриган ҳолатда буғнинг катта босими остида олиб ташланади. Буғ эса модданинг нисбатан кичик қисмининг буғланиши натижасида ҳосил бўлади. Бироқ бир импульсли усулда ишлов бериш аниқлиги юқори эмас (диаметрнинг 10—20 ўлчамига). Максимал аниқликка (1...5%) ва жараённи бошқаришга материалларга импульслар серияларининг (кўп импульсли усул) таъсирида эришилади. Бу сериялар нисбатан кичик энергияли (одатда 0.1...0.3 Ж) ва қисқа муддатли (0,1 мс ва ундан кам) бўлади. Кўндаланг кесими (думалоқ, учбурчак ва ҳоказо) ва бўйлама кесими (цилиндрик, конуссимон ва бошқа) турлича кўринишдаги, иккала томони очиқ ва бир томони берк тешикларни ҳосил қилиш мумкин. Диаметрига чуқурлигининг 0.5—10 нисбатдаги 0,003...1 мм диаметрли тешиклар ҳосил қилиш ўзлаштирилган. Ишлов бериш режими ва материал хоссасига қараб тешик деворларининг  $R_d=0,40\div0,10$  мкм даги сирт ғадир-будирлигига эришиш мумкин ва нуқсонли қатлами 1...100 мкм ташкил этади. Лазерли қурилмаларнинг тешиклар ҳосил қилишда унумдорлиги — минутига 60...240 та тешик. Бошқа усулларда қийин ишлов бериладиган материалларда (олмос, рубин, керамика ва бошқа) 100 мкм дан кичик диаметрли тешиклар ёки сиртга нисбатан бурчак остида тешиклар ҳосил қилишда лазерни қўллаш энг катта самара беради.

**Лазер нури ёрдамида ишлов беришнинг афзалликлари.** Материалларга лазер ёрдамида ишлов беришнинг асосий афзалликлари:

- имкони бўлган ишлов бериш жараёнларининг турли хиллиги ва ишлов бериладиган материалларнинг (механик ишлов беришга мутлақо бўйсунмайдиган материаларни қўшган ҳолда) турли хиллиги;
- материалга ишлов бериш бўйича операцияларни бажариш тезлигининг юқорилиги;
- операцияларни автоматлаштиришнинг имкони борлиги, бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги тубдан ортади;
- ишлов беришнинг юқори сифатлилиги (пайванд чокларининг мустаҳкамлиги, кесимларнинг аниқлиги, ишлов бериладиган сиртларда ифлосланишнинг бўлмаслиги);
- юқори аниқликдаги прецизион ишлов бериш имкони борлиги;
- материалларга ишлов беришни масофадан бошқарилиши;
- турли операцияларнинг бажарилиши, жумладан, назоратдан ўтказиш операциялари.

Ҳозирги пайтда лазерли автоматлаштирилган ишлаб чиқариш ишламоқда.

### **25.3. Деталларга ишлов беришнинг электрофизик ва электрокимёвий усуллари**

Электрофизик ишлов бериш жараёнининг моҳияти электрик разрядларни, магнетострикцион эффектни, электрон ёки оптик нурланишни қўллаб, заготовканинг шаклини, ўлчамларини ва (ёки) сирт ғадир-будирлигини ўзгартиришдан иборатdir.

Электрокимёвий ишлов бериш жараёнининг моҳияти электролитда электр токининг таъсирида заготовканинг материалини қоришириш натижасида заготовка шаклини, ўлчамини ва (ёки) сирт ғадир-будирлигини ўзгартиришдан иборатdir.

Электрод-асбобнинг шакли заготовкада акс этса, бундай электро-кимёвий ишлов бериш электрохимиявий ҳажмий нусхалаш деб аталади. Агар электрод-асбоб ўзгармас кесимдаги тешик ҳосил қила бориб хомакига кирса, бун-

дай электрокимёвий ишлов бериш электрокимёвий тешиш деб аталади. Электрокимёвий йўниш ва электрохимиявий кесиш имкони ҳам бор. Электрокимёвий йўнишда заготовкага айланади, электрод асбоб эса илгариланма ҳаракатланади.

Электроэррозияли ишлов беришда электрик разрядлар таъсирида электрик эррозия натижасида заготовканинг шакли, ўлчамлари ва заготовка сиртигининг ғадир будирлиги ва хоссалари ўзгаради. Электроэррозияли ишлов беришда ишлов бериладиган сирт электроэррозияли ишлов бериш вақтида электр разрядлар таъсир қиладиган электрод заготовканинг бир қисмидир.

Электроэррозияли ишлов бериш турларига электроэррозияли мустаҳкамлаш, ҳажмий нусха кўчириш, тешик очиш, маркалаш, қирқиши, кесиш, жилвираш ва бошқалар киради.

Электрофизик ва электрокимёвий ишлов бериш усуллари анъанавий усулда ишлов берилиши қийин бўлган, юқори мустаҳкамликдаги материалларни қўлланиши сабабли пайдо бўлди. Янги усуллар мураккаб шаклдаги деталларни (штамплар, пресс шакллар), бикирлиги паст бўлган ёки кичик ўлчамдаги деталларни (думалоқ тешикли, тирқишли) ишлов бериш самарали эканлиги ҳамда заготовкага механик таъсир қилиш чегараланган, ёки кесувчи асбоб (фреза, парма, кескич) ишлов бериладиган сиртга келтириб бўлмайдиган ҳолларда ҳам самарали эканлиги маълум.

Заготовкаларга электрофизик ва электрокимёвий ишлов бериш усуллари катта потенциал имкониятларга эга. Улар юкланишнинг ва температуранинг кенг диапозонларида ҳамда агрессив муҳитда ишлайдиган машина, жиҳоз ва ускуналарнинг деталларини анъанавий усулда тайёрлашни тўлдиради ва айрим ҳолларда алмаштиради. Электрофизик ва электрокимёвий ишлов бериш усули, айниқса, асбоб штамплаш ишлаб чиқаришида: қуйма шаклларни, пресс-шаклларни, кокилларни тайёрлашда самарали бўлади. Бу усул тўлиқ ёки кўплаб юқори малакали ишчиларнинг ўрнини босади.

## ***Синов саволлари***

1. Лазер нима?
2. Лазерли пайвандлашнинг қандай турларини биласиз?
3. Лазерли пайвандлаш қандай афзалликларга эга?
4. Лазер ердамида металлар қандай кесилади?
5. Анъанавий усулда термик ишлов беришга қараганда лазерли термик ишлов беришнинг қандай афзалликлари бор?
6. Лазер ердамида тешик ҳосил қилишни тушунтириб беринг
7. Лазер нури қандай ҳосил қилинади?
8. Лазерли пайвандлашни атмосферада амалга ошириш мумкинми?
9. Деталларга ишлов беришнинг электрофизик усулининг можияти нимада?
10. Деталларга ишлов беришнинг электрокимёвий усулининг можияти нимадаи иборат?

**IV қисм**

**МАШИНАЛАРНИ ЙИФИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**XXVI 6 о б**

**ЙИФИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАВСИФИ, АСОСИЙ  
ТУШУНЧА ВА ҚОИДАЛАР**

**26.1. Машиналарни тайёрлаш жараёнида йиғишниниг  
аҳамияти**

Йиғиш иши ишлаб чиқариш жараёнининг охирги боскичи бўлиб ҳисобланади. Бунда алоҳида детал ва қисмлардан тайёр маҳсулот йиғилади. Йиғиш ишининг сифати машиналарнинг ишлаш давридаги ишончлилигига ва чидамлилигига сезиларли таъсир этади.

Йиғилган маҳсулот — машина алоҳида деталларини бир-бирига етарли аниқликда бириктирилмаса, агар бу деталлар берилган аниқликда тайёрланган бўлса ҳам улардан фойдаланиш даврида сифатли ва ишончли ишламайди. Шунинг учун машинасозликда йиғиш жараёнига катта аҳамият берилади. Бунга яна шуни қўшиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги машинасозлигига маҳсулотни тайёрлаш умумий иш ҳажмининг 20—30% ини йиғиш иш ҳажми ташкил этади, бошқа машиналарда эса йиғиш иш ҳажми умумий иш ҳажмининг 40—60% гача боради.

Йиғиш ишларига сарф бўладиган вақтга детални тайёрлаш учун сарф бўладиган вақтнинг нисбати ҳамда йиғиш жараёнининг алоҳида босқичларига сарф бўладиган вақт ишлаб чиқаришнинг турига ва йиғиш усусларига боғлиқ. Йиғиш ишлари вақти механик ишлов бериш вақтининг тахминан қўйидаги фоизини ташкил этади:

- якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда 40—50%;
- ўрта серияли ишлаб чиқаришда 30—35%;
- йирик серияли ишлаб чиқаришда 20—25%;
- оммавий ишлаб чиқаришда 20% дан оз.

## 26.2. Йиғиш турларининг таснифи

Йиғишнинг уч хил тури мавжуд:

- а) индивидуал келтириш тамойили бўйича;
- б) тўлиқ ўзаро алмашинувчанлик тамойили бўйича;
- в) индивидуал ва гуруҳли танлаш йўли билан қисман ўзаро алмашинувчанлик тамойили бўйича.

Индивидуал келтириш тамойили бўйича йиғиш якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Бундай ишлаб чиқаришларда детал механик ишлов берилгандан кейин, бунда чекли калибрларсиз ишлов берилади, охирги шакл ва ўлчамини олиш учун ва детални ўрнатиладиган жойига келтириш учун қўлда чилангарлик ишлови берилади. Тўлиқ ўзаро алмашинувчанлик тамойили бўйича йиғиш йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришларда детал механика цехида чекли калибрлар бўйича ишлов берилади ва дастгоҳдаги операциялар деталга керакли шакл ва ўлчам берилиши учун ишлов беришнинг охирги босқичи ҳисобланади.

Агар йиғиша детал бириктириладиган бошқа детал билан дастлаб сараланмасдан ёки танламасдан туташтирилса ва бунда бириктириш зарур ва қониқтирувчи ўтказишни келтириш жараёнисиз ҳосил қилинса, бундай йиғиш **тўлиқ ўзаро алмашинувчанлик билан йиғиш** дейилади, бундай йиғиша оқим бўйича йиғиш жараёнини ташкил этиш мумкин.

Бириктириладиган деталлар чекли калибрлар бўйича, бироқ катта жоизлар билан тайёрланган бўлса, йиғиш деталларининг ўлчами бўйича дастлабки танлаб олиш йўли билан амалга оширилса, **қисман ўзаро алмашинувчанлик билан йиғиш** дейилади.

Бириктиришда керакли ўтказишни таъминлайдиган деталларни ўлчами бўйича белгиланган допуск чегарасида тайёрланган ва йиғишига келган ҳар қандай деталлар ичидан олиниши индивидуал танлаб олиш орқали ёки белгиланган допуск чегарасида ўлчамлари бўйича гуруҳларга ажратиб олиш йўли билан-гуруҳли танлов орқали олиш мумкин. Бундай йиғиш йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Узелли йифишда маҳсулотнинг таркибий қисми йифма бирлиги (узел) йифиш обьекти ҳисобланади. Умумий йифишда яхлит маҳсулот йифиш обьекти бўлиб ҳисобланади.

### 26.3. Йифишнинг ташкилий шакллари

Йифиш ишларининг ташкилий шаклларига кўра йифиш иккита асосий турга бўлинади: стационар ва ҳаракатдаги.

Стационар йифиш ишчилар гуруҳи (бригада) томонидан битта қўзғалмас жойда амалга оширилади, бу жойга барча детал ва узеллар олиб келинади.

Ҳаракатдаги йифишда маҳсулот бир ишчи жойидан кейингисига ҳаракатланиб ўтади. Бу ишчи жойларида ишчи ёки ишчилар гуруҳи томонидан ҳар бир ўзгармас иш жойида битта такрорланувчи операция бажарилади, бунда ҳар бир иш жойида тегишли асбоб ва мосламалар мавжуд бўлиб, бу жойга ушбу операция учун зарур бўлган деталлар ва узеллар олиб келинади.

Стационар йифиш якка тартибли ва серияли ишлаб чиқаришда, айрим йифма бирликлар учун оммавий ишлаб чиқаришда қўлланилади; ҳаракатдаги йифиш эса серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда қўлланилади. Умумий йифиш жараёнини бажаришнинг кўрсатиб ўтилган ташкилий шаклларида ишни турли усуслар билан бажариш мумкин. Биринчи усульнинг моҳияти шундан иборатки, бунда машина тўлалигича алоҳида деталлардан йифувчиларнинг битта бригадаси томонидан бошидан охиригача битта жойда йифилади. Бунда битта иш жойида йифиш операцияларини концентрациялаш тамойили амалга оширилади. Бу усул якка тартибли ишлаб чиқариш турига хос бўлиб, шунинг учун *индивидуал йифиш* деб аталади. Машинани йифиш учун вақт сарфи катта, натижада бу усулни қўллаш йифиш таннархини ошириб юборади. Бундай ҳолат ушбу усул такомиллашмаган, деган холосага олиб келади ва техник-иктисодий жиҳатдан яхши унум берадиган бошқа усувларни қўллашга ундаиди.

Иккинчи усульнинг моҳияти шундан иборатки, бунда машинанинг алоҳида детал ва узеллари ишчиларнинг битта бригадаси томонидан умумий йифиш стендидан ташқари-

да йиғиб олинади, бунда бу бригада умумий йиғувчилар бригадаси таркибиға кирмайды. Шундай қилиб, бу ерда йиғиши жараёнини қисман дифференциациялаш мүмкін. Бу усул янада унумли бўлади, чунки деталлар йиғма бирликка аввалдан йиғиб олинади, бунинг натижасида машина умумий йиғиши стендида бекор туриб қолиш вақти кам бўлади. Бу усулни серияли ишлаб чиқаришда стационар йиғишида қўлланилади.

Учинчи усулнинг моҳияти шундан иборатки, йиғиши жараёни алоҳида операцияларга дифференциацияланади, бунда ҳар бир операция маълум бир иш жойида (ҳаракатдаги ёки стационар) маълум ишчи ёки ишчилар бригадаси томонидан бир хил (имкон борича) вақт оралиғида йиғиши тактига амал қилган ҳолда бажарилади, бу узлуксиз (оқим бўйича) йиғиши жараёнини яратади. Бу усул оммавий ва серияли (кўпинча йирик серияли) ишлаб чиқаришда оқим бўйича йиғишида қўлланилади.

## 26.4. Оқим бўйича йиғиши

**Оқим бўйича йиғиши** деганда, йиғиши иши узлуксиз давом этадиган ва йиғилган тайёр маҳсулот маълум бир вақт оралиғида (такт) даврий равишда чиқишига айтилади. Оқим бўйича йиғиши усулини ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган обьектни йиғишида қўллаш мумкин, шунинг учун оқим бўйича йиғиши иккита кўринишга бўлинади:

а) ҳаракатдаги стенда оқим бўйича йиғиши ёки ҳаракатдаги оқим бўйича йиғиши;

б) ҳаракатда бўлмаган стенда оқим бўйича йиғиши ёки ҳаракатда бўлмаган оқим бўйича йиғиши.

Оқим бўйича йиғиши оммавий, йирик серияли ва серияли ишлаб чиқаришларда ҳамда оғир вазнли, йирик маҳсулотларни майда серияли ишлаб чиқаришда қўлланилади.

**Оқим бўйича ҳаракатдаги йиғиши.** Оқим бўйича ҳаракатдаги йиғиши баъзида қўзғалувчан обьект билан оқим бўйича йиғиши деб аталади, турли кўринишдаги ташувчи қурилмалар ёрдамида амалга оширилади:

а) ролангларда;

б) қўлда суриладиган рельсли ва юритмали рельсли араваларда;

в) электродвигатель ёрдамида ҳаракатланадиган, бирбири билан бирлаштирилган ва аравали конвейер ҳосил қилинган рельсли араваларда;

г) тасмали, пластинкали ва осма айланма конвейерларда;

д) аниқ бир маҳсулот учун мосланган маҳсус йиғиш конвейерларида;

е) йифиладиган машина ўзининг фидирагида (масалан, вагон, локомотив) ёки вақтинча ўрнатилган фидиракларда ҳаракатланиши учун рельсли йўлларда;

ж) осма бир рельсли йўлларда;

з) каруселли столларда.

Оқим бўйича ҳаракатдаги йиғиш қуйидаги тарзда амалга оширилади. Йиғиш жараёни бажариш учун кам ва тахминан бир хил вақт сарф бўладиган оддий операцияларга тақсимланади; ҳар бир операция учун маълум иш жойи белгиланади ва маълум бир ишчи (ёки ишчилар гуруҳи) фақат битта операцияни бажаради. Ташувчи қурилма – конвейердаги маҳсулот ҳаракатланади; ишчи (ёки ишчилар гуруҳи) маҳсулот унинг (уларнинг) иш жойига келганда, ўзининг операциясини бажаради. Бунда маҳсулотни узатиш, яъни конвейернинг ҳаракати узлуксиз ёки даврий – бир иш жойидан кейингисига танаффус билан узатиши мумкин.

Биринчи ҳолда, яъни маҳсулотни узлуксиз узатишида, ишчи ўз операциясини конвейер ҳаракатланаётган вақтда, маҳсулот иш жойи зонасидан ўтаётганда бажаради; бунда конвейер ҳаракатининг тезлиги ишчи ўз операциясини бажариш учун зарур бўлган вақтга ва демак, ишлаб чиқариш такти қийматига мос келиши зарур.

Иккинчи ҳолда, яъни маҳсулотни даврий равишда узатишида, операция ишчи томонидан конвейер тўхтатилган даврда бажарилади; тўхташ даври ҳар бир иш жойида операцияларни бажариш учун зарур бўлган вақтга мос келиши зарур; шундай қилиб, конвейернинг тўхташ вақти ва бир иш жойидан иккинчи иш жойига йифиладиган маҳсулотнинг ҳаракатланиш вақти йиғиндиси ишлаб чиқариш тактининг қийматига мос келиши зарур.

Конвейернинг ҳаракати узлуксиз ёки даврий бўлишини ишлаб чиқариш дастурининг кўламига, ишлаб чиқариш тактига, йифиладиган маҳсулотнинг характеристига, йифиш операцияларининг иш ҳажми ва мураккаблигига қараб қабул қилинади. Масалан, автомобиль ва трактор-созликда бир хил турдаги машиналарни ишлаб чиқариш кўлами катта бўлганлиги сабабли конвейернинг узлуксиз ҳаракати қабул қилинади.

**Оқим бўйича ҳаракатсиз йифиш.** Қўзғалмас ишчи жойларида (стендларда) оқим бўйича йифиш ёки бошқача айтганда, қўзғалмас обьект билан оқим бўйича йифиш майда серияли ишлаб чиқаришда, айниқса транспортдан фойдаланиш рентабелли бўлмаган ёки мураккаб транспорт воситаларидан фойдаланишни талаб қиладиган катта оғирлиқдаги деталлар учун қўлланилади.

Йифиш жараёни қўйидагича бўлади. Бутун йифиш жараёни маълум бир ишчилар гуруҳлари томонидан, тахминан бир хил вақтда бажариладиган операцияларга тақсимланади.

Навбатдаги машинанинг асоси (рамалар, плиталар, корпуслар ва бошқа) йифиш операцияларининг кетма-кетлигига қўзғалмас столга узатилади ва жойлаштирилади. Ҳар бир ишчилар гуруҳи битта стендан иккинчисига ўтиб йифиладиган машинанинг фақат ўзларига тегишли ишларини, ушбу гуруҳга белгиланган вақт оралиғида, яъни берилган операцияни машинанинг йифиш тактига тегишли вақтида бажарадилар. Бу усулда ҳар бир гуруҳнинг асбоблари қўзғалувчан столда бўлади, бу стол ишчилар билан биргаликда бир стендан иккинчисига силжийди.

Гуруҳдаги ишчилар сони белгиланган вақт оралиғида берилган операцияни бажаришни таъминлай оладиган миқдорда қабул қилинади.

Тайёр йифилган машиналар ишлаб чиқариш тактига тўғри келадиган вақт оралиғида стендан навбат билан олинади.

### ***Синов саволлари***

1. Машиналарни тайёrlаш жараёнида йифиш қандай аҳамиятга эга?
2. Йифишнинг қандай турлари мавжуд?

3. Индивидуал келтириш тамойили бўйича йиғиш қайси ҳолат учун қўлланилади?
4. Йиғишнинг қандай ташкилий шакллари мавжуд?
5. Йиғиш операцияларини концентрациялаш ва дифференциялаш тамойилининг қўлланишини тушунтириб беринг.
6. Стационар йиғиш қачон қўлланади?
7. Оқим бўйича йиғиш нима ва унинг неча хил кўриниши мавжуд?
8. Оқим бўйича йиғишда қандай қурилмалардан фойдаланилади?
9. Оқим бўйича ҳаракатсиз йиғишни тушунтириб беринг.
10. Нима учун конвейернинг ҳаракати узлуксиз ва даврий бўлиши мумкин?

## XXVII б о б

# ЙИФИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЛЧАМЛИ ХИСОБЛАРИ

### 27.1. Йиғишда ўлчам занжирларини ҳисоблаш

Машинани йиғиши жараёнида деталларини бир-бирига бириктиришда берилган аниқлик чегарасида деталларнинг ўзаро жойлашишини таъминлаш зарур.

*Йиғиши аниқлиги* деганда, маҳсулотнинг конструкторлик ҳужжатида берилган параметрларининг қийматига мос тушишини таъминлайдиган қилиб маҳсулотни йиғиши жараёнининг хусусияти тушунилади. Деталларга ишлов беришнинг ва машинани йиғишининг энг тежамлилигини таъминлайдиган мақбул допускларни аниқлашнинг воситаларидан бири ўлчам занжирларини ҳисоблаш ва таҳлил қилишdir.

Ташкил этувчи звеноларнинг сони учтадан ортиқ бўлмаган қисқа технологик йиғма ўлчам занжирлари максимум ва минимумга **тўлиқ ўзаро алмашинувчаник тамоили** бўйича ҳисобланади.

Конструкторлик ва йиғиши ўлчам занжирлари кўпгина ҳолларда тўрт, беш ва ундан ортиқ ташкил этувчи звенолардан иборат бўлади, шунинг учун ҳисоблаш эҳтимоллик усулида, **тўлиқ бўлмаган ўзаро алмашинувчаник тамоили** бўйича амалга оширилади. Бу усулда талаб қилинган аниқлик аввалдан шартлашиб олинган объекти нинг қисмига ташкил этувчи звеноларни танлаб олмасдан, келтириш ёки уларнинг қийматини созлашни ўлчам занжирига киритиш орқали таъминланади. Бундай ҳисоблашда деталларнинг айrim қисмлари (одатда, 0,27% гачаси) йиғилмайди ва алмаштиришни талаб қилиш мумкин бўлади.

Эҳтимоллик усули бўйича ҳисоблашда детал допуск майдони ичидаги ҳақиқий ўлчамларининг тақсимланишини ва уларни йиғиша ва механик ишлов беришда турли хилда бирикиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

## **27.2. Гуруҳли ўзаро алмашинувчанлик усули (селектив йифиш)**

Гуруҳли ўзаро алмашинувчанлик усули билан аниқликка эришишда беркитувчи звенонинг талаб қилинган аниқлигига умумий гуруҳга тааллуқли бўлган, дастлаб ўлчаб олинган ва сараланган деталларни киритиш орқали эришилади.

Бундай ҳолларда маҳсулот деталларининг ўлчам допуски кенгайтирилган допускда ҳамда иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқаришда эришиладиган қилиб ишлов берилади ва уларни ҳақиқий ўлчамлари бўйича гуруҳларга сараланади.

Саралашда маълум бир гуруҳга кирган деталлар бириктиришда беркитувчи звенонинг конструктор томонидан белгиланган допуск таъминланиши ва йифма бирикманинг талаб қилинган аниқлигига кафолат берилиши ҳисобга олинади. Гуруҳли ўзаро алмашинувчанлик усули кам сонли звенолардан (одатда, учта, баъзида тўртта) ташкил топган ўлчам занжирлари учун жуда ҳам юқори аниқлидаги, амалий жиҳатдан тўлиқ ўзаро алмашинувчанлик усулида эришиб бўлмайдиган ҳолларда (зодирли подшипниклар, плунжерли жуфтликлар, поршень бармоғи ва поршен тешиги ёки шатуннинг юқориги каллаги ва бошқалар) қўлланилади.


Гуруҳли ўзаро алмашинувчанлик усули бўйича йифиш **селектив йифиш** (ёки танлаш усули билан йифиш) деб аталади. Селектив йифиш фақат цилиндрик деталларнинг бирикмалари учун эмас, шу билан бирга, конуссимон, призматик ва резьбали бирикмалар учун ҳам, айrim ҳолларда эса кўп звеноли ўлчам занжирларидан бир неча деталларни бириктириш учун ҳам қўлланилади.

Гуруҳли допускларни ҳисоблаш гуруҳлар сони п ни аниқлашдан иборат. Гуруҳлар сони бириктириладиган деталларнинг гуруҳли допуск майдонларининг қийматларига ва гуруҳли ўлчамларнинг чекли оғишларига қараб сараланади. Бирикманинг беркитувчи звеносининг допуски (27.1-расм, тирқиши допуски) чизмада қўйилган ташкил этувчи звеноларнинг кенг иқтисодий жиҳатдан эришилади-

ган допусклари  $TA_1$  ва  $TA_2$  орқали қўйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$T_0 = \Delta_{\max} - \Delta_{\min} = TA_1 + TA_2,$$

бу ерда  $\Delta_{\max}$  ва  $\Delta_{\min}$  — бирикманинг энг катта ва энг кичик тирқишилари.



27.1-расм Гуруҳни  
допускни аниқлаш  
схемаси

Бирикма аниқлигини иқтисодий жиҳатдан заар кўрмасдан ошириш учун ташкил этувчиларининг  $TA_1$  ва  $TA_2$  допускига эришиш учун ушбу допуск майдонларини п қисмга  $TA_1^{vp}$  ва  $TA_2^{vp}$  бўлинади. Бунга тегишли равишда  $TA_1$  ва  $TA_2$  допуск бўйича тайёрланган барча деталлар гуруҳ допуски бўйича гуруҳларга бўлинади ва йиғишга гуруҳ комплекти бўйича (вал ва втулкалар комплектининг биринчи гуруҳи, иккинчи гуруҳ комплекти ва х.к) узатилади.

Бунда умумий гуруҳдаги вал ва тешикларнинг бирикмаси қўнимча танловсиз амалга оширилади, яъни тўлиқ ўзаро алмашинувчанлик тамойили бўйича.

Агар маҳсулотнинг фойдаланиш шарти бўйича бирикманинг энг катта тирқиши  $\Delta_{\max}$ ,  $\Delta_{\max}^{vp}$  қийматигача озайтириш зарур бўлса (27.1-расм), унда зарур бўлган гуруҳ допуск  $TA_2^{vp}$  қиймати қўйидаги тенглама бўйича аниқланishi мумкин:

$$TA_2^{vp} = \Delta_{\max}^{vp} - \Delta_{\max} - TA_1,$$

бу ерда  $\Delta_{\max}$  — маҳсулотнинг чизмада кўрсатилган бирикманинг фойдаланиш шарти орқали аниқланадиган (керак бўлган мойлаш қатламини таъминлаш учун ва х.к) энг кичик тирқиш.

Турли гуруҳларда бир текис бирикмаларни таъминлаш учун (барча гуруҳларда чекли ўлчамларнинг бир хиллиги), яъни  $TA_1 = TA_2$  бўлиши учун  $TA_1^{vp} = TA_2^{vp}$  бўлади.

Ўлчамларнинг кенг допуски бўйича тайёрланган деталларни саралаш бирикманинг аниқлигини оширади, бирикмаларнинг қабул қилинган гуруҳлар сонига N про-

порционал равища тирқишини камайтиради. Бироқ, шу билан бирга, туташадиган сиртлар ғадир-будирлигининг таъсири ва уларнинг геометрик шакл хатолигининг таъсири жуда ҳам ортиб кетади.

Гурухли ўзаро алмашинувчанлик усули деталларга механик ишлов бериш аниқлигига бўлган талабни сезиларли даражада оширмасдан, йиғиш аниқлигини жуда ҳам оширишга ёки йиғиш аниқлигин қамайтирмасдан, механик ишлов бериш допускини кенгайтиришга имкон яратади. Айрим ҳоллардаги юқори аниқликдаги бирикмаларни йиғишида гурухли ўзаро алмашинувчанлик усули ягона амалий имкониятдир. Йиғиши нормал ва ритм бўйича амалга ошириш учун ҳар бир гурухдаги йиғиладиган деталларни етарли миқдорда узлуксиз равища таъминлаб туриш зарур. Шунинг учун селектив йиғиши фақат йирик серияли ёки оммавий ишлаб чиқариш шароитида реал ташкил этиш мумкин.


### 27.3. Келтириш ва ростлаш усули

Келтириш усулини инобатга олган ҳолда ўлчам занжирларини ҳисоблашда беркитувчи звенонинг талаб қилинган аниқлигига компенсацияловчи звенонинг компенсаторидан маълум бир қатлам материални олиб ташлаш (йўниш, жилвирлаш, шабрлаш ёки арралаш) орқали эришилади (27.2-расм).

Ростлаш усулини инобатга олган ҳолда ўлчам занжирларини ҳисоблашда беркитувчи звенонинг талаб қилинган аниқлигига компенсацияловчи звено компенсаторининг ўлчамини ўзгартириб ёки компенсацияловчи звенонинг ҳолатини компенсатор материалидан олиб ташла масдан эришилади (27.3-расм).

Келтириш ёки ростлаш усулидан фойдаланишида маҳсулот конструкциясига маҳсус детал-компенсатор киритилади. Йиғишида компенсатор ўлчамлари керакли оралиқда, материалнинг маълум бир қалинликда тегишли механик келтириш орқали олиб ташлаш йўли билан ўзгартириш мумкин ва туташ сиртларнинг ҳолати йиғишида компенсаторнинг конструкцияси ҳисобига (винтли жуфтлик, пона, қистирмалар тўплами, вал-тешик туридаги бирикмалардаги тирқиш) ёки суриш ҳисобига (сурилувчи втулкалар ва ҳ.к) ўзгариши мумкин.

Расм 27.2. Келтириш усули билан йигиш



27.3-расм. Құзғалувчан компенсаторни құллаш орқали йигиши

Иккала усулни құллашда йифиладиган деталлар көнгайтирилған, ишлаб чиқаришда иқтисодий жиҳатдан эриша олинадиган допускда тайёрланади, бироқ йифишида маҳсулотга аниқлиги бүйича қүйилған талабни бажарыш учун беркитувчи звено үлчамиға келтириш ёки ростлаш учун құшимча вақт сарфланади. Бунда келтириш жараёнида аввал йигиб олишга түғри келади, туташ деталлар ҳолатини текшириб олинади ва компенсацияловчи звенонаи қай даражада келтириб олиш аниқланади ва компенсаторни келтириш амалға оширилади. Фақат шундан кейингина яқунловчы йифиши амалға оширилади. Буларнинг барчаси йифишининг иш ҳажмини ҳаддан ташқари даражада ошириб юборади ва оқим бүйича йифиши усулига ўтишга қийинчилик туғидиради. Келтириш операцияси жуда ҳам юқори малакали ишчи томонидан бажарилади. Келтириш усули якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришларда ва құпинча йирик машинасозликда құлланилиши билан харakterланади.

Ростлашни амалға оширишда такрорий йифиши хожат қолмайди ва йифишининг иш ҳажми камаяди. Бунда оқим бүйича йифиши ташкил этишга яхши шароит туғи-

лади, бирок маҳсус деталлар-компенсаторларни тайёрлаш маҳсулот конструкциясини бир неча баробар мураккаблаштиради. Ростлаш усули майда серияли ва серияли ишлаб чиқариш турлари учун характерли ҳисобланади.

Берkituvchi звенонинг зарур бўлган, имкони бўлган энг катта компенсациялашдан четга чиқиши иккала ҳолда ҳам қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta_k = TA_0^1 - TA_{01},$$

бу ерда  $TA_{01}$  — маҳсулот конструкциясида талаб қилинган берkituvchi звенонинг допуски;  $TA_0^1$  — берkituvchi звенонинг ишлаб чиқариш допуски, у звенолар сонига ( $m-1$ ) боғлиқ ҳолда аниқланади.

Компенсацияловчи звенонинг номинал ўлчами камайтирувчи звенолар (масалан, валларнинг диаметрлари) учун компенсация қийматига  $\Delta_k$  оширилади ва шу қийматга катталаштирувчи звенолар (масалан, тешикларнинг диаметрлари ва ҳ.к.) учун камайтирилади.

Ростлаш усулини қўллашда имкони бўлган энг катта компенсациянинг  $\Delta_k$  қиймати қўзғалувчи компенсаторнинг талаб қилинган чегарасини ёки қўзғалмас компенсаторнинг энг катта ўлчамини аниқлади (ҳалқалар, қистирмалар ва шунга ўхшашлар қалинлигининг йифиндиси). Охирги ҳолда қўзғалмас компенсатор қистирмалар ўлчами поғоналарининг минимал сони қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$N = \Delta_k / (TA_0 - T_{\text{комп}}),$$

бу ерда  $T_{\text{комп}}$  — тайёрланган қўзғалмас компенсаторнинг допуски.

#### **27.4. Ўлчам занжирларини ҳисоблашнинг мақбул усулларини аниқлаш**

Берилган ҳолатда ўлчам занжирларини ҳисоблаш усулининг энг тўғри келадиганини танлаш учун қўйида келтирилган кетма-кетликка амал қилинади.

1.  $A_{\text{уп}}$  ва  $T_{\text{уп}}$  қийматлари қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$A_{yp} = TA_0/m - 1$ , ( $m-1$ ) 3 бўлганда;

$T_{yp} = TA_0/1,2$ , ( $m-1$ ) 4 бўлганда;

2. Олинган  $A_{yp}$  ва  $T_{yp}$  қийматлар бўйича аниқликнинг ўртача қиймати аниқланади.

Максимум ва минимумга ҳисоблаш ( $m-1$ ) 3 ўлчам занжирлари учун қабул қилиниши мумкин, агар ўртача квалитет  $IT9$  ёки ундан ҳам қўполроққа тўғри келса.

Эҳтимолли ҳисоблаш ( $m-1$ ) 3 ўлчам занжирлари учун қабул қилиниши мумкин, агар ўртача  $IT10$  квалитетга ёки ундан қўполроққа тўғри келса.

Тегишли равишда  $IT9$  ёки  $IT10$  квалитетдан паст ўртacha квалитет олинса, беркитувчи звенонинг хатолигини компенсацияловчи усуллардан бирини: келтириш ёки ростлаш усулини қўллаш мумкин.

### ***Сипов саволлари***

1. Йигиш аниқлиги нима?
2. Йигишининг қандай усуллари бор?
3. Гуруҳли ўзаро алмашинувчаник усули қандай афзалликларга яга?
4. Гуруҳли допуск қандай аниқланади?
5. Бирикма аниқлигини иқтисодий жиҳатдан зарап кўрмасдан ошириш мумкиними?
6. Келтириш усулининг моҳияти нимадан иборат?
7. Қўзғалувчан компенсаторлар нима учун қўлланади?
8. Ростлаш усулининг моҳияти нимадан иборат?
9. Ростлаш усулини амалга ошириш йигишининг қандай шаклини ташкил этишга шароит туғдиради?
10. Ўлчам занжирларини ҳисоблашнинг мақбул усули қандай аниқланади?

## XXVIII б о б

# ЙИФИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

### 28.1. Йиғишнинг технологик жараёнининг тузилиши ва мазмуни

Йиғишнинг технологик жараёнини ишлаб чиқишдан олдин йиғиладиган машинанинг конструкциясини, унинг ишлаш шароити, машинани қабул қилиш ва синаш техник шарти ўрганиб чиқилади.

Йиғиладиган йифма бирликни ва яхлит машинанинг конструкциясини ўрганиш асосида алоҳида элементларининг, агрегатларнинг (механизмларнинг) ўзаро алоқасини ва кетма-кетлигини аниқловчи бирикмаларнинг ва яхлит машинанинг йигиши схемаси тузилади.

Йиғиш жараёнининг моҳияти деталларни қисмларга ва алоҳида деталларни механизмларга (агрегатларга) ва яхлит машинага бириктиришдан иборат. Шунинг учун йиғиш жараёнининг барча ишлари алоҳида, кетма-кетлидаги босқичларга тақсимланади (қисмларни, агрегатларни, механизмларни йигиши, умумий йигиши). Улар кейинчалик алоҳида кетма-кетлидаги операцияларга, ўтишларга ва усулларга бўлинади. Операциялар бир неча ўрнатишларда бажарилиши мумкин.

**Йигиши жараёнида операция** деганда, битта иш жойида бир ёки бир неча ишчи томонидан бирон бир қисм ёки машинада бажариладиган йиғиш жараёнининг бир қисми тушунилади.

Операция ўтишлардан ташкил топган.

**Ўтишиш** деганда, бир ёки бир неча ишчи томонидан асбобни алмаштирмасдан бажариладиган ва бошқа ўтишларга бўлинмайдиган, тўлиқ тугалланган операциянинг бир қисми тушунилади.

**Приём** деганда, битта ишчи томонидан бажариладиган бир қатор оддий ишчи ҳаракатдан ташкил топган ўтишининг бир қисми тушунилади.

**Ўрнатиш** деганда, йиғиладиган детал ва бирикмаларга маълум бир ҳолатни бериш тушунилади.

Оқим бүйіча йиғиш технологиясینи ишлаб чиқиша аавал йиғиш ишларининг тактини аниқлаб олиш зарур, чунки технологик жараёнларни алоҳида операцияларга тақсимлаш йиғиш тактика боғлиқ; алоҳида операцияларга вакт сарфи (иш ұажми) тенг бўлиши ёки тект қийматига каррали бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш характеристига қараб механик ишлов беришдан ўтган деталларни керакли ўлчамларига келтириш йиғиш операциясигача бажарилиши керак.

Йиғишнинг технологик жараёнини бошқа қисмлари учун бир операция, ўтиш ва йиғиш жараёнининг бошқа қисмлари учун бажарилиши иши ва усули характеристикинг түлиқ баёни берилиши зарур; зарур бўлган асбоб ва мосламалар кўрсатилиши, вакт миқдори, ишчилар сони ва уларнинг малакаси аниқланиши зарур. Шундай қилиб, йиғишнинг технологик жараёни маҳсулотни йиғиш учун зарур бўлган вакт сарфини, алоҳида операциялар ва барча ишлар учун зарур бўлган ишчилар сонини, барча ишчилар томонидан бажариладиган йиғиш ишлари учун вакт сарфини, деталларни, қисмларни ва агрегатларни (механизмларни) комплекс узатиш даврини аниқлайди.

## **28.2. Йиғиш операцияларининг кетма-кетлигини ва мазмунини танлаш, йиғиш схемасини тузиш**

Кўпгина деталлар машинанинг йиғилиш жойига узатилишидан олдин бир-бири билан йиғма бирлик ҳосил қилиб бириктирилади. Қисмлар фақат алоҳида деталлардан ёки дастлаб (деталларни узелга ўрнатилгунга қадар) деталларни бир-бири билан бириктиришдан таркиб топади. Бундай дастлаб бириктирилган деталлар оддий бирикмани — “қисмча” ни ҳосил қиласди. Бир неча йиғма бирликларни бириктириш натижасида агрегат ёки механизмлар ҳосил қилинади. Бундай бирикмалар ёки йиғма бирликка бевосита кирган деталларни ёки йиғма бирликни бириктириш учун хизмат қиласиган алоҳида деталларни бириктириш натижасида амалга оширилади.

Агрегатлардан (механизмлардан), қисмлардан ва алоҳида деталлардан бутун маҳсулот — машина йиғилади.

Кўриб ўтилган ҳар бир бирикма у ёки бу мураккаблик даражасидаги конструктив-йифма бирликни ўзида намоён қиласди. Юқорида баён қилинган қисмчани йигиш кетмакетлиги биринчи мураккаблик даражасидаги конструктив-йифма бирликни ўзида намоён қиласди; қисм — иккинчи мураккаблик даражасидаги конструктив йифма бирликни ва агрегат (механизм) — учинчи мураккаблик даражасидаги конструктив-йифма бирликни намоён қиласди. Мураккаблигига қараб яхлит маҳсулот кўп ва оз сондаги конструктив-йифма бирликларга бўлиб чиқилиши мумкин.

Шундай қилиб, йигиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

а) қўлда бажариладиган чилангарлик ишлов бериш ва келтириш; бу кўпинча якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда қўлланилади; серияли ишлаб чиқаришда кичик ҳажмда қўлланилади; оммавий ишлаб чиқаришда бу босқич бўлмайди;

б) дастлабки йигиш — деталларни агрегатларга, механизmlарга бириктириш;

в) умумий (ёки якуний) йигиш — машинани тўлиқ йигиш;

г) созлаш — машина қисмларининг ўзаро ҳаракатланшининг тўғрилигини текшириш.

Машинани умумий йигишга қуйидаги асосий операциялар кириши мумкин:

а) деталларни маҳкамлаш; б) қўзфалмас деталларни йигиш; в) ҳаракатланадиган деталларни йигиш; г) айланадиган деталларни йигиш; д) ҳаракатни узатадиган деталларни йигиш; е) деталларни йигиш учун белгилаш (якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда); ж) қисмлар деталларининг оғирлигини ўлчаб қўриш ва мувозанатлаш; з) станина, рама, плита, корпусларни ўрнатиш.

### **28.3. Йигиш операцияларининг вақт меъёрини аниқлаш**

Йигишнинг технологик жараёнларини белгиловчи асосий омиллар қаторига йигиш операцияларини бажариш учун талаб қиласдиган вақт киради. Йигиш операциялари

учун вақт меъёри тузилиши дастгоҳда бажариладиган ишларнинг вақт меъёрининг тузилишига ўхшаш бўлади.

Йиғиш операцияси учун донабай вақт меъёри:

- 1) асосий (технологик) вақт;
- 2) ёрдамчи вақт;
- 3) ишчи жойига хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган вақт;
- 4) жисмоний эҳтиёж ва дам олиш учун танаффус вақтларидан иборат.

Асосий ва ёрдамчи вақтлар йиғиндиси оператив вақтни ташкил қиласди. Бундан ташқари тайёрлаш-тугаллаш вақти ҳам кўзда тутилади, у қисм ёки маҳсулот партиясининг барчаси учун белгиланади ва партиядаги деталлар сонига боғлиқ бўлмайди.

Донабай ва тайёрлаш-тугаллаш вақтларининг йиғиндиси битта маҳсулот учун донабай — калькуляцияли вақтни ташкил қиласди.

Оммавий ишлаб чиқаришда, агар битта жойда битта ва ўша операция такрорланса ва ишчи ҳеч қандай тайёрлов ишларини бажармаса, тайёрлаш-тугаллаш вақти ишчи вақт меъёрига кирмайди. Асосий ёрдамчи ва тайёрлаш-тугаллаш вақтлари илфор корхоналарнинг тажриба учун ўтказилган хронометраж материалларини таҳлил қилиш ва ўрганиш асосида ишлаб чиқилган меъёрий кўрсаткичлар бўйича аниқланади. Иш жойига хизмат кўрсатиш ва жисмоний эҳтиёжи учун танаффуслар вақти оператив вақтга нисбатан фоизлар нисбатида қабул қилинади.

Йиғиш ишларида иш жойига хизмат кўрсатиш вақти оператив вақтга нисбатан тахминан 2—3% ни ташкил қиласди.

Жисмоний эҳтиёжлар учун танаффуслар вақти оператив вақтнинг 2% га teng бўлади.

Дастгоҳда бажариладиган ишларнинг вақт меъёрига ўхшаб йиғиш ишлари учун вақт меъёри қўйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

Минутига қисм ёки маҳсулотни йиғишда битта операцияни бажариш учун донабай вақт  $t_{\text{дона}}$ :

$$t_{\text{дона}} = t_a + t_{\text{ср}} + t_{\text{ихк}} + t_k \quad [\text{мин}],$$

Минутига қисм ёки маҳсулотни йиғишида битта операцияни бажаришда оператив вақт

$$t_{\text{он}} = t_a + t_{\text{еп.}}$$

бу ерда  $t_a$  — асосий (технологик) вақт, мин;  $t_{\text{еп}}$  — ёрдамчи вақт, мин;  $t_{\text{нхк}}$  — иш жойига хизмат кўрсатиш вақти, мин;  $t_x$  — дам олиш ва жисмоний эҳтиёжлар учун вақт, мин.

Иш жойига хизмат кўрсатиш ва жисмоний эҳтиёжлар учун сарфланган вақтни оператив вақтга боғлиқлигини ҳисобга олиб, қуйидагича ёзиш мумкин:

$$t_{\text{дона}} = t_a + t_{\text{еп}} + (t_a + t_{\text{еп}})\beta/100 + (t_a + t_{\text{еп}})\gamma/100,$$

ёки

$$t_{\text{дона}} = (t_a + t_{\text{еп}})(1 + (\beta + \gamma)/100),$$

ёки

$$t_{\text{дона}} = t_{\text{он}}(1 + (\beta + \gamma)/100) \text{ [мин]},$$

бу ерда  $\beta$  — иш жойига хизмат кўрсатиш учун сарфланган вақтга тегишли бўлган оператив вақтнинг фоизи;  $\gamma$  — жисмоний эҳтиёжларга ва дам олиш учун сарфланган вақтга тегишли бўлган оператив вақтнинг фоизи.

Маҳсулотни йиғиши учун вақт сарфи

$$T_{\text{дона}} = \sum_1^m t_{\text{дона}} \text{ [мин]} \text{ бўлади},$$

бу ерда  $m$  — йиғиши операцияларининг сони.

Маҳсулот партиясини йиғишига вақт сарфи:

$$T_n = T_{\text{дона}}^n + T_{m-n} \text{ [мин].}$$

Битта маҳсулот учун донабай-калькуляцияли вақт

$$T_k = T_{\text{дона}} + T_{\tau-\tau}/n,$$

бу ерда  $n$  — партиядаги маҳсулотлар сони,  $T_{\tau-\tau}$  — маҳсулотнинг барча операциялари (партияга) тайёрлаш-тугаллаш вақти.

Йиғиш жараёнларини лойихалашда (айниқса якка тартибли, майда серияли ва серияли ишлаб чиқаришларда) йиғиш ишларини меъёрлаш, одатда, ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган илфор корхоналарнинг амалий кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади, ушбу кўрсаткичлар янада такомиллашган технологик усувларни ва ишлаб чиқаришни яхшилайдиган ташкилий шаклларни ҳисобга олган ҳолда тўғриланади. Йиғиш ишларининг вақт меъёрини янада аниқларини белгилаш алоҳида ўтиш ва усувларини алоҳида ҳисоблаш асосида амалга оширилади. Меъёрий материаллардан фойдаланиш йиғиш ишларини меъёрлашни осонлаштиради ва тезлаштиради.

## 28.4. Йиғиш жараёнининг технологик ҳужжатлари

Йиғишнинг технологик жараёни карта, схема, график кўринишида расмийлаштирилади, улар асосий ҳисоблаш ҳужжати ҳисобланади. Корхоналарда амалда қўлланиладиган карталар шакли турлича, бироқ улар кўпинча содлаштирилган бўлади ва йиғиш жараёнининг зарур омилларини акс эттиrmайди.

Йиғишнинг ҳар бир босқичи учун [агрегат (механизмлар) йиғма бирликларини йиғиш, машинани умумий йиғиш] операцияга, ўтишларга ва приёмларга тақсимланган технологик жараён ишлаб чиқилади. Шунга асосан маршрутли ва операцияли карталар йиғиш жараёнининг ҳар бир босқичи учун тузилади.

Йиғиш ишларининг карталаридаги ҳар бир босқичи учун технологик жараёнининг барча омиллари келтирилади. Карталар а) машина номини; б) машинанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини; в) сериядаги машиналар сони; г) барча ишларни йиғишнинг босқичлари бўйича тақсимлаш; д) йиғишнинг ҳар бир босқичи учун операция ва ўтишларнинг номи ва баёни; е) талаб қилинадиган мослама, асбоблар ва ускуналарни кўрсатиш; ж) йиғиш такти ва алоҳида операцияларни бажариш учун вақт; з) бажариладиган операция учун барча ишчиларга умумий вақт меъёри; и) ишчилар малакасининг разрядлари; к) йиғиша деталларни бириттириш учун сақланиши зарур бўлган конструктив тирқишлир; л) йиғиш операциялари мослама-

ларни, маҳсулотни кўтариш ёки бураш учун трос ёки занжирни маҳкамлаш усуllibарининг эскизларини ифодалаши зарур.

## **28.5. Йифилган қисмларни ва машинани техник назоратдан ўтказиш ва синаш**

Турлича бирикмаларга деталларни йифишни бажаришда келиб чиқадиган хатоликлар қўйидаги сабабларга кўра ҳосил бўлади:


Конструктив нотўғри тирқишиларни белгилашда; бириктириладиган деталларнинг ўзаро ҳолатини нотўғри созлашдан; деталларни туташтиришда уларни нотўғри ўтқазишдан ҳосил бўладиган деталларнинг қийшайиши; деталларни бириктириш учун маҳкамлаш кучи таъсирида қолдиқ деформациянинг мавжудлиги; деталларни йифиш жараёнида уларни айлантиришда, суришда ва ташишда деталларнинг шикастланиши, қийшайиши ва бошқа деформацияланиши; базавий детални маҳкамлашда йигила-диган обьект билан қайтиш деформацияланиши.

Йифиш жараёнларини техник назоратдан ўтказиш йифиладиган маҳсулотда (машинада) деталлар ва қисмларнинг керакли сифатда бирикишини таъминлаш мақсади-га эга ва шу бирикмаларни қабул қилиш техник шартига тўғри келишини текширишдан иборат.

Текширишга алоҳида бирикмалар, қисмлар, механизмлар ва яхлит машина қўйилади, бу мақсадда йифиш оқимларида назорат операцияларини бажариш учун жойлар қўйилади. Мажбурий текширишдан барча масъулиятли бирикмалар ва қисмлар ҳамда бажаришда туташмаларнинг ва йифиладиган деталларнинг нотўғрилиги, ноаниқлиги эҳтимоли бўлган операциялар ўтиши керак.

Камроқ масъулиятга эга бўлган операциялар даврий равишда текширилади.

Алоҳида бирикма ва қисмларнинг йифилишини назоратдан ўтказишда назорат операцияларини бажаришни соддалаштирадиган, текшириш аниқлигини оширадиган, текширишга кетадиган вақтни камайтирадиган мосламалардан кенг фойдаланилади.



28.1-расм. Шатунни поршень билан йигиши назорат қилиш мосламаси

28.1-расмда двигателнинг шатуни поршень билан йифмасини назоратдан ўтказиш учун мослама схемаси мисол тариқасида келтирилган. Техник шартига кўра поршень шатуннинг пастки қаллаги ўқига перпендикуляр бўлиши талаб қилинади. Буни текшириш учун шатуннинг пастки қаллаги мослама корпусига маҳкамланган қисқичга тирадунча ўтқазилади. Агар шатун поршень билан тўғри йигилган бўлса, поршень ва плита орасидаги тирқиши техник шартда кўрсатилган қийматдан катта бўлмаслиги керак. Тирқиши катталиги шунг ёрдамида аниқланади.


28.2-расмда консолли-фрезалаш дастгоҳи хартумининг шпиндель ўқига нисбатан параллел жойлашганлигини текшириш учун мослама кўрсатилган. Мослама корпус (3)дан, қўзғалмас призма (4)дан ва қўзғалувчан призма (5)дан иборат. Кўзғалувчан призманинг ҳолати пружина (8), маҳсус гайка (9) ва иккита винт (6) ёрдамида белгиланади. Стержень (7) да индикатор (2) маҳкамланган, уни қисқич (1) шпинделига ўрнатилган иккита ўзаро перпендикуляр ҳолатларга нисбатан ўрнатиш мумкин.

Техник назоратдан ўтқазиш жараёни операциялар картасида белгиланади.

Деталлар бирикмасининг тўғрилиги текширилгандан сўнг йигилган қисмлар, механизмлар яхлит созлашдан ва синашдан ўтқазилади.

Созлашдан мақсад қисмларнинг зарур бўлган ўзаро таъсирини белгилаш, алоҳида механизмларнинг келишиб ишлашини ўрнатишдан иборат. Созланган қисмлар, механизмлар ва машиналар уларнинг ишлаш сифатини текшириш учун синовдан ўтқазилади.

Синаш икки босқичга бўлинади: а) механик синаш (чиниқтириш);



28.2-расм. Консолли фрезалаш дастроҳи хартуми ҳолатининг шпиндель ўқига нисбатан параллеллигини назорат қилиш мосламаси

б) юкланиш ёки иссиқлик таъсирида синаш.

Механик синаш — чиниктириш — қисмларнинг ўзаро тўғри ҳаракатланишини текшириш ва деталларнинг ишқаланадиган сиртларининг ишлаб олиши учун амалга оширилади. Қисмлар синаш учун тегишли мосламаларга ўрнатилади, агрегатлар (механизмлар) ва машиналар синаш стендларига ўрнатилади ва электродвигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Синашнинг бошида кичик тезликда айлантирилади (юргизилади). Секин-аста айланышлар тезлиги айланышларнинг (юришнинг) энг катта қийматига қараб ошириб борилади, синаш механизм ёки машинанинг барча қисмлари керакли тарзда ишлашига ишонч ҳосил қилингунга қадар давом эттирилади.

Юкланиш остида синаш (иссиқлик машиналари учун иссиқлик синаш) техник шартга кўра ўтказилади. Агар дастгоҳ ёки бошқа машина — қурол синалаётган бўлса, унда синов фойдаланиш шартига тўғри келувчи режимда ишлаган пайтда ўтказилади. Синов техник шартида кўрсатилган муддат давомида тўлиқ қувват билан ишлаш шароитида ўтказилади.

Агар машина иссиқлик (ички ёнув двигатели, буғли турбина), сувли ёки электрик двигателидан иборат бўлса, синов тегишли энергия (газ ёки суюқ ёнилғи, сув, электр)

қўллаб амалга оширилади. Синашда секин-аста айланишлар сони ва тегишли юкланиш ошириб борилади. Машина техник шартида кўрсатилган даврда маълум қувватга чиқиши ва шу қувват билан белгиланган айланишлар сонида ишлаши керак. Синов натижасида машина тайёрлаш ва топшириш (қабул қилиш) техник шартининг барча талабларини қай даражада қондира олиши аниқланиши керак.

Синашда айланишлар сони, машина қуввати, ёнилғи ёки энергиянинг бошқа кўриниши сарфи, мой сарфи, мой тизимидағи босим, совутувчи сув ва мойнинг температураси ва бошқалар ўлчанади; машинанинг товушини аниқлаш учун эшитиб кўрилади. Синов пайтида барча кузатишлар синов журналига ёзиб қўйилади ва унинг асосида ишлаб чиқиладиган машинанинг сифатига хулоса берилади.

Синов пайтида бирор-бир нуқсон аниқланса, уни бевосита стендда ёки “Нуқсонлар” бўлимидаги машина синов стендидан ечиб олиниб бартараф қилинади. Машина нуқсонлари бартараф қилиниб яна, такрорий синовдан ўтказилади.

### *Синов саволлари*

- 1 Йигиш технологик жараёнининг структурасига нималар киради?
- 2 Йигиш жараёнда операция деганда нимани тушунасиз?
- 3 Йигиш операцияларининг кетма-кетлиги қандай танланади?
- 4 Йигишда донабай вақт қандай аниқланади?
- 5 Оператив вақт деганда нимани тушунасиз?
- 6 Якка тартибли, майда серияли ва серияли ишлаб чиқаришларда йигиш жараенларини лойиҳалашда йигиш ишларини месъёrlаш қандай амалга оширилади?
- 7 Йигиш жараёнининг технологик ҳужжатларига нималар киради?
- 8 Созланган қисмлар, механизмлар ва машиналарни синаш қандай амалга оширилади?
- 9 Йигилган қисмларни ва машинанинг техник назоратдан ўтказишни тушунтириб беринг.
10. Йигишда хатоликлар қандай сабабларга кўра ҳосил бўлади?

## **ЙИФИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ**

### **29.1. Йиғиш ишларини автоматлаштиришнинг моҳияти ва автоматлаштиришда кўриладиган асосий масалалар**


Йиғиш ишлари учун вақт сарфи машинани тайёрлаш умумий ҳажмининг катта қисмини ташкил қилганлиги йиғиш умумий шаклининг узоқ давомийлиги йиғиш ишларини автоматлаштириш муаммосини муҳим аҳамиятга эга қилиб қўяди. Бу муаммони ҳал этиш маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришда тежамкорликни ва меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари билан белгиланиб қолмасдан, шу билан бирга муҳим ижтимоий масалалардан ҳисобланган, йиғиш жараённининг 60—80% ни ташкил этадиган қўл меҳнатини камайтириш ва кейинчалик бутунлай тугатишдан иборатдир.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги ишлаб чиқариш корхоналари тажрибаси шуни кўрсатадики, майда ва ўрта буюмларни йиғишни автоматлаштириш йиғиш баҳосини 55—60% га камайтиради. Йиғишни автоматлаштиришни ташкил этишга қилинган сарф бир ярим йил ичida бўшатилган ишчиларнинг иш ҳақи ҳисобига қопланса, йиғишни автоматлаштириш иқтисодий жиҳатдан оқданади.

Машинасозлик маҳсулотларини 75—80% ини ташкил қилувчи асосий қисми маҳсулот тури тез алмашиб турадиган серияли ва майда серияли ишлаб чиқариши шароитида ишлаб чиқарилади. Йиғиш ишларини автоматлаштириш тажрибаси шуни кўрсатадики, у маҳсулот ишлаб чиқариш режаси етарли даражада катта бўлган ҳолда ўзини яхши оқлади.

Машинасозликнинг серияли ишлаб чиқариш шароитида автоматик йиғишнинг иқтисодий самарасини таъминлаш учун марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқариладиган, унификацияланадиган ва туркумли детал ва қисмлардан йиғиладиган арzon, мосланувчан ва тез қайта созланувчан автоматлар яратилиши керак.

Йиғиш операцияларининг кўпчилиги ўзининг характеристири ва технологик моҳиятига кўра механик ишлов берини



29.1-расм. Автоматлаштирилган йиғишиң учун жиһозларни яратишида ҳал қилинадиган масалалар схемасининг структураси

операцияларидан содда бўлади. Шунга қарамасдан, йиғиш жараёнларини автоматлаштиришда катта қийинчиликлар туғилади, қийинчиликлар деталларни узатиш, уларни аниқ йўналтириш, ориентирлаш ва фиксациялаш билан боғлиқ. Ушбу ёрдамчи ҳаракатлар мажмусини тор ишчи муҳит шароитида автоматик равишда бажариш йиғиш автоматларининг схема ва конструкцияларини муракаблаштиришга ва уларнинг ишончлилигини камайтиришга сабаб бўлади.

Кўл билан йиғиш усулида йифиладиган буюмларнинг конструкциялари автоматик йиғишни ташкил этиш учун кўп ҳолларда яроқли бўлмайди. Йиғишни автоматлаштириш машина ёки механизмни лойиҳалашнинг биринчи босқичидаёқ ҳисобга олиниши зарур. Масалан, йиғиш ишларини автоматлаштириш иқтисодий самарасини йиғма ўринларининг кам сонлигига таъминлаш қийин, иложи борича конструкциялашда 4 тадан 12 тагача оралиғида бўлган деталлар сонидан иборат йиғма бирликлар (буюм ва узеллар) яратиш зарур.

Кўлда йиғиш усулида ишлаб чиқариладиган маҳсулотни автоматик йиғишни ташкил этишда автоматик йиғиш жараёнларига боғлиқ бўлган технологик талаблар спецификациясига тегишли равищда маҳсулотнинг конструкциясини қайта кўриб чиқиш зарур: базавий детали оғирлик марказидан паст жойлашган, устивор бўлиши керак; узелни йиғишда детални ўрнатиш учун йўналишлар сонини камайтириш керак (энг яхши ҳолда детални бир йўналишда ўрнатиш зарур); деталларни ориентирлаш ва бирекишини енгиллаштиришга имкон берадиган деталларда сунъий технологик базаларни ҳосил қилиш зарур, агар бу мақсадда конструкторлик базалардан фойдаланиш имкони бўлмаса; имкон борича бир неча деталларнинг конструкциясини янада битта мураккаб конструкциясига бирлаштириш, бу йиғиш операциялар сонини камайтиришга имкон беради, йифиладиган деталларга симметрик ва оддий шакл берилади (бу йиғиш автоматларини юклаш, ориентирлаш, фиксациялаш ва ташиш мосламаларини соддалаштиради), агар деталнинг оғирлик марказининг сурилишига имкон яратилса, юкловчи мосламаларда ориентирлашни осонлаштиради ва ҳ.о.

Автоматлаштирилган йиғишнинг маълум бир шароитларида маҳсулотнинг блокли конструкцияларини яратишдаги умумий йўналишни ўтказишда узелли йиғишни ташкил этиш тайёр детални узатиш, ориентирлаш, ушлаш ва маҳсулотни базавий деталига бириктириш жойига кўчириш бўйича қийинчиликлар туғилиши сабабли умумий автоматлаштирилган йиғишни мураккаблаштириб юбориши мумкин. Бунда мураккаб конструкцияли узеллар бункерли таъминлагичлардан узатиш мумкин бўлмайди ва қўл ёрдамида қатъий ориентирланган ҳолатда новга, кассетага ва магазинларга қўйилишига тўғри келади. Шунинг учун айрим ҳолларда умумий автоматлаштирилган йиғишни яратишда узелли йиғиш тамойилларидан воз кечиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолиши мумкин.

29.1-расмда маҳсулотни автоматик йиғиш учун жиҳозларга талабларнинг структуравий схемаси келтирилган.

Автоматик йиғиша энг кўп қўлланиладиган усул тўлиқ ўзаро алмашинувчанлик усулидир (қисқа звеноли ўлчам занжирлари учун). Бу усул йиғиш жиҳозларини оддий конструкциявий бўлишини, юқори унумдорлик ва уларнинг ишончли ишлашини таъминлайди.

Тўлиқ бўлмаган ўзаро алмашинувчанлик усулида йиғиш қисқа звеноли ўлчам занжирлари учун автоматик йиғиша нуқсонлар пайдо бўлиши мумкинлиги учун чегаралangan қўлланишга эга. Бу усулни звенолар сони 5-10 та атрофига бўлган ўлчам занжирлари учун қўллаш иқтисодий самара беради.

Автоматик йиғиша гурӯҳли ўзаро алмашинувчанлик усули (селектив йиғиш) деталларнинг жуда ҳам юқори аниқликдаги туташмаларини таъминлаш зарур бўлганда (масалан, думалаш подшипниклари) қўлланилади. Ушбу усулдан фойдаланадиган автомат жиҳозлар схемаси ўлчовсараблаш ва мажмуалаш қурилмалари ҳисобига жуда ҳам мураккаблашиб кетди.

Созлаш усули автоматик йиғиша чегаралangan қўлланишга эга. Жиҳознинг схемаси ва конструкцияси созлаш ва назорат қилиш қурилмаларини киритиш ҳисобига мураккаблашиб кетади.

Тўғрилаш усулининг автоматик йиғиша қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлмайди.

## **29.2. Автоматик йиғишнинг технологик жараёнини ишлаб чиқиши**

Автоматик йиғишнинг технологик жараёнини қуйидаги кетма-кетликда ишлаб чиқылади: маҳсулот сифати, детални тайёрлаш ва уни назоратдан ўтказиши тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб чиқиш; йиғиладиган маҳсулотнинг сифатига энг кўп таъсир қиласидаги операцияларни аниқлаш; бирикиш ва йиғиш режими турларини, конструкторлик базалари, йиғиш жойига элементларни ориентирлаш ва узатиш шароитларини ўрганиб чиқиш; иқтисодий жиҳатдан баҳолаш; маҳсулотни автоматик йиғиш тўғрисида дастлабки қарорларни қабул қилиш; маҳсулотни оптимал даражада қисмларга ажралишини аниқлаш ва автоматик йиғиш шароити учун маҳсулот конструкциясининг технологиялигини ошириш бўйича имкони борича чораларни аниқлаш; бириктиришнинг автоматик йиғиш усулини танлаш; операцияларни концентрациялаш ва дифференциаллашнинг имкони борлиги ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлган йиғиш схемасининг технологик вариантларини ҳамда деталларни базалаш ва уларни маҳкамлаш схемасининг вариантларини ишлаб чиқиш; юлаш ва ориентирлаш қурилмаларини, назорат қилиш механизмларини, йиғиш каллакларини, ташиб қурилмаларини ва бошқаларни танлаш. Имкони бўлган вариантларни техник-иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида йиғишнинг технологик жараёнининг энг мақбул варианти танлаб олинади.

Маҳсулотни автоматик йиғишнинг типли йиғиш жараёни қуйидаги ўтишлардан таркиб топган: туташадиган деталларни нуқта ва белгилар орқали йиғиш жойига узатишида дастлабки ориентирлаш билан бункерли юлаш ёки ташиб қурилмаларига юлаш; йиғиш ўрнига туташадиган деталлар сиртларининг ҳолатини талаб қилинган аниқлик бўйича фазода ориентирлаш; туташ деталлар ёки йиғма бирликларнинг талаб қилинган нисбий ҳолати аниқлигини назорат қилиш; тайёр йиғма бирликни юлаш ва ташиб.


Автоматик йиғишнинг технологик жараёнини лойихалашда технологик операцияларнинг барча ўтишларини

автоматлаштириш зарурлиги күзда тутилади, йиғиши жарайёнида деталнинг ҳолати энг кам микдорда ўзгаришини таъминлаш, технологик жараёнларни оқим бўйича тузиши ва йиғиши операциялари ва ўтишларни назорат қилиш билан кетма-кетликда қуриш таъминланади.

Технологик жараён йиғиши ўрнига берилган ҳолатда деталларни узатишдан бошланади: бунинг учун тегишли пассив ва актив ориентирловчи ориентирлаш қурилмалиридан фойдаланилади. Биринчи ҳолатда нотўғри ориентирланган деталлар тебранма бункердан улоқтириб ташланади. Актив ориентирлашда таъминлаш механизмидаги маҳсус қурилмалар детални тўғри ҳолатга мажбурий ўрнатади, бунинг учун маълум бир вақт сарфланади, бу вақт ичida ориентирлаш қурилмаси олдида узатиладиган деталларнинг навбати ҳосил бўлади.

Базавий деталларни йиғиши жойига ўрнатиш детал ўлчамларининг белгиланган допуск оралиғида туташ сиртларнинг стабил ҳолатини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда олти нуқта қоидасига биноан амалга оширилади: дастлабки ўрнатиш ва ориентирлаш, якуний фиксациялаш.

Автоматик йиғишининг технологик жараёнини ишлаб чиқиш учун ҳар бир деталга ажратилган ҳолда йиғишининг тегишли схемаси тузилиши керак. Алоҳида операция ва ўтишларнинг тегишли характеристикали технологик схема автоматик йиғиши жиҳозини лойиҳалаш учун асос бўлади. Йиғиши схемасида (29.2-расм) йиғиладиган деталлар ва йиғма бирликлар тўртбурчак қилиб кўрсатилган, операциялар кетма-кетликдаги рақам билан айлана кўринишида кўрсатилган. Йиғма жиҳознинг ўрнини аниқловчи




29.2-расм. Узелли автоматик йиғишининг технологик схемаси

операциялар схемада қўйидаги ҳарфларда белгиланади: П-детални суриш ва ўрнатиш; К-назорат қилиш; О-ишлов бериш; З-маҳкамлаш; В-йигилган узелни ўрнатиш; У-сифатсиз узелни олиб ташлаш.

Ҳар бир операциянинг давомийлиги бириктириш конструкциясини, туташма характеристини, йиғиш жиҳозининг бажарувчи органларининг ишчи ҳаракатларининг траекторияси ва тезлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Автоматик йиғишнинг технологик жараёнини лойиҳалашда аввал дифференциаллашган вариант ишлаб чиқилади. Бунда ҳар бир операция учун бажарувчи механизмнинг тури ва ҳар бир операциянинг бажарилиш давомийлиги аниқланади. Кейин автоматик жиҳозда ишчи ўринларини камайтириш мақсадида операцияларни концентрациялаш (тўплаш) имконияти кўриб чиқилади. Операцияларни концентрациялаш жиҳоз конструкциясини ортиқча мураккаблаштириб юборилишига олиб келиши мумкинлигини, унинг ишлаш ишончлилигини камайтириш мумкинлигини ҳамда йиғиш қурилмасини созлаш ва ишлатишни қийинлаштириши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур.

Автоматик йиғишда йиғиш жойига деталларни ўзаро ориентирлаш энг мураккаб ва масъулиятли ўтиш бўлиб ҳисобланади. Бунда деталлар бир-бирига нисбатан кетмакет ҳаракатлар билан халақит қилмасдан йиғиш мумкин бўлган ҳолатда жойлашиши керак. Ориентирлаш усуllibарiga талаблар қўйилади, яъни деталларнинг ўлчамлари уларнинг допуск оралигидаги тебраниши деталларнинг ҳолатига кам таъсир қилиши керак. Йиғишдан олдин деталларни нисбий ориентирлашни амалга оширишнинг усули мавжуд: қаттиқ базалаш ва ўзи ориентирлаш.




29 3-расм. Валик ва втулкани автоматик йиғишда бикир базалаш

Валикнинг втулка билан туташишида деталларни қаттиқ базалаш мисоли 29.3-расмда келтирилган.

Втулка пастдан узатилади, валикни эса юқоридан (29.3-расм, а). Втулка  $T_u$  допуск ташқи  $D$  диаметрга эга; диаметр қиймати  $D_m$  дан  $D_b$  гача бўлган оралиқда тебраниши мумкин (29.3-расм,б) ва  $T_b$  допуск ички  $d_o$  диаметр  $d_{om}$  дан  $d_{ob}$  гача бўлган оралиқда тебраниши мумкин. Бундан ташқари тешик ташқи сиртга нисбатан е қийматда эксцентрик жойлашиши мумкин. Втулка ва валикнинг қўзғалмас ясси таянчлари йиғиш жойининг қарама-қарши томонига ҳам (29.3-расм,в), бир томонига ҳам (29.3-расм, г) жойлашиши мумкин.

Автоматик йиғишнинг айрим ҳолларида қаттиқ базалаш усули деталларни тўлиқ туташтиришга тўла кафолат бера олмайди, шунинг учун автоматлаштиришда йиғишнинг ишончлилигини ошириш мақсадида ўзи ориентирлаш (ўзи қидириш) усули кўлланилади. Йиғиладиган деталларни ўзи ориентирлайдиган қурилмага мисол тарижасида 29.4-расмда схемаси келтирилган тебранувчи қурилма хизмат қилиши мумкин. Ушбу қурилма бир-бирiga нисбатан перпендикуляр жойлашган, уларнинг якорлари йиғиш мосламасининг бажарувчи элементлари билан қаттиқ боғланган бўлади. Электромагнитлар (1) мослама асосига маҳкамланган. Туташадиган деталлардан бири (4) мосламанинг қўзғалувчан платформаси (3) га қаттиқ қилиб маҳкамланади, платформа электромагнитларнинг якори (2)га уланган бўлади. Бошқа туташадиган детал чиз-



29.4-расм. Золдирли подшипникни валга пресслаб ўрнатиш учун стаканлар ва тутгичлар

манинг перпендикуляр текислиги йўналишида узатилади. Электромагнитлар фалтаги токни фалтакларга фаза бўйича 90 градусга силжишини ва электромагнитларнинг алмашиб ҳаракатланишини таъминлайдиган ярим ўтказгичлар орқали тармоқка уланган бўлади. Бунда якорнинг электромагнитлар фалтоги ўзагига танаффус билан тортади, уларнинг уланганидан сўнг платформа детал билан аввалги ҳолатига пружиналар таъсирида қайтади.

Бу йифиладиган деталларнинг ишончли туташишини деталнинг айлана траекториясига яқин бўлган силжиши орқали таъминлайди.

Автоматик йифиш технологиясининг янги йўналиши ҳисобланган йифиш ишларини туташадиган деталларни тайёрлаш жараёни билан кенг кўламда олиб борилади, ҳамда автоматларда узел деталини йифишни ишлов бериш ишлари билан биргаликда қўшилган операциялар киритилади.

Автоматик йифишнинг ҳозирги пайтда йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда унча катта бўлмаган узеллар қўлланиладиган йифиш ускуналарида амалга оширилади.

Автоматик йифиш жиҳозларининг асосий узелларига қуйидагилар киради:

- а) йифиладиган деталларнинг захирасини ҳосил қилувчи юкловчи бункер ёки магазинли ускуна;
- б) йифиш ўринлисига ориентирланган ҳолатда деталларни етказиб берувчи ориентирлаш ускунаси;
- в) йифиш ўринлисига ориентирланган деталларни узатувчи таъминлаш механизмлари;
- г) ориентирланган деталларни таъминлаш механизмларидан қабул қилувчи ва туташтириш амалга оширилгунга қадар маълум бир ҳолатда ушлаб турувчи йифиш ўринлари;
- д) туташтиришни ва бирикмани қориштиришни бажариш учун механизмлар (пресслар, винт буровчилар, йифувчилар ва шунга ўхшаш ускуналар).

Агар йифиш кўп ўринли бўлса, ускуна таркибига яна бурилиш столи (йифиш автоматлари) ёки транспортёр (автоматик йифиш оқимлари) кўринишидаги операциялар аро туташувчи механизмлар ҳам киради.

Селектив йиғищда йиғиши усқунаси таркибига узелни йиғищдан олдин деталларни ўлчаш ва битта ёки бир неча ўлчам гуруҳларига саралаш учун назорат-сараповчи автомат ҳам киради.

Оддий шаклли майда ва ўрта ўлчамли деталлар (шайбалар, дисклар, валиклар, втулкалар ва бошқалар) йиғиши жойига бункердан узатилади. Бункерга бир неча соатга етадиган микдорда деталлар юклаб қўйилади. Янада мураккаб шаклли деталларни магазинларга юкланади. Йирик ва мураккаб деталлар (корпузлар, картерлар) йиғиши жойига қўлда ўрнатилади.

Йиғиши жиҳозининг турини танлаш йиғиладиган узелнинг конструкциясига, маҳсулотни йиллик ишлаб чиқариш ҳажмига ва стабиллигига боғлиқ. Қуйида турли хилдаги йиғиши жиҳозларидан фойдаланилганда маҳсулотни йиллик ишлаб чиқариш қиймати келтирилган (минг дона ҳисобида):

Йиғиши мосламалари, механизациялашган асбоб (гайка буровчи, винт буровчи ва бошқалар) ..... 20 гача

Йиғиши жойига детални механизациялаштирилган узатишга эга бўлган йиғиши курилмалари ..... 20—100


Бир ўринли ярим автоматлар ..... 100—200

Кўп ўринли ярим автоматлар ..... 200—1000


Автоматик йиғиши линиялари ..... 1000 дан ортиқ

### **29.3. Подшипникли ва тишли илашишли йиғма бирликларни йиғиши**

Валнинг бўйнига золдирили подшипникни пресслаб ўрнатиш учун турли хилдаги дастакли мосламалардан фойдаланиш мумкин: маҳсус стаканлардан ва қисқичлардан, винтли қурилмалардан ва бошқалардан. Стакан ва қисқичлар конструкцияси бўйича содда бўлади; уларининг айримлари 29.5-расмда келтирилган. Қисқичлардан фойдаланиш валнинг бўйнига подшипникнинг бир текис ўрнашини таъминлайди, ўрнатишда подшипникни қиёшиқ ҳолатда ўрнаб қолиш эҳтимолининг олдини олади ва подшипникни, одатда, ҳалқасига болға билан уриб киритилишида шикастланишидан сақладайди.



29.5-расм. Золдирили подшипникни валга пресслаб киргизиш учун винтли мослама




29.6-расм. Дастаки рейкали прессда золдирили подшипникни пресслаб валга киритиш

Кетида резьбаси бўлган валларга подшипникни пресслаб ўрнатиш учун кўпинча оддий гайкадан ва турли узунликдаги втулкалардан таркиб топган винтли қурилмалардан фойдаланилади (29.5-расм).


Бошқа ҳолларда золдирили подшипникни дастаки гидравлик ва пневматик пресслар ёрдамида пресслаб ўрнатиш тавсия этилади (29.6-расм).

Конуссимон подшипникли йиғма бирликларни йифишида ҳалқаси ва ролиги орқасидаги талаб қилинган тирқишини ҳисобга олиш зарур. Бу тирқишини созлаш йиғишнинг масъулиятли операцияси бўлиб ҳисобланади. Конуссимон ролик подшипникдаги нотўғри қўйилган тирқиши подшипникни муддатдан олдин ейишига сабаб бўлиши мумкин. Конуссимон роликли подшипникдаги радиал тирқишини подшипникнинг ташқи ёки ички ҳалқасини ўқ бўйича суриш орқали созланади.


29.7-расм (а) да узелнинг конструкцияси кўрсатилган, бунда қопқоқ (2) остидағи қистирмалар (1)



29.7-расм. Конуссимон роликли подшипникда тирқишини созлаш усуллари



29.8-расм. Эволвентли тишли жуфтликни йиғиши текшириш



29.9-расм. Тишли филдирлакларни илашишини бүйік бүйічек текширишда дөгнинг күрниши

подшипникдаги талаб қилинган тирқиши таъминлаш учун хизмат қилади. 29.7-расм (б) да тирқиши халқа гайкасы (3) ёрдамда созланади.

Тишли филдирлакни вал ёки ўқ билан корпусга ийиш масъули-

ятли ийиш операцияси бўлиб ҳисобланади. Бу операцияда етакловчи ва етакланувчи валларнинг корпусда тўғри жойлашиши муҳим аҳамиятга эга, чунки бу тишли филдирлакларнинг тўғри ишланини таъминлади; бунга вал ўқлари бир текисликка уларнинг паралеллигига ва улар орасидаги аниқ масофа сақланган ҳолда эришиш мумкин.

Марказлараро А масофа допуск (29.8-расм, а ) узатма вазифасига кўра ва тишлиларнинг илашиш турига боғлиқ равишда белгиланади.

Эвольвентали тишли узатмалар учун тишли филдирлакларнинг ўқлари орасидаги масофа *A* ни допуск чегарасида ошириш тўғри илашишни бузмайди, лекин бу оширишда С тирқишининг ортиши кузатилади (29.8-расм, б), шунинг учун тезюар узатмаларда зарбалар содир бўлади, тишига қўшимча юкланиш ҳосил бўлади ва тишли узатма тез ейилиб кетади. Марказлараро масофани камайтирилса, тирқ-

иш камаяди, тишларнинг ейилиши ва бир-бирига ёпишиб қолишини келтириб чиқаради.

Тишлар орасидаги тирқишининг мавжудлиги ва унинг катталиги қўпол равишда пайпаслаб, аниқ равишда эса индикатор ёрдамида текширилади. Шу билан бирга, тиш сиртларининг уринма доғи ёрдамида ҳам аниқланади, бунда бўёқдан фойдаланилади (29.9-расм).

Конуссимон тишли филдиракли узатмаларни йиғишининг ўзига хослиги тишларнинг илашишини созлашдан иборат. Бунга иккала тишли филдиракни ўқлари бўйлаб ёки бирини силжитиш орқали эришилади. Конуссимон тишли филдираклар ён томонидаги тирқиши шуп, индикатор ёки буёқ ёрдамида текшириш мумкин. Червякли узатмаларни йиғишида червякни тишли филдирак билан тўғри илашишини таъминлаш зарур. Бунинг учун червяк ва тишли филдирак ўқларининг кесишиш бурчаги ва марказлараро масофа чизмада кўрсатилганига тўғри келиши керак, филдиракнинг ўрта текислиги червяк ўқига тушиши ва илашишидаги ён томон тирқиши техник шартга тўғри келиши керак.

### *Сипов саволлари*

1. Қандай ҳолда йиғиш ишларини автоматлаштириш иқтисодий жиҳатдан оқланади?
2. Турли хилдаги йиғиш жиҳозлари йиллик ишлаб чиқаришга қандай таъсир қиласи? Мисол келтиринг
3. Автоматик йиғишини ташкил этишда нималарга эътибор бериш керак?
4. Нима сабабдан йиғиш жараёнини автоматлаштириш қийин?
5. Автоматик йиғишида қисқа звеноли ўлчам занжирлари учун қандай усул қўлланилади?
6. Селектив йиғиш нима?
7. Автоматик йиғишининг технологик жараени қандай кетма-кетлика ишлаб чиқиласи?
8. Автоматик йиғиш жиҳозларининг асосий узелларига нималар киради?
9. Подшипникли бирималарни йиғиши тушунтириб беринг
10. Тишли илашишли бирималарни йиғишида тишлар орасидаги тирқиши қандай аниқланади?
11. Конуссимон тишли филдиракли узатмаларни йиғишида илашиш қандай созланади?

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

### 1. Машинасозлик технологияси фани нимани ўрганади?

- А. Машинасозлик корхоналарини, цехларини, участкаларини лойиҳалашни
- Б. Машинасозликда ишлатиладиган барча турдаги жиҳозлар, қурилмалар ва асбобларнинг тузилишини
- С. Белгиланган муддатда керакли ҳажмда таннархи арzon бўлган сифатли машиналар тайёрлашни
- Д. Механик ишлов бериш ва йиғув төхнологик жараёнларининг тузилишини
- Е. Машинасозлик корхоналарининг структурасини

### 2. Маҳсулот деганда нимани тушунасиз?

- А. Корхонанинг рентабеллик даражасини ифодаловчи кўрсаткич
- Б. Корхонада ишлаб чиқариш лозим бўлган ишлаб чиқаришнинг предмети ёки предметлар тўплами
- С. Шу корхонага тегишли бўлган барча ишлаб чиқариш жиҳозлари
- Д. Корхонанинг техник назорат бўлимидан ўтмай қолган брак деталлар
- Е. Йиғиш жараёнини нормал амалга оширишни таъминловчи қўшимча ускуналар

### 3. Йиғма бирикма нима?

- А. Ҳеч қандай йиғиш операцияларисиз бир жинсли материаллардан тайёрланган маҳсулот
- Б. Дастгоҳ, мослама, кесувчи асбоб, детал
- С. Йиғиш жараёнини нормал амалга оширишни таъминловчи жиҳозлар тўплами
- Д. Йиғиш операциясини назорат қилиб турувчи мослама

Е. Алоҳида йифиладиган ва кейинчалик йигиш жараёнида бир бутун ҳолатда қатнашадиган маҳсулотнинг бир қисми

#### **4. Ишлаб чиқариш жараёни деганда нимани тушунасиз?**

А. Заготовкани тайёрлашдан бошлаб детал тайёр бўлгунга қадар сарфланадиган вақт

Б. Корхонада ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун қўлланиладиган асосий ҳужжат

С. Корхонада бирор маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча ишчилар ва ишлаб чиқариш жиҳозларининг биргаликдаги фаолияти

Д. Корхонанинг технологик тайёргарлигини кўрсатувчи ҳужжатлар тўплами

Е. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини назорат қилишини ташкил қилиш

#### **5. Механик ишлов бериш технологик жараёни нима?**

А. Корхонанинг технологик тайёргарлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўплами

Б. Корхонада ишлаб чиқариш маҳсулотнинг сифатини белгилайдиган асосий ҳужжат

С. Ҳар бир корхонада ишлаб чиқаришни ташкил қилишда фойдаланиладиган умумий қўлланма

Д. Корхонада тайёрланадиган маҳсулотларни аниқлигини назорат қилишда фойдаланиладиган асосий ҳужжат

Е. Ишлаб чиқариш предмети, ўлчамлари, шакли, ташқи кўриниши ва ички хусусиятларини кетма-кет ўзгариб бориши

#### **6. Якка тартибли, серияли ва оммавий ишлаб чиқариш турларини бир-биридан фарқлайдиган асосий кўрсаткичларга нималар киради?**

А. Корхонада фойдаланиладиган дастгоҳлар, мосламалар, кесувчи асбоблар сони

Б. Корхонада ишлаётган ишчилар сони

С. Маҳсулотнинг тури, ишлаб чиқаришнинг доимийлиги, ишлаб чиқариш ҳажми

Д. Корхонадаги механика цехлари сони  
Е. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати

**7. Машинасозликда аниқликка эришишнинг қандай усулларини биласиз?**

- А. Доимий ва вақтинчалик эришиш усуллари
- В. Намуна учун ишлов бериш ва ўлчаб кўриш, автоматик тарзда эришиш усуллари
- С. Конструкторлик ва технологик эришиш усуллари
- Д. Гурухли ўзаро алмаштириш усули
- Е. Созлаш ва келтириш усуллари

**8. Систематик хатоликларни келтириб чиқарувчи асосий сабабларга нималар киради?**

- А. Ишчининг чарчаб қолиши, мойлаш-совитиш суюқлигининг тўхтаб қолиши, ишчидаги конструкторлик ҳужжатларнинг йўқлиги
- Б. Дастгоҳ, мослама, кесувчи асбобларнинг ноаникликлари, ейилишлари, деформациялари, заготовка деформацияси
- С. Технологик система бикрлигини етарли даражада талабга жавоб бермаслиги
- Д. Ишлов берилаётган заготовка материалининг ўта қаттиқлиги
- Е. Ишлов берилаётган заготовка материали қаттиқлигини бир хилда эмаслиги, қўйим қалинлигининг бир хилда эмаслиги, заготовканинг мосламада ҳолатини ўзгариб қолиши

**9.  $V = V_0 L / 1000$  формула нимани ифодалайди?**

- А. Кесиш йўли узунлиги
- Б. Кесувчи асбобнинг ўлчамли ейилиши
- С. Кесиш тезлиги
- Д. Суппортнинг ҳаракат тезлиги
- Е. Кесувчи асбобнинг нисбий ейилиши

**10. Тенг ёнли учбурчак қонунида ўлчамларнинг ёйилиши қандай ҳисобланади?**

- A.  $\omega = 2\sigma \sqrt{3}$
- B.  $\omega = 3,44\sigma$
- C.  $\omega = 6\sigma$
- D.  $\omega = 2\sigma \sqrt{6}$
- E.  $\omega = 6\sigma + \Delta_{\text{сист}}$

**11. Базалаш хатолиги қачон пайдо бўлади?**

- A. Технологик ва ўлчаш базаси устма-уст тушса
  - B. Технологик база сифатида заготовканинг ишлов берилмаган юзаси қабул қилинса
  - D. Технологик база сифатида қабул қилинган юзанинг ўлчамлари кичик бўлса
  - C. Технологик ва ўлчаш базалари устма-уст тушмаган ҳолларда
  - E. Технологик ва конструкторлик базалари устма-уст тушмаган ҳолларда
12. Қайси ҳолларда заготовканинг маҳкамлаш хатолиги келиб чиқади?
- A. Заготовканинг мосламада ҳолатини ўзгариб қолиши натижасида
  - B. Механик ишлов беришда кесиш кучининг ўта катта бўлиши натижасида
  - C. Кесувчи асбобнинг ейилиши натижасида
  - D. Мослама ўрнатиш элементларининг ейилиши натижасида
  - E. Фақат ишчининг айби билан

**13. Гаусс эгри чизиги қачон максимум қийматга эришади?**

- A. Ордината ўқидан  $\pm \sigma$  масофада
- B.  $\sigma = 1$  дан катта бўлганда
- C.  $L = L_{\text{yp}}$  бўлганда
- D.  $L > L_{\text{yp}}$  бўлганда
- E. Ордината ўқидан  $\div 3\sigma$  масофада

**14. Заготовкаларга нұқсонсиз ишлов бериш шартиниң топингі?**

- A.  $6\sigma + \Delta_{\text{сист}} > T$
- B.  $T > \omega$
- C.  $T < 1,0$
- D.  $T > 1,0$
- E.  $T < \omega$

**15. Йиғма комплект нима?**

- A. Алоқида йиғиладиган ва кейинчалик йиғиши жарағында қатнашадиган маҳсулот
- B. Машинани комплектлаш учун зарур бўлган деталла ртўплами
- C. Ҳеч қандай йиғиши операцияларисиз бир жинсли материалдан тайёрланган маҳсулот
- D. Маҳсулотни, ёки унинг бир қисмини йиғиши учун иш жойига узатиб берилиши лозим бўлган маҳсулотнинг таркибий қисмлар гуруҳи
- E. Корхонада ишлаб чиқарилган бир партия маҳсулотлар

**16. Машиналар вазифасига кўра қайси турларга ажратилади?**

- A. Ҳаракатланувчи ва қўзғалмас
- B. Созланувчи ва доимий
- C. Бир ва кўп мақсадли
- D. Стандартли ва маҳсус
- E. Машина-двигателлари, ишчи машиналар

**17. Детал нима?**

- A. Ишчининг айби билан ҳосил бўладиган нұқсонли маҳсулот
- B. Икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган маҳсулот
- C. Ҳеч қандай йиғиши операцияларисиз бир жинсли материалдан тайёрланадиган маҳсулот

**Д. Иш жойига узатиб берилиши лозим бўлган йигма бирикма**

**Е. Алоҳида йигиладиган ва кейинчалик йифиш жараёнида бир бутун маҳсулот сифатида қатнашадиган қисм**

**18. Маҳсулот сифати нима?**

**А. Маҳсулотнинг ўз вазифасига мос келадиган маълум талабларни бажаришга яроқлилик хусусияти**

**В. Маҳсулотнинг яроқсиз ҳолга келгунча ишлаш вақти**

**С. Унинг нархини белгилайдиган асосий кўрсаткич**

**Д. Шу маҳсулот ўлчамларининг чизма талабларига мос тушиши**

**Е. Ишчининг маошини аниқлайдиган кўрсаткич**

**19. Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан тайёрлашнинг энг масъулиятли ва иш ҳажми кўп қисми қайси?**

**А. Ишлаб чиқаришни конструкторлик тайёргарлиги ва календарь режалаштириш**

**Б. Ишлаб чиқаришнинг технологик тайёргарлиги**

**С. Ишлаб чиқаришни календар режалаштириш**

**Д. Ишлаб чиқаришнинг технологик ва конструкторлик тайёрларлиги**

**Е. Ишлаб чиқаришнинг конструкторлик тайёргарлиги**

**20. Ишлаб чиқаришни режалаштиришда қўлланиладиган асосий бирлик нима?**

**А. Технологик операция**

**Б. Технологик ўтиш**

**С. Ишчилар сони**

**Д. Ишлаб чиқариш ҳажми**

**Е. Ишлаб чиқариш такти**

**21. Деталнинг аниқлиги деганда нимани тушунасиз?**

**А. Деталнинг ўз вазифасиги мос келадиган маълум талабларни бажаришга яроқлилик хусусияти**

**В. Детални синааб кўриш даврида ўз хусусиятларини ўзгартирмай сақлаб қолиши**

С. Деталнинг ҳар хил узелларида ишлаш хусусияти  
Д. Деталнинг яроқсиз ҳолга келгунга қадар ўз хусусиятларини сақлаб қолиши

Е. Унинг ўлчамлари, геометрик шакли, ишлов берилган юзаларнинг ўзаро тўғри жойлашиши бўйича чизма талабларига мос тушиши

## **22. Систематик хатолик нима?**

А. Кўрилаётган партиядаги барча заготовкалар учун бир хил бўлган ёки биридан иккинчисига ўтганда маълум бир қонуният бўйича ўзгариб борадиган хатолик

Б. Кесиш кучининг катта бўлиб кетиши натижасида содир бўладиган хатолик

С. Фақат ишчининг айби билан содир бўладиган хатолик

Д. Кўрилаётган партиядаги барча заготовкалар учун ҳар хил бўлган хатолик

Е. Кўйим катталигининг ҳар хиллиги ва заготовка материали қаттиқлигининг ҳар хиллиги натижасида содир бўладиган хатолик

## **23. Дастгоҳ ва кесувчи асбобларнинг ейилиши қандай хатоликни келтириб чиқаради?**

А. Систематик хатолик

В. Базалаш хатолиги

С. Тасодифий хатолик

Д. Ўрнатиш хатолиги

Е. Тасодифий ва систематик хатолик

## **24. Тасодифий хатолик нима?**

А. Кўрилаётган партиядаги барча заготовкалар учун бир хил бўлган хатолик

Б. Дастгоҳларнинг ноаниқликлари, ейилишлари, деформацияси натижасида содир бўладиган хатолик

С. Кесиш кучи қийматининг катта бўлиб кетиши натижасида содир бўладиган хатолик

Д. Кўрилаётган партиядаги барча заготовкалар учун ҳар хил бўлган хатолик

**Е. Фақат кесувчи асбобнинг ейилиши оқибатида содир бўладиган хатолик**

**25. Қачон базалаш хатолиги 0 га тенг бўлади?**

**А. Технологик ва конструкторлик базалар устма-уст тушган ҳолларда**

**Б. Технологик база сифатида қабул қилинган юзанинг ўлчамлари кичик бўлса**

**С. Технологик ва ўлчаш базалари устма-уст тушган ҳолларда**

**Д. Технологик база сифатида заготовканинг ишлов бе-рилмаган юзаси қабул қилинса**

**Е. Технологик ва ўлчаш базаси устма-уст тушса.**

**26. Технологик тизимнинг бикирлиги нима?**

**А. Технологик тизимнинг деформацияловчи кучларнинг таъсирига қаршилик кўрсата олиш қобилияти.**

**Б. Технологик тизимнинг ташқи кучлар таъсири остида эластик шакл ўзгартира олиш қобилияти.**

**С. Технологик тизимнинг мойиллиги.**

**Д. Дастроҳнинг мустаҳкамлиги.**

**Е. Технологик тизимнинг аниқлиги.**

**27. Дастроҳ-мослама-тайёрлама-асбоб технологик тизимда заготовкага ишлов бериш жараёнида қандай хатоликлар рўй беради?**

**А. Систематик ва тасодифий.**

**В. Систематик.**

**С. Тасодифий.**

**Д. Думалоқликдан четга чиқиш.**

**Е. Цилиндрликдан четга чиқиш.**

**28. Технологик тизимнинг деформацияловчи кучларга қаршилик кўрсата олиш қобилияти нима деб аталади?**

**А. Мустаҳкамлик.**

**В. Мойиллик.**

С. Қаттиқлик.  
Д. Бикирлик.  
С. Деформацияланиш.

**29. Технологик тизимнинг ташқи кучлар таъсирида эластик деформациялана олиш қобилияти нима деб аталади?**

А. Қаттиқлиги.  
В. Мустаҳкамлиги.  
С. Мойиллиги.  
Д. Бикирлиги.  
Е. Деформацияланиши.

**30. Дастгохнинг бикирлигини аниқлашнинг қандай усуллари мавжуд?**

А. Статистик.  
В. Динамик.  
С. Статистик ва динамик.  
Д. Ишлаб чиқариш.  
Е. Статистик ва ишлаб чиқариш.

**31. Дастгоҳни йигиши сифати унинг бикирлигига таъсир қиладими?**

А. Таъсир қилмайди.  
Б. Таъсир қилади.  
С. Бикирлик камаяди.  
Д. В ва С жавоблар тўғри.  
Е. Тўғри жавоб йўқ.

**32. Бикирликнинг кўрсаткичи қайси усулда аниқланганда катта қийматга эга бўлади?**

А. Ҳисоблаш.  
В. Динамик.  
С. Ишлаб чиқариш.  
Д. Статик.  
Е. Тўғри жавоб йўқ.

**33. Технологик тизимдаги звеноларнинг умумий сонини камайтириш технологик тизимнинг бикирлигига қандай таъсир қиласи?**

- А. Бикирлик ортади.
- В. Бикирлик камаяди.
- С. Бикирлик звенолар сонига боғлиқ эмас.
- Д. Звенолар сонини камайтириш мумкин эмас.
- Е. Барча жавоблар түғри.

**34. Тизимнинг берилган (тинч ёки берилган қонун бўйича ҳаракатланиш) ҳолатидан оғишининг чегараланган қийматга эга бўлган таъсир натижасида вақт бўйича ошмаслик нима деб аталади?**

- А. Мустаҳкамлик.
- Б. Деформацияланиш.
- С. Устиворлик.
- Д. Бикирлик.
- Е. Мойиллик.

**35. Технологик жиҳозни ва технологик усқунани маълум бир технологик операцияни бажаришга тайёрлаш жараёни нима деб аталади?**

- А. Асосий вақт.
- Б. Созлаш.
- С. Ўрнатиш.
- Д. Ишлаб чиқариш.
- Е. А ва Д жавоблар түғри.

**36. Погонали валга кўп асбоб билан бир вақтда бошлиб, бир вақтда тугатиш йўли билан ишлов берилганда валнинг погонаси диаметрлари қайси томони бўйича кичик қийматга эга бўлади?**

- А. Чап томони.
- В. Ўнг томони.
- С. Ўртаси.
- Д. Чап ва ўнг томони.
- Е. Ўзгармайди.

**37. Олмосли-йўнувчи дастгоҳларда ҳар бир қўшимча шпинделни бир вақтда йўниш учун ишлатиш йўниш аниқлигига қандай таъсир қилади?**

- А. Аниқлик ортади.
- Б. Аниқликка таъсир қилмайди.
- С. Аниқлик камаяди.
- Д. Созловчининг малакасига боғлиқ.
- Е. Заготовканинг материалига боғлиқ.

**38. Ҳаракатланмаяпган дастгоҳда кесувчи асбобни турли хил калибрлар ва эталонлар ёрдамида ўрнатиш нима деб аталади?**

- А. Универсал ўлчов асбоби ёрдамида дастгоҳни созлаш.
- Б. Ишчи калибр ёрдамида синалган заготовкалар бўйича созлаш.
- С. Динамик усулда созлаш.
- Д. Статик усулда созлаш.
- Е. В ва С жавоблар тўғри.

**39. Партиядаги заготовкаларга дастгоҳда ишлов бериш жараёнида асбоб билан ишлов берилаётган заготовканинг ўзаро жойлашишининг бошланғич аниқлигига қайта тиклаш жараёни нима деб аталади?**

- А. Созлаш.
- Б. Қайта созлаш.
- С. Ўрнатиш.
- Д. Текшириш.
- Е. Қайта тиклаш.

**40. Аниқликни ва унумдорликни оширишдаги қарама-қаршиликни қандай ҳал қилиш мумкин?**

- А. Конструкторлик йўли билан.
- Б. Калибрдан фойдаланиш.
- С. ЭҲМ дан фойдаланиш.
- Д. Чизғичлардан фойдаланиш.
- Е. Ишлов берилаётган заготовкани ўлчашда назоратни автоматлаштириш.

**41. Буюмдаги детал сиртлари ёки ўқлари орасидаги ма-софа ёки нисбий бурилишни нима аниқлайды?**

- А. Технологик ўлчам занжири.
- В. Конструкторлик ўлчам занжири.
- С. Беркитувчи звено.
- Д. Ташкил қилувчи звено.
- Е. Ўлчам занжири.

**42. Ишлов бериш операцияларини бажаришда ёки йи-ғиша буюм сиртлари орасидаги масофани, дастгоҳни соз-лашда ёки операциялар орасидаги ўлчам ва қўйимларини ҳисоблашни нима аниқлайды?**

- А. Конструкторлик ўлчам занжири.
- В. Беркитувчи звено.
- С. Технологик ўлчам занжири.
- Д. Ташкил этувчи звенолар.
- Е. Ўлчам занжири.

**43. Ўлчам занжирига кирувчи звенолар қандай турларга бўлинади?**

- А. Конструкторлик ўлчам занжири.
- В. Технологик ўлчам занжири.
- С. Беркитувчи звено.
- Д. Ташкил этувчи звенолар.
- Е. С ва Д жавоблар тўғри.

**44. Ўлчам занжирини ҳисоблашдан мақсад қандай ма-салаларни ечишдан иборат?**

- А. Тўғри (лойиҳа) ва тескари (текширувчи) масалалар.
- В. Тўғри (лойиҳа) масала.
- С. Тескари (текширувчи) масала.
- Д. Ташкил қилувчи звенолар масаласи.
- Е. С ва Д жавоблар тўғри.

**45. Ўлчамларнинг жойлашишига кўра ўлчам занжирла-ри қуйидагича бўлади:**

- А. Чизиқли ўлчам занжирлари.
- В. Бурчакли ўлчам занжирлари.

- С. Текис ўлчам занжирлари.
- Д. Фазовий ўлчам занжирлари.
- Е. Барча жавоблар түгри.

**46. Ўзаро алмашинувчанликнинг қандай усулида тайёрланган детални ўзгартиришсиз ёки танланмасдан буюмнинг талаб қилинган ишлатилиш хоссаларини сақлаган ҳолда йиғишида фойдаланиш мумкин?**

- А. Тўлиқ бўлмаган ўзароалмашиниш.
- В. Беркитувчи звенони аниқлаш.
- С. Тўлиқ ўзароалмашиниш усули.
- Д.  $A_0$  орқали.
- Е. Барча жавоблар түгри.

**47. Чизиқли ўлчам занжиридаги беркитувчи звенонинг юқориги чекли оғишини қандай белгиланади?**

- А.  $A_0$
- Б.  $ES$
- С.  $ESA_0$
- Д.  $EIA_0$
- Е.  $EI$

**48. Созланувчи звенодан ташқари барча ўлчам занжирларининг чекли оғишлири асосий тешик ёки асосий вал тизимидағи қайси ўлчам допускида кўйилади?**

- А.  $h$  ва  $H$
- Б.  $m$  ва  $M$
- С.  $d$  ва  $D$
- Д.  $f$  ва  $F$
- Е.  $k$  ва  $K$

**49. Созланган дастгоҳларда заготовқага механиқ ишлов беришда (ўртacha аниқликдаги ишлов беришда- 7-8-квалитетлар) ўлчамларнинг ёйилиши қайси қонунга тўғри келади?**

- А. Гаусс.
- Б. Симсон.

С. Стъюдент.

Д. Фишер.

Е. Маталин.

**50. Ҷизиқли ўлчам занжиридаги беркитувчи звено допуски қандай белгиланади?**

А.  $Td$

В.  $TD$

С.  $TA$

Д.  $TA_0$

Е.  $TA_i$

**51. Танланган системанинг координаталарига нисбатан заготовка ёки буюмга талаб қилинган ҳолатни бериш нима деб аталади?**

А. Ўрнатиш.

В. Маҳкамлаш.

С. Жойлаштириш.

Д. Эркинлик даражасини камайтириш.

Е. Базалаш.

**52. Заготовкани мосламага ўрнатишда қандай масалалар хал қилинади?**

А. Маҳкамлаш.

В. Ўрнатиш.

С. Базалаш.

Д. Эркинлик даражасини камайтириш.

Е. А ва С жавоблар тўғри.

**53. Фазода жисм нечта эркинлик даражасига эга.**

А. 12 та.

В. 6 та.

С. 3 та.

Д. 2 та.

Е. 1 та.

**54. Фазода жисм нечта илгариланма ва айланма ҳаралатларга эга бўлади?**

- А. 1 ва 0.
- В. 2 ва 4.
- С. 3 ва 3.
- Д. 0 ва 5.
- Е. 6 ва 6.

**55. Призматик заготовка деталларнинг учта таянч нуқта билан контактда бўлган базаси нима деб аталади?**

- А. Ўрнатиш базаси.
- В. Йўналтирувчи база.
- С. Тачнч база.
- Д. В ва С жавоблар тўғри.
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

**56. Призматик заготовка ва деталларнинг иккита таянч нуқта билан контактда бўлган базаси нима деб аталади?**

- А. Таянч база.
- В. Йўналтирувчи база.
- С. Ўрнатиш базаси.
- Д. В ва С жавоблар тўғри.
- Е. Барча жавоблар тўғри.

**57. Йўналтирувчи база сифатида заготовка ва деталларнинг қандай сиртлари олинса мақсадга мувофиқ бўлади?**

- А. Энг катта сирти.
- В. Энг кичик сирти.
- С. Энг узун сирти.
- Д. Ҳар қандай сиртлар.
- Е. Фақат тоза сиртлар.

**58. Ўрнатиш базаси сифатида заготовка ва деталларнинг қандай сиртлари олинса мақсадга мувофиқ бўлади?**

- А. Ҳар қандай сиртлар.
- В. Энг узун сирти.

- С. Ишлов берилмаган сирт.
- Д. Фақат тоза сиртлар.
- Е. Түғри жавоб йўқ.

**59. Дискни ўрнатиш базаси сифатида унинг қайси сиртидан фойдаланилади?**

- А. Торец сирти.
- В. Цилиндрик сирти.
- С. Шпонка ариқчаси.
- Д. Призма.
- Е. Кондуктор.

**60. Ўрнатиш базаси заготовқанинг нечта эркинлик даражасидан маҳрум қиласи?**

- А. 6 та.
- В. 5 та.
- С. 4 та.
- Д. 3 та.
- Е. 2 та.

**61. Заготовкани мослама ёрдамида ишлов бериш учун дастгоҳга ўрнатишида ҳар доим ҳам барча эркинлик даражаларидан маҳрум қилинадими?**

- А. Ҳа.
- В. Йўқ.
- С. Фақат токарлик дастгоҳларида.
- Д. Фақат пармалашда.
- Е. С ва Д жавоблар тўғри.

**62. Ўзи марказловчи қисқичлар заготовканинг нечта эркинлик даражасидан маҳрум қиласи?**

- А. 12 та.
- В. 6 та.
- С. 3 та.
- Д. 1 та.
- Е. Маҳрум қила олмайди.

**63. Заготовканинг узун цилиндрик сирти бўйича уч кулачокли патронда маҳкамланганда нечта эркинлик дараражасидан маҳрум қиласи?**

- A. 12 та.
- B. 6 та.
- C. 5 та.
- D. 4 та.
- E. 3 та.

**64. Кўзгалувчан люнет заготовканинг нечта эркинлик дараражасидан маҳрум қиласи?**

- A. 12 та.
- B. 6 та.
- C. 3 та.
- D. 2 та.
- E. маҳрум қила олмайди.

**65. Заготовканинг қисқа цилиндрик сирти бўйича пневматик патрон (қисқич) да маҳкамланганда нечта эркинлик дараражасидан маҳрум қилинади?**

- A. 6 та.
- B. 2 та.
- C. 3 та.
- D. 0 та.
- E. Тўғри жавоб йўқ.

**66. Буюмнинг детали ёки йигма бирлигининг ҳолатини аниқлаш учун фойдаланиладиган базанинг номи?**

- A. Конструкторлик.
- B. Технологик.
- C. Ўлчаш.
- D. Ўлчовчи.
- E. Контакт.

**67. Заготовкага ишлов беришда бажариладиган ўлчамни үлчашда ўлчамнинг ҳисоб боши бўлган сирт, чизиқ ёки нуқта?**

- A. Ўлчаш.
- B. Созловчи.
- C. Контакт.
- D. Конструкторлик.
- E. Технологик.

**68. Механик ишлов беришда фойдаланиладиган технологик базалар қўлланилиш хоссаларига кўра қандай бўлинади?**

- A. Текширувчи.
- B. Контакт ва созловчи.
- C. Текширувчи, контакт ва созловчи.
- D. Технологик ва конструкторлик.
- E. Текширувчи ва созловчи.

**69. Мослама ёки дастгоҳнинг тегишли ўрнатиш сиртларига бевосита тегиб турган технологик база нима деб аталади?**

- A. Контакт база.
- B. Созловчи база.
- C. Конструктив база.
- D. Текширувчи база.
- E. Сунъий база.

**70. Созловчи базага нисбатан ўлчам олишда заготовкани маҳкамлаш хатолиги ўлчам аниқлигига таъсир қиласадими?**

- A. Таъсир қиласади.
- B. Таъсир қilmайди.
- C. Созловчи базага нисбатан ўлчам олинмайди.
- D. Маҳкамлаш хатолиги ўлчам аниқлигига боғлиқ эмас.
- E. Тўғри жавоб йўқ.

**71. Агар заготовканинг конфигурацияси уни мосламага ёки дастгоҳга ўрнатишда маъқул тарзда, турғун ва ишончли ориентирлашга ва маҳкамлашга технологик база ташлашга имконият бермаса, қандай база ташкил қилинади?**

- А. Конструкторлик базаси.
- В. Контакт база.
- С. Текширувчи база.
- Д. Созловчи база.
- Е. Сунъий база.

**72. Узун валларга токарлик дастгоҳларида ишлов беришда валнинг эгилиб кетмаслиги учун нима қилинади?**

- А. Валнинг узун томони токарлик дастгоҳининг ташқарисида туради.
- Б. Вал кесиб ташланади.
- С. Марказий тешикларидан қўшимча таянч сирт сифатида фойдаланилади.
- Д. Фрезалаш дастгоҳидан фойдаланилади.
- Е. Тез кесар пўлатдан тайёрланган кескичлардан фойдаланилади.

**73. Заготовкани биринчи марта ўрнатилганда ишлатиладиган технологик база нима деб аталади?**

- А. Контакт база.
- В. Сунъий база.
- С. Тоза технологик база.
- Д. Қора технологик база.
- Е. Конструкторлик база.

**74. Технологик базаларни белгилашда заготовкага аниқ ишлов бериш мақсадида қандай сиртларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади?**

- А. Бир вақтнинг ўзида деталнинг конструкторлик ва ўлчаш базаси ҳамда буюмни йиғишида база сифатида фойдаланадиган сиртларни.
- В. Контакт, сунъий, ўлчаш базаларини.

**С.** Фақат конструкторлик базасини.

**Д.** Сунъий база яратилади.

**Е.** Фақат тоза сиртларни.

**75. Сунъий технологик база сифатида фойдаланишга келтирилгандың қайси мисол характерли?**

**А.** Сунъий база.

**В.** Тайёр вал учун зарур бўлмаган марказ тешиклари.

**С.** Катта ўлчамли турбиналар қуракчаларининг кетинги қисми ва бобишкалари.

**Д.** В ва С жавоблар тўғри.

**Е.** Тўғри жавоб йўқ.

**76. Технологик жараённи лойиҳалашда технологик базаларни зарур бўлмаган алмаштиришга йўл қўймасдан битта сиртдан технологик база сифатида фойдаланишга ҳарарат қилиш нима деб аталади?**

**А.** Базаларнинг ўриндошлик тамойили.

**Б.** Доимий база тамойили.

**С.** Сунъий база.

**Д.** Технологик база.

**Е.** Конструкторлик база.

**77. Заготовкаларга дастлабки ишлов бериш операцияларини топинг**

**А.** Термик ишлов бериш.

**В.** Қуйиш, штамповка ва поковка қилиш.

**С.** Тўғрилаш, марказсиз йўниш, қирқиш, марказлашириш ва назорат қилиш.

**Е.** Йўниш ва фрезалаш.

**Д.** Тўғрилаш, йўниш, марказлаштириш.

**78. Асосий вақт деганда қандай вақтни тушунасиз?**

**А.** Асбобни алмаштириш учун сарфланадиган вақт.

**В.** Деталь ўлчамларини текшириш учун сарфланадиган вақт.

С. Заготовкани мосламага ўрнатиш ва маҳкамлаш учун сарфланадиган вақт.

Д. Асбобнинг заготовкага тегиб ишлов беришни бошлангандан ишлов бериш тугагунча сарфланган вақт.

Е. Заготовкага ишлов бериб бўлингандан кейин асбобнинг бошлангич ҳолатига қайтариш учун кетга һа вақт.

### 79. Чивиқ ва валлар нималар ёрдамида қирқилади?

А. Пичноқлар; дискли, тасмали, фрикцион, электрофрикцион арралар; юпқа жилвир тош; пресс ва қайчи; газли, анодли-механик, электроучқунли, роликли қайчи.

Б. Арралар, пичноқлар, фрезалар, метчиклар.

С. Газли ва электр пайвандлаш.

Д. Токарлик, фрезалаш ва пичноқли қирқувч и дастгоҳлар.

Е. Лазер, анодли-механик, электроучқунли.

### 80. Марказий тешикларни пармалашда асосий вақт қайси формула ёрдамида аниқланади?

$$A. t_a = \frac{(l_{\text{чек}} + l_p)}{S_M} i = \frac{(l_{\text{чек}} + l_p)}{S \cdot n_p} i \quad [\text{мин}]$$

$$B. t_a = \left[ \frac{l_{\text{чек}} + l_k + (50 - 100)}{S_{\text{чек}} \cdot n_{k,k}} \right] i \quad [\text{мин}]$$

$$C. t_a = \frac{d + l_k + l_u}{S_{n_{\text{ко}}} \cdot n_{\text{ко}}} + \frac{d + l_k + l_u}{S_{o_{\text{ко}}} \cdot n_{\text{ко}}} \quad [\text{мин}]$$

$$D. t_a = \frac{L}{S_M} = \frac{l_a + l_k + l_z}{S_z Z_n} \quad [\text{мин}]$$

$$E. t_a = \frac{(l_\theta + l_{\text{кеч}} + l_{\text{чек}})}{n \cdot S} i \quad [\text{мин}]$$

**81. Вал типидаги деталларни марказлаштириш қандай асбоблар ёрдамида амалга оширилади?**

- А. Парма.
- В. Зенковка.
- С. Махсус комбинирлашган марказловчи парма.
- Д. А, В, С жавоблар тұғри.
- Е. Тұғри жавоблар йўқ.

**82. Операцияларни концентрациялаш нима?**

- А. Битта дастгоҳда бир неча деталга ишлов бериш.
- Б. Битта дастгоҳда бир неча операция бажариш.
- С. Бир пайтда бир неча сиртларга бир неча кескичлар ёрдамида кўп кескичли дастгоҳда ишлов бериш.
- Д. Иккита дастгоҳда битта деталга ишлов бериш.
- Е. Кўп кескичли дастгоҳда ишлов бериш.

**83. Кўп кескичли дастгоҳларда ишлов беришда иш ҳажми ниманинг ҳисобига камаяди?**

- А. Асосий вақтнинг камайиши.
- Б. Ёрдамчи вақтнинг камайиши.
- С. Оператив вақтнинг камайиши.
- Д. А ва В жавоблар тұғри.
- Е. А, В ва С жавоблар тұғри.

**84. Ташқи цилиндрик сиртларни пардоzлашнинг қандай усуллари мавжуд?**

- А. Токарлик, фрезалаш, пармалаш, сидириш.
- Б. Жилвирлаш ва ялтиратиш
- С. Юпқа (олмосли) йўниш, жилвирлаш, притирка, супефиниш, ялтиратиш, роликларни думалатиш, қум ёрдамида пудаш.
- Д. Жилвир тош, сидиргич, кескич, парма.
- Е. Ҳамма жавоб тұғри.

**85. Материалда диаметри 30 мм дан катта тешиклар нечта парма ёрдамида пармаланади?**

- А. Битта.

- В. Иккита.
- С. Учта.
- Д. Түртта.
- Е. Бешта.

**86. 3 мм гача қалинликдаги пўлатдан тайёрланган ясси деталларда 3,5 мм гача диаметрли тешиклар ва 5 мм гача қалинликдаги рангли металлардан тайёрланган деталларда 3,5 мм гача диаметрли тешиклар ҳосил қилишда қандай усуллардан фойдаланилади?**

- А. Кондуктор бўйича пармалаш; дастлаб кернлаб олиб, сўнг пармалаш; штампларда тешик ҳосил қилиш.
- Б. 3,5 мм ли парма ёрдамида пармалаш.
- С. Пайвандлаш.
- Д. 3,5 мм дан кичик диаметрда тешик ҳосил қилиш нинг имконияти йўқ.
- Е. Махсус дастгоҳлардан фойдаланилади.

**87. Ташқи резьбалар қандай асбоблар ёрдамида ҳосил қилиш мумкин?**

- А. Плашкалар ва резьба кесувчи кескичлар.
- Б. Метчиклар ва резьба кесувчи каллаклар.
- С. Кескичлар, тароқлар, плашкалар, резьба кесувчи каллаклар, дискли ва гуруҳли фрезалар, жилвир тош, думаловчи асбоблар.
- Д. Кескичлар, тароқлар, плашкалар, метчиклар, резьба кесувчи каллаклар, дискли ва гуруҳли фрезалар, жилвир тош.
- Е. Барча жавоблар тўғри.

**88. Плашка ёрдамида резьба кесишнинг қандай камчилиги мавжуд?**

- А. Унумдорлик паст бўлади.
- Б. Металл сарфи катта бўлади.
- С. Камчилиги йўқ.
- Д. Аниқлик паст бўлади.
- Е. Резьбани кесиб бўлингандан кейин плашкани орқага бураб олиш ҳисобига унумдорлик паст бўлади.

**89. Резьбаларни фрезалашнинг қандай усуллари мавжуд?**

- А. Тўғри фрезалаш.
- В. Тескари фрезалаш.
- С. Дискли фрезалар ва фрезалар гуруҳи ёрдамида.
- Д. Плашкалар ва метчиклар ёрдамида.
- Е. Кескичлар ёрдамида.

**90. Катта қадамли ва йирик профилли резьбаларни фрезалаш усули ёрдамида кесишда қандай кесувчи асбобдан фойдаланилади?**

- А. Дискли фреза.
- В. Фрезалар гуруҳи.
- С. Плашкалар.
- Д. Кескичлар.
- Е. В ва С жавоблар тўғри.

**91. Ишлаб чиқаришнинг қандай турида цилиндрик, шлициали бошқа шаклдаги тешикларга сидириш қўлланилади?**

- А. Оммавий, йирик серияли, ўрта серияли.
- В. Якка тартибли.
- С. Кичик серияли.
- Д. Серияли.
- Е. Барча жавоблар тўғри.

**92. Ички жилвирлаш дастгоҳларида тешиклар қандай усулларда жилвирланади?**

- А. Патронга маҳкамланган ҳолда детални айлантириб жилвирлаш.
- В. Шпинделнинг планетар ҳаракатига эга бўлган дастгоҳда деталнинг қўзғалмас холатида жилвирлаш.
- С. Деталь маҳкамланмаган ва айланниб турган ҳолатида жилвирлаш.
- Д. А, В ва С жавоблар тўғри.
- Е. Тўғри жавоб тўлиқ берилмаган.

**93. Айланма жисм шаклига эга бўлган деталлар қандай синфларга бўлиш мумкин?**

- А. Учта синфга.
- В. Валлар.
- С. Втулкалар.
- Д. Дисклар.
- Е. В, С ва Д жавоблар тўғри.

**94. Бронзадан тайёрланган деталларни йўнишда кесиш тезлиги қанча бўлади?**

- А. 100 м/мин.
- Б. 200 м/мин.
- С. 300 м/мин.
- Д. 200-300 м/мин.
- Е. 300 м/минутдан юқори.

**95. Кескичлар ёрдамида ички резьбаларни кесиш мумкинми?**

- А. Мумкин эмас.
- В. Мумкин.
- С. Фақат қадами 2 мм дан кам бўлмаган резьбаларни кесиш мумкин.
- Д. Фақат андозалаш усулида кесиш мумкин.
- Е. Диаметри 30 мм дан кам бўлмаган резьбаларни кесиш мумкин.

**96. Ясси сиртларга ишлов берининг қандай усуллари мавжуд?**

- А. Токарлик ва фрезалаш.
- В. Рандалаш ва ўйиш.
- С. Рандалаш, фрезалаш, сидириш, жилвирлаш.
- Д. Рандалаш, фрезалаш, сидириш, токарлик.
- Е. Фрезалаш, сидириш, жилвирлаш.

## АДАБИЁТЛАР

1. Колесов И.М. Основы технологии машиностроения, М., «Высшая школа», 1999 г., 590 с.
2. Бурцев и др Технология машиностроения, в 2-х томах, М., МГТУ им. Н.Э.Баумана, 1998 г., 563 с.
3. Маталин А.А. Технология машиностроения, Л., «Машиностроение», 1985 г., 512 с.
4. Перегудов Л.В. ва бошқ. Автоматлашган корхона станоклари. Т. «Ўзбекистон», 1999 й. 4876.
5. Справочник технолога машиностроителя, в 2-х томах, М, «Машинастроение», 1985 г.
6. Ковшов А.Н. Технология машиностроения, Л., «Машиностроение», 1986 г., 486 с.
7. Егоров М.Е. и др. Технология машиностроения, М., «Высшая школа», 1976 г., 534 с
8. Кован В.М., Корсаков В.С Основы технологии машиностроения, М., «Машиностроение», 1985 г., 568 с.
9. Гусев А.А., Ковальчук и др., Технология машиностроения (Спец. часть), М., «Машиностроение», 1986 г., 466 с.
10. Аверченков В.И. и др Сборник задач и упражнения по технологии машиностроения, М., «Машинаstroение», 1988 г.
11. Гельфгат Ю.И. Сборник задач и упражнений по технологии машиностроения, М., «Высшая школа», 1986 г.
12. Данилевский В.В., Ю.И. Гельфгат Ю.И. Лабораторные работы и практические занятия по технологии машиностроения, М., «Высшая школа», 1988 г.
13. Горошкин А.К. Приспособления для металлорежущих станков, справочник, М , «Машиностроение», 1979 г
14. Горбацевич А.Б. Курсовое проектирование по технологии машиностроения, Минск, «Вышэйшая школа», 1983 г., 256 с.

## МУНДАРИЖА

Сұз боши .....	3
Кириш .....	6
<b>I ҚИСМ. МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ</b>	
I боб. Машиналарни ишлаб чиқариш .....	10
1.1. Машина ишлаб чиқариш объекті .....	10
1.2. Ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан тайёрлаш .....	14
1.3 Ишлаб чиқариш турларининг технологик тавсифи .....	18
II боб. Механик ишлов бериш хатоликлари ва уларни ҳисоблаш усуллари .....	22
2.1 Машинасозликда аниқлик ва унга ершиш үсуллари .....	22
2.2. Ишлов беришда систематик хатоликлар .....	25
2.3. Ишлов беришнинг тасодиғий хатоликлари .....	39
2.4 Заготовкалар улчамларининг умумий ёйилишининг ташкил этүвчилари .....	50
III боб. Технологик тизимнинг ишлов бериш аниқтілігінің унумдорлығы таъсири .....	64
3.1 Ишлов бериш хатолигининг ҳосил бўлишига технологик тизимнинг бикирлиги ва мойилларининг таъсири .....	64
3.2. Кўп асбобли ва кўп шпинделли ишлов бериш хатоликлари ..	76
IV боб Технологик ўлчамларни ҳисоблаш .....	79
4.1 Ўлчам занжирларининг турлари ва уларни ҳисоблаш усуллари .....	79
4.2. Тўла ўзаро алмашинувчанлик үсули .....	82
4.3. Тўлиқсиз ўзаро алмашинувчанлик үсули .....	89
V боб. Машинасозликда базалаш ва базалар .....	95
5.1. Базалар ва таянч нуқталар .....	95
5.2. Технологик базаларни танлаш .....	105
VI боб. Механик ишлов беришда қўйимлар .....	114
6.1. Ишлов бериш учун қолдирилган қўйимларнинг таснифланиши .....	114
6.2. Механик ишлов бериш учун қўйимларни ҳисоблаш .....	117
VII боб. Технологик жараёнларнинг унумдорлығы ва тежамлилиги ..	121
7.1. Ишлов беришнинг унумдорлығы ва таннахти .....	121
7.2. Техник меъёрлаш асослари .....	128
VIII боб. Технологик жараёнлар варианtlарининг тежамлилигини ҳисоблаш үсуллари .....	134

8.1. Бухгалтер усули .....	134
8.2 Элемент усули .....	136
8.3. Технологик жараён вариантынинг иқтисодий самарадорлигини көлтирилган харажаттар бўйича баҳолаш .....	138
<b>II ҚИСМ. МАШИНА ДЕТАЛЛАРИНИНГ СИРТЛАРИГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИ</b>	
IX боб. Заготовкаларга дастлабки ишлов бериш .....	141
9.1. Заготовкаларни тўғрилаш .....	141
9.2. Чивикларни йўниш .....	143
9.3. Чивик, вал, труба ва листларни қирқиш .....	144
9.4. Марказлаштириш .....	145
X боб. Деталлар (айланма жисмлар)нинг ташқи цилиндрическимон сиртларига ишлов бериш .....	149
10.1. Айланма жисмларга ишлов бериш .....	149
10.2. Ташқи цилиндрик сиртларни пардозлашнинг турлари ва усуллари .....	154
XI боб. Деталларнинг ички цилиндрическимон сиртларига ишлов бериш .....	162
11.1. Тифли асбоблар ёрдамида тешикларга ишлов бериш .....	162
11.2 Абразив асбоблар ёрдамида тешикларга ишлов бериш .....	167
XII боб. Деталларнинг резьбали сиртларига ишлов бериш .....	172
12.1. Резьбаларнинг турлари ва резьба ҳосил құлувчи асбоблар .....	172
12.2. Резьбаларни кескичлар ва тароқтар ёрдамида кесиш .....	172
12.3. Күп кирикли резьбаларни кесиш .....	174
12.4. Плашка ёрдамида резьба кесиш .....	175
12.5. Резьбаларни фрезалаш .....	175
12.6. Метчиклар ёрдамида ички резьбаларни кесиш .....	178
12.7. Резьбаларни жилвираш .....	179
12.8. Думалатиб резьба ўйиш .....	180
12.9. Резьбаларни назоратдан ўтказиш усуллари .....	182
XIII боб. Деталларнинг ясси сиртларига ишлов бериш .....	183
13.1. Деталларнинг ясси сиртларига тифли асбобларда ишлов бериш .....	183
13.2. Деталларнинг ясси сиртларига якуний ишлов бериш .....	190
XIV боб. Шаклдор сиртларга ишлов бериш .....	194
14.1. Шаклдор сиртларга йўниш ва пармалаш орқали ишлов бериш .....	194
14.2. Шаклдор сиртларга фрезалаш, рандалаш ва сидириш усуллари билан ишлов бериш .....	196
14.3. Шаклдор сиртларга жилвираш усулида ишлов бериш ....	198
14.4. Дастур билан бошқариладиган дастгоҳларда шаклдор сиртларга ишлов бериш .....	199

XV боб. Тишли сиртларга ишлов бериш . . . . .	201
15.1. Дискли ва бармоқли фрезаларда нусха күчириш усулида тишли гилдиракларда цилиндрик тишларни кесиш . . . . .	201
15.2. Тишли гилдираклардаги тишларни думалатиб ўйиш . . . . .	203
15.3. Цилиндрик тишли гилдиракларни тиш йўниш усулида кесиш . . . . .	206
15.4. Червякларга ишлов бериш . . . . .	207
15.5. Тишли гилдирак тишларини сидириш . . . . .	208
15.6. Конуссимони гилдиракларда тишларни кесиш . . . . .	209
15.7. Тишли гилдиракларнинг тишларини думалоқлаш . . . . .	211
15.8. Тишли гилдиракларнинг тишларни думалатиб ўйиш . . . . .	211
15.9. Тишли гилдирак тишларини тоза пардозлаш усуллари . . . . .	213
XVI боб. Деталларнинг шпонка ариқчаларига ва шлицали сиртларига ишлов бериш . . . . .	216
16.1. Шпонка ариқчаларига ишлов бериш . . . . .	216
16.2. Шлицали сиртларга ишлов бериш . . . . .	219
XVII боб. Деталларнинг ташқи, ички ва резьбали сиртларига комплекс ишлов бериш . . . . .	230
17.1. Токарлик револьверли дастгоҳларида детал сиртларига комплекс ишлов беришнинг технологик жараёнлари ....	230
17.2. Токарлик ярим автоматларда детал сиртларига комплекс ишлов беришнинг технологик жараёнлари ....	233
17.3. Токарлик автоматларда детал сиртларига комплекс ишлов беришнинг технологик жараёнлари .....	234
<b>III ҚИСМ МАШИНАЛАРНИНГ ТУРДОШ ДЕТАЛЛАРИГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШНИНГ КОМПЛЕКС ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ</b>	
XVIII боб Шпинделларга механик ишлов бериш технологик жараёнлари . . . . .	241
18.1. Шпинделларнинг хизмат вазифаси ва уларга қўйиладиган техник талаблар . . . . .	241
18.2. Шпинделларга ишлов бериш . . . . .	242
XIX боб. Тирсакли валларга механик ишлов бериш технологик жараёнлари . . . . .	247
19.1. Тирсакли валларнинг заготовкаларини олиш усуллари . . . . .	247
19.2. Тирсакли валларга механик ишлов бериш . . . . .	248
19.3. Тирсакли валларнинг бўйинларига ишлов бериш . . . . .	249
19.4. Тирсакли вал тешикларига ва шпонка ариқчаларига ишлов бериш . . . . .	252
19.5. Тирсакли валларни назоратдан ўтказиш . . . . .	252
XX боб Дастгоҳлар станиналарига ва корпусли деталларга механик ишлов бериш технологик жараёнлари . . . . .	254
20.1. Станиналарга ишлов бериш . . . . .	254

20.2. Корпусли деталларга ишлов бериш .....	261
<b>XXI боб Шатун ва поршенларга механик ишлов бериш технологик жараёнлари .....</b>	<b>267</b>
21.1. Шатунларга ишлов бериш .....	267
21.2. Поршенларга ишлов бериш .....	273
<b>XXII боб. Тишли фидирлакларга механик ишлов бериш технологик жараёнлари .....</b>	<b>278</b>
22.1. Тишли фидирлакларнинг заготовкалари ва материали ..	279
22.2. Тишли фидирлакларни тайёрлашнинг техник шарти ..	279
22.3. Тишли фидирлакка ишлов беришнинг технологик усуллари .....	280
22.4. Тишли фидирлакларнинг заготовкаларига тиш кесилгунга қадар ишлов бериш .....	281
<b>XXIII боб Сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларда хомакиларга ишлов бериш технологик жараёнлари .....</b>	<b>286</b>
23.1. Дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг қўлланилиши ва технологик имкониятлари .....	286
23.2. СДБ токарлик дастгоҳларининг технологик имкониятлари .....	289
23.3. СДБ фрезерлик дастгоҳларининг технологик имкониятлари .....	290
23.4. Марказда ишлов берувчи дастгоҳларнинг технологик имкониятлари .....	292
23.5. СДБ дастгоҳларида заготовкаларга ишлов беришнинг технологик тайёргарлиги .....	294
<b>XXIV боб. Механик ишлов бериш технологик жараенларини автоматлаштириш .....</b>	<b>297</b>
24.1. Механик ишлов бериш технологик жараёнларини автоматлаштиришнинг моҳияти .....	297
24.2. Автоматик линия ва уларнинг турлари .....	298
24.3. Автоматик линия таркибига кирувчи дастгоҳлар ва курилмалар .....	299
24.4. Автоматик линияда ўринлар .....	300
24.5. Автоматик линияда керак бўладиган дастгоҳлар сонини ва тактни аниқлаш .....	302
<b>XXV боб. Деталларга ишлов беришнинг замонавий усуллари ..</b>	<b>305</b>
25.1. Деталларга лазер нури ёрдамида ишлов беришнинг моҳияти .....	305
25.2. Лазер нури ёрдамида материалларга ишлов бериш .....	306
25.3. Деталларга ишлов беришнинг электрофизик ва электрокимёвий усуллари .....	310

## IV ҚИСМ. МАШИНАЛАРНИ ЙИФИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

XXVI боб. Йиғиш жараёнларининг тавсифи, асосий тушунча ва қоидалари .....	313
26.1. Машиналарни тайёрлаш жараёнида йиғишнинг аҳамияти .....	313
26.2. Йиғиш турларининг таснифи .....	314
26.3. Йиғишнинг ташкилий шакллари .....	315
26.4. Оқим бўйича йиғиш .....	316
XXVII боб. Йиғиш жараёнларининг ўлчамли ҳисоблари .....	320
27.1. Йиғишида ўлчам занжирларини ҳисоблаш .....	320
27.2. Гурухли ўзаро алмашинувчаник усули (селектив йиғиш) .....	321
27.3. Келтириш ва ростлаш усули .....	323
27.4. Ўлчам занжирларини ҳисоблашнинг мақбул усулларини аниқлаш .....	326
XXVIII боб. Йиғишнинг технологик жараёнларини лойихалаш .....	327
28.1. Йиғишнинг технологик жараёни тузилиши ва мазмуни ...	327
28.2. Йиғиш операцияларининг кетма-кетлигини ва мазмунини танлаш, йиғиш схемасини тузиш .....	328
28.3. Йиғиш операцияларининг вақт меъёрини аниқлаш .....	329
28.4. Йиғиш жараёнининг технологик ҳужжатлари .....	332
28.5. Йиғилган қисмларни ва машинани техник назоратдан ўтказиш ва синаш .....	333
XXIX боб. Йиғиш жараёнларини автоматлаштириш .....	337
29.1. Йиғиш ишларини автоматлаштиришнинг моҳияти ва автоматлаштиришда кўриладиган асосий масалалар .....	337
29.2. Автоматик йиғишнинг технологик жараёнини ишлаб чиқиш .....	341
29.3. Подшипникли ва тишли илашишли йиғма бирликларни ЙИҒИШ .....	346
Адабиетлар .....	375

*Абдуаз Йүлдошевич Омиров, Абдул-малик Хамидович Каюмов*

**МАШИНОСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланмаси

Масъул муҳаррир *Ў. Мўминов*

Муҳаррирлар *С. Нарзиев, М. Саъдуллаев*

Бадиий муҳаррир *Ж. Тўраев*

Техн. муҳаррир *Т. Харитонова*

Компьютерда саҳифаловчи *Л. Абкеримова*

Босишга рухсат этилди 10.06.2003 й. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет қогози  
Таймс гарнитура. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 20,16.  
Нашр. т 17,60. Нусхаси 2000. Буюртма № 98.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Нашр. № 94-2003.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент  
китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. 700194, Юнусобод даҳаси,  
Муродов кўчаси, 1-уй.

**Омиров А.Й., Қаюмов А.Х.** Машиносозлик тех-  
О 65 нологияси: Олий ўқув юртларининг машинасозлик  
йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалари учун  
ўқув қўлланма. Т.: «Ўзбекистон», 2003.—384 б.

ISBN 5-640-03175-1

ББК 34.5 я73

О 2701000000 - 65 2003  
M351(04)2003

«УЗБЕКИСТОН»